



ИКТИСОДИЁТ ИЖТИМОЙ ФАДЛИЯТ  
МАННАВИЯТ ХАЛҚАРО МАФКУРА МУНОСАБАТЛАР  
СИЁСИЙ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА  
ХУҚУҚИЙ СОҲАГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

ИШ ЮРИТИШ  
ЛИДЕР  
МАДАНИЯТ  
СПОРТ  
ТАЪЛИМ

# ЁШ РАҲБАР


ЭНЦИКЛОПЕДИК

САЛОМАТЛИК  
ЭКОЛОГИЯ

ЛУГАТИ

АҲБОРОТ-  
КОММУНИКАЦИЯ

МАТБУОТ  
ЧИЛМ-ФАН



16+

1150 2020



ИКТИСОДИЁТ ИЖТИМОЙИ  
ФАОЛИЯТ ҲАЛҚАРО  
МĀННАВИЯТ ҲАЛҚАРО  
МАФКУРА МУНОСАБАТЛАР

СИЁСИЙ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА  
ҲУҚУКИЙ СОҲАГА  
ОИД ТУШУНЧАЛАР


ИШ ЮРГИНИ  
ЛИДЕР  
МАДАНИЯТ  
СПОРТ  
ТАЪЛИМ

# ЁШ РАҲБАР

ЭНЦИКЛОПЕДИК  
САЛОМАТЛИК  
ЭКОЛОГИЯ  
ЛУГАТИ

ИЛМ-ФАН  
МАТБУОТ

АҲБОРОТ-  
КОММУНИКАЦИЯ



2-нашр

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2018

1-280-70-3800-870 ИПЗ

УЎК: 65.012.4(031)

КБК 65.050.2я2

Р 99

**Фоя муаллифи ва тузувчи**  
Ахтам Рўзимуротов

Р 99 «Ёш раҳбар» энциклопедик лугати. (2-нашр). [Мати]: лугат / Тузувчи А.Рўзимуротов. – Т.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2018. – 256 б.


ISBN 978-9943-07-685-3

Ҳар бир ёші келажақда замонавий раҳбар бўлишни орзу қиласди. Ҷунга эса ёшлиқда тўплантган билим, кўникма ва тажриба эвазига эришилади. Ўзининг билими, иктидори ва зукколиги билан инсоният тараққиётига улкан хисса қўшган ҳамда тарих зарваракларига кирган буюк раҳбарлар хақида китобларда кўп ўқиганимиз.

Бугунги глобаллашув жараёни, янгиланиш ва ўзгаришларга бой даврда «универсал» раҳбарларга талаб ошмоқда. Универсалликда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича маълумот ва ахборотга эга бўлиш муҳим жиҳатидир. Ушбу энциклопедик тўпламга ёпи раҳбарлар фаолияти давомида дуч келиши мумкин бўлган барча соҳаларга оид энг фаол тушунчалар жамланган. Тўпламини тайёрлашда ишончли манбалар – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Ўзбек тилининг изоҳи лугати», «Ислом энциклопедияси»дан фойдаланилган.

УЎК: 65.012.4(031)

КБК 65.050.2я2



ISBN 978-9943-07-685-3

© «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»  
Давлат илмий нашриёти, 2018.

## ҚИСҚАРТМАЛАР

а. – аср.	м. – метр
авг. – август	мас. – масалан
акад. – академик	МДҲ – Мустакил Давлатлар
араб. – арабча (этимологик маълумотларда)	Хамдўстлиги
АҚШ Америка Кўшма Штатлари	мил. – милодий
бал. – баланд	мил. ав. – милюддан аввалги
БА – Бадиий академия(си)	мин. – минут
БМТ – Бирлашган Миллалар Ташкилоти	пед. – педагогика
б-н – билан	проф. – профессор
ва б. – ва бошқа(лар)	рус. – русча
ва ш.к. – ва шу каби(лар)	сек. – секунд
ва ҳ.к. – ва ҳоказо(лар)	тахм. – тахминан, тахминий
газ. – газета	уз. – узунлиги
ГФР – Германия Федератив Республикаси	ун-т – университет
д-р – доктори	ФА – Фанлар академия(си)
жап. – жануби(й)	форс. – форсча (этимологик маълумотларда)
жур. – журнал	франц. – французча
и. т. – илмий тадқиқот	ф-т – факультет
ингл. – инглизча (этимологик маълумотларда)	шим. – шимол, шимолий
ин-т – институт	юон. – юонча (этимологик маълумотларда)
й. – йил(и) (ракамлар билан ёпма-ён келганда)	қ. – қаранг'
лот. – латинча (этимологик маълумотларда)	қад. – қадимги, қадимий

# **ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР**

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ, БМТ** – Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш максадида ташкил этилган халқаро ташкилот. 1944 й. Думбартон-Оксда бўлиб ўтган конференцияда, собиқ Иттифоқ, АҚШ, Буюк Британия ва Хитой вакиллари томонидан ишлаб чиқилган БМТ Устави Сан-Франциско таъсис конференцияси (1945)нинг қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан 1945 й. 26 июнда имзоланиб, 1945 й. 25 октябрда кучга кирган. 2014 й. 1 январда БМТ таркибида 193 давлат бўлган (жумладан, Ўзбекистон Республикаси). БМТнинг асосий органлари: БМТ Бош Ассамблеяси, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашда араб тили ҳам расмий тил хисобланади. БМТ халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳукукли бўлиши ва ўз тақдирини ўзи белгилашни қоидасига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришни, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни хал этишда халқлар ўртасида ҳамкорлик бўлишини таъминланни кўзда тутиб, шу умумий мақсадларга эришишида миллатлар ҳараратини уйғунлаштириб турадиган марказ ҳисобланади. 2000 й. 6–8 сентябрда БМТнинг 55-сессияси доирасида «Минг йиллик саммити» бўлиб ўтди. Унда 155 тадан ортиқ мамлакатнинг давлат ва хукумат бошликлари иштирок этди. Мазкур анжумандада умумбашарий ахамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий, экология ва хавфсизликка доир муаммолар мухокама килиниб, янги юз йилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилиши

мўлжалланаётган тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси 1992 й. 2 марта БМТга аъзо бўлди. 1993 й. 24 августда БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси очилди.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОШ АССАМБЛЕЯСИ** – БМТнинг асосий органларидан бири. БМТга аъзо хамма давлатлар ўз вакилларига эга бўлган ягона орган. Мазкур вакиллар кўни б-н 5 делегат ва яна шунча делегат ўринбосари ҳамда зарур миқдордаги маслаҳатчи ва экспертлардан ташкил топади. БМТ Бош Ассамблеяси БМТ Устави доирасидаги ёки унинг ҳар қандай органи ваколат ҳамда вазифаларига доир ҳар қандай масала ёхуд ишни, бирон-бир давлат ёки Хавфсизлик Кенгаши ўртага кўйган масалаларни муҳокама қилиши, шунингдек, БМТ аъзолари ва (ёки) Хавфсизлик Кенгашига оид тавсияларни бериш ваколатига эга. 7 та бош кўмитаси ва 2 та доимий кўмитаси бор. Махсус кўмита ва комиссиялар (мас., Космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиш кўмитаси, Халқаро ҳуқуқ комиссияси ва б.) таъсис этиш ҳам кўлланилади. БМТ Бош Ассамблеясининг муҳтор халқаро ташкилотлар ҳукукига эга бўлган маҳсус органлари мавжуд. Мас., Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ). БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиялари ҳар йили чакирилиб турали (одатда, сентябрь ойининг 3-сесанбасида очилади), зарурат пайдо бўлса, фавқулодда ва маҳсус сессиялари ўтказилади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ** – БМТнинг асосий, доимий ишловчи органи. БМТ Уставига биноан Халқаро тинчлик ва хавфсизликни саклаб туриш учун асосий жавобгарлик БМТ Хавфсизлик Кенгаши зиммасига юклатилган. 15 аъзодан иборат: 5 таси доимий (Хитой, Франция, Россия, Буюк Британия ва АҚШ), 10 таси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2 й.га сайланади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши карорлари бир овоздан кувватлаш принципи асосида қабул килинади ва БМТнинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ, ЕИ** – ўзида халқаро ташкилот ва федератив давлат хусусиятларини мужассамлаштирган давлатлараро уюшма. Дастреб Европа ҳамжамияти («Умумий бозор») номи б-н аталган. 1992 й.ги Маастрихт (Нидерландия) шартномасига мувофиқ, 12 мамлакатни бирлаштирган Европа ҳамжамияти неғизида 1993 й.да тузилган. ЕИнинг мақсадлари: Европа халқларининг мустаҳкам иттифокини вужудга келтириш, ички чегаралари бўлмаган макон яратиш, иқтисодий ва ижтимоий ўзаро таъсирни кучайтириш йўли б-н мувофиқлаштирилган узок мулдатли иқтисодий тараққиётга ёрдам бериш; иқтисодий ва валюта иттифокини ташкил килиш ва ягона валюта яратиш (бу мақсадга 2002 й. январда ошишилди); биргаликда ташкил сиёсат олиб бориш ва хавфсизлик борасида сиёсат юритиш, келгусида эса биргаликда му-

дофаа сиёсатини ҳам олиб бориш йўли б-н халқаро соҳада ўзига хос бир хилликни карор топтириш; адлия ва ички ишлар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш; умумий бойликни сақлаб қолиш ва кўпайтириш. ЕИ органлари: Европа машварати, Европа парламенти, Европа Иттифоки Кенгаши, Европа комиссияси, Европа суди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувида ЕИ б-н ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Ташкилот ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатади. 1999 й. 1 июнда Ўзбекистон б-н ЕИ ўргасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ратификация қилинди. Бу битим сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданий-маърифий алокалар ривожи учун имконият тутдирди. Жумладан, томонлар ўзаро *савдо* бир-бирларига энг қулай шароит яратадилар, бир-бирларига тегинсли *товарларни ўз худудлари орқали эрkin транзит килишни таъминлайдилар.*

**ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИ-ЁТ БАНКИ, ЕТТБ** – Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек, МДХга аъзо мамлакатларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи халқаро банк. 1990 й.да 42 аъзо мамлакат ҳукуматлари томонидан ташкил этилган. 1991 й.дан фаолият олиб боради. Штаб-квартираси Лондонда. Банк бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бўлган мамлакатларда амалга оширилаётган ислоҳотларга молиявий ёрдам

кўрсатади ва уларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тезроқ қўшилишига кўмаклашади. Ўзбекистон 1992 й. бошида ЕТТБга аъзо бўлди ва шу йили Тошкент шаҳрида унинг ваколатхонаси очилди. 1993 й.дан Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга оширишда иштирок эта бошлади. **ЕВРОПА ҲАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ, ЕХХТ** – давлатлар ўргасида ҳавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашта қаратилган ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи ва уларнинг ривожланиш тамойилларини белгилаб берувчи, шунингдек, ижтимоий-сиёсий жараёнларни демократлаштиришга кўмаклашувчи халқаро ташкилот. Дастилб Умумевропа кенгаши (АҚШ ва Канада иштирокида) сифатида фаолият кўрсатиб Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш номи б-н аталган (1973–91 й.лар). Кенгашнинг Мадрид конференцияси (1991 й. апрель)да ЕХХТ Парламент ассамблеясини ташкил этишга қарор қилинди (1991 й. июнда таъсис этилган). Европада юз берган жараёнлар, «совук уруш»нинг тугаши натижасида вужудга келган ўзгаришлар кенгашнинг ташкилот сифатида тўлиқ шаклланишига олиб келди. ЕХХТ кароргоҳи – Вена шаҳрида. Ўзбекистон 1992 й. 30 январда ЕХХТга қабул қилинди. Бу б-н Ўзбекистоннинг Европа давлатлари, шунингдек, АҚШ, Канада б-н ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига янги йўл очилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ЕХХТнинг Лиссабон

саммитида (1996 й. декабрь) мажаролар юз бериб турган ҳудудларга яширинча қурол-яроғ етказиб беришни тұхтатиши, Истанбул саммитида (1999 й. ноябрь) терроризмга карши кураш бүйича халқаро марказ түзіш хақыда таклиф б-н чиқди. Ўзбекистон ЕХХТ раҳнамолигидаги күллаб анжуманларга мезбонлик килиб келади. Тошкентде ЕХХТнинг Марказий Осиё давлатлари б-н алоқалар бүйича бюроси иш олиб боради.

**ЖАҲОН БАНКИ** – халқаро молия ин-ти; ривожланаёттан мамлакатларга сармоялар киритиш, кредиттар тақдим этиш б-н шұғулланади. Таркибиға БМТнинг ихтисослашған муассасаси макомига ега бўлған З та мустакил халқаро молия ин-ти (Халқаро тикланиш ва таракқиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро таракқиёт ассоциацияси) киради.

**ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛҚ ТАШКИЛОТИ, ЖИМТ** – халқаро хукуматлараро ташкилот, БМТнинг ихтисослашған муассасаси (1974 й.дан). Саноат мулкини муҳофаза қилиш Париж уюшмасига аъзо давлатлар, Адабиёт ва санъат асарларини муҳофаза қилиш Берн уюшмаси ва бошқа айрим ихтисослашған уюшмаларнинг дипломатик конференцияси (Стокгольм, 1967)да қабул қилингандыктаңызға мувофиқ тузилған. Ташкилотнинг мақсади давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлығы орқали интеллектуал мулкни муҳофаза қилишга кўмаклашиш, юқоридаги уюшмаларнинг самарали фаолият олиб бори-

шини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси 1991 й. 25 декабрдан ушбу ташкилотта аъзо бўлган. Ташкилотнинг олий органи – Бош ассамблея; маъмурий органи – Халқаро бюро. Қароргоҳи Женева шаҳрида.

**ЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ, ЖМТ** – халқаро ташкилот, метеорологик тадқиқотлар ва кузагишлар бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш ҳамда миллий метеорологик ва гидрометеорологик хизматлар ишини мувофиқлайтириш ишларини олиб боради. 1947 й. сентябрда БМТ хузурида ташкил этилган. ЖМТ тузилишига кадар бу ишларни 1871 й.да ташкил этилган Халқаро метеорология ташкилоти олиб борган. Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотта 1992 й. 23 декабря аъзоликка қабул килинган. Ташкилотнинг доимий ишлайдиган органи – котибият Женева (Швейцария)да жойлашған.

**ЖАҲОН ПОЧТА ИТТИФОКИ** – халқаро давлатлараро ташкилот; БМТнинг ихтисослашған муассасаси (1947 й.дан). I Халқаро почта конгрессида ташкил этилган (1875). 1878 й.гача Умумий почта иттифоки деб аталган. Вазифаси почта хизматини яхшилаш, шу соҳада ҳамкорликни таракқий эттириш, ривожланаёттан мамлакатларда почта хизматини ташкил этиш ва такомиллаштиришда техника ёрдами кўрсатишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси 1994 й.дан мазкур ташкилотга аъзо. Жаҳон

почта иттифоқи идораси Берн шаҳрида жойлашган.

**ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ** – жаҳон мамлакатларининг ўзаро савдо ҳамда савдо сиёсати режимини бошқарувчи халқаро ташкилот. Халқаро савдода ташкилотга аъзо ва иштирокчи мамлакатлар учун мажбурий бўлган тамойиллар ва қоидалар белгиланган ҳукуматлараро кўп томонлама шартномалар асосида фаолият олиб боради. 1995 й.да 1948–94 й.ларда иш олиб борган *Tарифлар* ва савдо бўйича Бош келишув (ГАТТ) негизида ташкил қилинган. БМТ тизимиға киради. Идораси Женева шаҳри (Швейцария)да жойлашган. Ташкилот жаҳон савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш йўли б-н давлатлар савдо сиёсатига таъсир кўрсатиш, савдо муносабатларини эркинлаштирадиган ва қатъий тартиб-қоидага соладиган музокаралар учун йигилишлар ўтказиш, давлатлараро савдода юзага келадиган низоларни халқилиш ва бошқа вазифаларни бажаради.

**ЖАҲОН СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ.** ЖССТ – халқаро ҳукуматлараро ташкилот, БМТнинг ихтисослашган муассасаси. 1946 й.да тузилган. Вазифаси: ўта хавфли касалликларга қарши курашишни, халқаро санитария қоидаларини ишлаб чиқиш, ташки мухит санитария ҳолатини яхшилаш ва ҳ.к. Ташкилот ўз олдига ҳамма халкларнинг иложи борича соғ-саломат бўлишига эришишни мақсад қилиб қўйган. Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти касалликларга қарши

кураш олиб боради, уларни тугатиш тадбирларини кўради, атроф-муҳит муҳофазаси, юқумли ва юқумсиз (сил, венерик ва паразитар касалликлар, юрак-томир касалликлари, хавфли ўсмалар ва б.) га қарши кураш учун халқаро стандартлар белгилаш, дори моддалар сифати ва қўшимча таъсири, ҳамда наркотик моддалар устидан халқаро назорат ўрнатиш, тибиёт фанининг энг муҳим масалалари (токсикология, фармакология, атроф-муҳит гигиенаси ва б.) бўйича, ҳамда соғлиқни саклаш соҳасидаги тадқиқотларни координациялаш ва уларни ўтказишга кўмаклашиш вазифасини ўз олдига қўйган. Қароргоҳи Женева шаҳри (Швейцария) да. 2014 й. 1 январда 194 давлат ташкилот аъзоси бўлган. Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон соғлиқни саклаш вазирлиги биносида фаолият кўрсатади (1995 й.дан).

**ИНТЕРПОЛ.** Interpol – халқаро жиноят полиция ташкилотининг барча тиллар учун кискартирилган умумий номи. 1923 й. Вена шаҳри (Австрия)да асос солинган. Ҳозирги номи манзилни қиска қилиб ифодалаш тарзида 1947 й.да пайдо бўлган. 1949 й. БМТ унга расмий рашнида халқаро ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот макомини берди. И.нинг амалдаги устави 1956 й.да кучга кирган. У жиноятчиларни рўйхатга олиш халқаро маркази сифатида иш кўради, шунингдек, жиноятчиларни (жиноятларда гумон қилинувчилар, бедарак йўқолганлар,

ўтирганган бойликлар) халқаро миқёсда кидириш ишларини мувофиқлаширади. Ўзбекистон Республикаси И.га 1994 й.да аъзо бўлган бўлиб, Ички ишлар вазирлиги таркибида ташкилотнинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий марказий бюроси тузилган. И.нинг олий органлари: Бош ассамблея, Ижроия қўмитаси ва Бош котибият хисобланади. Ташкилотнинг доимий қароргоҳи Франция қилиб белгиланган.

**ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ, ИКТ** – хукуматлараро халқаро ташкилот. Ислом мамлакатлари давлат ва хукумат бошликларининг 1-конференциясида (1969 й., Работ шахри, Марокаш) асос солицган. Ислом давлатлари ташки ишлар вазирларининг 3-конференциясида (1973 й., Жидда шахри, Саудия Арабистони) таъсис этилиб, устави қабул қилинган. Ҳозир ИКТ диний муштараклик асосида жами 55 давлатни, жумладан, мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатларини, шунингдек, Фаластин озодлик ташкилоти (ФОТ)ни бирлаштиради. Унинг мақсади аъзо давлатлар ўртасида ислом бирдамлигини рағбатлантириш, иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ирқий камситишини, барча шаклдаги мустамлакачиликни тугатишга ҳаракат килиш, тинчлик ва хавфсизликни саклаш учун тадбирлар белгилаш, Фаластин араб халқининг ўз хуқуқларини тиклаш ва унинг срларини озод қилиш учун курашини кўллаб-кув-

ватлаш кабилардан иборат. Ташкилот кароргоҳи Жидда шахрида жойлашган. Ташкилот хузурида Ислом тараккиёт банки, Фан ва техника соҳасида ҳамкорлик бўйича доимий қўмита фаолият кўрсатади. 1975 й.дан Ташкилотга БМТ хузурида кузатувчи мақоми белгиланган. Ўзбекистон Республикаси 1996 й.дан Ислом конференцияси ташкилотига тўлиқ аъзо бўлиб кирган.

**ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚКИЁТ ТАШКИЛОТИ** – Европадаги давлатлар бирлашмаси. 1948 й.да АҚШ ташаббуси б-н Европани тиклаш бўйича Америка иқтисодий ва молиявий ёрдамини (Маршал режаси) оқилона иплатити ва шу ёрдамини оладиган Европа мамлакатлари б-н ҳамкорлик қилиши максадларида тузилган. Расмий жиҳатдан ташкилот шартномани имзолаган мамлакатларда иқтисодий ўсишини таъминлаш, иқтисодиётни юқсалтириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, молиявий барқарорликни саклашни назарда тутади. Ташкилотга аъзо давлатларнинг ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш, давлатлар минтақасида аъзо давлатлар сиёсатини мувофиқлашириш йўли б-н иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшади. Ташкилот фаолиятига ташкилотда катнашувчи мамлакатларнинг вакилларидан иборат кенгаш раҳбарлик қиласи. Ташкилот идораси Франция (Париж)да жойлашган.

**МУСТАКИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДҮСТЛИГИ**, МДҲ – давлатлараро ташкилот. 1991 й. 8 декабря Минск шаҳрида Белоруссия, Россия, Украина томонидан тузилган. Давлат раҳбарлари имзо чеккан ўтга Битимда собик Иттифок чукур таназзулга учраб парчаланиб кеттиши натижасида йўқ бўлганлиги қайд килинди, учала давлат сиёсий, иктиносий, гуманигар, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга интилишини баён этди. 1991 й. 21 декабря Битимга Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қыргизистон, Молдавия, Тажикистон, Туркманистон, Ўзбекистон кўшилди, улар Белоруссия, Россия ва Украина б-н бирга МДҲнинг максад ва коидалари тўғрисидаги Декларацияга Олмагота шаҳрида имзо чекдилар. 1993 й.да МДҲга Грузия кўшилди. 1993 й. МДҲ Устави қабул килинди, у давлатларнинг инсон хукуклари ва эркинликларини таъминлаш, ташки сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий иктиносий маконни вужудга келтириш, транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш, ахоли соғлиги ва атроф-мухитни муҳофаза килиш, ижтимоий масалалар ва иммиграция сиёсати, утошган жиноятчиликка қарши кураш, мудофаа сиёсатида ҳамкорлик килиш ва ташки чегараларни қўриқлашда биргаликда фаолият юритишни назарда тутади. МДҲ ҳакиқий аъзолари б-н бирга Ҳамдўстлик фаолиятининг айrim турларида катнашувчи аъзолар бўлиши мумкин. Айrim давлат-

лар МДҲнинг давлат бошликлари йигилишларида кузатувчи сифатида қатнашадилар. МДҲнинг қуидаги органлари тузилган: Давлат бошликлари кенгаши, Ҳукумат бошликлари кенгаши, Ташки ишлар вазирлари кенгаши, Давлатлараро иктиносий кенгаши, маркази Санкт-Петербургда бўлган Парламентлараро ас-самблея ва б. МДҲнинг доимий ишловчи органи Минск шаҳрида жойлашган Мувофиқлаштирувчи-маслаҳат кўмитасидир.

**НАТО**. Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти – ҳалқаро давлатлараро ҳарбий-сиёсий ташкилот. 1949 й. 4 апрелда Вашингтонда 12 давлат – АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Канада, Италия, Португалия, Норвегия, Дания, Исландия вакиллари томонидан имзоланган. Шим. Атлантика шартномаси негизида тузилган: ташкилотга 1952 й. Греция ва Туркия, 1955 й. ГФР, 1982 й. Испания, 1999 й. Венгрия, Польша ва Чехия, 2004 й. Латвия, Литва, Эстония, Словакия, Словения, Болгария ва Руминия қабул қилинди. 1966 й. Франция НАТОнинг ҳарбий тузилмаларидан чиқсан. Олий органи – НАТО кенгаши сессияси. Қарордохи Брюссель шаҳри (Бельгия)да жойлашган.

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ** – ҳукуматлараро жаҳон ташкилоти. БМТнинг ихтиослашган муассасаси бўлиб, 1945 й.да тузилган. Вазифаси: овқатланиш, озиқовкат, қишлоқ хўжалик масалалари бў-

йича маълумотлар йигиши ва уларни ўрганиш, озик-овқат маҳсулотлари ва бошқаларни ишилаб чиқариш ва сотишни яхшилашга ёрдам бернишдан иборат. Марказий идораси - Римда. 1999 й. охирида ташкилотга 180 дан ортиқ мамлакат аъзо бўлди. Римда жаҳон бўйича қишлоқ хўжалик ва озик-овқат маҳсулотлари етиштириш, ишилаб чиқариш ва бошқаларга оид статистик тўпламлар нашр этади.

**ОПЕК.** Нефть экспорт килувчи мамлакатлар ташкилоти – нефть қазиб олишни ва аъзо мамлакатларнинг нефть экспорти сиёсатини мувоффиклаштирувчи ҳамда аъзо мамлакатлар манфаатларини ҳимоя қиласиган халқаро товар ташкилоти. Ташкилот расман 1960 й.да Венесуэла ташаббуси б-н Багдод конференциясила ташкил этилган. Низоми Каракас (Венесуэла)да 1961 й.да қабул килингани ва кейинчалик кўпгина ўзгартиришлар киритилган. Эрон, Ироқ, Кувайт, Ливия муассис мамлакатлар ҳисобланади. Аъзо мамлакатлар Жазоир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Ироқ, Эрон, Ливия, Қатар, Кувайт, Нигерия, БАА, Саудия Арабистони, Эквадор (2003). 20-а.нинг 80-йиллари 2-ярмida бу ташкилотга кирмайдиган мамлакатлар ва Саудия Арабистонидан нефть таклифининг ўсиши натижасида ОПЕКнинг таъсири кескин пасайди. Ҳозирги халқаро иқтисодий муносабатларда таъсир доираси ҳамон кучли. Ташкилотнинг олий органи йилига 2 марта чакириладиган конференция бўлиб, унда иштирокчи

мамлакатлар ишилаб чиқариш стратегияси ва нархлар кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Идораси Австрия (Вена)да жойлашган.

**ФИФА,** Халқаро футбол федерацияси – дунё бўйича футбол масалаларига масъул ташкилот. 1904 й. 21 майда ташкил топган. ФИФАнинг дунёга келиши учун жон куйдирган шахс – франциялик Робер Герен унинг биринчи президенти бўлди. Ташкилотнинг юкори органи ФИФА Конгресси бўлиб, 6 та регионал федерацияларни бирлаштиради. Конгрессда ФИФА Президенти, Бош котиби ва ижроия қўмиталари таркиби сайланади. Ташкилотнинг штаб-квартираси Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган. Ўзбекистон 1994 й.дан аъзо. Турли микёсдаги халқаро мусобақалар: миллий жамоалар ўртасида жаҳон чемпионати (1930 й.дан), мини футбол бўйича, аёллар жаҳон чемпионатини, ўсмиirlар ўртасида, 16–17 ёшли футболчиларнинг жаҳон чемпионатини, қитъалараро турнир ва кубок мусобақаларини ташкил киласиди ва ўтказади. «ФИФА магазин» безакли жур., «ФИФА Ньюс» ойлик бюллетенини нашр этади.

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ, ХВФ –** БМТнинг ихтисослашган муассасаси, аъзо мамлакатларнинг валюта ҳамкорлигини амалга оширадиган халқаро ташкилот. 1944 й.да Бреттон Вудс (АҚШ) да ўтказилган Халқаро валюта-молия конгрессида Жаҳон банки б-н бир вакт-

да таъсис этилган. 1947 й. март ойидан ўз фаолиятини бошлаган. Фонднинг расмий мақсадлари: маслаҳатлар бериш ва валюта муаммолари бўйича ҳамкорлик қилиш орқали ҳалқаро валюта ҳамкорлигига ёрдам кўрсатиш; ҳалқаро савдоning кенгайиши ва мувозанатли ўсиши учун қулай шароитларни яратиш; валюта курслари барқарорлигига ёрдам бериш, ракобат туфайли юз берадиган валюта девальвацияларининг олдини олиш; кўп томонлама тўловлар тизимини яратиша ва жаҳон савдосини ривожига тўсик кўядиган валюта алмаштириши б-н боғлиқ чеклашларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш; аъзо мамлакатларга ўз тўлов балансларини тиклаш, шунингдек, уларнинг ҳалқаро тўлов баланслари тақчиллиги давомийлиги ва микдорини кисқартириш учун муддатли молиявий маблағлар бериш. ХВФ жаҳон валюталари мониторингини олиб боради, барча мамлакатлар ўргасида ташкилий тўлов тизими фаолиятига ёрдам беради, тўлов балансида чуқур тақчилликка учраган, шунингдек, ўз валютасининг тўлиқ конвертациясига эришмокчи бўлган мамлакатларга қарз беради. ХВФнинг раҳбар органлари – Бошқарувчилар кенгаши ва Мувакқат кўмита. Бошқарувчилар кенгаши олий орган бўлиб, ҳар бир аъзо мамлакат томонидан 5 й.га тайинланадиган бошқарувчилар ва уларнинг ўринbosарлари (одатда, аъзо мамлакатлар молия вазирлари ёки Марказий банки бошқарувчилари)дан ташкил топади. ХВФниш

ижроия органлари – Ижроия кенгаши, унга доимий асосда энг катта қвоталарга эга бўлган мамлакатлар томонидан тайинланадиган ёки мамлакатлар гурухи сайлайдиган 24 ижрои директор киради. 1992 й. 27 апрелда Ўзбекистон ХВФ аъзолигига қабул қилинди ва Тошкент ш.да унинг ваколатхонаси очиши.

**ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ,** ХМТ – БМТнинг ихтисослашган муассасаси. 1919 й.да Миллатлар лигаси (иттифоқи) хузурида меҳнат қонувлари ва меҳнат шароитларини яхшилаш масалалари бўйича конвенция ва тавсияларни ишлаб чиқиши учун ҳалқаро комиссия сифатида тузилган. Ҳалқаро меҳнат ташкилоти 8 соатлик иш куни, оналикни химоя қилиш, болалар меҳнатига оид қонунлар ва иш ўринларида хавфсизликни таъминлаш юзасидан ҳалқаро меъёrlар ишлаб чиқилишига, иш б-н бандлик дастурларини тайёрлашга катта ҳисса кўшиди. Ҳалқаро меҳнат ташкилотига Ўзбекистон Республикаси 1992 й. аъзо давлатлар таркибига кирган, ташкилотнинг 11 та конвенциясини ратификация қилган. Бу ташкилот меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилаш, иш б-н тўлиқ бандликни таъминлаш ва турмуш даражасини кўтариш, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўргасида ҳамкорликни рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш учун ҳукуматлар, тадбиркорлар ва меҳнаткашларни тент ҳукукларда бирлаштиради. Ҳалқаро меҳнат ташкилоти таркиби Ҳалқаро меҳнат конференцияси; маъмурий кенгаш;

халқаро мөхнат бюроси; уч томонлама қўмиталар; мингақавий ва маҳсус конференциялардан ташкил топган. Қароргоҳи Женевада. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Нобель мукофотига сазовор бўлган (1969 й.).

**ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҚЎМИТАСИ, ХОҚ** – Олимпиада ҳаракатининг олий раҳбар органи; хукуматта қарашли бўлмаган халқаро спорт ташкилоти. 1894 й. П. де Кубертен ташаббуси б-н *Олимпиада ўйинлари* ўтказишни бошқарив турниш, бу ўйинларнинг ижтимоий аҳамияти ва обрўсини кўтариш, ҳаваскорлик спортини ривожлантиришга ва барча мамлакатлар спортчилари ўргасида дўстликни мустаҳкамлашга «кўмакланиш мақсадида тузиленган. ХОҚ – доимий ишлайдиган ташкилот, ўз аъзоларини турли мамлакатлардаги спорт ҳаракатининг энг фаол ташкилотчилари орасидан танлаб олади. ХОҚ ижроия қўмитаси президент (8 й. муддатга сайланади), 3 вице-президент ва 5 нафар аъзодан иборат. *Олимпиада ўйинлари* хартияси – ХОҚнинг устав хужжатидир. ХОҚ сессиялари ҳар йили ўтказилади, Олимпиада ўйинлари бўладиган йилларда – икки марта: ёзги ва қишики ўйинлар вактида ўтади. Олимпиада ўйинлари вактида ХОҚ мусобакаларни ўтказишга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини Халқаро спорт федерацияларига беради. ХОҚ 1993 й. Узбекистон миллий олимпиада қўмитасини) тан олган. ХОҚ қароргоҳи Лозанна (Швейцария) шахрида жойлашган.

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТИ, ХСТ** – бутунжаҳон мамлакатлари учун умумий бўлган (халқаро) стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда стандартлаштириш соҳасида жаҳон миқёсида ҳамкорлик қилиш б-н шуғулланадиган давлат ташкилот. Лондонда 1946 й. таъсис қилинган. Идораси Лондонда жойлашган. ХСТга Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш ва сертификациялаштириш давлат қўмитаси (2002 й. ноябрдан «Ўзстандарт» агентлиги) 1992 й. мартаң аъзо.

**ХАЛҚАРО СУД** – БМТнинг асосий судлов органи. 1945 й. ташкил топган. Давлатлар ўргасидаги юридик низоларни уларнинг розилиги б-н ҳал қиласи ва ҳуқуқий масалалар бўйича тавсиявий хуосалар беради. 15 нафар судьялардан иборат, улар БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфезизлик Кенгали томонидан 9 й.га сайланади. БМТ Уставининг ажralmas кисми ҳисобланадиган Статут асосида иш олиб беради. Халқаро суд Гаага шахрида жойлашган.

**ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚКИЁТ БАНКИ, ХТТБ** – БМТнинг ихтисослашган муассасаси. Жаҳон банки гурухига киради. Халқаро валюта фонди б-н бир вактда, БМТнинг 1944 й.да Бреттон Вудс (АҚШ)да ўтказилган Халқаро валюта-молия конференцияси қарорига кўра ташкил этилган. 1946 й. дан ўз фаолиятини бошлигани. Унга фақат давлатларгина аъзо бўлиши мумкин. Штабквартираси Вашингтонда жойлаш-

ган. Банк даромади ўртача ва даромади паст мамлакатларга қарз беради ва ёрдам кўрсатади. Банкнинг расмий мақсадлари: *ишлаб чиқарни* мақсадлари учун капитал қўйишмаларни рағбаглантириш йўли б-н аъзо давлатларнинг тикланиш ва тараққиётiga кўмаклашиш; ишлаб чиқарни мақсадларидағи хусусий чет эл *инвестицияларини* рағбаглантириш; узок муддатли мувозанатланган ўсишни ва банк аъзолари бўлган давлатларнинг *ишлаб чиқарни* ресурсларини ривожлантириш учун халқаро *инвестицияларни* рағбаглантириш йўли б-н тўлов балансининг барқарорлигини саклашга кўмаклашиш ва бошқалар. ХТТБнинг олий органи – Бошқарувчилар кенгаши. Ҳар бир аъзо давлат Кенгашда молия ёки режалаштириш вазири даражасидаги ва 5 й.га тайинланадиган бир бошқарувчи (ва бир ўринбосар)га эга. Бош ижроия орган – ижрочи директорлар кенгаши. 24 ижрочи директордан 5 таси Банкнинг йирик акциядорлари бўлган мамлакатлар томонидан, колган 19 таси мамлакатлар гурухлари томонидан тайинланади. Банкни президент бошқаради. 1992 й.да Ўзбекистон ХТТБга аъзо бўлиб кирди ва 1993 й.дан унинг ваколатхонаси Тошкент ш.да фаолият кўрсата бошлади.

**ХАЛҚАРО ЭРКИН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ** – халқаро касаба уюшмалари маркази; 1949 й. декабрда Лондонда Фарбий Европа касаба уюшмаларининг Америка меҳнат федерацияси б-н биргаликда ўт-

казган таъсис съездига асос солинган. Олий органи Конгресс 4 й.да 1 марта чакирилади. Конгресслар ўртасида конфедерацияга Ижроия қўмита раҳбарлик килади, у 2 й.да бир марта чакирилади. Қароргоҳи Брюссель (Бельгия) шахрида жойлашган. Шунингдек, Женева, Нью-Йорк, Москвада бўлимлари ва Рим, Венада доимий вакиллари бор.

**ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ҲАРАКАТИ** – умумжахон инсонпарварлик харакати. 1863 й.да асос солинган. Мазкур харакат З тузилма – Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚҲ); Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Яrim Ой жамиятлари федерацияси (ХҚҲ ва КЯОЖФ); Қизил Хоч ва Қизил Яrim Ой Миллий жамиятлари (МЖ)дан иборат: ХҚҲ ва КЯОҲ учала тузилмасининг фаолият ваколатлари ХҚҲ ва КЯОҲнинг Устави (1986) ва Севилья битими (1999) асосида белгиланган. Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси инсонпарварлик ташкилотидир. Асосан, куролли тўқнашувларда жабрланганлар, қуруқлик ва денгиздаги ярадор ва бемор ҳарбий хизматчилар, ҳарбий маҳбуслар, фуқаро аҳолига ёрдам бериш, шунингдек, ҳарбий низолар ва бошка фавкулодда вазиятлар оқибатида ажрашиб қолган ҳамда бедарак йўқолган шахсларни кидириш вазифасини бажариб, бетараф воситачи сифатида инсонпарварлик ёрдами кўрсатади. Тинчлик соҳасидаги фаолият учун Нобель мукофоти б-н тақдирланган (1917, 1944, 1963 й.лар). Қароргоҳи Женева шахрида.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари федерацияси 1919 й. тузилган инсонпарварлик ташкилоти. Асосан, табиий оғатларга тайёрланиш ва уларга муносабат билдиришда Миллий жамиятларга ёрдам бериш, табиий оғатлар, техникавий ва саноатдаги авариялар, фалокатларда алохода халқаро инсонпарварлык ёрдами күрсатыпта оид амалларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ахоли саломатлиги *профилактикаси*, әңг мұхтож кишиларға қараш ва уларға тиббий ижгімойи ёрдам күрсатышни таъминлаш, ахолини 1-ёрдам күрсатышга үқитиши, күнгиллилікни ривожлантириш вазифаси б-н шуғулланади. ХҚХ ва ҚЯОЖФ фаолиятини Котибият таъминлаб туради. У Женева ш.да жойлаштан. Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Миллий жамиятлари – хукуматлари Женева конвенцияларига имзо чеккан мамлакатлардаги Миллий жамиятлар. Қоидага құра, ҳар бир мамлакатда факат битта Қизил Хоч ёки Қизил Ярим Ой Миллий жамияти тузилиши мүмкін. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти 1925 й.да ташкил этилған бўлиб, сабик Иттифокнинг Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамиятлари уюшмаси таркибиға кирап эди. 1992 й.да мустакил Миллий жамият мақомига эришди. 1995 й.да Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси томонидан эътироф этилиб, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари федерациясига аъзо бўлди.

**ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ТРИБУНАЛ – 2-жаҳон уруши бош ҳарбий жиноятчила-**

рининг айбини очиш ва жазолаш бўйича тузилган халқаро суд органи. Халқаро ҳарбий трибунал фашистлар Германияси томонида туриб жанг қылган Европа мамлакатларининг асосий ҳарбий жиноятчиларини жазолаш учун 1945 й.да 8 авг.да АҚШ, Буюк Британия, сабик Иттифоқ ва Франция давлатлари ўртасидаги Лондон битимига мувофиқ тузилган (қ. Нюрнберг суд жараёни). Узок Шарқ учун япон бош ҳарбий жиноятчилари устидан суд олиб бориш мақсадида 1946 й. 19 январда иттифоқчи хукуматлар ўртасидаги музокаралар натижасида тузилган (Токио трибунали). БМТнинг Хавфисзлик Конғаши резолюциясига мувофиқ 1993–94 й.да Руанда ва Югославия бўйича халқаро трибуналлар ташкил этилди.

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ, ШХТ** – минтақавий хавфисзлик ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат – Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тоҷикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари учрашувида тузилган (2001 й. 15 июнь). Ташикілотнинг асосий мақсадлари: аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш; минтақадатинчлик, хавфисзлик ва баркарорликни биргаликда таъминлаш ва сақлаб туриш; сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги самарали ҳамкорликка кенг йўл очиб бериш; энергетика, транспорт, туризм, атроф-мухитни ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни

кучайтириш. Ташкилотнинг олий органи Давлат бошликлари кенгашидир. Ташкилот структураси Ҳукумат бошликлари (бош вазирлар) кенгаши, Ташки ишлар вазирлари кенгаши, Тармок вазирликла-ри ва идоралари раҳбарлари кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши ва доимий ишловчи Котибият (Пекин шаҳрида жойлашган) ҳамда Минтақавий аксилиеррор тузилмаси (Тошкент шаҳрида жойлашган)дан иборат.

**ЮНЕСКО** - БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари б-н шуғулланувчи – халқаро ҳукуматлараро ташкилот; БМТнинг ихтисослашган муассасаси. Давлатлар ўргасида маориф, фан, маданият ва коммуникациялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш йўли б-н тинчликка ва халқаро ҳавфсизликка кўмаклашиш мақсадида 1946 й.да тузилган. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишилари ялипи саводсизликка қарши кураш, маориф тизими ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, миллий маданиятларни ўрганиш ва тарқатиш, атроф-муҳитни ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, океанография, геология, гидрология, социология, коммуникация ва б. соҳаларда глобал илмий муаммоларни хал этишда ҳамкорлик қилишдан иборат. ЮНЕСКО бюджети аъзо мамлакатлар бадалларида ташкил топади. Ташкилот қароргоҳи Париж (Франция)да жойлашган. Ташкилот томонидан 50 тадан ортиқ ахборотнома ва 20 тадан ортиқ даврий нашрлар


чиқаради. 188 мамлакат (шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1993 й. 26 октябрдан) аъзо (2004). ЮНЕСКОнинг ташкилий таркиби Бош конференция, Ижроия кенгияни ва Котибиятдан иборат. Бош конференция ЮНЕСКОнинг олий органи хисобланади. 2 й.да 1 марта унинг сессиялари ўтказилади. ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё цивилизациялари тарихини ўрганишга багишланган «Ипак йўли – мулоқот йўли» жаҳон дастури иш олиб боради. ЮНЕСКО доирасида Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ахмад ал-Фарғоний, И мом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Амир Темурнинг юбилейлари тантаналари нишонланган. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2000 й.лиги, Хива, Бухоро, Термиз шаҳарларининг 2500 й.лиги, Шахрисабз шаҳрининг 2700 й.лиги, «Алпомиши» халқ достонининг 1000 й.лиги, Авесто китобининг 2700 й.лиги кенг нишонланди. ЮНЕСКО кўмагида Самарқанд шаҳрида «Шарқ таронала-ри» халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинмокда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов инсоний идеалларни эъзозлагани, маданий қадриятларни тиклаш ва сакланти-ги, илмий меросни ўрганишдаги хизматлари учун ЮНЕСКОнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали б-н муко-фотланган.

**ЮНИСЕФ** - БМТнинг болалар жамғармаси. Узоқ вакт давом этган уруш натижасида катта қийинчиликларга дучор

бўлган Ёвропа болаларига ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида 1946 й.да тузилган. 1953 й.дан БМТнинг доимий тузилмасига айланган. Ер юзида, айникоса, ривожланаётган мамлакатларда болаларнинг соғлом ва баркамол вояга етишига кўмаклашиб унинг бош мақсадидир. Ўзбекистон мустакилликка эришгач, ЮНИСЕФга аъзо бўлди ва у б-н яқин ҳамкорлик ўрнатди. Жамгарма томонидан болаларни иммунизация қилиш, бошланғич мактаб ўкувчиларини озиқ-овқат ва ичимлик сув б-н таъминлаш, вакциналар етказиб бериш бўйича узок муддатли дастурлар, Оролбўйи ахолисига ёрдам кўрсатиш юзасидан маҳсус дастур, «Орол денгизи: минтақа-

вий ва экологик ёрдам лойихаси» ишлаб чиқилган.

**ЮНИДО** – саноатни ривожлантириш ташкилоти. БМТнинг халқаро ташкилотларидан бири. 1966 й.да ривожланаётган мамлакатлар саноатини жадал тарақкий эттириш ва рафбатлантириш хамда БМТнинг мазкур соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида тузилган. Қароргоҳи Вена шахри (Австрия)да жойлашган. Ўзбекистон мустакилликка эришгач, унга тенг хукукли аъзо сифатида кирди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мазкур ташкилотниң реслублика саноатимия ривожләнтиришга оид қатор дастурлари ишлаб чикилди.



# **ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ТУШУНЧАЛАР**

**АГРЕССИЯ**, Тажовуз (лот. – хужум) – бир давлат (давлатлар түрүнүү) томонидан бошқа давлат ёки халк (миллат)нинг суверенитети, худудий дахлсизлиги ва сиёсий мустакиллигига қарши БМТнинг Уставига кўра тайриқонуний хисобланган хар кандай куч ишлатиш. А.нинг энг хавфли кўриниши куролли куч ишлатиш бўлиб, бир давлатнинг болка давлатга куролли хужуми тинчлик ва халқлар хавфсизлигига қарши оғир халқаро жиноят хисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 29-сессияси (1974)да «Агрессияни белгилаш тўғрисида»ги резолюция яқдиллик б-н маъкулланган. Билвосита, иқтисодий ва ғоявий А. тушунчалари ҳам бор.

**АККРЕДИТАЦИЯ** (лот. – ишонмоқ, ишонч билдиримоқ) – дипломатик ваколатхона бошлиги ёки давлатнинг бирон-бир халқаро ташкилотдаги вакилини лавозимига тайинлаш ва шу лавозимни бажаришга киришиш тадбирлари, шунингдек журналистга муайян худудда бўлиш ва у ерда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни

ёритиш хукукини берувчи хужжат хисобланади.

**АККРЕДИТЛАШ** – халқаро хукуқда давлатнинг дипломатик ваколатхона бошлиги ёки бирон-бир халқаро ташкилотда доимий вакили лавозимига тайинланиш ва лавозим вазифаларини бажаришга киришиши б-н боғлиқ хатти-харакатлар мажмуи.

**АНКЛАВ** (франц., лот. – кулфлаб олиш) – бир давлатнинг хамма томондан бошқа давлат ҳудуди б-н ўраб олинган ҳудуди ёки ҳудудининг бир кисми. Мас., Лесото давлати Жан. Африка Республикаси ҳудудидаги А. хисобланади. Агар А. денизига туташ бўлса, у ярим А. деб аталади.

**АНИКСИЯ** (лот. – бирлаштириш, кўшилиш) – бир давлат ҳудудини бутунлай ёки кисман зўравонлик б-н эгаллаб олиш ёки ўз давлатига кўшиб олиш сиёсати, агрессиясининг бир тури, шунингдек эл-элатларни бегона давлат чегараларида зўрлик б-н тутиб туриш. А. ҳозирги халқаро хукуқнинг, жумладан, куч кўлла-маслик ва куч б-н хавф солмаслик прин-

ципи, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқининг бузилиши хисобланади. **АТГАШЕ** (франц. – айнан, биритирилган) – дипломатик мартаба, кичик дипломатик лавозимлардан бири. А. мартабаси дәярли барча давлатлар қонун хужжатларига биноан ташки ишлар вазири буйруғи б-н дипломатик ваколатхоналар ва идораларнинг 2–3 й.лик иш тажрибаси бўлган ходимларга берилади. Дипломатик ваколатхоналарда ҳарбий, ҳарбий-денгиз, ҳарбий-ҳаво, савдо, маданият, матбуот масалалари ва бошқа А.лар бўлади.

**АУДЕНЦИЯ** – давлат ва жамоат арбоблари томонидан чет эл дипломатик вакилларининг расмий қабул қилиниши.

**БАЁНОГ** – халкаро хукуқда бир ёки бир неча давлатнинг сиёсий партияси ёки партиялари, хукумати ёхуд хукуматларининг бир ёки бир неча давлатларга оид муҳим масалалар юзасидан ўз расмий фикрлари, қарашлари ҳамда мақсадларини, маълум хатти-ҳаракатларни кўллаб-кувватлашлари ёки аксинча, қоралашларини, уларга эътиroz билдиришларини ифодалайдиган хужжат.

**БЕТАРАФ ЗОНА** – манфаатдор давлатлар ўргасида тузилган шартномага биноан ҳарбий ҳаракат майдонига айлантирилмайдиган, ҳарбий база сифатида фойдаланишга йўл кўйилмайдиган худуд. Давлатлар худудининг баъзи ер майдонлари ёки улар суверенитетига кирмайдиган ерлар ҳам бетараф зонага айлантирилиши мумкин. Бетараф зоналар манфаатдор давлат томонидан бир то-

монлама тартибда ёки халқаро шартнома асосида ташкил этилади. Кирғок бўйида жойлашган бирон-бир давлат томонидан бошқа давлатлар ўргасидаги уруш пайтида ўз хавфсизлигини таъминлаш учун мувакқат Б. з. тузилиши мумкин. Бундай зоналарга урушларда катнашайтган томонлар музокаралар олиб бориш (харбий асиirlарни, ярадор ва беморларни алмашиш, сулҳ тузиш ҳакида), маданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш учун белгилайдиган зоналар ҳам киради.

**БЛОК, Сиёсий блок** – давлатлар, партиялар, гуруҳлар ўргасида доимий ва вақтинча тузиладиган битим (иттифоқ). Биргаликда ҳаракат қилип йўли б-н умумий сиёсий максадларга эришиш учун тузилади. Б. ўз таркибига кирувчи давлат, партия ва гуруҳларнинг бевосита ахолига мурожаат этиши, сайловларда бир номзодни кўрсатиши, ягона сиёсий йўлни ишлаб чиқиши, коалицияли хукумат тузиши каби шаклларда учрайди.

**БЛОКАДА** (инг. – камал, куршамок) – ҳарбий ҳаракатни амалга оширишнинг душман обьектини ажратиб, яккараб, ташки алокаларини издан чиқаришга каратилган алоҳида шакли. Шунингдек, сиёсий жиҳатдан бирор давлатни муайян талабни бажаришга мажбур этиш мақсадида унинг ташки алокаларига путур етказишга каратилган сиёсий талбирлар тизими. Мас., давлатни дипломатик жиҳатдан яккараб қўйищда ифодаланиди. Иқтисодий жиҳатдан бирор давлатнинг хўжалик тараққиётини издан чиқа-

рии мақсадида уни иқтисодий жихатдан яккалаң күйиш. Ташки савдо, молия, қарз ва бопка иқтисодий алоқаларни тұхтағын күйиш (тақиқлаш) йўли б-н амалга оширилади. Одатда, сиёсий ва аксарият харбий Б. б-н күшиб амалга оширилади.

**ВИЗА** (лот. – кўрилган) – бирон хорижий давлатга бориш, унда яшаш ёки унинг худудидан ўтиш учун тегипли маъмурий идора томонидан паспортта кўйиладиган маҳсус рухсат белгиси.

**ГЛОБАЛЛАШУВ** – дунёдаги турли давлат ва худудларининг ўзаро боғликлигининг кучайиши жараёни. Жаҳондаги мамлакатларнинг ўзаро ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви, воеа-ходисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун Ер шарини камраб олиши ҳисобланади.

**ГЛОБАЛ МУАММОЛАР** – умумбашарий хаёт ва тараққиёт б-н боғлик ҳозирги замон муаммолари. Улар жумласига жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, ҳалқаро террорчиликка карши кураш ва барча ҳалқлар учун типчликни таъминлаш; ривожланган ва ривожланастган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражасидаги тафовутни бартараф этиш, очлик, қашшоқлик ва саводсизликни тугатиш, ривожланастган мамлакатларда ахолининг тез суръатлар б-н кўпаяётганинги тартибга солиш, атроф-мухит ҳалокатли тарзда ифлосланниб бораётганинг олдини олинг; инсониятни керакли *ресурслар* – озиқ-овқат,

саноат ҳомаотёси, энергия манбалари б-н таъминлаш, фан ва техника тараққиётини салбий оқибатларга олиб келишига йўл кўймаслик кабилар киради. Г. м.лар, аввало, жаҳонда кечаетган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, харбий, илмий-технологик, ижтимоий-маданий жараба ўтарнинг умумбашарий аҳамият касб этиши натижасида юзага келди.

**ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ** – АҚШда ташки ишлар вазирлиги вазифалари ни бажарувчи ташки сиёсат маҳкамаси (1789 й.дан). Уни давлат котиби бошқаради. У президент, вице-президентдан кейинги мансабдор шахс ҳисобланади.

**ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ** (дахлсизлиги) – давлатнинг хорижий юрисдикция (судлов ишларини олиб бориш ҳуқуқи) дан дахлсизлиги, ҳалқаро ҳуқук қоидаларидан бири. Унга кўра, давлат ва унинг органларига хорижий давлат судида даъво қўзгатилиши, *давлат мулки* ҳисобидан тўлов ундирилиши, мулки хатлаб кўйилиши мумкин эмас.

**ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ** – шахслар ва давлат идоралари томонидан қонунчиликда белгиланган ҳуқук ва қафолатлар доирасида *давлат мулки* эгаси (эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш) вазифаларини бажариш.

**ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ** – давлатнинг қуруқлик ва сувдаги доирасини белгилайдиган чизик. Бу чизик устидан ўтадиган вертикал сатҳ шу давлатнинг ҳаво чегараси ҳисобланади. Ҳалқаро ҳуқуққа биноан кўшни давлатлар ўртасидаги Д. ч.

шартнома тартибидан белгиланади. Давлат чегарасини белгилаш 2 босқичда амалга оширилади: чегарани делимитация қилиш (йўналишини белгилаш ва уни шартномага илова қилинадиган харитага тушириш) ва чегарани демаркация қилиш (чегара белгилари ёрдамида жойда чегарани белгилаш).

**ДЕМАРШ** (франц. – чиқиш, харакат, хуруж) – бир давлат хукумати, ташкии ишлар маҳкамаси ёки дипломатик вакилининг бирон-бир масала бўйича бошка давлатга норозилиги, илтимоси, таклифи ёки огоҳлантириши. Нота, ультиматум, меморандум, баёнот ва бошқаларда изхор этилиши, дипломатик вакилни чакириб олишда намоён бўлиши мумкин. Ҳозирги ҳалқаро хукуқ нормаларига мувоффик куч б-н таҳдид қилиш Д. мазмунни бўлолмайди.

**ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ** (лот. – ҳарбийлаштиришга қарши) – ҳалқаро хукуқда бирор ҳалқаро шартномага биноан муайян ҳудуддаги ҳарбий истехкомлар ва иншоотларни йўқотиш ҳамда шу ҳудудда ҳарбий базалар ва куролли кучлар саклашни тақиқлаш. Тўла Д. (Антарктида, Аланд архипелаги, осмон жисмлари, шу жумладан, Ой ва б.) ва кисман Д. (мас., ядросиз зоналар ташкил этиш) фарқ қилинади.

**ДЕНОНСАЦИЯ** (франц. – узиш, эълон, маълум қилмок) – ҳалқаро хукуқда икки томонлама ҳалқаро шартнома амал қилишини тўхтатишнинг ёки кўп томонлама ҳалқаро шартномадан чиқишнинг энг

кенг тарқалган усули. Одатда, шартноманинг ўзида назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади. Д.га оид умумий қоидалар Ҳалқаро шартномалар хукуки тўғрисидаги 1969 й.да Вена конвенциясида баён қилинган.

**ДЕПОРТАЦИЯ** (лот. – бадарға қилиш, хайдаш) – жиноий ёки маъмурий жазо чораси сифатида давлатдан мажбуран чиқариб юбориш, ҳайдаш. Кўпинча ўёбу давлатга ғайриқонуний кеслиб қолган чет эл фуқаролари ёки фуқаролари бўлмаган шахслар Д. қилинади.

**ДЕ-ФАКТО** (лот. – амалда, ҳакиқатда) – ҳалқаро хукуқда янги давлат ёки хукуматнинг қисман (юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган ҳолда) эътироф этилиши.

**ДЕ-ЮРЕ** (лот. – қонуний, расмий) – қонунига асосланган хукуқ, маком; ҳалқаро хукуқда давлат ёки хукуматнинг тўла эътироф этилиши.

**ДИВЕРСИЯ** (лот. – бошқа томонга тортиш, ҷалғитиши) – бирор давлатнинг ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган обьектларини бузиш, иортлатиш, вайрон қилиш максадида чет эл агентлари ёки душман ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган кўпорувчилик ҳаракати.

**ДИПЛОМАТ** – муайян бир давлатнинг хорижий давлатлар б-н расмий алоқаларини юритиб турадиган ва бунинг учун маҳсус тайёргарлик кўрган лавозимли шахс. Д.га хукумат томонидан ваколат берилиб, у чет давлатларда дахлсизлик хукуқидан фойдаланади.

**ДИПЛОМАТИК ВАКИЛЛИК** – давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқарадиган элчихона ёки миссия. Д.в. зычы айирбошлаган давлатда ўз давлатти номидан музокаралар олиб боради, вакиллик жойлашган давлатнинг ҳаёти тўғрисида бундаги ваколатхона (элчихона, миссия)лар ҳақила қонун йўл кўйган доирада маълумотлар тўплайди, ҳар иккала давлат ўртасидаги сиёсий, иктисолий, маданий-техникавий алокаларнинг ривожланишига ёрдамлашали, ўз давлатти ҳамда фукароларининг хукук ҳамда манфаатларини кўриклиди.

**ДИПЛОМАТИК КОРПУС** – кенг маънода – муайян мамлакатда аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналарнинг барча дипломатик ходимлари (оила аъзолари билан); тор маънода – факат дипломатик ваколатхоналар бошлиқлари. Д. к. номидан, одатда, дуайен гапиради.

**ДИПЛОМАТИЯ** – давлатларнинг талики сиёсат соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, чет элда хукук ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги расмий фаолияти. «Д.» термини юонон тилидаги «икки букилтга қофоз» сўзидан олинган. Қадимда Юнонистон ва Римда таҳтакач мукова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи илонч ёрлиги ёки хужжат сифатида тақдим этилган. Бу термин ҳозирги маънода Ҳарбий Европада 18-а. охирида расм бўлган.

**ИММИГРАЦИЯ** (лот. – кўчиб келиб жойлашмоқ) – хорижий фукароларнинг

бирон-бир давлатга доимий яшаш учун кўчиб келипни хисобланади.

**ИНТЕРВЕНЦИЯ** (лот. – аралашув) – бир ёки бир неча давлатнинг бошқа бир давлат ички ишларига зўрлик б-н аралашуви, унинг худудий яхлитлиги ёки сиёсий мустақиллигига карши каратилган харакатлари. Бундай харакатлар БМТ Устави б-н ман қилинган. Ҳарбий (куролли), иктисолий, сиёсий И.лар бўлиши мумкин. Куролли И. агрессия сифатида баҳоланади. Бундан ташқари, интервент давлатлар сонига караб алоҳида бир давлатнинг ёки бир неча давлатнинг И.си бўлади, шунингдек, чет давлатнинг худудига куролли кучлар ошкора ва яширин, тарзда бостириб кириши ҳам мумкин. Ҳалқаро хукуқда И.нинг ҳар кандай кўриниши ва шакллари такиқланган.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ** – халқлар ёки ижтимоий гурухларнинг халиқтар, миллатлар озодлиги, мустақиллиги, хукукий тентлигига асосланган бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик принципи, байналмилалчилик.

**ИШОНЧ ЁРЛИГИ** – бирор шахснинг муайян мамлакатда элчи ёки дипломатик вакил сифатида тайинланганлигини тасдиқловчи расмий хат ўзаклидаги махсус хужжат. Ёрлик хорижий давлат бошлиғига номидан уни қабул қиливчи давлат бошлиғига йўлланади. Давлат бошлиғи томонидан И. ё.нинг қабул қилиниши тайинланган ва етиб келган хорижий мамлакат ёки халқаро ташкилот элчиси ёки дипло-

матик вакили мазкур давлатда аккредитация қилингани, яъни ўз вазифаларини бажаришга расман кириштанилигини билдиради. Дипломатик вакиллар вазифаларишинг тугаши давлат бошлигига чақириув ёрлигини тақдим этиш б-н расмийлаптирилади.

**КОАЛИЦИЯ** (лот. – иттифок) – халқаро муносабатларнинг айrim масалаларида биргаликда иш кўриш ҳакида ўзаро аҳдлашган давлатларнинг сиёсий ёки ҳарбий иттифоки (мас., давлатларнинг 2-жаҳон урушидаги гитлерчиларга қарши К.си); бир неча сиёсий партияларнинг шу партиялар вакилларидан иборат ҳукумат тузиш тўғрисидаги келишуви.

**КОНВЕНЦИЯЛАР**, Халқаро Конвенциялар (лот. – келишув, битим) – халқаро шартномалар турларидан бири. Одатда, давлатнинг бирон-бир маҳсус соҳадаги ўзаро ҳукуклари ва мажбуриятларини белгилаб беради. Кўп томонлама К. умумий тусдаги меъёрларни ўз ичига олади (мас., Гаага К.и (1899 ва 1907), Женева К.и (1949) ва бошқалар); кўпинча, К. бирон-бир соҳага ихтисослашган халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинади (мас., Халқаро меҳнат ташкилотининг К.и).

**КОНГРЕСС** (лот. – учрашиш, кўришиш, тўкиашув) – 1) одатда, халқаро миқёсда ўтказиладиган қурултой, конференция, кенгаш; 2) айrim давлатларда парламент номи (мас., Ҳиндистон миллий конгресси); 3) айrim халқаро ташкилотларнинг олий органи.

**КОНСЕНСУС** (лот. – яқдиллик, келишув) – халқаро шартномалар тузишда парламент ёки кеңгашларда тегишли қарор қабул қилиш; бунда расман эътиroz билдирилмаса, иштирокчиларнинг умумий розилиги асосида расмий равишда овоз берилмайди. К. усули, шунингдек, БМТ органларида тан олинган бўлиб, шу ташкилот доирасида ўтказиладиган халқаро конференциялар ва кенгашларда кўлланилади.

**КОНСУЛ** (лот. – маслаҳатчи) – бир давлатнинг бошқа давлат худудида ўз мамлакати, унинг юридик шахслари ва фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш, икки давлат орасида сиёсий, иктисолий, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бериш учун тайинланадиган мансабдор шахс.

**КОНСУЛЛИК**, Консуллик ваколатхонаси – икки давлат ўртасида алоқалар ўрнатилиши натижасида ташкил этиладиган ваколатхона. К.нинг макоми икки томонлама битим ёки халқаро ҳукуқининг амалдаги нормаларига кўра белгиланади. К.нинг макоми, одатда, дипломатик вакилликка тенглаштирилади.

**КОСМОПОЛИТИЗМ** (юнон. – дунё фуқароси) – «жадон фуқаролиги» деб аталган ғояни тарғиб қилувчи мафкура. Искандар (Александир) юришлари даврида пайдо бўлган. Уйғониш ва Маърифатчилик даврларида жадон фуқаролиги идеали олға сурилиб (Данте, Кампанелла), индивиднинг заминдор бойлар зулмидан озод бўлиш ғоясини (Лессинг,

Гёте, Шиллер, Кант, Фихте) ифодалаган. К. миллий анъана ва маданиятдан, ватанпарварликдан воз кечишга – беватанликка даъват этади.

**МЕМОРАНДУМ** (лот. – эсда тутмоклик) – дипломатик ҳужжат; бирор давлатният дипломатик йўл б-н муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилиб ёзган но маси. Одатда, нотага илова қилинади ёки бошқа мамлакат вакилига шахсан топширилади.

**МИГРАЦИЯ** (лот. – кўчаман, жойимни ўзгартираман) – ахолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши ёки кўчириш.

**МИССИЯ** (лот. – жўнатмоқ) – муайян топшириқ б-н бошқа мамлакатга юборилган вакиллар; бир давлатнинг бошқа давлатдаги (элчиноадаи фарқли равишда) вакили томонидан бошқариладиган доимий дипломатик ваколатхонаси.

**НЕЙТРАЛИТЕТ**, Бетарафлик (лот. – на унга, на бунга мансуб, бетараф) – бошқајар торгишуви, жанжалига аралашмаслик, давлатларнинг халқаро ҳуқуқий ҳолати бўлиб, уруши пайти урушида иштирок этмаслик, тинчлик пайти ҳарбий уюшма ва иттифоқларга қўшилмаслик. Бетарафликтининг эвентуал (уруш вақтида давлатнинг бирон-бир урушда катнашмаслиги), доимий (давлатнинг ҳеч қачон урушни келтириб чиқарувчи сиёсат олиб бормаслиги, мас., Швейцария – 1825, Австрия – 1955), шартномавий, анъана-

вий (узоқ вақт давомида Швейцария амал қилаётган сиёсат), ижобий (2-жаҳон урушидан кейинги йилларда ривожланашётган мустақил давлатларнинг ҳарбий ва сиёсий иттифоқларга қўшилмаслик сиёсати) каби турлари мавжуд. Бирон-бир давлатга ҳарбий ҳужум қилинган ҳолатда улар БМТ Уставига мувофиқ якка ёки жамоа бўлиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳукуқига эга.

**ОККУПАЦИЯ**, Ҳарбий оккупация (лот. – эгаллаш, босиб олиш) – уруш олиб бораётган томон қуролли кучларининг душман ҳудудини вақтинча эгаллаб олиши. Ҳарбий О. режими 1907 й.ги 4-Гаага конвенцияси ва «Фуқаро ахолини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Женева конвенцияси (1949) б-н тартибга солинали. Бу ҳужжатларда оккупация қилиб турган ҳокимият ўзи эгаллаган жойларда тартибни сақлаши, фуқароларнинг шаъни, оиласиб ҳукуклари ва хаёгини ҳурмат қилиши, мол-мулк, маданий бойликларни яксон қилмаслиги, оккупация қилинган ҳудуднинг сиёсий тақдири тўғрисидаги масалани ҳал этмаслиги ва ш.к. назарда тутилган. Оккупация режимини бузиш халқаро жиноят ҳисобланади, бунда жавобгар бўлган шахслар ҳарбий жиноятчилар деб каралади.

**ПАКТ** (лот. – шартнома, битим) – йирик сиёсий аҳамиятга эга халқаро битим; халқаро шартномалар номларидан бири.

**РАТИФИКАЦИЯ** (лот. – ҳал қилинган, тасдиқланган, бажармок) – 1) халқаро шартноманинг давлат ҳокимияти олий

органи томонидан тасдиқланиши. Одатда, энг мухим халкаро шартномаларгина Р. килинади. Ўзбекистонда халкаро шартномаларни Р. килиши тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати биргаликда карор кабул килади; 2) баъзи мамлакатларда конституцияга киритилган тузатишлар тасдиқланишининг маҳсус тартиби.

**РЕЗИДЕНЦИЯ** (инг. – 1) ўрта асрларда муайян мамлакатда доимий яшовчи чет эллик дипломатик вакил; 2) мустамлакачи давлатининг протекторатдаги вакили; одатда, у ана шу протекторатнинг ҳокими хисоблангани; 3) чет эл разведкасининг бошка бирор давлатдаги яшириш вакили; 4) муайян мамлакатда миллий қонунчиликка тўла риоя килувчи рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс.

**РЕЗИДЕНЦИЯ** (лот. – бирор жойда бўлувчи, турувчи) – давлат раҳбари ёки хукуматнинг, шунингдек, катта мансаб эгаларининг доимий қароргоҳи, турар-жойи.

**РЕВАНШ** (франц. – ўч, қасос) – урушда енгилган томоннинг ўч олиши ёки ўч олишга ҳаракати. Урушда мағлубияттага учраган агрессив доираларниш урушдан олдинги чегараларни, халкаро муноса-батдаги тартибларни қайта тикилаш баҳонаси б-н янги уруш тайёрлашга қаратилган сиёсати. Mac., Р. 20-а.нинг 30-йилларида янги империалистик урушга тайёргарлик сиёсатини никобланӣ учун фашистлар Германияси томонидал қўлланилган.

**РЕПАРАЦИЯ** (лот. – қайта тикилаш) – халкаро хукуқда моддий халкаро хукуқий жавобгарлик тури; давлатнинг бошка давлатга етказган зарарини пул б-н ёки бошқача шаклда коплаши. Р.ни натура шаклида, пул ёки бошка моддий компенсация шаклида ёки бир вақтнинг ўзида реституция (ғайриқонуний эгаллаб олинган ва олиб кетилган мол-мулкни қайтариш) ва зарарларни қоплаш шаклида тўлаш мумкин.

**РЕПАРНАЦИЯ** (лот. – ватанга қайтиш) – уруш оқибагида ватанидан ташқарига чиқиб колган ҳарбий асиirlар ва фуқароларни, шунингдек, фуқаролик хукуки тикланган муҳожирларни ўз ватанига қайтарими.

**САММИТ** (инг. – тепа, юкори, юксак даражака, авж) – икки ёки ундан ортиқ давлат раҳбарларининг мухим халкаро масалалар бўйича учрашуви, олий даражадаги кенгаш.

**СЕПАРАТ СУЛХ** (лот. – алоҳида) – уруш олиб бораётган мамлакатлар коалициясига кирган давлатлардан бирининг ўз иттифоқчиларини огохлантирмай ёки уларнинг розилигини олмай, душман б-н тузган сулҳ шартномаси ёки вақтинча яраш битими.

**СУЛХ ШАРТНОМАСИ** – халкаро шартнома тури. С. ш. асосида уруш тўхатилиди, худудий ўзгаришлар ва давлат чегаралари қайд этилади, бошка сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий масалалар (қўшинларни олиб чиқиб кетиш, ҳарбий асиirlарни қайтариш, репарациялар ва б.

түғрисида) ҳал қилинади. С. ш. прелиминар (дастлабки) сұлх ёки узил-кесил, умумий (урушган ҳамма давлаттар шартнома қатнашчилари хисобланса) сұлх ёхуд сепарат сұлх (урушда қатнашған давлаттарнинг айримлари ўртасида шартнома тузылса) күринишида бўлиши мумкин.

**УЛЬТИМАГУМ** (лот. – энг охирги, сўнгги) – ҳалқаро ҳукуқда бирон масала юзасидан бир давлат ҳукуматининг бошқа давлат ҳукумати олдига дипломатик хужжатда ёки оғзаки шаклда баён қилинган, хеч қандай баҳс ёки эътиrozга ўрин колдирмайдиган катъий талаби; У. кўитган ҳукумат агар бу талаб кўрсатилган муддатда бажарилмаса, муайян чоралар кўришини билдиради.

**ХАЛҚАРО ШАРТНОМА** – давлатлар ёки ҳалқаро ҳукуқнинг бошқа субъектлари ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ёки бошқа соҳаларга оид ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятларни белгилаб берадиган келишув; ҳалқаро ҳукукниң асосий манбаи. Х. ш.нинг номлари турлича: шартнома, битим, конвенция, пакт, декларация, меморандум, статут, протокол, устав, баёног ва б.

**ЯДРОСИЗ ЗОНА** – ҳалқаро ҳукуқда ядро қуролини қандай шаклда бўли-

шидан катъи назар, жойлаштиришман қилинган демилитаризация зонаси. Я.з. қурол-яроғларни чеклаш, ядроий низо чиқиши ҳавфини камайтириш, мазкур зонага кирадиган мамлакатлар ҳавфсизлигини мустахкамлашта хизмат килиб, Ядро қуролини тарқатмаслик түғрисидаги шартномани ҳаётга татбик килиш омили хисобланади. Я. з. ядро қуролини синаш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш, унинг ҳудудида ва унга қарши ядро қуролини кўлаш такиқланади.

**ЭКСТЕРРИТОРИАЛЛИК** – ҳалқаро ҳукуқда давлатлар томонидан дипломатик вакилларга ўзаро бериладиган ҳукук ва имтиёзлар: шахс ва турар жой дахлизлиги, маҳаллий судлар томонидан суд килинмаслиги ва х.к..

**ЭКСТРАДИЦИЯ** (франц., лот. – бериш, топипириш) – ҳалқаро ҳукуқда жиноят содир килган шахсни жиной жавобгарликка тортиш ёки унга нисбаган чиқарилган суд ҳукмини ижро этиш учун бир давлатдан иккичи давлатга бериш. Жиноятчуни бериш шартлари ва тартиби ҳалқаро шартнома ва миллий қонунчилик б-н белгиланади.

**ЭМИГРАНТ** (лот. – кўчувчи, кўчиб юрувчи) – ўз ватанини тарқ этиб, ўзга юрга кўчиб кетган одам, муҳожир.

# СИЁСИЙ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АВТОКРАТИЯ** (юнон. – ўз ҳокимиятим) – якка шахснинг ҳеч кандай қонун, ҳукукий меъёрлар б-н чекланмаган ягона ҳокимлиги. Кал. Шарқда, Юнонистон, Рим империялари, ўрга аср Европаси мутлак монархия тузуми, коммунистик ва фашистик диктатура даврида А. давлатнинг муҳим белгиси бўлған.

**АВТОРИТАРИЗМ** (лот. – ҳокимият) – давлатни идора килиш усули. А.да сиёсий ҳокимият ҳукмдор шахснинг ёки етакчининг сиёсий иродаси ва қарорлари асосида амалга оширилади.

**АГЕНТ** (лот. – иш юритувчи) – бирон-бир ташкилот ёки киши топшириғига биноан ёки унинг манфаатини кўзлаб иш юритувчи шахс, вакил; муассаса, ташкилот ва ҳ.к.нинг топшириғини бажарувчи вакили; бирон-бир давлат разведкасининг маҳфий ходими, жосус.

**АНАРХИЗМ** (юон. – ҳокимиятсизлик, бебошлик) – раҳбар сифагида фақат алоҳида шахспинг хошиш-иродасинигина тан олиб, ҳар қандай ҳокимият ва давлат

тузумини рад этувчи жамият тўғрисидаги таълимот. Анархия баъзи ўринларда либерализм б-н чатишиб кетади, ҳар қандай давлат ҳокимиятини йўкотишни ва ишлаб чиқарувчилар уюшмаларининг федерациясини тузишини ёклайди.

**АРАЛАШМАСЛИК СИЁСАТИ** – ҳозирги ҳалқаро сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири. А. с. ҳар бир давлатдан бевосита ёки билвосига, якка ўзи ёхуд бошка давлатлар б-н жамоа ўзга бир давлатнинг ички ва ташки ишларига аралашмасликни тақозо этади. А. с. давлатлар бошка бир давлатга нисбатан куч б-н таҳдид этишининг ҳар қандай шаклини кўллашини ёки куч ишлатишини, сиёсий, иқтисодий ёки бошқа соҳаларда қурдатини ишга солиб, ундаги тузумни ағдариб ташлашга каратилган террорчилик, қўпорувчилик ва бошқаларга тўғридан-тўғри ёки билвосига кўмаклашишни рад этади.

**АРМИЯ** (лот. – куроллантираман) – курукликдаги қўшинлар ёхуд (баъзан) дав-

латнинг ҳарбий-денгиз флотидан бошқа барча куролли кучлари мажмуи. Шуннингдек, А. деганда жанговар операциялар олиб боришга мўлжалланган бир неча қўшилма ва куролли кучларнинг турли қисмлари оператив бирлашмаси (умумкўшин ёки дала, танк, хаво, ҳаво-десант А.си ва б.) тушунилади. Туркий халқларда қўшин, лашкар, черик деб аталган.

**АТОМ БОМБАСИ**, Ядро бомбаси – ядро заряди ўрнатилган авиация бомбаси. Ядро ички энергияси кучига асослашади. А. б. портлагандага катта микдорда ядро энергияси ажралиб чиқади. Биринчи марта Америка авиацияси томонидан ҳар қайсисининг тротил эквиваленти 20 минг тоннадан бўлган 2 та А. б.сини Япониянинг Хиросима (1945 й. 6 август) ва Нагасаки (1945 й. 9 август) шаҳарларига ташлаган. Натижада улкан қурбонлик ва вайронгарчиликлар келтирган. Ҳозир тротил эквиваленти миллион тоннагача борадиган атом бомбалари мавжуд.

**БИОЛОГИК КУРОЛ**. Бақтериологик қурол – одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларда касалликлар қўзғатувчи, сунъий кўпайтирилган микроорганизмлар, ҳашаротлардан иборат оммавий кирғин воситаси. Б. қ., асосан, касаллик тарқатувчи микроорганизмлар (бактерия, вирус, замбуруғ ва б.) юқтирилган пашиша, чивин, кемирувчи ҳайвонлардан ёки суспензия ва қукунлардан иборат. Б. қ.лар микроблари авиабомба, ракета, снаряд ва бошқа куроллар орқали тарқа-

тилади. Одамларда касаллик тарқатища вабо, чечак, куйдирги микроблари, ҳайвонларда эса манка мелиоидоз касаллигини тарқатувчи микроблар ва уларнинг захарли моддалари кўлланилади. Германия 1-жаҳон уруши (1914 – 18)да рус, француз фронтларида ҳар хил касаллик микробларини тарқатган эди. Хабаровскдаги суд (1949)дан маълум бўлишича, Япония Б. қ.ни Хитой ва Монголия халқлари орасида синааб кўрган. Америка ҳам Вьетнамдаги уруши (1966–68)да Б. қ.нинг айрим турларини ишлатган. Б. қ. 1925 й.да Женева протоколи ва 1972 й.да БМТ Конвенцияси б-н тақиқланган.

**БОЙКОТ** (инглиз бошқарувчиси Ч.К.Бойкот номидан олингани, 1880 й.да унга қарши биринчи марта мазкур чора кўлланилган эди) – 1) сиёсий ва иқтисодий курашнинг бир шакли, айрим шахс, ташкилот, корхона б-н муносабатларни тўлиқ ёки кисман тўхтатиш; 2) халқаро муносабатларда, БМТ Уставига кўра – тинчликни сақлаш максадида (куролли кучларни ишлатмай туриб) кўриладиган мажбурий чоралардан бири. Давлатнинг бирон-бир давлат ёки бир гурух давлатлар б-н муносабатларни саклаб туришдан воз кечиши.

**БЮРОКРАТИЗМ** (франц., юонон. – идора; куч, хокимият, ҳукмронлик) – ишга, ўз вазифасига расмиятчилик ва со-вукконлик б-н караш, қуруқ расмиятчилик б-н иш тутиш, коғозбозлиқ, тўрачилик. Бунда куйи мансабдорларнинг юкори мансабдорларга босқичма-босқич

бўйсуниши, қаттиқ иш тартиботи, махсус маълумотни тақозо этувчи расмийлашган вазифаларни амалга оширишда меҳнат ва масъулият тақсимоти. Ташикилот кўпчилик аъзоларининг мустакил равишда имтиёзли қатламга айланишга интилиши оқибатида расмиятчилик, ўзбошимчалик, авторитаризм ва шароитга мослашиш кучая боради, ташкилотнинг тартиб-қоида хамда максад-вазифаларига бўйсундирилиши, асосан, Б.ни мустахкамлаш ва сақлаб колиш учун хизмат киласи.

**ВАЗИКНИК** – муайян давлатларда алоҳида бир соҳага раҳбарлик киладиган ижрочи орган. В. раҳбари, одатда, хукумат таркибиға кирувчи давлат арбоби хисобланади. В.лар қонун чиқарувчи олий органлар (мас., АҚШда) ёки давлат раҳбари (мас., Францияда) томонидан, қонунлар ёхуд хукумат актлари асосида (мас., Буюк Британияда) ташкил қилинади. Ўзбекистон Республикасида В. давлатнинг марказий бошқарув органи, давлат маҳкамасининг муҳим қисми.

**ВАЛЮТА СИЁСАГИ** – давлатнинг мамлакат ичида ва ундан ташқарида валютага, валюта курсига, валюта операцияларига таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари; давлат иқтисодий сиёсатининг ва ташки иқтисодий фаолиятининг таркибий қисми.

**ВОЛЮНТАРИЗМ** – иродани борликдаги энг олий кўриниши, тамойили деб қаровчи фалсафий оқим; 2) тарихий жараёнларнинг объектив қонуниятларига

риоя қилмасдан, жамоатчилик б-н ҳисоблашмасдан, ўзбошимчалик б-н сиёсат юритиш, ўз хоҳиш-иродасини хамма нарсадан юқори кўйиш.

**ГЕГЕМОНЛИК** (юнон. – раҳбарлик, хукмронлик) – хукмрон бўлишга, бошқа мамлакатлар ва халқлар устидан хукмронлик қилишга интилишга асосланган сиёсат. Г. – давлатлар ва халқлар тенг хукуклигининг бевосита акси, халқаро муносабатларда карор топиши лозим бўлган идеалининг қарама-каршиси. Ўзбекистон ўз сиёсатида Г.нинг ҳар қандай кўринишларидан воз кечиши, барча мамлакатлар ва халқлар б-н тенгма-тенг муносабатда бўлиш тарафдоридир.

**ГЕНОЦИД** (юнон., лот. – уруғ, қабилини ўлдираман) – халқаро жиноятларнинг бир тури: ирки, миллати, дини, этник таркибитга кўра, аҳоли гурухларини ёппасига ёки қисман жисмонан қириб юборишга каратилган ҳаракат. БМТ Бош Ассамблеясининг Г. жиноятларнинг олдини олиш ва уларни амалга оширганлиги учун жазолаш тўғрисидаги конвенциясига (1948) кўра, геноцид каттиқ кораланади, айбдор шахсларга нисбатан халқаро жиноий жаобгарлик белгиланади. 2-жаҳон уруши даврида гитлерчилар Германиясининг славян ва яхудий миллатларига мансуб аҳоли (таксм. 12 млн. киши)ни оммавий кирғин этиши, Пол Пот ва Иенг Сари тўдасининг Кампучия халқига карши ваҳшиёна жиноятлари (улар оқибатида 3 млн. киши йўқ килиб юборилди)

ва х.к. геноциднинг энг ашаддий кўриниши ҳисобланади.

**ГЕОСИЁСАТ** – муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташки сиёсатига муайян таъсирини ифодаловчи сиёсатшунослик назарияси. Ё тушунчасини биринчи бор Р. Челлен (Швеция) илмий муомалага киритган.

**ГЕРБ** (полякча – мерос) – бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий ва тарихий характердаги ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятлари, табакавий тафовутларини, шахс, уруғ ва б.нинг шажараларини ифодаловчи алоҳида рамзий белги. Г. антик даврларда пайдо бўлган. Шумер давлатининг Гида шер бошли бургут, Қад. Рим давлати Гида бургут тасвирланган. Амир Темур давлатининг ҳам Ги бўлган. Бу Гида З ҳалқ тасвир этилган бўлиб, бу Амир Темурнинг З иқлимда, яъни Шим., Жануб ва Гарбда хукмон эканинга импоралир.

**ГИМН** – тантанавор қўшиқ, шеър, мадхия. Юнонистонда дастлаб афсонавий ҳалқ қаҳрамонлари, ҳудолар шаънига мақтоворлар (ҳамдлар) тарзida вужудга келган. Кейинчалик шахслар, давлатлар, воқеа ва ҳодисаларга ҳам бағишиланган Глар пайдо бўлган.

**ГИНЕКОКРАТИЯ** (юон. – аёл хокимияти) – аёллар ҳокимияти. Жамият тараққиётининг хўжаликда, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда аёллар ҳукмонлигидан иборат боскичи. Фонда кўпинча матриархат термини ишлатилади.

**ДАВЛАТ** – ўга маҳсус вазифаларни ҳал этишини, шуниндек, жамият табиатида келиб чиқадиган умумий ишларни бажариши таъминловчи, тарихан таркиб тоғлан жамият уюшишининг мумкин бўлган ятона умумий, универсал шакли. У мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташки муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган хукмон тузилма бўлиб, жамиятни ўз конун-қоидаларига кўра идора киласди, турли тип, шаклларда ташкил топали. Д. ахолининг ҳудудий уюшиши, расмий Д. ҳокимияти мавжудлиги ва тегишли ҳудуд доирасида амалга оширилиши, суворенитетта эга эканлиги, хукукий нормалар ўрнатилгани, Д. функциялари бажарилишини таъминловчи маҳсус бошқарув аппарати, ятона нуутизими ва ташки аломатлар (мадхия, байрок, герб ва пойтахт) мавжудлиги каби белгиларга эга. Д. тўғрисидаги илк тушунча ва қарашлар мил. ав. тахм. 4-3-минг йилликларда Миср, Месопотамия, Хиндиистон, Хитойда пайдо бўлган. Улар, асосан, диний-мифологик характерда эди. Диний-мифологик таълимотлар б-н бирга, кейинчалик Д. тўғрисидаги дунёвий қарашлар, гоялар ривожланди. Бунда Платон, Аристотель, Форобий, Беруний, Ж. Ж. Руссо, Г. Гроций, Спиноза, Локк, Монтескье, Кант, Жефферсон ва бошқалар катта хисса қўшдишлар. Ўзбек ҳалқи аждодларининг илк давлатчилик тизимига ўтиш жараёши мил. ав. 2-минг йиллигининг ўрталарида бошланди. Мил.

ав. 7–6-аларда Ўрта Осиё ҳудудида энг ирик Ҷ.лар – «Катта Хоразм» ва Қад. Бақтрия подшолиги мавжуд эди.

**ДАВЛАТ БАЙРОГИ** – давлатнинг асосий рамзларида бири: расмий, бошка давлатлардан фарқловчи белгиси, эмблемаси. Давлат байроғининг тасвири маҳсус қонун ёки конституция б-н белгиланади. Давлат суверенитетинин рамзи ҳисобланади. У герб ёки бошқа эмблема тасвирланган бир ёки кўп раңгли алвондан иборат бўлади. Д. б. давлат муассасалари, элчихоналар, консулликлар, ваколатхоналар, божхоналар ва х.к. биноларида кўтарилади. Миллий байрам кунлари элчихоналар, ваколатхоналар, консулликлар ўз мамлакати байроғини кўтаради. Шунингдек, маросимлар пайтида, ҳалқаро спорт совринлари топширилаётганда ва б. ҳолларда ҳам кўтарилади.

**ДАВЛАТ БОШЛИГИ** – давлатнинг ички ва ташки ишларига олий раҳбарликни амалга оширувчи шахс ёки орган. Монархия бошқаруви шаклидаги давлатлар (Буюк Британия, Швеция, Япония)да Д. б. монарх (кирол, подшо, император) бўлиб, унинг ҳокимияти хукмрон хонадон бир вакилидан 2-вакилига қонуцида белгиланган тартибда ўтади. Республика бошқаруви шакли амалда бўлган давлатларда кўпинча президент Д. б. ҳисобланади.

**ДАВЛАТ ГЕРБИ** – давлат рамзларида бири. Унда давлатнинг миллий-сиёсий, иқтисодий ҳусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва б. белгилари

ўз ифодасини топади. Герб давлат байроқларида, муҳрда, расмий бланкларда, мухим ҳужжат, нул ва давлат заёмларида, баъзи биноларда тасвирланади. Давлат гербининг мазмуни конституция ёки маҳсус қонун б-н белгиланади.

**ДАВЛАТ МАДХИЯСИ** – давлат герби ва давлат байроғи б-н бир қаторда давлат расмий рамзи ҳисобланадиган шеърий-музикӣ тантанавор асар, гимн. У, асосан, тантанали йиғилишлар вақтида, жамият ҳамда мухим давлат аҳамиятига молик воқеаларни нишонлаш юзасидан ўтказилаётган маросимларда, ҳалқаро спорт мусобакаларида ғолибларни мукофотлаш чогида ва х. к.ла ижро этилади. Ўзбекистон Республикаси Д. м.нинг матни ва мусикавий таҳрири (Абдулла Орипов сўзи, Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов мусикаси) ЎзРнинг 1992 й. 10 декабрдағи қонуни б-н тасдиқланган.

**ДАВЛАТ КАПИТАЛИЗМИ** – давлат (ёки давлатлар бирлашмаси) аралашадиган, давлатлаштирилган, давлат томонидан бошқариладиган ва тартиблана-диган, давлат ҳомийлиги ва назоратида, давлат белгилайдиган йўналишларда ривожланадиган капитализм. Мустакилликка эришиб социализмдан воз кечган собиқ социалистик давлатларниг бальзилари, мас., Ўзбекистон мустакил тараккиётнинг ўзига хос йўлини танлаб олди. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш йўли, бозор иқтисодиётини босқичма-босқич тарзда шакиланти-

риш йўли танланди. Давлат бош ислохотчи сифатида умуминсоний ва миллый қадриятларга асосланган, тамоман янги умумдемократик жамият куриш сиёсатини изчиллик б-н амалга ошироқда, кўп укладли ва бозор хўжалиги тизимини шакллантириш учун зарур барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Натижада, хорижий капитал иштирокидаги қўшима корхоналар, савдо ташкилотлари, банклар ва х.к. шаклланди, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг ваколатхоналари очилди. Пировардидা, Ўзбекистонда ўзига хос Д. к. уклади вужудга келди.

**ДАВЛАТ СИРИ** – ошкор этилиши тақиқланган, давлат аҳамиятига эга бўлган маълумотлар. Улар маҳсус рўйхатлар б-н белгилаб қўйилади. Давлат сирлари давлат, ҳарбий ва хизмат сирига бўлинади.

**ДАВЛАТ ТИЛИ** – муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижроия ва суд ҳокимиётларида иш юритиш учун расмий белгиланган тил. Одатда, кўп миллатли мамлакатларда, мас., Ҳиндистон, Канада, Швейцарияда қайси тил ёки тиллар расмий эканлиги конституцияларида белгилаб қўйилган. Давлатларнинг кўпчилигига расмий тил б-н Д. т. айнан бир хилдир. Фақат айрим мамлакатлардагина расмий тил мақоми Д. т. мақомидан фарқланади. Мас., Швейцарияда конституцияга биноан немис, француз, итальян тиллари – расмий тил; немис, француз, итальян ва ретороман тиллари – Д. т. саналади. Ўзбекистонда Д. т. – ўзбек тилидир. Коракалпогистонда бундай маком

қорақалпок тилига ҳам берилган. Мамлакатимизда демократик, байналмилал тамойилларга риоя килиниб, ҳар бир миллат ва элатнинг эркин ривожланиши, уларнинг тил мустақиллиги ва тенглиги таъминланган. Таълим-тарбия ишлари ўзбек тилидан ташкари тожик, рус, козок, корейс, туркман, киргиз тилларида ҳам амалга оширилади.

**ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ОРГАНЛАРИ** – муайян давлат ва ижтимоий тузумни ташки ва ички таҳдидлардан саклашга, мамлакат ички ишларига ташкаридан бўладиган аралашувларни бартараф этиш, турли хавф-хатарнинг олдини олишга даъват этилган идоралар. Улар зиммасига давлатнинг барча фуқароларига ўзини намоён килиш учун ҳамма шароитларни таъминлаш, уларнинг ҳаётини, эркинлиги ва мулкини химоя килиш вазифалари юклатилади. Ўзбекистон Республикасида бу фаолиятни Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини химоя килувчи қўмита, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги олиб боради. Хавфсизликни таъминлашнинг асосий кафили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолият юритади.

**ДЕКЛАРАЦИЯ** (лот. – маълум киляман, эълон қиласман) – бир ёки бир неча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, халқаро ёки жамоат ташкилотларининг дастурий ҳужжат, муҳим халқаро воеа, қонун ва х.к.ни умум эътиборига етказувчи баёноти; умумсиёсий принципларни тантага

нали равишда эълон этиш (мас., Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси).

**ДЕМАГОГИЯ** (юон. – ҳалқ дохийси) – дастлаб Юнонистонда ҳалқни оркасидан эргаштирган сиёсий гурухчалар раҳбарлари, демократик кайфиятдаги сиёсий арбоб, кейинчалик бу фактларни атайлаб бузиб кўрсатиш, ёлғон-яшик ваъдалар бериш ва тилёғламалик қилиш йўли б-н алдаш; ғаразли, кўпинча сиёсий максадларни яширган ҳолда баландпарвоз мухокама юритиш маъноларни ифодалаш учун кўлтанилади.

**ДЕМОБИЛИЗАЦИЯ** (франц., лот. – харакатни пасайтириш) – уруш тамом бўлгандан ёки ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлгандан сўнг ҳарбий хизматчи-ларни ҳарбий хизматдан бўшатиш ёки захирага ўтказиш, шунингдек, куроли кучларни ва ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларини ҳарбий ҳолатдан тинч ҳолатга кўчириш.


**ДЕМОКРАТИЯ** (юон. – ҳалқ ҳокими-яти) – фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, ҳалқ ҳо-кимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум. Д. давлат б-н инсон муносабатларини белгилайди. Д.нинг асосий талаблари: кўлчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг хукуклиги, улар хукук ва эркинликлари химояланганлиги, конститу-ция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳо-кимиятнинг бўлиши, давлат бошлиги ва

ваколатли органларнинг сайлаб қўйилиши. Д.нинг бевосита (асосий қарорлар ийғилишларда бевосита барча фуқаролар томонидан ёки референдумлар йўли б-н кабул қилинади) ва вакиллик (қарорлар сайлаб қўйиладиган органлар томонидан қабул қилинали) шакллари бор. Демократик давлатда инсон манфаати, қадр-киммати, ҳаёти ҳар нарсадан юкори туради. Бундай давлат ўзини ўзи бошқариш, кўпшаргиялилик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади. Бироқ Д. ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қопунга асосланган эркинликдир. Д.нинг ажраимас кисми интизом, қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳак-хукукини химоя қилишдир.

**ДЕСПОТИК РЕЖИМ** (юон. – чекланмаган ҳокимият) – ҳокимиятнинг истисносиз факат бир шахс томонидан амалга оширилиши, ҳокимиятни бошқаришда-ги ўзбошимчалик, ҳеч қандай ҳукукий ва ахлоқий асосларнинг бўлмаслиги ва фуқароларнинг тўла ҳукуқсизлиги б-н ажралиб турувчи бошқарув усулидир.

**ДЕПУТАТ** (лот. – вакил этилган) – давлат вакиллик органининг сайлаб қўйилган аъзоси; Ўзбекистон Республикасида ҳалқининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, ҳалқ Д.лари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашла-ридаги ваколатли вакили.

**ДЕПУТАТ СЎРОВИ**, Интернелля-ция – парламент депутатининг хуку-



матдан ёки айрим вазирдан хукуматнинг умумий сиёсати масалалари бўйича ёки муайян тадбирлар бўйича расмий тушунтиришни талаб килиш хукуки. Ўзбекистон Республикасида барча тизимдаги депутатлар тегишли органларга ва мансабдор шахсларга сўров б-н мурожаат килиш хукуқига эгадир.

**ДЕСАНТ** (франц. – тушириш) – душман эгаллаган ҳудудда жанговар ҳаракат қилишга мўлжаллаб самолёт, вертолёт ва денгиз, дарё орқали туширилган ёки шу мақсадда тузилган кўшин.

**ДИВЕРСИЯ**, Кўпурувчилик (лот. – диккатни тортиш, чалғитиш) – портлатини, ўт кўйиш ёки бошка усул б-н корхоналар, иншоотлар, йўллар, алоқа воситаларини ёхуд бошқа давлат, жамоат мулкини бузиш ёки шикастлантириш, ёпиасига захарлаш ёки эпидемиялар ва эпизоотиялар тарқатиш (ҳайвонларга касаллик юктириш) ва ҳ.к.

**ДИКТАТОР** – чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган якка хукмон шахс, ҳокими мутлақ; кўчма маънода – ўз ҳоҳин-иродасини бошқаларга мажбуран қабул қилдирувчи шахс.

**ДИКТАГУРА** (лот. – чекланмаган ҳокимият) – давлат ҳокимиятини нодемократик усуслар б-н амалга ошириш тизимини ифодаловчи тушунча. Д.га асосланган сиёсий режимда ҳокимият бир шахс – диктатор ёки бир неча шахсларнинг қўлида марказлашади, сиёсатда зўравонлик ва террор кучаяди. Д. ўрнатилганлиги диктаторлик ҳокимиятининг

чекланмаганлиги ва назоратсизлиги, конституция эълон қилган демократик хукуқлар ва эркинликлар тоғвалиши, вакиллик органларининг хукуклари чекланиши б-н ажралиб туради. Ҳокимият тўғридан-тўғри зўравонликка таянади.

**ДИСКРИМИНАЦИЯ** (лот. – ажратиш, фарқлаш) – давлат, юридик ёки жисмоний шахс хукукларининг (бошка давлат, юридик ёки жисмоний шахе хуку克拉рга нисбатан) чекланиши. Демократик давлатларнинг ички қонунларида ҳамда ҳалқаро хукуқда Д.нинг барча шакллари, жумладан, фуқаролар хукукларини миллати, ирқи, жинси, дини сабабли амалда ёки юридик жиҳатдан камситишга йўл кўйиш тақиқланади.

**ДИСЛОКАЦИЯ**, Қўппинларни дислокация қилиш – тинчлик пайтида курукликдаги қўшинларнинг қисмлари, қўшилмалари ва ҳарбий муассасаларини мамлакат ҳудудида улар учун ажратилган жой (аҳоли яшайдиган пункт, маҳсус ҳарбий шаҳарча, лагерь)га ўрнаштириш, ҳарбий-ҳаво кучлари қисмлари, қўшилмаларини ўз базасига эга бўлган аэродромларга, ҳарбий-денгиз флоти кемаларини портлар ва ҳарбий-денгиз базаларига тақсимлани.

**ДОКТРИНА** – таълимот, илмий ёки фалсафий назария, сиёсий тизим, бош назарий ёки сиёсий принцип.

**ДОМИНИОН** (инг. лот. – қарам ер) – инглиз қироли (киролича)ни давлат бошлиғи деб тан олиб келган ва Британия им-

перияси таркибидан бўлган давлат. Унга генерал-губернатор тайин қилинган. Дастребаки доминионлар – Канада, Австралия Иттифоқи, Янги Зеландия ва б. Ҳамдустлик тузилганидан кейин, гарчи кўпгина собик доминионлар унга кириб, аввалгидек инглиз қироличасини давлат бошлиғи деб хисобласалар-да (Канада, Янги Зеландия ва бошқалар), Д. атамаси қўлланилмайдиган бўлди.

**ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ** – давлат ҳокимиятишинг қонун чиқарувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти каби мустакил тармоқларидан бири. Жорий қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланиб, бошқарув вазифаларини бажаради (давлат бошлиғи, ҳукумат). Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатлариши ижро этиш максадида ўз қарор ва фармойишларини қабул қиласди, олатда, давлат бошлиғи (президенти)нинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида иш кўради. И. э. ҳ. минтақавий ва маҳаллий даражада маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (ҳоким, оқсоқол, губернатор, мэр, префект) томонидан амалга оширилади.

**ИМПЕРИАЛИЗМ** (лот. – буюриш, бошқариш, ҳокимият) – ҳудудларни қенгайтиришга, мустамлакалар босиб олишга, бошқа давлатлар устидан сиёсий ва иктисолий назорат ўрнатишга қаратилган давлат сиёсатидир. Империя – бир нечта мустамлака ерлари бўлган, тоталитар тузумга асосланган йирик давлатдир. У бир давлатнинг ўз ҳокимиятини бошқа давлат худудида иктисолий ва сиёсий фойда

олиш мақсадида қарам ахолини, асосан, ҳарбий воситалар ёрдамида эзиш ҳисобига амалга оширишини англатади.

**ИМПЕРИЯ** (лот. – ҳокимият) – император бошқарган монархия давлатининг номи, баъзи қад. замон (Рим И.си), ўрта аср («Муқаддас Рим И.си») йирик монархия давлатлари Қад. Италия деб аталган. Подшо Россияси Пётр I даври (1721)дан Романовлар ҳокимияти ағдаришгунига қадар (1917), Франция Наполеон I (1-И.) ва Наполеон III (2-И.) даврида, Германия (1871 й.дан 1918 й. инқилобига қадар) И. бўлган. И. – мустамлакалари бўлган йирик давлатлар. Мас., Буюк Британия доминион ва мустамлакалари б-н бирга Британия И.сици ташкил этган.

**ИМПИЧМЕНТ** – айрим давлатларда, мас., АҚШ, Буюк Британия, Японияда олий мансабдор шахслар (мамлакат президенти, ҳукумат бошлиғи ва ш.к.) ни жавобгарликка тортиш ва уларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқишининг алоҳида тартиби. И. вақтида жиноий иш қўзғатиш ва судга беришни, одатда, парламентнинг куйи палатаси амалга оширади, ишни кўриб чиқиши эса – олий палатанинг вазифасидир, кўриб чиқиши лавозимдан четлатиши (бўшатиш) б-н якунланиши мумкин. И. тартибда ҳукм қилинган шахс умумий тартибда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. И.га асос бўлиб, хоинлик, пораҳўрлик, конституцияга амал қиласлик ва бошқа оғир жиноий ҳаракатларни содир этиш ҳисобланishi мумкин.

**ИНАУГУРАЦИЯ** (лот. – бағищлайман) – давлат бошлигининг шу олий ла-возимини бажарнига киришини муносабати б-н ўтказиладиган тантанали ма-росим.

**ИНСТАНЦИЯ** (лот. – бевосита яқинлик) – бир-бирига итоат қиласидиган ташкилотлар, давлат бошқармалари, суд ор-ганлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар тизимидағи боскич.

**ИНҚИЛОБ, Революция** – табиатнинг бирон-бир ҳодисаси, жамият ёки онгнинг ривожланишида рўй берадиган чукур сифат ўзгариши (мас., ижтимоий И., шунингдек, саноат, фан-техника, маданият, физика, фалсафа ва х.к.даги И.). И. сўзи кўпинча ижтимоий-сиёсий ту-зумни кўккисдан, зўрлик б-н ўзгартириш маъносида ишленилади, у аста-секин, эволюцион тарзда ўзгартиришларнинг аксилир.

**КАПИТАЛИЗМ** – ҳусусий мулк, бозор иқтисодиёти ва демократик ин-ларга асосланган жамият тури. Ижтимоий тафакурнинг турли оқимларида К. – эр-кин тадбиркорлик тизими, индустрialiал жамият тараққиётининг боскичи, К.нинг ҳозирги даври эса «аралаш иқтисодиёт», «постиндустриал жамият», «ахборот жамияти» ва б. сифатида таърифланади. К. 14–15-аларда Италия (савдо) ва Голландия (*мануфактура*) шахарларида юзага келиб, 16-а.дан бошлаб Европада дастлабки сармоя (капитал) жамғариш деб аталмиш жараён натижасида қарор тонди.

**КАПИТУЛЯЦИЯ** (лот. – муайян шартлар б-н келишиб олмок) – қуролли қаршилик кўрсатишни тўхтатиш ва душман (ғолиб)га у талаб қилган шартлар бўйича таслим бўлиш.

**КОЛЛЕГИАЛЛИК** (лот. – уюшма) – бошқарувнинг раҳбарий ваколатли шахслар гурухи (коллегия) томонидан амалга ошириладиган усули, бошқариш принципи.

**КОЛЛЕГИЯ** (лот. – ўртоқлик, биродарлик) – ҳайъат, раҳбарлик қилувчи, маслаҳат ёки фармойиш берувчи органи ташкил этадиган шахслар гурухи (мас., вазирлик К., суд К.). Шунингдек, бир касб кишиларининг ихтиёрий уюшмаси (мас., адвокатлар К.си).

**КОМИТЕТ** (франц. – топшираман, юклайман) – маҳсус, алоҳида чора-тадбирлар ўтказиш, бирон соҳа-тармокка раҳбарлик килиш учун ташкил этиладиган раҳбар органи, шунингдек, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларида сайлаб қўйиладиган коллегиал раҳбар орган.

**КОМПЕТЕНЦИЯ** (лот. – эришниман, муносибман, лойиқман) – муайян давлат органи (маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат б-н белгиланган ваколатлари, хукуқ ва бурчлари доираси; у ё бу соҳадаги билимлар, тажриба.

**КОНСЕРВАТИЗМ** (лот. – сақловчи, химоя қилувчи) – тараққиёт, ижтимоий ва маданий ҳаётда анъана ва ворислик ғоя-

сига таянувчи хилма-хил ғоявий-сиёсий ва маданий оқимлар мажмуи. Тарихда бу түшүнчә турли шакылдарда намоён бўлган, лекин, умуман олганда, мавжуд ва барқарор ижтимоий тизимлар ҳамда мельсрларга мойиллик, инқилюб ва кескин ислоҳотларни қабул қиласлик К.га хос асосий хусусият хисобланган. Ижтимоий ўзгаришлар юз берәётган шароитда К. эски тартибларни қайта тиклаш, бой берилган мавқеларни асл ҳолига қайтариш ва ўтмишни идеаллаштиришда кўринади. К. термини биринчи бор француз алиби Ф. Шатобриан томонидан кўлланилган ҳамда 18-а. охирида Буюк француз инклиоби даврида аристократия мафкурасини ифодаловчи қарашилар йиғиндисини билдирган. Капитализм қарор топаётган даврда К. гарбда либерализм ва социализмга карши турган.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД** – бир қанча давлатларда ягона ёки асосий иши конституциявий назоратини амалга ошириш билан шуғулланувчи алоҳида орган. Биринчи марта 1920 й.да Австрияда тъисис қилинган. Ўзбекистон Республикаси конституциявий суд тизимиға кириб, коనунлар ва б. ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди, Конституция ҳимоячиши хисобланади.

**КОНФЕДЕРАЦИЯ** (лот. – иттифоқ, уюшма, бирлашма) – 1) давлат тузилишининг бир шакли (мас., Швейцария К.си); унга кўра, К.ни ташкил қилган дав-

латлар ўз мустақиллигини тўла сақлаб қолади, ўз давлат ҳокимиятини тузади, маҳсус бирлашган органлар эса муайян (ҳарбий, ташки сиёсий) мақсадларда ҳаракатларни мувофиқлаштириш учунгина тузилади; 2) бирон-бир ижтимоий ёки бошқа бир ташкилотларнинг номи (мас., Франция Умуммехнат К.си).

**КОНФОРМИЗМ** (лот. – ўхшаш, мувофиқ) – мавжуд ижтимоий тартиб, ҳукмрон ғоя ва фикрларга мослашиш, уларни пассив қабул килиши. Конформистларнинг ўз мавқеи бўлмайди, тазиқ кучига эга ҳар кандай намунага принципсиз, нотанкидий, кўр-кўrona эргашаверади.

**КОНФЕРЕНЦИЯ** (лот. – бир жойга тўпладайман) – давлат ёки партия, жамоат ва олимлар вакилларининг муайян масалани муҳокама этиш учун йиғилиши. 19-а.нинг 2-ярмигача Ғарбий Европада, асосан, маъмурий-техник, маданий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларга оид йиғилишлар ҳам К. деб аталган. Кейинчалик К. тушунчаси конгресс атамаси ўрнида ҳам кўлланила бошлади.

**КООПТАЦИЯ** (лот. – кўшимча сайланиш, кўшимча сайлаш) – сайлаб кўйиладиган органлар таркибига кўшимча сайловлар ўтказмай туриб, янги аъзолар ёки номзодларни киритиши.

**ЛОББИ**. Лоббизм – давлат идоралари, конунчилик, ижроия, суд ҳокимиятларининг минтақалар иқтисодиёти айrim тармоқлари ва соҳаларини, корхоналар,

ижтимоий гурухларни объектив зарурат тақозоси б-н эмас, балки маълум бир манфаатларни кўзлаб, баъзан мансабдор шахсларни согиб олиш йўли б-н кўллаб-кувватлашга қаратилган фаолияти.

**ЛИБЕРАЛИЗМ** (франц. – хур фикрли, эркин шахс, муросасоз маъносини ҳам англатади) – одамларнинг ўзини, ҳатти-харакатларини, мулкини бошқаришда эркин деган нуқтаи назарга асосланган фалсафий, иктисодий ва сиёсий дунёқараш, назария. Л. 17–18-аларда Европа мамлакатларида юзага келган, у Жон Локк, Адам Смит, Шарл Луи Монтеске ва б.нинг мутлақ ҳокимиятга қарши қаратилган назарияларига асосланади. Ҳозирги Л. ғояларига кўра, эркин бозор механизми самарали иктисодий фаолият юритиш, ижтимоий ва иктисодий жараёнларни тартибга солиб туриш учун энг қулай шарт-шароит яратади, айни чоғда бозор ва рақобатчилик нормал шароитда ривожланиши учун бу соҳага давлатнинг мунтазам равишда аралашуви зарур.

**МАНИФЕСТ** (лот. – чакириқ, даъват) – ҳукуматнинг жуда муҳим сиёсий воеа муносабати б-н ҳалқка қўлган ёзма мурожаати, шунингдек, бирон партия ёки ташкилотнинг дастур тарзидаги ёзма мурожаати.

**МАНСАБДОР ШАХС** – давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошкариш органларида, давлат, муниципал муассасаларида, шунингдек, куролли кучларда, бошқа кўшинлар ва ҳарбий тузилмалар-

да ҳокимият вакили вазифаларини доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича амалга оширувчи ёхуд ташкилий-бошқарувчилик, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи шахс.

**МАЪМУРИЯТ** – 1) давлатнинг бошқарув фаолияти; бошқарув ишини амалга оширувчи давлат органлари мажмуй; 2) бошқарувчи мансабдор шахслар, муассаса, корхоналарнинг раҳбар ходимлари.

**МИЛИТАРИЗМ** (лот. – ҳарбий) – муайян мамлакат ҳукмрон доираларининг давлатнинг ҳарбий курдатини кучайтириш масадида фойдаланадиган сиёсий иктисодий ва ғоявий воситалари тизими. Куролланиш пойгаси, ҳарбий блюд жетларнинг ўсиши, чет элларда ҳарбий кучларни ушлаб туришга зўр бериш босқинчиликни кўзловчи ҳарбий-сиёсий блоклар тузиш, мамлакат иктисодиёти ва унинг ташқи ҳамда ички сиёсатида ҳарбий саноат мажмунининг таъсирини кучайтириш М.га хосдир.

**МОДЕРНИЗАЦИЯ** (франц. – энг янги, замонавий) – бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириши ҳисобланади. М.да машина, апиарат, турли технологик курилмалар, муҳим кашфиётлар техника тараққиёти талабларига мувофиқ қайта ишланади.

**МОНАРХ** – давлатнинг якка ҳукмдори. Одагда, ҳокимият унга мерос бўлиб ўтади. Барча М.лик мамлакатларида М. коюн бўйича дахлсиз одам ва у ҳар кандай масъулиятдан озод ҳисобланади.

**МОНАРХИЯ** (юонон. – якка хокимлик) – олий давлат ҳокимияти факат битта шахсга – монарх (кирол, император, султон, амир)га тегишли бўлган ва, одатда, мёрос сифатида кейинги авлодларга қоладиган бошқарув шакли. М.нинг икки тури мавжуд: биринчиси, мутлақ (абсолют) М., бунда монархнинг тўла хокимиятини чеклайдиган бирон-бир давлат органи бўлмайди. Иккинчиси конституциявий М., бунда монарх хокимияти конституция асосида амал қиладиган музайян ваколатли орган б-н чекланган бўлади (яъни қонунчиликни парламент, ижро хокимиятини ҳукумат олиб боради).

**МУНИЦИПАЛИТЕТ** (немисча, лот. – ўзини ўзи идора қилювчи жамоа) – бир қаңча мамлакатларда маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарувчи сайлаб қўйиладиган органларини мажмуи. Айрим мамлакатларда (мас., АҚШ, Буюк Британия) шаҳар бошқарув органларигина М. деб аталади.

**МУДОФЛА** – жанговар ҳаракат турларидан бири. Душман кучлари ҳужумини кайтариш, уларга жиддий талафот стказиш, жанговар позицияни қўлда тутиб туриш ва шиддатли ҳужумга ўтиш учун куляй шароит яратиш мақсадида қўлланилади. Жанглар ва операциялар шаклида олиб борилади.

**МУСТАБИДЛИК**, Деспотия – якка шаҳе ҳукмронлигига асосланган сиёсий тузум шакли. Мустабид хокимияти, одатда, зўравонлик, босиб олиш, баъзан эса қонуний хокимиятни ағдариб ташлаш

натижасида ўрнатилади. Мустабидлик мил. ав. 7–6-аларда Юнонистон шаҳар ва давлатларида мавжуд бўлган (мас., Афинада мустабид Писистрат). Бундай давлатда ҳуқуқий, ахлоқий асослар бўлмайди, қонулар ишламайди, уларнинг ўзи жуда кам бўлади. У зўравонлик, баъзан эса террор ва геноцид асосига курилади. Мусгабил ҳокимият шафкатсиздир. Бунда фуқаролик ва ҳарбий ҳукумат тўлалигича ягона ҳукмдор – кўлида жамланган. Мустабид режим инсоният тараккиётининг дастлабки босқичларига хос бўлса-да, айрим хозирги замон давлатларида ҳам унинг ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин.

**МУСТАМАЛАКАЧИЛИК** – кучли давлатлар томонидан зўрлик б-н эгалланган мамлакат ёки ҳудудни сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам килиш, талаш сиёсати. 15-а. охирида Европа давлатлари (Португалия, Испания, Англия, Франция, Голландия) ана шундай сиёсат юрита бошлайдилар. Бундай амалиёт 20-а. бошида авжига чиқди, натижада дунёнинг катта қисми бир неча империялар ўртасида бўлиб олинди.

**МУХОЛИФАТ**, Мухолафат (араб. – тескарилашиш, келишмовчилик) – расмий ҳукумат, унинг сиёсати б-н келишмай бошқача сиёсий йўл тутиб, фаолият юритиш. М.нинг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг сиёсий маданиятини белгилаб берувчи мухим хусусият ҳисобланади. М. бўлишнинг асосий

талаблари қуидагилардир: ҳокимиятни бошқариш, ташкил этиш бүйича ўз дастурига, ўз «команда»сига, ўз фаолиятининг ғоявий, мафкуравий асосига эга бўлиш; амалдаги хукуқий нормалар асосида фаолият олиб бориш; ўз дастурини мафкуравий йўллар б-н кенг жамоатчиликка етказиш; ўз электорати (сайловчилар доираси)га эга бўлиш, улар манфаатини кўзлаб конун доирасида курашиш; хал қилиниши керак бўлган вазифаларни очип учун алтернатив (мукобил) йўлларни таклиф этиб, унинг тўғрилигини амалда исботлашга ҳаракат қилиш.

**МУХТОРИЯТ** – конституциявий хукукда бирон-бир ҳудуднинг унга конституция йўл қўйган чегараларида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириш хукуқи. М. марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтишнинг муайян даражасини билдиради, аммо бу федератив давлатдагига нисбатан камроқ дараҷада бўлади. 20-а. бошларида Туркистон жадидлари М. ҳаракатига мустақил давлат тузиш йўлидаги алоҳида боскич сифатида қараганлар ва бу йўлда курашган.

**НЕОФАШИЗМ**. Янги фашизм – ўзининг аниқ шиорлари ва фаолият усуларини хозирги замонга мослаб ўзгартирган, лекин ғоявий-сиёсий асосини, қонун-коидаларини саклаб қолган фашизм. Хозирги ўнг, тажовузкор ҳаракатларни англатувчи тушунча. 2-жаҳон урушидан кейин тарқатиб юборилган фашист ташкилотларининг сиёсий ва ғоявий издошлари фаолиятини ифодалайди.

Неофашист гурухлари ва партиялари террористик ликтатурага интилади. Бу йўлда улар сиёсий манбаатлари мос туннган хукмрон доиралар б-н якин алокада бўлади. Н. апладий шовинизм, ирқчилик ва жаҳолатпарастлик ғояларига суюнади. Ҳозирги даврда бундай кайфиятдаги гурухлар турли мамлакатларда пайдо бўлмоқда. Улар ҳар хил қўпорувчилик ишлари б-н демократик жараёнларга халяқит бермоқда. Mac., Англияда «Миллий фронт», Голландия, Бельгия, Скандинавия мамлакатлари, АҚШ, Россия ва бошқа давлатларда неофашист гурухлари ва ташкилотлари фаолияти намоён бўлиб турибди. Улар турли ишорлар ва максадлар остида гоҳ ошкора, гоҳ яширин тусда ҳаракат олиб бормоқда. Н. ҳалқаро кескинлик, милитаризм ва куролланиш пойгаси тарафдоридир.

**ОКРУГ** (рус. – атроф) – бир қанча давлатлар (mac., Исландия, Португалия)да маъмурий-худудий бирлик; ҳарбий О.; вақғинчалик тузилган худудий бўғин (mac., сайлов О.и); муайян органлар ва колати тарқаладиган худуд (mac., суд О.и, нотариал О.).

**ОЛИГАРХИЯ** (грекча - камчилик ҳокимияти) – ҳокимиятнинг эътиборга эга бўлган кичик гурухлар (mac., йирик мулкдорлар) таъсирида қолиши ҳамда ҳокимият мамлакат фуқароларининг эмас, ўша кичик гурухларининг шахсий манбаатларига хизмат қилиши б-н ҳарактерланадиган сиёсий режим ҳисобланади. Олигархлар бошқарув аъзосига айлапиб,

ўзлари ва гурух манфаатларига хизмат киладиган қарорлар ишлаб чиқилиши ва чиқарилишида мухим рол ўйнайди. О. термини дастлаб юони ёзувчилари (Аристотель, Полибий) асарларида аристократия тугатилиши оқибатида вужудга келадиган давлат тузуми шаклини ифодалаш учун кўлланилган.

**МОЛИЯ ОЛИГАРХИЯСИ** – энгийирик саноат корпорациялари ва банклар эгалари гурухи, амалда мамлакат иқтисодиётида, шунингдек, сиёсий хаётида ҳукмронлик килади.

**ОППОЗИЦИЯ** (лот. – қарама-қарши кўйиш) - қарама-қарши харакат, ўз дунёкараши, сиёсатини бошқаларнинг қарашларига, сиёсатига қарама-қарши кўйиши. Ҳукмрон мафкура ёки ҳукумат сиёсатига қарши чиқувчи ва масалани бошқача ҳал қилиш йўлини, бошқача сиёсатни таклиф этувчи партия ёки ижтимоий гурухларнинг умумий номи.

**ОППОРТУНИЗМ** (франц. – фойдали, қулай) - мослашувчанлик, иккюзламачилик, шундай хислаттарни ўзига асос килиб олган сиёсий оқим.

**ОШКОРАЛИК** – демократиянинг зарур шарти; жамоатчиликка муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятига оид барча маълумот, хабарларни билиш, мухокама ва назорат этиш учун рўй-рост эълон қилиш. Турли даражадаги раҳбарларнинг жамоатчилик б-н эркин мулокотлари, савол-жавоблари ва бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, цензу-

рага йўл қўймаслик О.ни таъминлашга ёрдам беради.

**ПАРЛАМЕНТ** (франц. – гапирмок) – демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. П. биринчи марта 13-ада Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари турли мамлакатларда турлича аталади. Жумладац, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия давлатларида П.; АҚШ ва Лотин Америкасининг асарият мамлакатларида Конгресс, Россия Федерациясида – Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада – Сейм ва ҳ.к. Ўзбекистонда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидир. П. бир палатали ва икки палатали тизим шаклида бўлади. П.ни ташкил килиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар Конституция ҳамда қонунларда белгилаб кўйилади.

**ПАРЛАМЕНТАРИЗМ** – давлат хокимияти тузилиши. Бунда парламент имтиёзли мавқега эга бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг функциялари аниқ белгилаб берилади. П.да ҳукумат парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавоб беради.

**ПАРТИЯ** (франц. – бўлак, кисм, гурух) – ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак бўлган кишилар гурухидан иборат, муайян ижтимоий гурух ёки қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи ва химоя қилувчи сиёсий ташкилот.

**ПЛАТФОРМА** (франц. – ясси шакл) – алоҳида партия, гурух, ижтимоий таш-

килотлар томонидан олга сураладиган сиёсий дастур.

**ПЛАЦДАРМ** (франц. – кўшинлар учун майдон) – бирор давлатнинг бошқа бир давлатга ҳужум қилишида ҳарбий ҳаракатларни кенгайтириш учун база сифатида фойдаланиладиган худуд. П. оператив ёки стратегик аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

**ПЛЕБИСЦИТ** (лот. – ҳалқ қарори) – ҳалқ овоз беришининг бир тури. Ҳалқаро амалиётда бир давлат ҳудудини бошқа давлатга берилаётганда ахолидан фуқароликни танлаш учун сўров ўтказилади. Баъзи мамлакатларда (мас., Францияда) референдумнинг синоними. Расмий юридик цуктаи пазардан П. ўтказиш, унда қандай масала ҳал қилинаётганлигидан қатъи назар референдум ўтказишдан ҳеч бир фарқ қилмайди.

**ПЛЕНУМ** (лот. – тўла) – бирон партия, жамоат, давлат ташкилотининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи аъзоларининг тўла таркибдаги мажлиси.

**ПЛУТОКРАТИЯ** (юонон. – бойлик ҳокимияти) – ҳокимият расман ва батамом жамиятнинг энг бой, мулкдор табақа ва киллари кўлида бўлган давлат гузуми, бойлар ҳукмронлиги.

**ПОЛИГОН** (юонон. – кўп бурчакли) – ҳарбийда қуруклик ёки денгизнинг қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техникани синаш, кўшинлар (флот кучлари)нинг жанговар тайёргарлигига доир тадбирларни ва тактика борасидаги тадқикотларни ўтказиш учун маҳсус жихозланган қисми;

тажриба учун ва кўплаб ишлаб чиқариладиган жанговар қуролларни, ҳарбий техникани синаш ҳамда кўшинлар (флот кучлари)ни жалб қилган ҳолда тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган илмий техникавий муассасаси.

**ПОЛИЦИЯ** (немисча, юонон. – давлат томонидан бошқариш, маъмурият) – жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка карши кураш бўйича тузилиган маҳсус органлар тизими. П. ҳукуқбузарликнинг айрим турлари юзасидан текширув ишларини олиб боради. Ўзбекистон Республикасида милиция П. функциясини бажаради.

**ПРЕЗИДЕНТ** (лот. – олдинда ўтирувчи) – ҳозирги кўпчилик (республика шаклида идора қилинадиган) мамлакатларда сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи. Бундай бошқарув шакли илк бор АҚШда 1787 й.да вужудга келган. Ўзбекистон тарихида биринчи П. лавозими 1990 й. 24 марта таъсис этилди. Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи П.и хисобланади.

**ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИ** – фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда давлат бошқарувида қўлланиладиган вақтинчалик бошқарув шакли. У, асосан, федератив тузилишдаги давлат бошқаруви (мас., АҚШ, Ҳиндистон)да қўлланилади.

**ПРЕЗИДИУМ** – мажлис, кенгашни бамаслаҳат олиб бориш учун сайланган шахслар туруҳи, ҳайъат; айрим жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқаларнинг доимий раҳбар органи.

**ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ** – ҳукуматнинг пул муоммаласи ва кредит соҳасида олиб борадиган бош йўли ҳамда мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини, шунингдек, унинг самараали фаолиятини таъминлашга, пул тизимини лозим даражада мустаҳкам сақлаб туришга каратилган чора-тадбирлари.

**РАДИКАЛИЗМ** (лот. – илдизга оид) – мавжуд давлат тузумини таңқид остига олиб, қатъий, кескин, туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар ўтказишни талаб этувчи оқим.

**РАЗВЕДКА** – вазиятни баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун мавжуд ёки эҳтимол тутилган душман, жой ва бошка ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

**РАКЕТА ҚУРОЛИ** – ракета ёрдамида шикастлаш воситаси (бомба, снаряд) нишонга етказиладиган курол. Вазифасига кўра, Р. қ. стратегик, оператив-тактик, тактик турларга бўлинади. Шикастлаш воситасини нийонга етказиш узоқлиги бўйича анча яқин (10 км гача), яқин (10–100 км гача), ўртacha яқин (100–500 км), анча узоқ (китъаларо, 5500 км гача) Р.қ. фарқланади. Р. қ. 20-а. 50–70-йилларида кенг расм бўлди.

**РЕСПУБЛИКА** (лот. – умумхалқ, жамоат ини) – давлат бошқаруви шакли, унда барча давлат ҳокимияти органлари сайлаб қўйилади ёки умуммиллий ваколатли муассасалар (парламентлар) томонидан шакллантирилади, фуқаролар эса шахсий ва сиёсий ҳукукларга эга бўладилар.

Тарихан Р. антик даврда монархиянинг зидди сифатида вужудга келган (мас., Афинадаги қулдорлик демократияси). Р. нинг икки тури мавжуд. Биринчisi, парламентар Р. – ҳукумат (шунингдек, давлат раҳбари ҳам) сайловларда ғолиб чикқан партия вакилларидан шакллантирилади. Иккинчisi, президентлик Р.си – ҳукумат президент томонидан тайинланади ва парламент томонидан тасдиқланади, ҳукумат президентга хисобот беради, президент аҳоли ёки уларнинг вакиллари томонидан овоз бериш йўли б-н сайланади. Ўзбекистон Республикаси – суверен демократик Р. бўлиб, мамлакатимизда президентлик Р.си бошқарув шакли амал қиласи.

**РЕФЕРЕНДУМ** (лот. – билдирилиши керак бўлган) – умумхалқ овоз бериш йўли б-н қонунлар қабул қилиш ва давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилиш шакли. Бевосита демократиянинг муҳим воситаси. Р.нинг сайловлардан асосий фарқи шундаки, Р. ўтказилаётганда бирон-бир лавозимга номзод ёки номзодлар рўйхати учун овоз берилмайди, балки унда муйян масала – қонун, қонун лойиҳаси, конституция, конституцияга тузатишлар киритилади, мамлакат ҳалқаро мақомига тааллуқли ёки ички сиёсатига оид бирон-бир савол қўйилади.

**САЙЛОВ** – овоз бериш орқали давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситаси. Фуқароларнинг ўз С. ҳукукини амалга ошириши – улар-

нинг давлатни бошқаришда иштирок этишининг энг муҳим шаклларидан бири. С. да ахоли катнашиши ёки уларнинг вакилларигина иштирок этиши мумкин. С. очик ёки яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади. Қайси орган сайлангаётганлигига караб парламентга ёки президентликка С., парламентнинг умумий ёки бир кисми учун С. ўтказилишига қараб ялни ёки кисман С. бўлиши мумкин. Ҳудудига караб умумдавлат ёки маҳаллий; ўтказилиш вақтига қараб навбатдаги ёки муддатдан олдинги; бир партияли, кўн партияли ёки партиясиз; муқобиллик асосида ва номукобил (агар ягона номзод кўрсатилиса) С.лар ўтказилиши мумкин. С. тизимининг мажоритар, пропорционал ва аралаш турлари қўлланилади.

**СЕПАРАТИЗМ** (лот. – алоҳида, ажратилган) – ажralиб чиқишига, алоҳида бўлишга интилиш, давлатнинг бир қисмини ажратиб олиб, янги давлат тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмини муҳториятга айлантириш ҳаракати.

**СЕССИЯ** (лот. – йигилиш) – ваколатли органлар (мас., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят кенгаши), суд, илмий муассаса, жамоат ташкилотлариниши ѹигилиш ўтказаётган даври. Ваколатли органларнинг С.лари бир йилда неча марта чакирилиши қонун б-н белгиланади. Бундан ташқари, навбатдан ташқари, фавқулодда С.лар ҳам чакирилиши мумкин.

**СИЁСАТ** – давлатни бошқариш санъати. С. турли ижтимоий-сиёсий ин-тлар,

ижтимоий қатламлар, табақа ва гурухлар ўртасидаги муносабатлар б-н боғлиқ. Унинг моҳиятини давлат ҳокимияти шакллари, уни амалга ошириш ва бошқариш ташкил этади. С. кенг мъянода жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий ҳаёти, давлат ҳокимияти, унинг ички ва талики фаолияти, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг ҳокимиятга муносабати, уни бошқаришда сиёсий манфаатларни амалга оширишнинг устувор йўналишларини ўзидаги ифода этади.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯ** – ижтимоий гурухлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилотлар. С.п. жамият сиёсий тизимининг муҳим кисми, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, хукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради. Дастрлабки С. п. 17 18-алар инқилоблари даврида пайдо бўла бошлаган бўлса-да, уларга ўхшаш жамоа, ташкилотлар қадимдан мавжуд эди. Афина төгериялари, Рим оптимат ва популярлари антик даврда С. п. вазифасини бажарган. С. п.нинг универсал шакли, асоси, кариндошлик алоқалари б-н боғланган кишилар гурухи ва маҳфий ташкилотлар бўлган (Йорклар ва Ланкастерлар – ўрта асрлар Англияси; Али тарафдорлари – ўрта асрларда Арабистонда). Марказий Осиёда С. п. тузиш учун тарихий-ижтимоий вазият 19-а.нинг охири – 20-а.нинг бошларида юзага кела бошлади. («Мил-

лий иттиход», Ёш бухороликлар, Ёш хиваликлар).

**СИЁСИЙ ТИЗИМ** – жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи ижтимоий муассасалар мажмуи. С. т., айни вақтда, турли сиёсий гоялар, қараашлар, тасаввурларни, сиёсий ҳаётни тартибга солувчи ва белгиловчи сиёсий нормалар, ахлоқий тамойиллар, анъаналарни ҳам ўзида ифода этади.

**СИЁСИЙ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР** – фуқароларнинг асосий конституциявий хуқуқларидан бир гурухи (фуқаролик, шахсий хуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий хуқуқ ва эркинликлар кабилалар б-н бир қаторда). С. ҳ. ва э. фуқароларга мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида қатнашиш имконини беради. Бу хуқуқ ва эркинликлар жамият ва давлат бошқарувида қатнашиш хуқуқи, сайлов ҳуқуқи, қонуниярга мувофиқ, жамоат бирлашмаларига уюшиш, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш, ахборот эркинлиги, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, ариза, таклиф ва шикоятлар бериш орқали давлат органлари, муассасалар ёки ҳалк вакилларига мурожаат қилиш хукуки кабиларни ўз ичига олади.

**СИНФЛАР**, Ижтимоий синфлар – нисбатан барқарор катта ижтимоий катлам, гурухлар (мас., дехконлар, ишчилар, буржуазия, ўрта синф). «Синф», «Синфий кураш» тўғрисидаги қараашларнинг пайдо бўлиши нисбатан узок ўтмишга эга. Лекин синф концепцияси 19-ада Евро-

пала кенг ёйилган. К. Маркс ва Ф. Энгельс синф мавжудлигини муайян ишлаб чиқарши усули, меҳнат тақсимоти ва хусусий мулк б-н боғлади, синф курашини тарихни ҳаракатлантирувчи куч деб хисоблади.

**СОЦИАЛИЗМ** (лот. – ижтимоий) – хусусий мулкни ижтимоий (умумий) мулкка айлантириш орқали эркинлик ва тенглик, баҳт ва фаровонликка эришиш мумкин деб ҳисобловчи таълимот. С. тарафдорлари ана шу йўл б-н қурилган ижтимоий тузумни идеал жамият деб ҳисоблаганлар. С. атамаси Францияда 19-ада нинг 30-йилларида истеъмолига кирган.

**СТАТУС** (лот. – ҳолат, вазият) – хуқуқ субъектларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари мажмуини ифода этувчи, хуқуқ нормалари б-н белгиланган ҳолат.

**СУВЕРЕНИТЕТ** (франц. – олий ҳокимият) – ҳокимиятнинг устунлиги ва мустақиллиги. Конституциявий хуқуқ фанида давлат С.и, миллат С.и, ҳалқ С.и тушунчалари ишлатилади. Давлат С.и – ҳокимиятнинг мамлакат ичидаги олийлиги ва ташки муносабатларда тўла мустақиллигидир.

**ТАБАКА** (араб. – қатлам) – муайян ҳалқ ичидаги ижтимоий мавқеига қараб бўлинадиган гурух. Т. урф-одат ёки қонунда мустаҳкамланган, авлоддан авлодга ўтиб келадиган хуқуқ ва бурчларга эга бўлган. Т. лар ўтмишда анъанавий зодагонлик ва аслзодалик тушунчалари мавжуд бўлган жойларда вужудга келган.

**ТАКТИКА** (юон. – сафлайман) – белгиланган мақсадга эришиш учун ишлатыладиган восита ва усуулар мажмуаси.

**ТЕОКРАТИЯ** (юон. – худо хокимияти) – давлат бошқарув шакли, бунда давлат (одатда, монархия давлати)нинг бошлиғи бир вактнинг ўзида диний бошлиқ ҳам хисобланади. Теократик давлатлар кадимдан маълум. Масалан, Иudeяда мил ав. 5–1-а.ларда бои руҳоний, яъни олий коҳии давлат ҳокимиятининг тўлиқ эгаси бўлган. Ўрта асрлардаги умавийлар ва аббосийлар халифалиги теократик давлатлар эди. Иезуитлар 17-а.да Парагвайдада ташкил этган теократик давлат ҳам маълум. Папа вилояти 1870 й.да Италия бирлашишидан олдин теократик давлат бўлган эди. 1951 й. Тибет XXРга қўшилгунга қадар Далайлама (Лама руҳонийларининг раҳбари) Тибетдаги дунёвий ҳокимиятни ҳам бошқарган. Рим католик черковининг олий раҳбари Папа бир вактнинг ўзида Ватикан давлатининг ҳам бошлиғи хисобланади. Теократик тамоилилар фукаролар ижтимоий ва шахсий ҳаётининг барча томонлари (диний байрамлар ва маросимларга давлат мақоми берилishi, суд ишлари диний қонунлар бўйича юритилишининг тикланиши, бошка дин вакиллари қувғин қилиниши ва ш.к.) диний таргилар орқали белгиланиши кучайиши б-н кечади.

**ТЕРРОРИЗМ** (лот. – кўркув, даҳшат) – сиёсий ракибларни, мухолифларни ўқотиш ёки кўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келти-

риб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва б.). Т. якка тартиблари ва гурухли Т. (мас., экстремистик сиёсий тўдаларнинг ҳаракатлари каби) тоифаларга бўлинади. Сиёсатшуносликда давлат Т.и тушунчаси ҳам кўлланади (диктаторлик ва тоталитар режимларнинг репрессиялари). 20-а.нинг охирида халқаро Т. кенг таркалди (чет давлатлар ва ҳукумат раҳбарларини, уларнинг дипломатик вакилларини ўлдириш ёки ўғирлаш, элчиҳоналар, миссиялар, халқаро ташкилотларнинг биноларини портлатиш, аэропорт ва вокзallарда портлашлар содир этиш, ҳаво кемаларини олиб кочиш). Т.га карши курашни кучайтириш бўйича аксарият мамлакатларда кўп томонлама конвенциялар ва конун актлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» маҳсус конун қабул қилинди (2000 й. 15 декабрь).

**ТОТАЛИТАРИЗМ** (лот. – яхлит, тўлиқ) – давлат бошқарув шаклларидан бири (тоталитар давлат). Т.да жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлатнинг ялии, тўла (тотал) назорати ўрнатилади, конституциявий ҳукуқ ва эркинликлар тутатилади, бир шахс, ижтимоий гурухнинг (мас., ҳарбийларнинг ёки бир партиясининг) якка ҳокимлигига сўзсиз бўйсунилади, мухолифат ва ўзгача фикрловчилар қатағон қилинади (мас., 20-а.нинг 20-йиллари охиридан бошлаб

фашистлар Италиясидаги, нацистлар Германиясидаги Т.нинг турли шакллари, сабиқ Иттифоқдаги коммунистик режим, Испаниядаги франкизм ва б.).

**ЎНИТАР ДАВЛАТ** (лот. - ягона, яхшит) – давлат тузилиши шакли бўлиб, бунда давлат худуди таркибида федератив бирликлар (штатлар, ерлар) бўймайди, балки у маъмурий-худудий бирликлар (гуманлар, вилоятлар, ўлка, округлар ва х.к.) га бўлинган бўлади. Мазкур мустақил қисмлар давлат суверситети аломатларига эга эмас. Бундай давлатда олий органларнинг ягона тизими хамда ягона конунчилик (Конституция, фукаролик, олий давлат ҳокимияти) бўлади. У. д. таркибида давлат белгилари мавжуд миллый худудий тузилмалар (мухтор вилоят, муҳтор республика) хам бўлиши мумкин.

**УРБЛИЗАЦИЯ** (франц. – шахарга оид) – жамият ҳаётида демократия ва маданиятнинг умумий ривожи б-н боғлиқ ҳолда, ишлаб чиқарни, саноат ва одамларнинг шаҳарларда тўпланиши ва шаҳарлар мавқеининг ошиб боришидан иборат ижобий ижтимоий-демографик жараён.

**ФАШИЗМ** – тоталитар типдаги сиёсий диктатурага асосланган ҳокимиятнинг сиёсий концепцияси. Бунда факат юкоридан пастга қараб буйруқ берилади. Ф. демократиянинг қарама-қаршиси бўлиб, демократияни инкор этади, ҳокимиятнинг бўлинишига йўл кўймайди. Жаҳон тарихида Ф.нинг бир неча кўринишлари учраган. Жумладан, Италияда тоталитар

режим ҳокимияти, Германияда нацистлар Ф.и, Португалияда ҳарбий-сиёсий Ф., Испанияда ҳарбий отрядлар Ф.и.

**ФАШИСТИК РЕЖИМ** (итал. фасисмо – тўда, бирлашиш) – миллатчилик мафкураси, бир миллатнинг бошкаларидан афзаллиги тўғрисидаги тушунчаларига асосланган, ўга тажовузкорлиги бошқарув шакли ҳисобланади. Фашизм – динизлиқ, динга душманларча муносабатда бўлиш, ҳуқуқий тоталитаризмни барпо этиш, партия якка ҳукмронлигини ўрнатиши, бундай шароитда кучаядиган коррупция ва ахлоқий бузилишлар, миллатчилик, шовинизм, сафсагабозлик, лаганбардорлик, деспотияни авж олдириш, фукароларни, бутун ахолини кўркув остида саклаш, инсон онги ва тафаккурини бўйсуниш руҳида тарбиялаш, ҳурфиксирлик, эркинликка интилувчиларга нисбатан террор ўтказиш каби хусусиятларга эга.

**ФЕДЕРАЦИЯ** (лот. – бирлашма, уюшма, иттифоқ) – давлат тузилиши шакли бўлиб, юридик жиҳатдан муайян сиёсий мустақиллиги бўлган давлат тузилмаларидан ташкил тонган мураккаб (уюшма) давлат. Федератив давлатни ташкил этувчи давлат тузилмалари (штатлар, ўлка, контонлар) давлат субъектлари ҳисобланади ва ўз маъмурий-худудий бўлинишлари бўлади. Ф.да ягона конституция, ягона иттифоқ (федерал) давлат ҳокимияти органлари бўлади, ягона фукаролик, тул бирлиги амал киласи. Ф.ни ташкил этувчи давлат тузилмалари том маънода давлат ҳисобланмайди, улар

суверенитетта, иттифоқдан бир томонла- ма чикиш хукукига эга бўлмайди, юридик жиҳатдан халқаро муносабатларда катна- шили хукуқидан маҳрумдир.

**ФЕОДАЛИЗМ** (инг. – ер-мулкка эгалик) – дехконлар мустакил хўжалик юритадиган, лекин шахсан ва иқтисодий жиҳатдан хукмрон синфга – катта ер-мулк эгаларига қарам бўлиб, уларга феодал *рента* тўлайдиган, тарихан капитализмдан олдинги ижтимоий-иктисодий тузум.

**ФРАКЦИЯ** (лот. - емириб, бузиб таш- лаш) – бирор-бир сиёсий партиянинг сиёсатини парламентда ифода этувчи, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувда, жамоат ташкилотларида ўз органларига эга бўлган айни партия вакилларидан иборат ташкилий гурух; аниқ ғоявий-сиёсий стратегияга, бу стратегик максадларни амалга оширишга қаратилган платформага эга бўлган сиёсий партиянинг алоҳида қисми.

**ФУҚАРОЛАР УРУШИ** – бир мамлакат ичидаги ижтимоий гурухлар ўртасида давлат ҳокимиюти учун олиб бориладиган қуролли кураш. Ф. у. ижти- моий кескинликлар заминида вужудга келади. Тарихда Ф. у. турли шакл ва кўринишда намоён бўлган: қуллар қўзғолони, дехконлар уруши, партизанлар уруши, халқнинг хукуматга қарши қуролли кураши ва ҳ.к.. Фуқаролар уруши, давлатлар ўртасидаги урушлар, чет эл босқинчиларига қарши кураш ва миллий озодлик ҳаракати б-н қўшилиб кетиши мумкин.

**ФУҚАРОЛарНИНГ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ** – фуқароларнинг халқ ҳокимиютини бевосига амалга ошириши, давлат ва жамият ишларида тўғридан-тўғри иштирок этиши воситаларидан бири. Асосий вазифаси фуқароларни маҳаллий аҳамиятга боғлиқ масалаларни ҳал қилишда мустакил фаолият олиб боришни таъминлашдир. Ф. ў. ў. б. о. қуидагилардир: шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини; фуқаролар йиғинининг кенгаси; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси; туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурӣ комиссия. Ф. ў. ў. б. о. маҳаллий давлат ҳо- кимиюти органлари тизимига кирмайди.

**ХУНГА** – испан тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги бирлашма, иттифоқ, комиссиялар, давлат органларининг номи. Лотин Америкасининг айрим мамлакатларида ҳарбий тўнтириш натижасида ҳо- кимиюти тенасига келган ҳарбий хукумат.

**ШОВИНИЗМ** (франц. – Наполеон I босқинчиллик сиёсатининг муҳлиси, франц. аскари Н. Шовен номи б-н боғлик) – миллатчиликнинг ўзга миллатларни кам- ситиш, таҳқирлаш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш, миллий та- каббурлик, миллий худбинлик иллат-

ларини ўзида мужассам этган шакли. Шовинистлар ғоявий-назарий жиҳатдан миллий манфаат ва устуворликка хизмат килиб, ўз ғояларини тазийқ ва зўравонлик орқали амалга оширади. Ш. термини 19-а.нинг 30-йиллари Францияда пайдо бўлди. Кейинчалик бу сўз миллий экстремизмининг турли кўринишларини ифодалашда кўлланила бошлади. Ш. бирор бошқа миллатнинг тарихий тараққиёт ютуклари, инсоният цивилизациясига кўшган хиссаси, жаҳон тарихидаги ўрни, миллий, маънавий ва маданий қадриятларини поймол қилишга ҳаракат қилиб, айрим жиҳатлари б-н нацизм ва фашизмга ҳам ўхшаб кетади. Ш. кўп миллатни давлатда кўпинча бир миллатнинг устуворлигига, чексиз имтиёзларга эга бўлишига олиб келади. Баъзан эса муайян давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларини миллий манфаатлар ниқоби остида намоён этиб, ўзга давлатга тазийқ ўтказиши ҳам мумкин. Бу ҳол буюк давлатчилик шовинисти сифатида таърифланади. Ш. 20-а.да дунёning турли давлатлари ва минтақаларида ўзининг мудхиш мақсадларини амалга ошириди.

**ШТУРМ** (немисча – шиддатли хужум) – душман истеҳкоми, таянч пункти ёки калья, шаҳарга қилинган шиддатли хужум. Кальяларни эгаллашда қадимдан кўлланилиб келинган. 2-жаҳон уруши даврида кучли мустаҳкамланган Берлин ва б. шаҳарлар ҳам Ш. йўли б-н олинган.

**ШПИОН** (немисча – кузатмоқ, таъқиб килмоқ, айгоқчилик килмоқ) – давлатга

оид ҳарбий сирларни маҳфий равиша билиб, ўғирлаб олиб, бошқа мамлакатга, душман томонига етказувчи шахс, жосус. **ЭКСТРЕМИЗМ** (лот. – энг охирги, ўта кетган, ашаддий, кескин) – сиёсатда ва мағкурада ашаддий, фавқулодда усувлар б-н йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ** – 2017 й. 30 июнь куни ёшларнинг фикрмuloҳазаларидан келиб чиқкан ҳолда, уларинг манфаатларини химоя киладиган, мамлакат ёшларининг барча тоифа ва гурухларини қамраб оладиган, ёшларни «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остида демократик принциплар асосида бирлаштирадиган ташкилот. Ў. ё. и. ташкил этилган кун – 30 июнь санаси мамлақатда «Ёшлар куни» деб эълон қилинди. Ёшлар иттифоқи раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси ҳамда ўз лавозимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади. Ёшларнинг хоҳиши ва интилишларидан келиб чиқиб, Ёшлар иттифоқи қошида ёшлар уюшмалари, марказлари ва б. тузилмалар ташкил этилган, шунингдек, ёшларнинг ўқиши, иш ва хизмат жойларида Иттифоқнинг бошлангич ташкилотлари фаолият юритади. Ў. ё. и. орқали давлат томонидан ёшларга бир катор имтиёз ва *преференциялар* берилган.

**ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Ҳ.с.нинг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самародорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан

иборат. Ҳ.с. «Давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари», «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ килишнинг устувор йўналишлари», «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари», «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари», «Хавфсизлик, миллатларро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасидаги устувор йўналишлар» белгилаб берилган.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ВА ҲАРАКАТЛАР**

**«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ** – сиёсий ташкилот. 1995 й. 18 февралда ташкил топган. Партиянинг асосий мақсади ҳукукий-демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва златларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳукуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жисслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этишдир. Партиянинг расмий нашри «Адолат» газ.си хисобланади.

**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ** – сиёсий ташкилот. 2008 й. 20 июнь куни Ўзбекистон «М. т.» д. п. ва Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг бирлашиш Курултойи бўлиб ўтиб, икки партия негизида янги Ўзбекистон «М.т.» д. п. ташкил топди. Партиянинг асосий

вазифаси миллий анъаналарни ва қадриятларни сақлашдан иборат бўлиб, миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Партиянинг расмий нашри «Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газ.си хисобланади.

**ҲАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ** – сиёсий ташкилот. 1991 й. 1 ноябрда ташкил топган. Партиянинг мақсади – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий кўллаб-куватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Партия ижтимоий кўллаб-куватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари (пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган, кўп болали оиласлар, моддий ва ижтимоий нафакага эҳтиёжманд кишилар), ижтимоий соҳа ходимлари ва вакиллари (педагоглар, врачлар ва ҳ.к.), касбий малака, доимий иш б-н банд бўлмаган меҳнатга

лаёқатли аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя килишни мақсад килиб қўяди. Партияниң расмий нацирлари ўзбек тилида чоң этиладиган «Ўзбекистон овози» газ.си, рус тилида чоң этиладиган «Голос Узбекистана» хафталиги ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ.** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – сиёсий ташкилот. 2003 й. 15 ноябрда ташкил топган. Партия мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассислар ҳамда ўз тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш эказига халқ фаровонлигига эришишга ҳаракат қилаётган ижодкор, олимлар ва барча фуқароларнинг манфаатларини ва сиёсий иродаларини ифодаловчи сиёсий ташкилот ҳисобланади. Партияниң расмий нашри «XXI ast» ижтимоий-сиёсий газ.си ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ** – сиёсат ташкилот. 2008 й. 2 ав-

густда ташкил топган. Экоҳаракат – жамиятнинг барча кучлари, Ўзбекистоннинг бугунги фуқаролари ва келажак авлодлари кулагай табиий атроф-муҳитда яшаш ҳуқукига эга бўлишлари, аҳоли саломатлигини яхшилашга, муҳофаза қилишга, табиий ресурсларнинг барча манбаларидан самарали фойдаланишига йўналтирилган саъй-ҳаракатларни сафарбар қилишга интилади. Жамоатчилик эктиборини экологик соғломлаштириш ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил суратда ҳал этиши заруратига каратган холда Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқароларини Она Ватанимизнинг бебаҳо табиий бойликларини келгуси авлодлар учун асррабавайлашдек олий вазифани бажаришда фаол иштирок этишга чакиради. Экоҳаракат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатасида қвоталанган 15 та депутатлик ўрнига эга. Экоҳаракат «Жамият» ижтимоий-сиёсий ва «Экоҳаёт» ижтимоий-иқтисодий газлари хам муассиси ҳисобланади.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ** – 1994 й. 5 майда таъсис этилган олий даражадаги мукофот бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари га давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш б-н боғлиқ хизматлари учун берилади. «Ў. Қ.» у. б-н тақдирланган шахслар ойлик иш ҳақига ёки пенсияга кўшимча равища энг кам ойлик иш ҳаки миқдорида ой сайин тўланадиган устама мукофот оладилар, шунингдек, улар Республика худудида давлат йўловчи тапиш транспортининг барча турларида (таксидан ва бошқа транспорт турларининг буюртма рейсларидан ташкири) текинга юриш ҳуқуқига эга бўладилар. «Ў. Қ.» у. б-н тақдирланган шахслар «Олтин Юлдуз» медали берилади ҳамда ушбу медал кўкракнинг чап томонига орден ва медаллардан юкорироқقا такилади.

**«МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ** – 1994 й. 5 майда таъсис этилган бўлиб, мустақил ҳуқуқий давлат барни этиши ва уни мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва

тараққиётни таъминлашга кўшган улкан ҳиссалари учун бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, айrim ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланishi мумкин. «М.» о. б-н мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беъш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти олади. Ушбу орден кўкракнинг ўн томонига такилади.

**«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ** – 1996 й. 26 апрелда таъсис этилган бўлиб, давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга кўшган улкан ҳиссалари, шунингдек давлатлашадиган мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса кўшганлик учун бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н Ўзбекистон Республикаси фуқаро-

лари, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фукароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. «А. Т.» о. б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг етмиш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «А. Т.» о. кўкракнинг ўнг томонига «Мустақиллик» орденидан кейин тақилади.

**«ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ» ОРДЕНИ** – 2000 й. 29 августда таъсис этилган бўлиб, Ватан сарҳадларини, Онаюртимиз тупроғини, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда, учи кўз қорачигидай асрарда юксак ҳарбий маҳорат, каҳрамонлик ва жасорат намунасини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан хисса кўшган кўмондонлик таркибига кирувчи Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларига бериладиган олий ҳарбий мукофоти хисобланади. Ушбу орден б-н тақдирланган шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади. «Ж. М.» о. кўкракнинг ўнг томонига тақиб юрилади.

**«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ** – 1996 й. 29 август куни таъсис этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда хорижий давлатларинг фуқароларига фан ва техникини, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматлари, давлатларо ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистоннинг ҳалқаро обрўсини оши-

ришга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш ишига сезиларли хисса кўшганлиги учун бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг олтмиш карраси миқдорида бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу суммага тенг эсадалик совғасини оладилар. «Б. ҳ. у.» о. лентага бириклиб, кўкракка тақиб юрилади.

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ** – 1998 й. 28 августда таъсис этилган бўлиб, мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса кўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватаншарварлиги б-н жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фукароси бўлган шахсларга (алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фукароси бўлмаган шахсларга ҳам) бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг эллик карраси миқдорида бир йўла пул мукофотини оладилар. «Э.-ю. ҳ.» о. кўкракнинг чап томонига тақиб юрилади.

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ** – 2003 й. 29 августда таъсис этилган бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига, мудофаа қудратини кучайтириш ва миллий ҳавфсизлигини таъминлашга, жамиятда тинчлик ва баркарорликни, миллатларо ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, ҳалқ

фаровоилигини оширишга катта хисса кўшган, ўзининг истеъоди, билим ва тажрибасини Ватанинг равнақига баҳши этиб, фидойилик намунасини кўрсатиб келаётган фуқаролар (алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам) ва ҳарбий хизматчиларга бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳакининг кирк беш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «Ф. ҳ. у» о. кўкракнинг чап томонига тақилади.

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ** – 1995 й. 30 августда таъсис этилган бўлиб, Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маданият юксалишига, ҳалқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва баркарорлик сакланишига хизмат қиласидаган улкан ишлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсларга (алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам) бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳакининг кирк карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «М. ш.» о. кўкракнинг чап томонига тақилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ** – 1993 й. 7 майда таъсис этилган бўлиб, оналиқ ва болаликни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган кишиларга (алоҳи-

да ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам) бериладиган мукофот ҳисобланади. «С. а. у.» о. икки даражадан иборат бўлади.

I даражали «С. а. у.» о. кишилар оналиқ ва болаликни муҳофаза қилишда, инсон экологиясини яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни, ватанпарварлик ҳамда ўз Ватани – мустакил Ўзбекистонга ҳар томонлама содиклик ва ундан фаҳрланиш олий туйғуларини тарбиялашда, оналиқ ва болаликни таъминлаш учун муносаб моддий ва маънавий замин яратишда Ўзбекистон давлати ва ҳалки олдидағи жуда катта хизматлари учун берилади.

II даражали «С. а. у.» о. б-н соғлом авлодларни камол топтириш ишига катта хисса кўшган, оналиқ ва болалик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик килувчи кишилар, ногирон ва етим болаларнинг васийлари, болалар ва оналиқка нисбатан муитазам олий хайр-эҳсон кўрсатувчи жамоат ташкилотлари, хўжалик тузилмаларининг вакиллари мукофотланади.

I даражали «С. а. у.» о. б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳакининг кирк карраси, II даражали «С. а. у.» о. б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳакининг йигирма беш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

I даражали орден юқори даражали ҳисобланаби, қоида тариқасида, аввал II даражали, орадан камида уч йил ўтганидан кейин I даражали орден берилиши

белгиланган, I ва II даражали «С. а. у.» о. кўқракнинг чап томонида тақилади.

**«ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ** – 1995 й. 30августда таъсис этилган бўлиб, Ватанини химоя қилишда кўрсатган фидойилик ва мардлик учун, Ўзбекистонда мудофаа қулратини ва мишлий хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуроли кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳукуқ-тартиботни тъминлаш ишидаги катта хизматлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсларга (алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам) бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўтгиз карраси микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «Д.» о. кўқракнинг чап томонига тақилади.

Орденнинг олий даражаси I даража бўлиб, коида тарикасида, аввал II даражা, камида уч йил ўтиб, I даражали орден берилиши мумкин.

II даражали «Ш.-ш.» о. б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг йигирма карраси, I даражали «Ш.-ш.» о. б-п мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг кирқ карраси микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «Ш.-ш.» о. кўқракнинг чап томонига тақилади.

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ** – 1994 й. 5 майда таъсис этилган бўлиб, Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжихаглик ва тутувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари б-н дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорли-

гини ривожлантирганларни учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахслар (алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам) бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўтгиз карраси микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «Д.» о. кўқракнинг чап томонига тақилади.

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ** – 2012 й. 11 сентябрда таъсис этилган бўлиб, ўзини Ватанини химоя қилишга ва Она юрт хизматига бағишлаган, бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ва бошка фуқароларига (алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам) бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу орден б-н мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари микдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти оладилар ва конун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар. «М.» о. кўқракнинг чап томонига тақилади.

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ** – 1994 й. 5 майда таъсис этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари, Давлат хавфсизлик хизматининг ва ички ишлар органларишининг ходимларига Республика нинг миллий хавфсизлигини тъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий бурчни ёки хизмат бурчини адо этиши вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар. «М.» о. кўқракнинг чап томонига тақилади.

ладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу медаль б-н Ўзбекистон Республикаси фукаролари ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар табиий оғат, ёнгин ва б. фавқулодда ҳолатлар вақтида жамоат тартибини сақлашда, одамлар ҳаётини, давлат ва жамоат мулкини сақлаб қолишида кўрсатган жасоратлари учун мукофотланишлари мумкин. «Ж.» м. б-н мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн карраси микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. Ушбу медаль кўкракнинг чап томонига тақилади.

**«СОДИК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ** – 2007 й. 6 июлда таъсис этилган бўлиб, юксак касбий маҳоратни, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён этган Ўзбекистон Республикаси фукаролари, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ҳамда миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар шайлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳукуқ-тартиботни тъминлашни ишидаги катта хизматлари учун бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу медаль б-н мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «С. х. у.» м. кўкракнинг чап томонига тақилади.

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ** – 1994 й. 5 майда таъсис этилган бўлиб, республика иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик

ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида ўзининг ҳалол меҳнати б-н катта ютуқларга эришган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсларга (алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам) бериладиган мукофот ҳисобланади. Ушбу медаль б-н мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш карраси микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «Ш.» м. кўкракнинг чап томонига тақилади.

**«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ** – 2017 й. 28 декабрда таъсис этилган бўлиб, мукофот билан ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён этиб, ҳалқ манфаатлари учун садоқат билан хизмат қилаётган, Ватанимизнинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга ва шон-шуҳратини оширишга муносаб хисса қўшаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошлирига ўрнак бўлаётган, шунингдек, ўқишида ва меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришган, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар мукофотланади. Мукофотланганларга энг кам иш ҳақининг ўн баравари микдорида бир йўла пул мукофоти тўланади. Ушбу медаль кўкракнинг чап томонига орден ва медаллардан юкори-роққа тақилади.

**«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ** – 2017 й. 21 ноябрда таъсис этилган

бўлиб, мукофот ўқишдаги мұваффакиятлари, ижтимоий фаоллиги ва иsteъоди билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаетган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли йигитларга фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, шилаб чиқарши, ҳарбий хизмат соҳаларида ҳамда ҳуқукни муҳофаза килип органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуклари учун берилади. Мазкур мукофот ҳар йили Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2 нафардан вакилларига - жами 28 та берилади. Мукофот соҳиблари бўлган умумтаълим мактаби ва ўрта маҳсус, қасб-ҳунар таълими муассасаларининг ўкувчилари олий таълим музассасаларининг бакалавриат босқичига, олий ўкув юртлари талабалари ёки бакалавр даражасига эга ёшлар эса магистратура босқичига тегишли йўналиш бўйича кириш имтихонларисиз давлат гранти асосида қабул қилинади. Мукофотланганларга энг кам иш ҳақининг 50 баравари міқдорида бир йўла пул мукофоти тўланади. Ушбу мукофотининг кўкрак нишони кўкракнинг ўнг томонига такилади.

**«НИХОЛ» МУКОФОТИ** – 2006 й. 14 марта таъсис этилган бўлиб, иsteъодли ёшларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги мухим ўрнини инобатга олиб, ўзининг эстрада, мусика, мумтоз қўшиқ, ракс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати б-и одамларнинг юрагига етиб бо-

радиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиласидиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориши максадида берилади. Мукофотни бериш бешта номинация – эстрада, мусика, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги ва ракс санъати бўйича танлов асосида амалга оширилади. «Н.» м. ўз рамзи акс этирилган соврин ва энг кам ойлик иш ҳақининг 70 бара вари міқдорида пул маблағидан иборатдир. Шунингдек, совриндорлар маданият, санъат йўналишидаги олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади, мамлакатнинг атоқли санъаткорларидан сабок олиш имкониятига эга бўлади.

**«ЗУЛФИЯ» НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ** - 1999 й. 10 июня таъсис этилган бўлиб, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўкув юртларида аъло ҳулки, ўқишдаги мұваффакиятлари, ижтимоий фаоллиги б-и алоҳида иsteъодини наимоён қилиб таълим олаётган, истиклол гояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган 14 ёндан 22 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларида ҳамда жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуклари учун берилади. З. н. д. м. энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари міқдорида тайинланади, шунингдек, совриндорлар мак-

таб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. З. н. д. м. совриндорининг фаҳрий нишони кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

**«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ** – 2003 й.да таъсис этилган бўлиб, миллий маънавият, мадданий мерос ва умуминсоний кадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини

ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафипи юксалитиришга ҳамда унинг ҳалкаро нуфузини оширишга хизмат килаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган ёшлиарга берилади. Кўкрак нишони Ўзбекистон Ёшлиар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан белгиланади. «Ў.б.» к. н. кўкракнинг чап томонига тақилади.

# ХУҚУКИЙ СОҲАГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АБСЕНТИЗМ** – сайловчиларнинг вакиллик органлари ёки мансабдор шахсларни сайлашда, йиғилишларда ва ҳ.к.да қатнашишдан оммавий равишда бош тортиши; аҳолининг ўз фуқаролик хукуқларини амалга оширишга бефарқ караши. А. сайлов тизими нодемократик кўринишига қарши аҳоли норозилигининг бир шакли.

**АДВОКАТ** (лот. – ёрдамга чакириш) – фуқаро ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатувчи, шунингдек, судда уларнинг манфаатларини химоя ки-лувчи шахс. Жиноят ишлари бўйича суриштирув, тергов ҳаракатлари юритилганда ва суд мажлисида, фуқаровий ишлар судда, хўжалик низолари хўжалик судларида ёки маъмурий хукукбузарлик тўғрисидаги ишлар судья ёхуд ваколатли органлар (mansabdor шахслар) томонидан кўрилганда иштирок этади, қонунда белгиланган ваколатга эга бўлади. Уларга қонунга мувофиқ, олий юридик маълумотли ва белгиланган тартибда А.лик фаолияти б-н

шугулланиш хукуқини берувчи лицензия олган бўлади.

**АДЛИЯ** – судлов муассасалари, судташкилотлари ва улар фаолиятини англатадиган тушунча. А. кенг маънодаги хукуқдир.

**АЙЬ** – жавобгарликка тортишнинг зарур шарти. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонуний тартибда айби судда ошкора кўрилиб чиқилиб, аниқланмаганига қадар айбдор эмас деб хисобланади.

**АЙЬЛАНУВЧИ** – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда А. тарикасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида айлов қарори чиқарилган шахс.

**АЙКЛОВ** – муайян жиноий қилмишни содир этганликда айбланиб, жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилинган шахснинг айбдорлигини исботлаш мақсадида қилинган ҳаракат.

**АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ** – айбдорнинг жинояти қонуний тартибда

**исбот килинмагулча**, уни айбсиз деб фарз килиш. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучта кирган суд хукми б-н аниклангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

**АЛИМЕНТ** (лот. – карамоғидаги) – қонун белгиланган ҳолларда оиласнинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзоси ёки аъзоларини моддий таъминлаш учун мажбуран тўланадиган маблаг, нафака ҳисобланади.

**АМНИСТИЯ** (юнон. – унудиши, кечириш) – олий ҳокимият қарори б-н муайян тоифадаги судланган шахсларнинг жазосини юмшатиш ёки уларни жазодан озод этиш. Ага асосан, жазодан озод килинган шахслар тақроран жиноят қилишдан ўзларини тийиплари лозим, чунки тақроран содир қилган жинояти учун хукм этилган шахсларга нисбатан кейинчалик қабул қилинган А. кўлланилмайди ва бу холат ундай шахсни жазодан озод этишга монелик қиласди.

**АПАГРИД**. Фуқаролиги бўлмаган шахслар – муайян мамлакатнинг фуқароси ҳисобланмайдиган ва бирон чет давлат фуқаролигига мансублигини исботгайдиган далиллари бўлмаган шахслар. Шахс ўз фуқаролигини йўқотган ва янгидан фуқаролик хукукини олмаган вақтда фуқаросизлик келиб чикади.

**АПЕЛЛЯЦИЯ** (лот. – мурожаат, шикоят) – бирон-бир қарор, фикр, олинган натижа юзасидан юқори ташкилот ёки идо-

рага шикоят аризаси б-н мурожаат этиш, шунингдек, суд хукми юзасидан норозилик билдириб, уни мөҳиятига кўра кайта кўриб чикиш хукукига эга бўлган юқори судга шикоят б-н мурожаат қилиши шаклларидан бири.

**АРБИТР** (лот. – воситачи, ҳакам) – воситачи, ўзаро низоларини ҳал килиш учун томонлараро танланган судья; хўжалик идоралари ўртасидаги низоли масалаларни кўриб, бартараф қилувчи лавозимли шахс, арбитраж аъзоси; спорт ҳаками.

**АРБИТРАЖ** – 1) ҳакамлар суди, бунда томонлар ўзлари сайлаб кўядиган ёки ўзаро келишувга биноан, қонунда белгиланган тартибда тайинланадиган арбитр (ҳакам)ларга мурожаат қиласди; 2) низо воситачи судья (арбитр) томонидан ҳал этиладиган ҳакамлар суди; хўжалик муносабати иштирокчилари ўртасидаги мулкий ва муълук б-н боғлик шомулкий низоларни ҳал қилиб берадиган орган; 3) давлатлар орасидаги низоларни тинч йўл б-н ҳал этувчи ҳалқаро орган; 4) валюта А.и – бир валюта бозорида хорижий валютани сотиб олиб, уни айни вактда валюта курслари ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадида бошқа валюта бозорида сотиш.

**АУДИТ** (инг. – у эшигади) – муайян ваколатлар берилган шахслар – аудиторлар (аудиторлар фирмалари) томонидан хўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий ҳисботлари тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операцияларининг мамлакат қонуллари-

га мувофиқлигини текшириш мақсадларда үтказиладиган молия хужжатлари экспертизаси ва тахлили; тағтиш. Унинг ички ва ташки турлари бор. Ички А. бошқарувнинг *корхона* хўжалик фаолияти тўғрисида аҳборот олиш, менежерлар хисоботининг хақонийлигини тасдиқлаш мақсадларини кўзлайди. Ташки А. ўзаро мустакил томонлар (*корхона* ва аудиторлик *фирмаси*) ўргасида шартнома асосида амалга оширилади.

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ** – компания, корхона, ташкилот ва бошқаларнинг молия-хўжалик фаолияти холатини холис текширувчи *фирмалар*. Бу фирмаларнинг хизматчилари белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти б-н шуғулланиш учун хукуки бўлган ва аудиторлик касб-кори рўйхати (регистри)га киритилган мутахассислар бўлиб, аудиторлар леб аталади. А. х. хўжалик юритувчи субъектлар б-н аудиторлик фирмалари ўргасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

**АШЁВИЙ ДАЛИЛ** – жиноий ёки фуқаролик ишини тўғри юритиш учун аҳамиятли бўлган нарсалар. Амалиётда «тилсиз гувоҳтар» деб юритилади. Келиб чиқиншини, кимга тегишилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки турган жойи ўзгарсанлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган моддий белгиларга, шунингдек, иш ҳолатларини аниқлашга хизмат киладиган ҳар кандай бошқа аломатлар

ва белгиларга эга бўлган нарса А. д. хисобланади.

**БОЛА** – «Бола хуқуклари тўғрисида»ги конвенциясига кўра 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган конун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, Б. хисобланади.

**БУРЧ** – адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа хисобланади. Б. – кишининг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча.

**ВАКОЛАТ** – вакилнинг В. берувчига фуқаролик хукуқ ва мажбуриятлар вужуда келтириши, ўзгартириши ва бекор килиши учун асос, яъни хукуқдир. В. ишончнома, конун, суд қарори ёки маъмурӣ акт (хужжат) асосида юзага келади.

**ВАСИЙЛИК** – муомалага лаёкатсиз фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларини химоя килиш. Васийлар вояга етмаганлар тарбиялаш мақсадида белгиланади. Васийлар ўз химояларидаги шахсларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳар кандай шахслар б-н муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам маҳсус ваколатсиз химоя қиласди. Вояга етмаганларга васийлар уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидаи ота-оналий хукуқларидан маҳрум килинган тақдирда, шунингдек, бошқа сабабларга кўра бундай фарзандлар ота-она химоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, уларни ота-она тарбиялапдан ёхуд хукуқ ва манфаатларини хи-

моя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади. 14 ёшга тўлмаган фукаролар, руҳий касал ва акли заифлар номидан васий ҳаракат қиласди.

**ВАСИЯТНОМА** – ёзма васият, фукаронинг ўзига тегишли мол-мулки ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳукуки вафот этган тақдирда тасарруф этилишига доир ҳоҳиш-иродаси ифодаланган ҳужжат. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахста, шу б-н бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

**ВЕТО** (лот. -- рухсат бермайман, ман қиласман) – ривожланган давлатларда биронта орган, ташкилот қонуни ёки қарорининг кучга киришини тўхтатиш ёки кучга киришига йўл кўймаслик ҳукуки. Давлат бошлиғи қонун чиқарувчи парламент, олий мажлис қабул қилган қонулар бўйича В. ҳукукига эга. Мутлақ В. – давлат бошлиғининг парламент қабул килган қонунни узил-кесил рад қилиш ҳукуки, нисбий В. – давлат бошлиғининг қонун кучга киришини факат тўхтатиш кўядиган рад жавоби.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР** – амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, 18 ёшга етмаган фукаролар бўлиб, уларни тарбиялаш вазифаси – давлат бурчи, фукароларнинг эса конституцияий мажбурияти хисобланади.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛARНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ** – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниклаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши б-н биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳукукий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

**ВОТУМ** (лот. – ҳоҳиш, ирода) – сайлов ёки ваколатли муассасада сайловчилар кўпчилиги томонидан ифодаланган ёхуд қабул килинган фикр ёхуд қарор.

**ГУВОХНОМА** – юридик фактларни (мас., бола тутилганини, никоҳдан ўтилганини, никоҳ бекор килинганини) тасдиклайдиган ҳужжат.

**ДАВЛАТ ҲУҚУКИ** – муайян давлатнинг ижтимоий тузуми, давлат тузилиши асослари ва давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилишини, инсон ва фукароларнинг асосий ҳукуклари, эркинликлари ва бурчларини ҳамда сайлов тизимини белгиловчи ва тартибга солиб турувчи ҳукукий нормалар йигиндиси.

**ДАВЛАТТА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**, Ўзбекистон Республикаси қарши жиноятлар – Ўзбекистон Республикаси суверенитети, худудий дахлизизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салохияти, Ўзбекистон Республикасининг конституцияий тузумига, иқтисодиёти-

га, ижтимоий-сиёсий барқарорлигига тажовуз килювчи ўта оғир жиноятлардан хисобланади.

**ДАЛИЛ** – суд ишларида исботланиши лозим бўлган ҳолатларни тасдиқлайдиган ёки инкор этадиган турли фактик маълумотлар. Д. судда ҳақиқатни аниклаб, одилона карорга келиш учун ягона асосдир.

**ДАГОЛАТНОМА** – муайян шаклда тузилган расмий ёзма юридик хужжат. Д.лар норматив хужжатлар (улар умумий ҳукуқ меъёрларини белгилайди), индивидуал хужжатлар (улар аниқ ҳолларга тааллукли бўлади, мас., мукофотлаш тўғрисидаги хужжатлар, суд қарорлари) ва шарҳловчи (конунларни расмий изохлашга оид) хужжатларга бўлинади. Конунда назарда тутилган тартибда тузилган ҳамда муайян юридик оқибатларни юзага келтирувчи турли хил бошқа хужжатлар ҳам Д. хисобланади. Улар муассаса ёки айрим шахслар фаолияти б-н боғлик бирон-бир бўлиб ўтган (садир бўлган) воеа, ҳодиса, иш-харакатни ёки мавжуд ҳолатни тасдиқлаш, унга гувоҳлик бериш максадида бир неча киши томонидан тузилади. Бундай Д.лар деярли барча ҳолларда пул маблағлари ва моддий бойликларга боғлик бўлади, бинобарин улар кўпроқ тадбиркорлик, молия-хўжалик фаолиятида, хисоб-китоб, олди-сотди ва савдо соҳаларида кенг кўлланади. Улар тегишли тафтиш ўтказилгандан кейин, раҳбарлик алмашинаётганда, моддий бойликларни бир хусусий

ёки юридик шахсдан иккинчисига ўтказиша, куриб тугалланган иншоотларни қабул қилишдан олдин ва кейин, машина ва ускуналарнинг янги нусхаларини синовдан ўтказиш чоғида, қимматбаҳо буюмларни хисобдан ўтказиш ёки ҳисобдан чиқаришда, *товарларни* миқдор ва сифат бўйича қабул қилиб олишда, баҳтсиз ҳодисалар ёки табиий оғатлар оқибатларини текширишда, суд-тергов ишлари ва тиббиёт соҳасида, ҳодимларнинг моддий, яшаш шароитларини ўрганишда ва б. ҳолларда тузилади.

**ДАВВО** – бузилган ҳукуки ёки конун б-н қўриклидандиган манфаатларини химоя қилиш учун ҳакамлар судига, арбитражга ёки судга қилинадиган мурожаат. Д. аризаси суд ёки арбитражга ёзма тарзда берилади, унда ариза бериладиган суд ёки арбитражининг, даъвогар ва жавобгарнинг номи, яшаш жойи, агар даъвогар юридик шахс (ташкилот) бўлса, жойлашган жойи, агар ариза вакил томонидан берилса, вакилнинг номи ва манзили, даъвогар талабини асослайдиган ҳамда тасдиқлайдиган далиллар, даъвогарнинг талаби, аризага илова қилинган хужжатларнинг рўйхати кўрсатилиши керак.

**ДЕЗЕРТИРИК** (франц. – кочок) – ўзининг фуқаролик вазифасини, давлат ва жамоатчилик олдидаги бурчини бажаришдан бош тортиш, ҳарбий хизмат чакиривидан бўйин товлаш.

**ДЕЛЕГАТ** (лот. – юборилган, йўлланган) – бирон ташкилот ёки жамоат томонидан

ваколатли қилиб сайлаб ёки тайинлаб юборилган вакил.

**ДЕНАТУРАЛИЗАЦИЯ** (франц. – фуқароликдан маҳрум бўлиш) – фуқаролик хукуқидан маҳрум бўлиш, фуқароликдан чиқариш.

**ДЕГЕКТИВ** (инг. – очиш, фош қилиш, аниклаш) – жиноий ишларни қидириш, очиш бўйича мутахассис, полициянинг яширин айғоқчиси, изкувар.

**ЁШЛАР** – Ўзбекистон Республикасида 14 ёшдан 30 ёшгacha (30 ёшдан ошмаган) бўлган фуқароларга тааллукли ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли конунларни ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос деб эътироф этади.

**ЖАБРЛАНУВЧИ** – жиноят оқибатида ёхуд ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли килмиши натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар кўрган шахс. Маънавий зарар фуқаронинг ор-номуси ва инсоний кадр-кимматини топташда, уни бошқа фуқаролар олдида камситишда, жамоатчилик олдида обрўйини туширишда ва бадном килишда ифодаланади. Жисмоний зарар – фуқаронинг баданига шикаст ва соғлигига пурт етказили, жисмоний азоб ва оғрикларга дучор килиш, мулкий зарар-шахсий мулкни гайриқонуний равинида олиш, унга шикаст етказиш ёки мулкка эгалик килиш хукукини бузиш.

**ЖАЗО** – хукуқбузарлик содир этишда айланган шахсларга нисбатан кўлланадиган маънавий, моддий ёки жисмоний

чеклашлар б-н боғлиқ бўлган мажбурлов чораси.

**ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ** – маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни кондириш учун ўз манфаатларишинг муштараклиги асосида конунда белгилangan тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари.

**ЖИНОЯТ** (араб. – айб, гуноҳ) – давлат конунлари б-н белгилangan тартибга хилоф ва шу конунларга асосан жавобгарликка тортишини талаб этадиган жамият учун хавфли хатти-харакат.

**ЗАБАСТОВКА** (рус. – ишни тўхтатиш) – ташкилий равишда ялисига иш ташлаш.

**ИЖТИМОИЙ ФОНДЛАР** – фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиш асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий-маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали максадларни кўзлайдиган, аъзаликка эга бўлмаган ташкилотdir.

**ИММИГРАНТЛАР** (лог. – кўчиб келувчи) – бир давлатдан бошқа бир давлат хуудидига доимий ёки узоқ вақт истиқомат қилиш учун кўчиб келган фуқаролар. Улар иктисадий, сиёсий ёки диний сабабларга кўра кўчиб келиши мумкин. Давлатларнинг кўпчилиги аввалдан рухсат олиш шарти б-н И.нинг ўз худудидан кўчиб келишига йўл қўяди. Айрим мамлакатларда, мас., АҚШда И. ҳақида қонунлар чиқарилган, шунингдек, иммиграцияга оид қвоталар белгилangan.

**ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ** – инсоннинг давлат б-н муносабатидаги хукукий

мақомини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги имкониятлари ҳамда даъволарини тавсифловчи тушунча. И. ҳ.ни эркин ва самарали тарзда амалга ошириш фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан биридир.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ХУҚУКИ** – интеллектуал (аклий) фаолият натижасига тегишли хукук. Мулк эгаси ана шу интеллектуал мулк обьектларидан ўз хохишига кўра, ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш хукуқига эгадир. Хукуқ эгасига мутлақ хукуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк обьектларидан бошқа шахсларниң фойдаланишига фақат хукуқ эгасининг розилиги билангина йўл кўйилади.

**ИШОНЧНОМА.** Ваколатнома – муайян муассаса ёки айрим шахс ўз номидан иш кўриш учун иккинчи бир шахсга ишонч билдирадиган ёзма ваколатли ҳужжат. И.лар ўз мазмунига кўра, мол-мulkни бошқариш, нул ва моддий-буюм бойликларини олиш, суд ҳамда нотариал идораларла, шунингдек, бошқа давлат ва нодавлат идораларда иш олиб бориш ва б. ишларни амалга оширишни ифодалайди.

**ИҚТИСОДИЙ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР** – инсоннинг иқтисодий соҳадаги юридик имкониятларини белгиловчи конституциявий хукуклар мажмуи. Ҳозирги демократик давлатларда асосий И. ҳ. ва э. сирасига хусусий мулкчилик

хукуки, жумладан, ерга ва аклий меҳнат маҳсулотларига хусусий мулкчилик хукуки, мерос хукуки, эркин тадбиркорлик (хўжалик соҳасида ташаббускорлик) хукуки, меҳнат хукуки ва меҳнатга оид бошқа хукуқлар, хусусан, ишилизикдан муҳофаза қилиниш, корхонани бошқаришда иштирок этиш ва х.к. киради.

**КАДАСТР** – муайян обьектлар тўғрисида тартиблаштирилган аниқ ва зарурӣ маълумотлар мажмуи, рўйхати, реестри (мас., ер К.и, сув К.и кабилар). Расмий давлат органи ёки муассасаси томонидан тузилади ва юритилади.

**КАМПАНИЯБОЗЛИК** – ҳар қандай, ҳатто арзимас иккичи даражали ишлар учун бутун кучни сафарбар килиш, режасиз, тартибсиз, ноизчил иш олиб бориш.

**КАССАЦИЯ** (лот. – бекор қилиш, йўқ қилиш) – қонун ва суд ишларини юритиши қоидалари бузилганлиги сабабли юкори суд органи томонидан қуий суд органи чиқарган, ҳали кучга кирмаган қарори, ҳукмининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилиниши. Апелляция судидан фарқли равишида, К. инстанцияси шикоят ёки протест доираси б-н чекланиб колмайди, балки бунда иш унда мавжуд бўлган ва кўшимча тақдим қилинган материалларнинг тўла ҳажмида текшириб чиқилади. К. инстанцияси ҳукм (ҳал килув қарори) ни ўзгаришсиз қолдириши, бекор қилиши ва ишни янгидан тергов қилишга ёки суд муҳокамасига жўнатиши ё бўлмаса ҳукмни бекор қилиши ва суд иши олиб боришни тўхтатиши мумкин.

**КВОРУМ** (лот. – қатнашаётганлар) – бирор-бир йиғилиш ёки мажлисда шу мажлис қарорларини конуний деб топиш ёки мажлисни очиш учун унда қатнашиш шарт бўлган ва қонунда ёки жамоат ташкилоти низомида белгилаб қўйилган иштирокчилар сони.

**КВОТА** (лот. – қисм, ҳисса) – умумий ишда иштирок этувчиларнинг ҳар бирига тўғри келадиган ҳисса, қисм, пай.

**КОДЕКС** (лот. – китоб, қонунлар тўплами) – ижтимоий муносабатларнинг бирон ўхшаш соҳасига оид тартибга солинган қонунлар тўплами.

**КОЛЛИЗИОН ҲУҚУҚ** – турли давлатларнинг қонунлари (ташки коллизион ҳужжатлари) ёки бир давлатнинг норматив актлари (ички коллизион ҳужжатлар) ўртасидаги *коллизия* (бир-бирига зидлик) ларни ҳал килювчи нормалар мажмуи. К. ҳ. агамасини дастлаб 17-а.да голланд ҳуқуқшунослари қўллаган, 20-а.да кенг тарқалган.

**КОНСТИТУЦИЯ** (лот. – тузилиш, тузук) – давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради. К. барча жорий қонунларнинг асоси хисобланади.

**КОНТРАБАНДА** (лот. – ҳуқумат фармойинига қарши) – мамлакатга олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган товарлар, кимматбаҳо буюмлар, валюта

бойликлари ва б.ни давлат чегарасидан қонунга хилоф (яширинча) усуулларда ўтказиш, шунингдек, тақиқланган молларни олиб ўтиш учун иконуний харакатлар қилиш.

**КОНЦЛАГЕРЬ**, Концентрационлагерь (лот. – бирор нарсанинг тўпланиши) – фашист режими ҳукмон бўлган мамлакатларда сиёсий маҳбуслар қамаладиган маҳсус лагерь.

**КОРРУПЦИЯ** (лот. – айниш, порага сотилиш) – мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни шахсий бойиш мақсадларида бевосита сунистъемол қилишидан иборат амалиёт. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам К. дейилади. Ҳаракаро даражада 1970 й.ларда Японияга самолётлар сотишида компания томонидан олий давлат амалдорларини сотиб олиш бўйича «Локхид иши» энг йирик К. кўринишларига мисол бўлади. Порани хасигўплаш учун йирик битишувларда кўпроқ «хизмат ҳақи» тўлаш амалиётидан фойдаланилади.

**КРИМИНАЛИСТИКА** (лот. – жиноятга доир) – суд далилларини йиғиш, қайд қилиш, тадқиқ этиш ва улардан фойдаланишининг маҳсус усул ва воситалари тизимини ишлаб чикувчи фан. Мазкур усууллар ва воситалар жиноятларни фоиз қилиш, текшириш ва олдини олиш учун қўлланилади. Бир қатор ҳолларда эса бу усул ва воситалардан фуқаролик ишларини судда кўриб чиқишида фойдаланилади. К. фан сифатида 19-а. охири – 20-а. бо-

шида шаклланди. Ўзбекистонда К. экспертизаси ўтган асрнинг 40-йиларидан бошлаб Адлия вазирлиги хузуридаги и. т. лабораториясида ўтказилиб келинди.

**ЛЕГАЛ** (лот. – қонуний) – қонун бўйича рухсат этилган, расман тан олинган, ошкора, очиқча. Легаллаштириш дегани қонуний тусга киритиш деган маънони англатади.

**ЛЕГИТИМ** (лот. – қонуний, қонунларга мос, мувофик) – қонуний, қонуний хуқуқи (ваколати) бўлган, умум томонидан тан олинган.

**ЛИЦЕНЗИЯ** (лот. – ижозат, рухсат) – амалдаги қонунларга кўра муайян фаолиятни амалга ошириш учун давлат органлари томонидан бериладиган рухсат.

**МАНИФЕСТ** (лот. – чақириқ) – олий давлат ҳокимиятининг ахолига қаратса тантанали мурожаати. Баъзи ҳолларда қонунчилик нормаларини ўз ичига олади ёки муҳим қонунлар қабул қилинishi ҳақида хабар беради; сиёсий партия, жамоат ташкилоти ва б.нинг ўз дастури, қарашлари, қарорлари ва ш.к. баён килинган ёзма мурожаатномаси, декларацияси.

**МАНСАБДОР ШАХС** – давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, давлат, муниципал муассасаларида, шунингдек, куролли кучларда, бошқа кўшинлар ва харбий тузилмаларда ҳокимият вакили вазифаларини доимий, вактинча ёки маҳсус ваколат бўйича амалга оширувчи ёхуд ташкилий-бошқа-

рувчилик, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи шахс.

**МАФИЯ** (лот. – маҳфий) – зўрлик, кўркитиш, террор, котиллик, извогарлик усули б-н иқтисодий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун тузиладиган маҳфий уюшма; уюшган жиноятчилик ташкилоти. Бир-бири б-н ўзаро бояланган ва порага сотилган давлат амалдорлари, давлат органларида ёрдам оладиган жиноятчи гурухлар. 18-а. охири – 19-а. бошларида Италиянинг Сицилия оролида пайдо бўлган. 20-ада М. ташкилотлари фаолияти шахарларда авж олди. М., одатда, киморбозлик, бангилик, фохишибозлик каби ижтимоий ахлоқсизликни уюштиради ва ўз ҳомийлигига олади, сиёсий хаётга фаол араганиди. М. давлат идоралари, суд ва полиция амалдорлари, муайян сиёсий доиралар б-н бирикib кетади. Кейинчалик уюшган жиноятчиликнинг давлат ҳокимияти, суд, прокуратура ва б. идоралар ходимлари б-н тил бириктириши ва ўзаро бир-бирини химоя қилиши М. деб аталадиган бўлди.

**МЕРОС** – марҳумдан ворисларга қолган мулк. М. марҳумнинг мулк хукуки, бошқа ашёвий хукуқлар, акслий фаолият (кашфиёт, ихтирочилик, муаллифлик) натижаларига бўлган алоҳида хукуклар, шунингдек, бу хукуклардан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

**МИЛИЦИЯ** (лот. – қўшин) – Ўзбекистон Республикасида конституциявий тузумни химоя қилиш, жамоат тартиби ва

хавфсизлигини сақлашга даъват этилган, фуқаролар ҳамда давлат мулкини, қонунчиликни, аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг қонуний ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, жиноятичилк ва ҳуқукбузарликларга қарши қурашувчи маъмурий орган.

**МОРАТОРИЙ** (лот. – тўхтатиб турувчи, секинлаштирувчи) – муайян мажбуриятларнинг бажарилишини давлат ҳокимиятининг маҳсус ҳужжатлари воситасида бирон маълум муддатга ёки бирон фавқулодда ҳодиса (уруш, табиий оғат ва х.к.) тугагунга қадар кечиктириш, тўхтатиб туриш.

**МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ** – фуқаро ёки юридик шахснинг ўз ҳаракатлари б-н ҳуқукка эга бўлиш ва ўзи учун мажбурият яратиш қобилияти. Фуқаронинг М. л. тўла ёки тўла бўлмаган ҳажмда бўлиши мумкин. Тўла ҳажмда М. л.га шахс 18 ёшга тўлгач эга бўлади. 14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган ва 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг М. л. тўла ҳажмда бўлмайди.

**МУХОЖИРЛАР** – ўзи фуқаро бўлиб турган ёки доимий яшаётган мамлакатни ташлаб бошқа давлатга доимий яшаш учун жўнаб кетувчи кишилар. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуклар тўғрисида»ги 1966 й.ги Халқаро пактнинг 12-модда, 2-банди ҳар бир кишининг ҳар қандай мамлакатни (жумладан, ўз мамлакатини) ташлаб кетиш ҳуқуки, яъни муҳожир бўлиш ҳуқуқини назарда тутади. Бироқ бу ҳуқуқда давлат хавфсизлигини, жамоат

тартибини, аҳолининг соғлиғи, бошқа шахсларнинг ҳуқук ва эркинликларини мухофаза қилиш максадида қонун б-н белгиланган айрим чеклашлар ҳам бўлиши мумкин.

**НАТУРАЛИЗАЦИЯ** (франц. – ҳакиқий, қонуний) – чет эллик шахснинг маълум давлат фуқаролигига қабул килиниши, чет элликнинг шундай ҳуқукка эга бўлиши.

**НЕУСТОЙКА** – фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуспаридан бири; қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган такдирда кредиторга тўлаш шарт бўлган нул суммаси.

**НИЗОМ** (араб. – тартиб, тизим) – маълум иш, масала бўйича қонун-коидалар, тартиблар мажмуи.

**НИКОҲ** – икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ. Н. оиласининг вужудга келишида бирдан бир асос бўлгани боис у факат ахлоқ нормалари б-н эмас, балки маҳсус қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинади. Н. ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда Н.га киришни хохловчиларнинг илтимосига кўра, Н. давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими Н. ёшини кўпі б-н бир йилга камайтириш мумкин.

**НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асо-

сида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарип ташкилоти. Н.-н.т. жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик кадриятларни химоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

**НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР** – ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг умуммажбурий кўрсатмаси. Уларда хукук нормалари (қонун, кодекс, фармон, карор, йўриқнома ва б.) ўрнатилади, ўзгартирилади ва бекор қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат хокимияти органлари ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасида Н.-х.х.ни қабул қилиш хукуқига эга. Н.-х.х.нинг асосий белгилари куйидагилар: ваколатли давлат органи томонидан умумий қоидаларга асосан чиқарилади, аниқ ўрнатилган тартиблар асосида қабул қилинади; Н.-х.х.

қабул қилиш жараёни хукук ижодкорлиги маҳсули бўлиб хисобланади; Н.-х.х.ни ушбу ҳужжатнинг номидан келиб чиқиб умумий характердаги хулқ-автор қоидаларини хукук нормалари кўринишида мужассамлантиради; Н.-х.х. расмий ҳужжат бўлиб, белгиланган шакл ва реквизитларга эга: расмий номи, рақами, ушбу ҳужжатни қабул қилган органнинг номи, қабул қилинган ва кучга кирган вақти, расмий эълон қилинган жойи ва х.к.; Н.-х.х. юридик кучга эга.

**НОСТРИФИКАЦИЯ** (нем. – бизники, бизга тегишли, ўзимизники, маҳаллий килмок) – муайян давлат томонидан чет ёл дипломи, унвони, илмий даражасини ўз мамлакатидагига мукобил, тенг деб тан олиниши.

**НОТАРИАТ** (лот. – мирза, котиб) – юридик аҳамиятга эга бўлган хукуқлар ва фактларни тасдиқлаш вазифаси топширилган ва қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни бажарувчи органлар тизими.

**НУЛЛИФИКАЦИЯ** – бирор ҳужжатни юридик кучдан, қонунийликдан маҳрум этиш. Қимматли қоғозларга ва тул белгиларига нисбатан Н. уларнинг давлат томонидан бекор қилинишини билдиради. Баъзан амалда девальвацияга тўғри келади.

**ОДАМ САВДОСИ** – одамни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш.

**ОМБУДСМАН** (шведча – бирон киши манфаатларининг вакили) – турли хил маъмурий органлар, шунингдек, хусусий шахслар ва бирлашмалар фаолиятининг қонунийлиги, уларнинг фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларига риоя этишини назорат қилиш учун маҳсус сайдланган (тайинланган) мансабдор шахс. О. назоратни амалга оширади ва прокуратурадан фарқли равишда нафакат қонунийлик, балки шу б-н бирга самарадорлик, мақсадга мувофиқлик, адолатпарварлик нуқтани назаридан ҳам текшириш олиб боради. Бу хилдаги мансабдор шахслар ҳар хил ном б-н аталади: Скандинавия мамлакатларида О.; Испания ва Колумбияда – ҳалқ ҳимоячиси; Францияда – воситачи, Руминияда – ҳалқ адвокати ва ҳ.к Дунёда биринчи марта О. лавозими 1709 й. Швеция кироллиги ҳузурида жорий қилинган. Ҳозирги вактда у жаҳоннинг 110 дан ортиқ мамлакатида мавжуд. Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (О.) мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқаролариниң ўзини ўзи бошқарип органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳукуқлари тўғрисидаги амалдаги конун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

**ОРДЕР** (лот. – катор, тартиб) – буйруқ, кўрсатма, фармойиш берувчи расмий

хужжат (мас., уй-жойга кўчиб киришга, тергов органларининг тинтув ўтказишга рухсат берувчи буйруги); бухгалтерияда пул маблағлари ёки *моддий бойлик*лар б-н операцияларни амалга оширишга оид хужжат.

**ПАСПОРТ** (франц; итальянча – портга кириш ёки у оркали ўтиш учун рухсатнома) – муайян давлат фуқароси эканлигини ва эгасининг шахсини кўрсатувчи ва тасдиқловчи асосий хужжат.

**ПАТЕНТ** (лот. – очик, аник-равшан) – техник ечим (ихтиро)нинг давлат томонидан эътироф этилганлигини ва ихтирочининг ўз ихтиросига олган мутлақ ҳукуқини тасдиқловчи хужжат. Шунингдек, бир қанча мамлакатларда *тадбиркорлик* фаолиятининг муайян турлари б-н шугулланиш учун маҳсус рухсатнома. Давлатдан бундай П.ни сотиб олиш тадбиркорларни (одатда, якка тартибдаги тадбиркорни) бундан кейинги (бир йилга ёки бошқа даврга) *солиқлар* тўлашдан озод этади.

**ПЕТИЦИЯ** (лот. – даъво қилиш, шикоят, ариза) – олий давлат органига ёки ҳукумат бошлиғига кўпчилик томонидан биргаликда берилган расмий ёзма ариза, илтимоснома.

**ПОРА** (форс. – майда пул, чака) – бирон ишни ноқонуний тарзда битириб бергани учун мансабдор шахсга берилган ёки бериладиган нарса, ёки *пул*.

**ПОРЛХЎРЛИК** – пора олиш, пора бериш, бу ишда воситачилик қилиш каби мансабдорлик жиноятлари. П. *моддий*

**бойлик ёки мулкий манфаат эвазига муйян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик б-н тавсифланади.**

**ПРОКУРАТУРА** (франц. – ғамхўрлик килмок) – мамлакатда қонунларга тўла амал қилиниши ва уларнинг тўғри кўлланиши устидан назорат қилиб турувчи, судда давлат манфаатларини, давлатномидан тузилган айномани химоя қилувчи давлат органи. Дастрраб 13-14-аларда Францияда юзага келган.

**ПРОТЕСТ** (лот. – қатъий норозилик, баёнот эълон қилмоқ) – тегишили суд ва прокуратура органларининг тегишли суд ҳукм ва қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги расмий ёзма баёноти, илтимоснома.

**РЕАБИЛИТАЦИЯ** (лот. – тиклаш) – ҳукуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан жиноят содир этишда асоссиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахс шаъни ва кадр-кимматининг тикланиши.

**РЕГЛАМЕНТ** (франц. – тартиб, қоида) – давлат органлари, муассасалари, ташкилотларининг иш тартибини белгилайдиган қоидалар мажмуи (мас. Олий Мажлис Р.и); мажлис, конференция ва б.ни олиб бориш тартиби.

**РЕПЛИКА** – (франц. – норозилик, қаршилик билдираман) – суд жараёнида бир томоннинг қаршилик, норозилик билдириши, шуниндек, съезд, мажлис ва ш.к.да ўтирган жойидан туриб айтилган фикр-мулоҳаза, лукма ташлаш.

**РЕЦИДИВИСТ** (лот. – қайталанувчи, такрорланадиган) – илгари судланиб,

айнаи шундай ёки ўхшашиб жиноят содир этган шахс. Р. жамият учун хавфли бўлганлиги сабабли бирмунча оғир жиноий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуқида алоҳида хавфли Р.ни жавобгарликка тортишининг маҳсус тартиблари назарда тутилган. Шахсни ўта хавфли Р. деб топишга фақат суд ҳаклидир.

**РЭКЕТ** (инг. – кўркитиш, дўқ-пўписа) – товламачилик, кўркитиш, дўқ-пўписа, зўравонлик ва б. йўллар б-н бирор нарса ундириши. Одамларни гаровга олиш оркали, автомобилларни ўғирлаб эгаларидан катта пул талаб қилиш кабилар Р.га киради. Р. дастрраб Италияning Сицилия оролида пайдо бўлиб, сўнг бутун Европа мамлакатларига ёйилди.

**САБОТАЖ** (франц. – ёғоч кавуш б-н тақиллатмоқ) – ишдан ошкора бош тортиш ёки ўзини ишлаётган қилиб кўрсатиб, аслида ишни бузиш, бўшаштириш, ишга зимдан ёки ошкор қаршилик кўрсатиш. Бирон-бир тадбирни ўтказишга зимдан қаршилик, онгли ҳолда зааркунданалик.

**САЙЛОВ ҲУҚУКИ** – 1) давлат бошлиғи, вакиллик органлари ва б.ни сайлаш тартибини белгилаб берувчи ҳукуқий нормалар йигинидиси; 2) фуқаронинг сайловда овоз беришда иштирок этиш, сайлаш ҳукуки (фаол С.х.) ва сайлов асосида ташкил этиладиган давлат хокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайланниш ҳукуки.

**САНКЦИЯ** (лот. – қатъий қарор) – халкаро ҳуқуқда халкаро мажбуриятлар ва халкаро ҳуқук мөъёrlарига амал килемган, уларни бузган давлатларга нисбатан кўлланиладиган (иктисодий, молиявий ёки ҳарбий) таъсир чораси. Шунингдек, жиноят содир этишда гумон килинган шахсга нисбатан мажбурий чора (камоқ, тинтуб ва ш.к.) кўриш учун прокурор томонидан бериладиган рухсат.

**СЕНАТ** (лот. – қариялар кенгаси) – Қад. Рим давлатида олий давлат органи, бугунги кунда айрим давлатларда, хусусан, Ўзбекистонда парламентнинг юкори палатаси.

**СЕРИЯ** (лот. – бир канча) – кимматбаҳо коғозларнинг (мас., облигациялар С.си), хужжатларнинг (мас., паспорт С.си) рақамлар ёки ҳарфлар б-н ифодаланадиган разряди, категорияси.

**СОВУҚКОНЛИК** – мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдиги, нала-партишлиги ёки вижданлизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ва шу туфайли фуқароларнинг ҳукуқлари ёки манфаатларига, давлат ва жамоат манфаатларига зиён етказилиши.

**СТАТУТ** – 1) бирон ташкилотнинг ваколати ва тартибини белгилаб берувчи устав, қоидалар мажмуи; 2) орден С.и – орденнинг тасвири, орден б-н мукофотлаш ва уни тақиши тартиблари тўғрисидағи қоидалар; 3) баъзи мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ ва б.)да қонун хужжатларининг номланиши.

**СУД** (рус. – иш) – муайян фуқаровий низоларни ҳал қилувчи ҳамда жиноий ишларни кўриб чиқувчи – одил судловни амалга оширувчи давлат органи.

**СҮРӢУН** – жиноий жазо тури; маҳкумни муайян бошқа бир жойда яшаш учун мажбурий равишда кўчириш. Собиқ шўролар даврида С. килиш инсон ҳукукларини ноймол этишининг ўзига хос усусларидан бири бўлган. С. асосий жазо сифатида ҳам, кўшимча жазо сифатида ҳам 2 й.дан 5 й.гача бўлган муддатга тайинланиши мумкин эди. Ўзбекистон Республикасининг ЖК.даги жазо тизимида С. шахснинг шавни, кадр-қиммати топталишига олиб келадиган жазо тури бўлганлиги учун ўз ифодасини топмаган.

**ТЕРГОВ** – жиноят юз берган шароит, унинг сабаблари ва катнашчиларини текшириш, сўроқ қилиш иши, жиноий иш бўйича далиллар йиғиши.

**ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК** – конституционализмнинг асосий принципларидан ва демократиянинг муҳим элементларидан бири; фуқароларнинг давлат, қонун, суд олдида тенглигини расман эътироф этишни билдиради. Унга кўра, муайян давлат фуқаролари жинси, ирқи, миллата, тили, ижтимоий келиб чиқиши, яшаш жойи, дилга муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига тааллуклиги, шунингдек, бошқа холатларидан қатъи назар, тенг ҳуқук, эркинлик ва мажбуриятга эга бўладилар. Т.ҳ.нинг реаллиги жамият ва давлат тузумининг қанчалик демократиялиигини кўрсатади.

**ТИНТУВ** – ман этилган ёки яшириб кўйилган нарсани топиш учун тегишли органларнинг вакиллари томонидан ўтказиладиган расмий ахтарув.

**ТРИБУНАЛ** (лот. – суд кирадиган жой) – суд ҳайъати, фавқулодда ёки ихтинослашган суд, унда, асосан, ҳарбий хизматчилар, ҳарбийни ўтовчилар жиноятлари бўйича ишлар кўрилади.

**УСТАВ** – муайян муносабат доирасидаги фаолият ёки бирор давлат органи, *корхона*, ташкилот ва ш.к.нинг тузилиши, вазифасини йўналтириб турадиган асосий қонун-коидалар мажмуи (мас., сиёсий партия, жасаба узошмаси, ҳемир йўл, дарё транспорти, банк У.лари ва х.к.). Айрим ҳолларда ҳалкаро шартномалар ҳам У. деб аталиши мумкин (мас., БМТ У.и).

**УСТАВ ФОНДИ** – таъсисчилар-иштирокчиларнинг ўзлари ташкил этган компания, хўжалик жамиятига дастлабки киригтан ва доимий улуш ҳисобланадиган моддий ва нут маблаглари мажмуи. Устав фонд компаниянинг хўжалик фаолиятидан олинадиган фойда ҳисобига кўпайиб бориши мумкин. Устав фонд компания, жамиятнинг асосий ва айланма маблағлари қийматини ташкил этади.

**УЧАСТКОВОЙ**, Участка нозири – аҳоли яшайдиган худуднинг муайян бир қисмида тартиб-коида сақланишини назорат қилиб турувчи милиция офицери.

**ФАВҚУЛОДҶА ҲОЛАТ** – давлат ҳокимиюти ва бопқарув органларининг, *корхоналарнинг*; муассасаларнинг ва ташки-

лотларнинг алохида иш режими. Бунда фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари хамда юридик шахсларнинг ҳуқук克拉рига маҳсус қонун б-н белгилантган чеклашларга йўл кўйилади, шунингдек, уларга кўшимча мажбуриятлар юкланиши мумкин. Ф. х., одатда, вақтинчалик тадбир бўлиб, реал ташки ҳавф, оммавий тартибсизликлар, ички куролли можаролар, йирик ҳалокат, табиий оғат, эпидемиялар юз берган тақдирда фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлашни кўзлаб жорий этилади.

**ФУҚАРОЛИК** – шахснинг муайян давлат б-я доимий сиёсий-хукукий алоҳаси; бу алоқа шахс ва давлатнинг ўзаро ҳуқук ва мажбуриятларида ифодаланади. Шахс Ф.ка эга бўлгач, давлат унинг ҳамма ҳуқук ва эркинликларини эътироф этади, уларнинг амалга ошишини таъминлаш чораларини кўради. Фуқароларнинг манфаатларини давлат, фуқаролар бошқа мамлакатлар худудида турган вактда ҳам ҳимоя киласди, уларга ҳомийлик кўрсатади. Ўз навбатида, фуқаролар давлат қонулари ва қоидаларга сўзсиз риоя қиласидилар, ўзлари учун белгиланган мажбуриятларни бажарадилар. Бу ҳуқук ва мажбуриятлар йиғиндиси фуқароларнинг сиёсий-хукукий мақомини ташкил этади, фуқаролар ана шу маком б-н чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ажралиб турадилар.

**ЦЕНЗ** (лот. – баҳолаш, баҳоланган молмулк) – кишиларнинг айрим ҳукуклардан, хусусан, ваколатли давлат органлар-

га сайлаш ва сайланиш хукуқидан фойдаланишга рухсат берувчи, йўл кўювчи шартлар.

**ЧЕКИСТ** (рус. – «Чрезвычайная комиссия» бирикмаси қисқартмаси – ЧК) – шўро даврида 1918–1922 й.ларда мавжуд бўлган «Аксилинкилоб ва саботажга қарши кураш бўйича Бутунrossия комиссияси» ходими, аъзоси.

**ШАНТАЖ** (франц. – иғво) – ўз мақсадига эришиш, бирон фойда кўриш учун килинадиган иғво, дўк уриш, кўркитиш каби ёмон ниятдаги хатти-харакат.

**ЭКСГУМАЦИЯ** – мурдани кўздан кечириш ва экс-пертиза ўтказиш зарурияти туғилганда уни дафн этилган жойидан қазиб олиш. Ўзбекистонда Э. терговчи ёки суриштирувчининг қарори ва прокурорнинг санкцияси асосида ўтказилади. Қарорда Э.нинг сабаблари кўрсатилади. Э., одатда, ўлимга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш, ўлган кишининг шахсни белгилаш, биринчи марта ёки қайта суд тиббий экспертизаси ўтказиш ва б. мақсадларда килинади. Э. пайтида суд тиббиёти соҳасидаги шифокор, зарур бўлса, бошқа мутахассислар ҳам қатнашади.

**ЮРИДИК ШАХС** – фукаролик хукуқ ва мажбуриятларининг субъектлари хисобланувчи корхона, муассаса, ташкилотлар. Ю. ш.лар ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошкарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк б-н жавоб берадиган, ўз номидан

мулкий ва шахсий номулкий хукукларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотdir. Ю. ш.лар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак. Ю. ш.ларнинг куйидаги 2 тури фарқланади: 1) тижоратчи ташкилотлар, яъни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади килиб олган ташкилотлар; 2) тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, яъни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ташкилотлар.

**ЮРИСДИКЦИЯ** (лот. – суд, суд ишини юритиш) – суд ёки маъмурий органнинг муайян фактларга хукуқий баҳо бериш, шу жумладан, низоларни ҳал қилиш ва конунда кўзда тутилган санкцияларни кўллаш бўйича ваколатлари доираси.

**ЮРИСКОНСУЛЬТ** (лот. – хукуқшунос, хукуқ маслаҳатчиси) – бирон муассасанинг хукуқий масалалар бўйича доимий маслаҳатчиси, муассаса манфаатларини суд ва б. ташкилотларда химоя қилувчи шахс.

**ЮСТИЦИЯ** (лот. – адолат, одиллик, конунийлик) – Олий суд, суд органлари фаолияти, адлия.

**ҚАРОР** – давлат органи ёки мансабдор шахснинг ўз ваколати доирасида муайян мақсадга эришиш йўлида қабул қиладиган ва бирор оқибат келтириб чиқарадиган ҳужжати. Қ. одатда, ижро этувчи ҳокимият органи томонидан қабул қилиниб, у ана шу органнинг ўз вазифаларини

амалга ошириш воситалари ва йўллари-ни назарда тутған бошкарув вазиятини таҳлил этиш ҳамда баҳолашга оид эркин ифодаси ҳисобланади. Қ. изжро этувчи ҳокимият тегишли органи компетенцияси доирасида қабул қилинадиган меъёрий ёки индивидуал ҳукукий ахамият касб этади.

**КОНУН** - инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ҳисобланадиган ижтимоий муносабагларни мустаҳкамлаши, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси. Қ. давлат олий вакиллик органларининг энг юқори кучга эга бўлган хужжатидир. Қ. давлат ҳукуқ тизимишининг асосини ташкил қиласди, давлатнинг бошқа ҳамма органларининг норматив актларига нисбатан энг катта юридик кучга эга бўлади. Қ. учун уни қабул қилишнинг алоҳида тартиби, бир неча босқичдан иборат маҳсус Қ. чиқариш жараёни хосдир. Бу босқичлар конуничилик ташабbusи, Қ. лойихасининг муҳокама қилиниши, Қ.нинг қабул қилиниши ва унинг эълон қилинишидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Қ.лари куйидаги гурӯхларга бўлиниади: асосий Қ. – Конституция; Конституциявий Қ.; Қ. (кодекслар ва жорий Қ.лар); Ко-ракалпогистон Республикасининг Конституцияси ва Қ.лари.

**КОНУН УСТУВОРЛИГИ** – барча давлат ҳокимияти органлари фаолиятида конституция, конунлар олий юридик кучта эга бўлиб, уларнинг ҳокимият чиқарадиган бошқа ҳамма меъёрий ҳуж-

жатлар ва йўриқномалардан устун туриши. Қ. у. жамиятда демократия ва қонунчилик таъминланишига хизмат қилувчи тамойиллар.

**КОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ** – ҳокимият бўлиниши принципи ва назариясига мувофиқ давлатнинг уч ҳокимият тармогидан бири. Қ. ч. ҳ. Конституция ва конунларни қабул қилиш, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда бекор қилиш ваколатларига эга бўлади. Ўзбекистонда Қ. ч. ҳ. яхлит давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғи бўлиб, у конун яратиш жараёнини Ўзбекистон Республикаси парламенти – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолияти орқали амалга оширади.

**КОНУНИЙЛИК** – конунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган ҳукукий ҳужжатларга барча давлат органлари, мансабдор ва б. шахсларнинг оғишмай амал қилиши. Қ. демократия ва ҳукукий давлатнинг элементларидан бири.

**ҲАДЯ** – бир шахснинг ўз мулкини 2-шахсга бепузл бериши ҳакидаги шартнома. Ўзбекистон Республикасида қонун бўйича бирон бир шахсга ашёни ёки мулк ҳукукини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишини ваъда қилиш (Ҳ. этишини ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳукуки текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб тур-

ган бўлса, X. шартномаси деб тан олиниади.

**ҲУҚУҚ** – давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умумий-мажбурий ижтимоий нормалар тизими. У хукукий муносабатлар ва фукаронинг давлат томонидан мустаҳкамланадиган, кафолатланадиган ва муҳофаза этиладиган асосий X.ларини ўз ичига олади. X. давлат бўлиб уюшган жамиятда пайдо бўлади ва мулкчилик муносабатларини, хўжалик алоқалари механизмини мустаҳкамлайди, меҳнат ва унинг маҳсулотларини жамият аъзолари ўртасида муайян ўлчов ва шаклларда тақсимлаб турувчи вазифасини ўтайди (фуқаролик X.и, меҳнат X.и); ваколатли органлар, давлат бошқаруви органлари шаклланиши, тартиби, фаолиятини белгилаб беради, низоларни қай йўсинда ҳал килиш кераклигини, мавжуд ижтимоий муносабатларни

бузишга қарши кураш чораларини белгилайди (жиноят X.и, процессуал X.), шахслар ўртасидаги муносабатларнииг хилма-хил шаклларига таъсир кўрсатади (оилавий X.). X. нормалари бошқа ижтимоий тартибга солувчи нормалар (дин, ахлоқ, одат ва б.)дан ўзининг мажбурийлиги б-н ажralиб туради. X. жамият ҳаётининг турли соҳалари - иктисадиёт, сиёсат, ижтимоий соҳага, маданий-маънавий муносабатларга таъсир этади ва шу тарика иктисадий, сиёсий ва тарбиявий функцияларни бажаради.

**ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ** – хукуқнинг хукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон хукуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, хокимият ваколатларининг бўлинеш принципи асосида ташкил этилган демократик давлат.

# МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ СОҲАГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АГИТАЦИЯ** (лот. – харакатга келтириш, уйғотиш) – тарғибот-ташвиқот олиб бориш.

**АЛЬТРУИЗМ** (лот. – бошкадан) – ахлоқий тушунча, унинг негизида бошқа кишиларга холис хизмат килиш, уларнинг баҳт-саодати учун ўз шахсий манфаатларини қурбон қилиш ётади. А. терминини фалсафага эгоизм тушунчасининг зидди маъносига О. Конт киритган.

**АНТАГОНИЗМ** (лот. – баҳс, кураш) – бир-бирига қарама-қарши кучлар, ғояларнинг кескин қурашини ифодалайдиган зиддият. А. тушунчаси биология, тиббиёт, математика, физика ва б. фанларда ҳам кўлланилади. Масалан, микроблар ва дорилар, харакат ва қарши харакат, мусбат ва манфий электр заряди ва б. А. табиат ва жамият ҳодисаларида ўзига хос шакл ва мазмунга эга.

**АНЪАНА** – ўтмишдан келажакка мерос коладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган моддий ва маънавий

қадрият. Миллий, маданий, майший, ижтимоий-сиёсий, диний ва б. А.лар бор. А.лар халқларнинг тарихий ривожланиши жараённида шаклланади. Одамларнинг турмуш тарзи, моддий шароитлари турли А.ларнинг шаклланишига таъсир киласи. А.ларни ижтимоий-тарихий ҳодиса, жамият ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми, кишилар ҳаёти ва фолиятини белгилаш мезони, жамият ва одамларни бошқаришининг маънавий омизларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин. А.лар ёшларни тарбиялаш, уларни кекса авлод тажрибаларига ўргатиш воситаси ҳамdir. Ҳар бир даврнинг ўз А.лари бўлиб, вакт ўтиши б-н ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзилари йўқолади, янгилари вужудга келади. Шунингдек, бир замоннинг А.лари иккинчи замонга мос келмаслиги мумкин. Давр талабига жавоб бермайдиган А.лар унутилади. Ҳар бир халқнинг А.ларида ўша халқнинг турмуш тарзи, маданий камолот даражаси, миллий онг ва қиёфаси ҳам акс этади.

**АПАРТЕИД** (африканс тилида – алоҳида-алоҳида яшаш) – ирқий камситишнинг энг ашиаддий кўриниши. Муайян ахоли гурухларининг улар ирқий мансублигига қараб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва фуқаролик хукукларидан маҳрум этишни, худудий жиҳатдан яккалатиб кўйишгача боришини англатади. Ҳозирги даврда халкаро хукуқ А.ни инсониятга қарши жиноят деб ҳисоблайди.

**АССИМИЛИЯЦИЯ** (лот. – бирлашиш, ўзгартириш, ўхшатиц) – ўхшашлик, айналлик, қўшилиш, ўзлаштириши; бир халқнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари ва б.ни йўқотиб, иккинчи халқка кўшилиб кетиши.

**АГАВИЗМ** (лог. – аждод, ота-боболар) – қад. аждодларда бўлган белгиларниң бир неча бўғинларда йўқолиб кетиб, кейинчалик бошқа авлодларда яна найдо бўлиши. А. турнинг аждодини кўрсатиб беради, шунинг учун Дарвин А. ходисасини эволюциянинг далилларидан бири, деб исбот этган. А. айrim организмларда пайдо бўлиши б-н рудиментлардан фарқ қиласди.

**АХЛОҚ** – кишиларниң бир-бирларига, оиласага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи. Ҳукуқдан фаркли равишда А. талабларини бажариш-бажармаслик маънавий таъсири кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, килинган ишни маъкуллаш ёки қоралаш) б-н белгиланади. А.ни этика фани ўрганади.

**БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК** (араб. – миллатлараро) – жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги; уларнинг бир-бирларини тушунишлари ва ўзаро ишончининг, маданиятлар, қадриятлар, билим ва технологиялар ўзаро сингиб боришининг асоси; миллатчиликнинг зидди.

**ВАНДАЛИЗМ** – моддий ва маданий бойликларни ўйламай-нетмай шафкат-сизларча йўқ қилиб ташлаш. В. тушунчasi вандаллар деб аталган қад. шарқий герман қабиласи номидан келиб чиқкан. Вандаллар 455 й.да Римни талон-тарож қилиб, кўплаб антик маданият обидаларини вайрон этганлар. Кейинчалик у жоҳиллик, маданиятсизлик маъноларида ҳам кенг кўлланила бошлаган.

**ВАТАН** – кишиларнинг туғилиб ўстган жойи, юрти, мамлакати; тарихан муайян халқка тегишли худуд ҳамда унинг табииати, ахолиси, ўзига хос тараккиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуи. В.ни севиш ватанпарварликда намоён бўлади.

**ВАТАНПАРVARLIK** – кишиларнинг она юртига, ўз ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. В. барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. В. кишиларнинг ўз ватанлари тақдири б-н боғлиқ ижтимоий ривожланиши, халқларнинг ўзлари яшаётган худуднинг дахлисизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида

такомиллашиб келган хис-туйгулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватанинг ўтмиши ва ҳозири б-н фаҳрланишда, унинг манфаатларини химоя қилишда намоён бўлади.

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ** – ижтимоий-фалсафий тушунча бўлиб, ҳар кимлинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъсрларни бузмаган ҳолда виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади. Сиёсий жихатдан В.э.га демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади, юридик нуқтаи назардан инсоннинг асосий шахсий ҳукуклари сирасига киради ва демократик эркинликлардан бири ҳисобланади.

**ГЕДОНИЗМ** (юонон. – роҳат, ҳузур, лаззатланиш) – ҳузур-халоватга, лаззатланишга интилиш инсоннинг олий мақсади, деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот. Унга кўра, ҳузур-халоватга интилиш инсонга табиатан хос, унинг бутун хатти-харакати, мақсади шунга қаратилган. Г. юонон фалсафасида кенг тарқалган эди. Беруний фикрича, ҳакиқий лаззатланиш – бу илм лаззати, чунки қанчага қўп илмга эга бўлмайлик, у инсон меъдасига тегмайди, ўзидан бездирмайди. Европада Уйғониш даврида гедонистик таълимот ривожланиб борди. Инсон ўзининг табиий эҳтиёжларини тўла-тўқис кондириш учун интилишга ҳаклидир, деган ғоялар илгари сурилди. Кант Г.га карши чиқиб, уни соғлом акл маҳсули эмас, балки ақлга зид ҳиссий турткilar

ҳосиласи, деб баҳолади. Ахлоқ-одоб соҳасининг вакили Г. Уильям фикрича, айрим шахслар лаззатланиш максадида одамларга нисбатан зўравонлик ишлат-маслиги лозим, акс ҳолда умуминсоний ҳукуқ, ахлоқий меъёр ва тамойилларга зид бўлади.

**ГУМАНИЗМ** (лот. – «инсонийлик», «одамийлик») – инсонни олий қадрият деб баҳоловчи дунёқарааш. Г. одамларга меҳр-муҳаббат б-и қарааш, уларни ҳурмат килиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантириш, ғамхўрлик қилиш ғояларини илгари суради. Г. ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъатда – инсон ҳукуқи ва олийжаноб фазилатлар, илм-маърифат ва ҳуррият учун, кишиларнинг ҳар томонлама эркин ривожланиши учун ҳаракат қиласи. Ғарбий Европадаги бир неча мамлакатларда Г. ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъатда католицизм ва шахснинг қулигига карши қаратилган илғор ҳаракат эди.

**ДЕПРЕССИЯ** (лот. – эзилиш, босилиш) – тушикунликка берилган руҳий ҳолат, шунингдек, хўжалик тизимида, ижтимоий фаолият соҳасида юз берадиган турғунлик, ҳаракатсизлик, ўсишдан тўхташ ҳолати.

**ДОГМА** (юонон. – фикр, қоида, таълимот) – қандай шароитда қўлланишидан қатъи назар, танқид кўзи б-н текширилмай кўр-кўронга қабул қилинаверадиган

қоида, далил-исботсиз мухокама. Догматик фикр билиш йўлига, фан тарақкиётига тўсқинлик қиласди. Илоҳиётда диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, мухокама юритмасдан эътиқод килинадиган таълимот.

**ДОГМАТИЗМ**, Ақидапарастлик – танқидий нуктаи назардан текширмай, аниқ шароитни ҳисобга олмай кўр-кўрана фикр юритиш усули.

**ЖАДИДЧИЛИК** (араб. – янги) – 19-а. охири -20-а. бошида Туркистон, Кавказ, Крим ва Татаристон ҳаётида муҳим тутганий ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат. Ж. дастлаб 19-а.нинг 80-йиларида Кримда Исмоилбек Гаспринский раҳбарлигига крим татарлари ўртасида вужудга келди. Бу ҳаракат намояндадарни кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар леб аташган. Ж. моҳият эътибори б-н, аввало, сиёсий ҳаракат эди. Унинг шакланиши ва мағлубиятга учраш даврлари бўлиб, уларни шартли равишда тўртга бўлиш мумкин. Туркистон, Бухоро ва Хива худудида бу даврлар 1895–1905; 1906–16; 1917–20; 1921–29 й.ларни ўз ичига олади. Миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари - хунарманд, дехқон, *савдоғар*, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб чоризмга қарши курашни халқни асрий колокликдан ўйғотишни сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида,

асосан, қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармогини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газ. ва жур.лар чоп килиш, халкнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш б-н Туркистонда миллий демократик давлат куриш.

**ЖАМИЯТ** – кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Ж.даги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва б.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўргасидаги ижтимоий муносабатлар Ж.нинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар *ишлаб чиқарни*, оилавий, сиёсий, хукукий, ахлоқий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир. Ўзбекистонда фуқаролик, хукукий, демократик, дунёвий Ж. барпо этилмоқда.

**ЖАҲОЛАТПАРАСТ** (араб.– нодонлик, илмсизлик) – эскилилка ёпишиб олган, эскилил, қолоқлик тарафдори, илм-маърифат, маданият душмани.

**ИДЕАЛ** (юнон. – тимсол, гоя, тушунча) – бирор нарса, воқеа ва ҳодисанинг олий намунаси, камолоти; айрим шахс, шахслар гуруҳи, табақа ва жамият интигувчи олий мақсад. Ижтимоий-сиёсий И. – мукаммал ижтимоий тузум; ахлоқий И. – баркамол инсон сифатлари, инсоний муносабатлар; эстетик И. ҳар тарафлама

камолга етган гўзал кўриниш, хислат, тавсиф.

**ИДЕАЛИЗМ** – фалсафадаги асосий оқимлардан бири; онг, рух, тафаккур бирламчи, материя, табиат, борлиқ иккиламчи деб талкин этувчи карашлар тизими. Материализмнинг муқобилии бўлиб, унинг объектив ва субъектив шакллари бор. Объектив идеал дунёнинг асосида инсон онгидан ташқарида ва унга боғлик бўлмаган ҳолда гайритабиий рухий ибтило (ғоя, оламий аксл) ётади, деб ҳисоблайди. Субъектив идеал инсон онгидан ташқаридаги объектив реалликни инкор этиб, факат субъектив сезгизар мавжуд, деб билади.

**ИДЕАЛЛАШТИРИШ** – бадий ижодда бирор нарса ҳодиса, вокса ва шахсни аслидагидан кўра мукаммалроқ тасаввур қилиш, тасвирлаш. Аслида бўлмаган, лекин мавжуд оламда тимсоли бор бўлган (мас., абсолют қора жисм, идеал газ ва б.) объектлар, жараёнлар ва ҳодисалар ҳакидаги тушунчаларни фикран моделлаш. И. конунларни таърифлаш, ҳайтий жараёнларнинг мавхум шаклларини тузиш имконини беради.

**ИНСОНПАРВАРЛИК** – инсоннинг кадри, эркинлиги, бахт-саодати, тенг хукуқлилиги тўғрисида, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳакида ғамхўрлик қилишини ифодаловчи тушунча. Унга кўра, дунёда энг кимматли нарса инсондир, бутун мавжудот, борлиқ инсонга, унинг бахт-саодатига

хизмат килиши лозим. Инсон тақдири, ҳалқ манфаатлари, мамлакат кишилари ҳакида ғамхўрлик И.нинг асосий масала-сидир.

**ИРИМ** – бирор ният б-н қилиналиган иш, ҳатти-харакат. И. кишининг ўз ишларига ривож тилаш, ўзини эҳтиёт килиш, бирорларга яхшилик тилаш ёки зарар етказиш ва бошқа ниятларда қилинади. Mac., тўйдан яхши ният б-н бирор нарса олиб кетиш, дард-балони қайтариш, зиён-захматдан, кўз тегишидан сақланниш учун бирор нарсани бошдан ўгириб ташлаш, чақалоққа ҳар хил инс-жинслар йўқамасин, ёған маънода бешиккадағи чақалоқ ёстини тагига пичоқ ёки ион қўйиши, сигирнинг бўйцига тумор такиб қўйиши ва х.к..

**ИРҚЧИЛИК** – иркий камситиш сиёсати. Инсон ирқларининг жисмоний ва рухий жиҳатдан ҳар хиллиги, иркий тафовутларнинг жамият тарихи ва маданиятига ҳал килувчи таъсири, одамларнинг азалдан олий ва паст ирқларга ажратилганлиги ҳакидаги коидаларга асосланади. Щу даъволарга кўра, олий ирқлар гўё бошқа ирқлар устидан хукмронлик қилишга даъват этилган, цивилизациянинг бирдан-бир бунёд-корларидир, паст ирқлар эса юксак маданиятини яратишга ва уни ҳатто ўзлаштиришга хам қобилянятсиздир. Француз Ж. А. Гобино XIX аср ўрталарида биринчи бор И. ғоясини олға сурниб, орийларни «олий ирқ» деб эълон килади. И. фашизмнинг расмий мағ-

курасига айланган. И. халқаро ҳамжамият томонидан қабул килингандын бир қанча хужжатларда, жумладан, ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиши түғрисидаги халқаро конвенцияда кескин кораланган.

**КАМИКАДЗЕ** (японча - илохий шамол, иккинчи жаҳон урушида душман кемаларига қарши хужум килиб, ўз самолёти б-н ҳалок бўлган япон учувчиси) – бирон кимса ёки нарса учун ўзини курбон килган шахсга нисбатан кўлланилади.

**КАННИБАЛИЗМ** (франц. – одамхўр) – одам тўштини одам ейиши. Тош даврининг энг қад. босқичида яшаган ибтидоий одамларга хос. Кейинчалик, озиқовқат ресурслари кўпайгач, очарчилик вактларидагина камдан-кам учрайдиган ҳодиса сифатига сакланган. Диний К. анча вақт сакланиб, одамлар ўлдирилган душманлар, ўлган кариндошлилар жасадларининг турли қисмларини ейишган; бунда одамлар ўликининг куч-қуввати ва б. хусусиятлари унинг гўштини еган одамга ўтади, деган тасаввурлардан келиб чиқишиган.

**КЛЕРИКАЛИЗМ** (лот. – черковга онд) – жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаётida черков ва диннинг етакчилик ролини таъминлашга интилиш. Бу оқим тарафдорлари ўз таъсирини оммага ёйиш, уларни диний дунёкарашга эрганиширишга, турли миллий ва халқаро ўюшмалар тузишга ҳаракат қиласидилар. Клерикаллар айрим мамлакатлар (мас., ГФР, Италия)да йирик сиёсий партия-

лар, касаба ўюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва б. жамоат ташкилотлари, ўкув, даволаш, хайрия муассасалари ташкил этган, ўз оммавий ахборот воситаларига эга.

**КОВБОЙ** (инг. – сигир бокувчи йигит) – отлик чўпон, подачи; мард, жасур йигит.

**ЛЕВИРАТ** (лот. – қайни, эрнинг укаси) – Кавказ, Ўрта Осиё ҳалклари, диндор яхудийлар ва б.да бўлган ва кейинги даврларга қадар сакланиб қолган никоҳ одатларидан бири: унга кўра бева қолган аёл эрининг укасига эрга тегинига мажбур ёки шундай хукукка эга бўлган. Л. никоҳ шакли 20-а.дан сўнг ҳалкимиз турмушидан буткул чиқиб кетган.

**МАДАНИЙ-МАЪРИФАТ ИШИ** – кеңг оммани маданий ва маърифий тарбиялаш, уларнинг умумий маданий савиясини ошириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вактларини кўнгилли ўtkазишга кўмак берувчи тадбирлар тизими.

**МАДАНИЯТ** (араб. – шахар) – жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади.

**МАДДОҲЛИК** (араб. – мадҳ-мактов, таъриф) – бирор шахсни, ғоя, мафкура, тартиботни ўринсиз тарзда ўта мақташ.

**МАЙОРАТ** (лот. – катта) – кўчмас мулк (ер, уй-жой ва б.)ни мерос колдириш тизими. Бунга кўра, ер-мулкка эгалик

килиш ҳукуки энг катта ўғилга ёки ёши улут қариндошга ўтган. М. тартибида мерос колдиришнинг дастлабки кўри-нишлари қад. хинд, яхудий конунларида, Афина ҳукуқ тизимида ўз ифодасини топган. М. ҳозирда монархия тизимини саклаб қолган мамлакатларда учраб турди.

**МАНҚУРТ** – ўтмишда баъзи кўчманчи қабилаларда асир тушганларнинг сочи киртишлаб олинган ва бошига янги сўйилган түянишга бўйин териси қонланган, терининг мияни каттиқ сикиши оқибатида хотираси, ақл-идрохи ва умуман инсоний фазилатларини унуглан шахс.

**МАФКУРА** (араб. – фикр юргизиш, тафқур, эътиқод ва маслаклар тизими) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳукукий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, ғоялар мажмуи. Муайян ижтимоий гурӯҳ, ижтимоий катлам, миллат, давлат, ҳалқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизими, маълум мақсадни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи ғоялар йигиндиси.

**МАЬНАВИЯТ** – инсон руҳий ва аклий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳукукий, илмий, бадиий, ахлокий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маълумки, инсоннинг ички ва ташки олами мавжуд. Ташки оламига унинг бўй-бости, кўриниши, кийиниши,

хатти-харакати ва б. киради. Ички олами эса унинг яшапидан максади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами М.дир. М.да инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Ватанин севиш, ватанинварварлик инсон М.ини белгиловчи асосий омиллардан биридир. М. камол топган жамиятларда қобилият, истеъдод өгалари шу жамиятнинг миллатнинг юзи, гурури, обрў-эътибори ҳисобланади. М.ли жамиятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда ҳалқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлади, одамга номуносиб турли илиялар барҳам топади.

**МАҲАЛЛА** – Ўзбекистонда маъмурӣ-худудий бирлик; ўзини-ўзи бошкаришиш ҳалқимиз анъаналари ва кадриятларига хос бўлган усули. М.лар ўз ҳукукий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибиға киради. М.лар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи; юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги хисоб-китоб ракамига - жамғармасига эгадир. М. ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарған маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини М.даги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш б-н таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин. Ҳозирги пайтда М.ларнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосида,

ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар яратилди. Улар тўй-маърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюшириш, оиласвий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари б-н шугулланади. М.лар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтириша мухим аҳамият касб этмоқда.

**МАЛЬИФАТ** – кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга картилган таълим-тарбия. У табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажмуасини ҳам билдиради.

**МЕНТАЛИТЕТ** (зот. - аклий) – айрим киши ёки ижтимоий турухга хос аклий кобилият даражаси, маънавий салоҳият. Жамият, миллат ёки шахснинг М.и уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, диний эътикодини ҳам камраб олади. Ҳар бир миллатнинг М.и унинг тарихи, яшаб турган шарт-шароити, ижтимоий фаоллиги ва б. бир канча омиллар б-н боғланган бўлади.

**МЕРОС** – аждодлардан авлодларга қолиб келаётган ўтмиш қолдиги, илмий, адабий, маданий бойлик.

**МИЛЛАТ** – узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий жараёнда, аниқ ҳудулий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган ҳалқ, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимо-

ий бирлик шаклидир. М. кишиларнинг жисп тарихий бирлиги, умумиктисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир.

**МИЛЛАГЧИЛИК** – миллат айриши; ўз миллагининг ҳак-хуқуқларини бошқа миллатлар ҳак-хуқуқидан юкори қўйип, бошқа миллатнинг ёки бошқа ҳалқлар вакилларининг эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қиласлил. Миллат миллий бикиклик, миллатпарастликка асосланиб, миллий низо, ихтилофларга сабабчи бўлади, жамият ҳаётини, тингчлик ва барқарорликни издан чиқарishi мумкин. «М.» ва «Тажовузкор М.» тушунчаларини фарқлаш лозим. М. ўз миллатининг маңбаатларини юкори қўйишга интилиш орқали бир миллатни билиб-бильмай улуғлаб, бу б-н миллий тутувликка ҳавф туғдирса, тажовузкор М. жамиятдаги ҳамзижатликка очикдан-очик қарпи чиқади.

**МИЛЛИЙ МАФҚУРА** – муайян миллатнинг этно-ижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини асослаб берувчи ғоялар ва қарашлар тизими. Кўнголларда М. м.ни битта миллат ёки ҳалқнинг мафқураси деб тушунилмайди, у муайян давлат ёки жамиятнинг умумий мафқураси маъносини ҳам англатади. Чунки «миллий» сифати «миллат» сўзидан кеслиб чиқсан бўлиб, факат муайян этник бирликни эмас, балки муайян «жамият» ёки «давлат»

маъносини ҳам ифодалashi мумкин. М. м. тушунчаси ҳам Ўзбекистонда яшаб, фаолият кўрсатаётган барча миллат вакилларига тегишилдири. Унинг ўзагини Ўзбекистондаги турли миллат ва элат, дин ва эътиқод вакилларини мамлакатимизда озод ва обод ватан барни этиш учун бирлаштириш, халқларни ўзаро хурмат ва ҳамкорликка чорлаш, олижаноб мақсадларни кўзлаш каби умуминсоний тамойилларга айланган гоялар ташкил этади.

**МИЛЛИЙ ГОЯ** – муайян миллат хаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, максадларини ифодалайди. М. г. ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қиска ёки узок муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради.

**МОНИЗМ** (юнон. – якка, ягона) – дунёдаги турли ҳодисалар негизида битта ибтидо, ягона субстанция ётади, деб хисоблайдиган таълимот. Фалсафада М. бутун борлиқни – табиат, жамият, инсон маънавий дунёсини бир деб билиш, улар ягона асосдан келиб чиккан, бир-биридан мутлако ажралмас деб ҳисоблашдири. Табиат шуносликларни М. жонсиз (ноорганик) ва жонли (органик) табиат боскичлари – ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси, инсоният дунёсини бир асосдан узок ривожланиш жараёнини бо-

сиб ўтиб, бир-биридан келиб чикканлиги ҳақидаги таълимот.

**МОНОГАМИЯ** (юнон. – ягона қўшилиш, бир никоҳлилик) – никоҳ ва оила-нинг тарихий шакли. Ибтидоий жамиятнинг емирилиши даврида жуфт никоҳдан пайдо бўлиб, М. никоҳнинг хукмрон шаклига айланган.

**МУСТАҚИЛЛИК** – давлатнинг ички ва ташки ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши. М. тамойилларига риоя этиш давлатлараро ўзаро муносабатларда етакчи, хукмрон коидадир. Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини тан олини ўзаро тинч-тотув јашаш принципида ишларидан биридир. У БМТ Устави ва халқаро шартномалар ҳамда декларацияларда мустаҳкамлаб қўйилган. Давлатнинг суверенитети унинг бошка давлатлар б-н муносабатларидаги мустақиллигини ҳам билдиради. М. давлатнинг факат сиёсий эмас, балки иқтисодий мустақиллигини ҳам англатади.

**НИГИЛИЗМ** (лот. – ҳеч нима, ҳеч нарса) – 19-а. рус ижтимоий тафаккурида мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлокий нормаларни, маданий мерос ва идеалларни инкор этишдан иборат оқим. Ижтимоий-тарихий тараққиёт инқирозга учраган даврларда, айниқса, кенг ёйилди. Н. терминини биринчи марта немис файласуфи Ф. Г. Якоби (1743–1819) кўллаған. Россияда бу термин И. С. Тургеневнинг «Оталар ва болалар» (1862) романи нашр этилганидан кейин кенг тарқалди. 19-а. нинг 2-ярмида крепостнойлик анъана-

ларини ва динни инкор этган разночин-шистидесятникларнинг радикал оқими вакиллари нигилистлар деб аталган. Кейинчалик Н. термини инкилобий мафкура ва демократик ҳаракатни таҳқириаш учун ишлатилгани.

**ОДОБ** (араб. – адаб сўзининг кўплиги) – жамиятда эътироф этилган хулк нормаси. Шахс маънавий хаётининг ташки жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар б-н муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. О. негизида ахлокнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқлик ва гўззалик (эстетика) талаблари ётади. О. кишишинг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар б-н қай йўсингда муомала килиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташки қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегиши қоидалар (мас., шарм-хаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалик сингарилар)ни ўз ичитга олади.

**ОИЛА** – никоҳ ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзгорнинг бирлиги, ўзаро ёрдам ва маънавий масъулияти б-н бир-бирига боғланган. О.нинг энг муҳим ижтимоий вазифалари инсон зотини давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали уюштиришдан иборатdir.

**ОККУЛЫГИЗМ** (лот. – яширин, сирли) – инсонда ва космосда, умуман, дунёда сирли, яширин кучлар мавжудлигини

эътироф этувчи, тафаккурга зид таълимотларнинг умумий номи. О.га кўра, бу кучларни маҳсус психик машқлардан ўтган ва ўзини факат шу йўлга бағишлаганларгина пайкай олади. Умуман, О. илмий тафаккурга зид таълимотdir.

**ОПТИМИЗМ** (лот. – энг яхши, энг макбул) – келажакка ва умуман, ҳар ишга ишонч б-н қараш, ҳар нарсанинг яхши ва порлоқ томонини кўришга мояйиллик. Дунёда ижобий омил, яхшилик ҳукмроилик қиласи, деган тасаввур. Бу атама мавжуд дунёнинг «энг яхши дунё сифатида» яратилганлиги тўғрисидаги Г. В. Лейбниц таълимотини ифодалаш учун жорий қилинган. *Пессимизмнинг* зидди. Ўрта аср Шарки ҳамда Европада Ўйғониш даври гуманизмнинг вакиллари, 18-а. француз маърифатчиларининг дунёқарали О. руҳи б-н суғорилган эди. Улар «аклга мувофиқ» ижтимоий тузумга эришиш мумкин, деб ҳисобланлар. Умуман, О. тарафдорлари узлуксиз тараққистга ишонадилар, келажакка ишонч б-н қарайдилар. Одамларни ҳаётни севишга, инсон акл-идроқини қадрлашга, илм-маърифатга эришишга даъват қиласидилар.

**ПАНТУРКИЗМ** – туркий халқларни бирлаштириш тоясига Россия ва Англия империялари, шунингдек, собиқ Иттифоқ томонидан берилган расмий ном. Бу ҳаракат илдизлари анча чукур бўлса ҳам, бирор у 19-а. охиirlари – 20-а. бошларида Усмонли турк сultonлиги ва чор Россиясининг туркий халқлар

яшайдиган худудларида кенг тарқалған. Ёш турклар партияси «Итиход ва тараққий» бу қарашни ўз ғояси сифатида кабул килған. Кейинчалик Туркистандаги жадидчилик харакатининг намояндалари, Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар ҳам уни ўз дастурий қарашлари сифатида эътироф килишган. Туркистанда чор Россиясининг зулмiga қарши кўтарилиған ҳалқ қўзғолюнлари, турли норозилик чикишларини мустамлакачи маъмурлар П. ва панисломизм оқимлари таъсирида уюштирилған, деб даъво қилишган.

**ПАРАНЖИ** (араб., фаражи – кенг кўйлак) – қўпчилик мусулмон аёлларининг ёниичиги; чачвон б-н бирга ансамбль ҳосил қилған. Аёллар гавдасини бошдан оёқ яшириб туришга хизмат киласди. П. нинг ўтмишдоши фаражи ҳам эркаклар, ҳам аёлларнинг енгил, кенг устки кийими бўлған. Қад. Мисрда пайдо бўлған ва б. шарқ мамлакатларига тарқалған. Ўрта Осиёда 16-а.да илм аҳлиниң устки кийими ҳисобланған. 16-а.дан аёлни бегона кўзлардан яширувчи ёпинчиғига, узун енглари безак қисмига айланған. П. ёпинчи ислом шариатига мос келған. 20-а. даги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида (айниқса, 30-йиллардан бошланған «Хужум» харакати ва б. туфайли) П. деярли урфдан қолған.

**ПАЦИФИЗМ** (лот. – келиштирувчи, тинчлантирувчи) – ҳар кандай урушга карши бўлған ва Ер юзида тинчлик бўлишини ёқловчи дунёқараш, оқим.

**ПЕССИМИЗМ** (лот. – энг ёмон) – кела жакка ишончизлик, умидсизлик б-н қараш, ҳар бир нарсанинг ёмон томонини кўришга мойиллик, руҳий тушкузлик, ҳамма нарсан қора рангда тасвирилаш. П. оптимизмнинг қарама-каршиси бўлиб, оламда, авваламбор, унинг салбий томошларини кўради, олам умид килиб бўлмайдиган даражада ёмон, инсонларнинг яшапи – бошдан охиригача маънисизликдан иборат, деб ҳисоблади. П.нинг диний ифодаси буддизмда, Қад. аҳдда ва христианликда акс этган. Меланхолия – П.нинг патологик шакли. Фалсафий П. Шопенгауэр ва Гартман асарларида кўзга ташланади. П.га мойил одам пессимист дейилади.

**ПЛЮРАЛИЗМ** (лот. – кўплек) – борликнинг бир неча (ёки кўплаб) мустақил ибтидоси ёки билимнинг бир қанча асоси мавжуд деб ҳисобловчи фалсафий қараш. Шу б-н бирга, манфаатлар, ғоялар, қарашларнинг ҳам кўшилигини билдиради.

**ПОЛИГАМИЯ** (юонон. – кўп никоҳ) – кўп никоҳлилик.

**ПОЛИГИНИЯ** – кўп хотинлилик. Айрим ҳалкларда, кўпроқ, мусулмон ҳалкларида сакланиб колган. П., аслида, турухли никоҳништадигидир, унда бир уругнинг барча аёллари бошка уругнинг барча эркакларига умумий хотин ҳисобланған. Кейинчалик даврлар ўтиши б-н жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ва маданий ҳаёт юксалиши туфайли бир никоҳлик – моногамияга ўтилған.

**ПРАГМАТИЗМ** (юон. – иш, ҳаракат) – 19-а.нинг 70 й.ларида АҚШда кенг таркалган фалсафий таълимот бўлиб, ўтмиш фалсафасини ҳаётдан ажралиб қолган, мавхум, кузатувчан характерга эга, деб билган. Бу таълимот вакиллари «фалсафани таъмирлаш» дастурини олга сурдилар. Улар, фалсафа борлик ва билишнинг илк асосларини идрок этишдан иборат бўлиб колмаслиги керак, балки кишиларнинг олдида кўндаланг бўлиб турадиган, турли ҳаётий вазият, фаолият жараёнида улар дуч келадиган муаммаларни ҳал килиши керак, деб ҳисоблайлар. П. амалиётда инсонга нима кўпроқ фойда берса, ўшанга кўпроқ ахамият бериш зарур, деган гояни илгари суради.

**ПРОВОКАЦИЯ** (лот. – чақириқ, шикоят аризаси) қасддан уюштирилган ва оғир оқибатларга олиб келадиган хоинона иш ёки хатти-ҳаракат, фитна, иғвогарлик.

**РАЦИОНАЛИЗМ** (франц. – акслга, акслидрокка асосланган) – акслни ҳақиқий билишнинг асосий, ҳал қилувчи манбай деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

**РЕАКЦИОН** (лот. – ҳаракат) – эски, умри тугаган тартибларни саклаб қолиш, қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ижтимоий тараққиётга фаол қаршилик кўрсатиши.

**РЕПРЕССИЯ** (лот. – босим, тазиик) – давлат органлари кўллайдиган жазо чораси, қатағон қилиш. Асосан, мустабид, тоталитар, мустамлакачи давлат томонидан халққа нисбатан кўлланиладиган жазолаш, қатли ом, қатли нуфус, омма-

вий тарзда зулм ўтказиш тушунчаларини ифодалайди. Оммавий жазолаш, кийинкә солиш чоралари мустабид давлатларнинг халқни асоратда ушлаш, кўркитиш, босим ўтказиш қуроли.

**РЕНЕГАТ** (лот. – тонмоқ, бўйнига олмаслиқ) – ўз маслагидан қайтиб, душман томонга ўтиб кетган одам, муртад, хоин.

**РИГОРИЗМ** (лот. – қатъийлик, ўта талабчанлик) – фаолият, хулқ-атвор ва фикрда муайян принципга қатъий амал қилиш. У кандайдир келишувчиликка, дастлабки принципдан фарқ қилувчи бошқа принципларни ҳисобга олишга йўл қўймайди.

**САДИЗМ, ФАОЛ АЛКОЛАГНИЯ** (тиббиётда) – сексуал бузукликнинг бир тури; жинсий қониқиши, жинсий алоқа қилувчи шеригига жинсий якинлик вақтида азоб берини ва жисмонан оғрик етказиш б-н ифодаланади. С. термини ўз асарларида кўплаб жинсий жиноятларни тасвирлаган француз ёзувчиси Маркиз де Сад (1740–1814) номидан олинган. Бундай садистик хатти-ҳаракатлар кўлами жуда кенг бўлиб, оддийгина руҳий азоб беришдан жинсий алоқа килаётган (партиёр) шерикларини ўлдириб қўйиш даражасигача етади. Кенг маънода С. бирорни азоблаб роҳатланиш, бирорнинг озор чекишидан лаззатланиши.

**СЕРРЕГАЦИЯ** (лот. – ажратиш) – бирон ирқ ёки этник гурухни чегараланган ҳудудга мажбурлаб ёки ихтиёрий йўл б-н кўчириш ёхуд алоҳида мактаблар, транспорт воситалари, хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этиш ёки бўлмаса, бошқа

дискриминация чоралари орқали ажратиб кўйиш. Тарихда қонунлаштирилган С. холлари бўлган. Чунончи, с. АҚШ жанда 19-а. 2-ярмининг бошида негрлар озод килингандан сўнг 20-ада ҳам узок вақт сақланиб турди.

**СИМПАТИЯ** (юон. – раҳмдиллик, ҳамдардлик, хайрихоҳлик) – бирон шахс ёки нарса-ҳодисага нисбатан бўлган ижобий муносабат.

**СОРОРАТ** (лог. – сингил) – никоҳ одатларидан бири. Эркакнинг бир неча опа-сингилларга уйланиши. Баъзи олимлар С. ибтидоий жамоа даврида урф бўлган гурухли никоҳнинг колдиғи дейишиди. С. Осиё, Америка, Африка ва Океаниянинг кўигина ҳалиқларида ҳам мавжуд бўлган. С. баъзи давлатларда хотини ва-фот этган эркакнинг ўз қайнин синглисига уйланиши тарзида сакланган. Кўпинча бу одатни етим болалар тарбияси учун ғамхўрлик б-н боғлайдилар. С.ни дастлаб Л. Морган кайд этган ва Ж. Фрезер эса фанга киритган. Ўзбекларда никоҳнинг бу тури сакланган бўлиб, туб илдизи мулк б-н боғлиқ эди. Чуники таомилга кўра, аёл вафот этгандан кейин эркак қайта уйланиши учун яна қалин тўлаши лозим бўлган. Мархуманинг синглисига уйланганда эса деярли қалин тўламаган ва факат тўй харажатлари берилган, холос. Шунингдек, мархуманинг фарзандлари етимлик азоб-укубатини торгаслигида ҳам эътибор берилган.

**СОФИЗМ** (юон. – хийла, жумбок) – бирор беъмани фикрни асословчи муҳо-

кама ёки хулоса. С.да ёлғон муҳокама чин муҳокамадек қилиб кўрсатилади ёки мантик қонуцларини бузиб хулоса чиқарилади. Мантик илмини яхши эгаллаган кишилар бундай хийлагарликни осонгина фош эта олади. С. содладил кишилар қалбида ҳакикатга, адолатга шубха уйготувчи, уларни тўғри йўлдан адаштирувчи маккорлик куролидир.

**СОФИСТИКА** (юон. – мунозарани айёрлик б-н олиб бориш, унинг йўналишини ўзгартириб бориш маҳорати) – мантик қонуцларини атайин бузиб, ёлғон далилларга асосланган ҳолда муҳокама юритиши.

**ТАБУ** (полинезча – тақиқлаш) – муайян сўзлар, иборалар ёки атоқли отларни кўллашни тақиқлаш, ман этиш. Ибтидоий даврларда табиат ҳодисаларининг сирини била олмаган ишон кўркув уйгодадиган сехрли ва заарли ёвуз кучлардан, жин, арвоҳлардан, оғатли касаллик ва йиртқич хайвонлардан сакланышнинг ягона чораси уларнинг номини айтиши ман этиши, атамаслик деб тушунган. Mac., ўлганинг номини, дохий ёки подиоҳнинг маъбудларнинг номини ва баъзи қариндошларнинг номини айтиш, уларни овоз чиқариб чакириш тақиқланган ва бундай атоқли отлар тегишли тавсифий иборалар б-н алмаштирилган. Ҳозирда ўлим ҳакида, оғир касаллик ҳакида тўғридан-тўғри гапирмаслик, ёқимсиз, ноҳуш нарсаларни эслаш, эслатищдан қочиш одатини ҳам Т.га киритиш мумкин.

**ТАРБИЯ** – шахседа муайян жисмоний, рухий, ахлоций, маънавий сифатларни шакллантиришта қаратилган амалий-педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йигиндиси.

**ТАФАККУР** – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли; объектив вокеликнинг онгда акс этиш жараёни. Т. атраф-муҳитни, ижтимоий ходисаларни, вокеликни билиш куроли, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шартни саналади. У сезги, идрок, тасаввурларга қараганда вокеликни тўла ва аниқ акс этирувчи юксак билиш жараёнидир.

**ТОЛЕРАНТЛИК** (лот. – сабр-тоқат, чидам, бардош) – ўзгалярнинг фикр-гоялари, хис-туйғулари, эътиқоди, турмуштарзи ва хулқ-атворига нисбатан сабр-тоқатли бўлиш, бағрикенглик.

**ФАНТАЗИЯ**, Ҳаёл – ҳаётда инсон томонидан идрок этилмаган тасаввур ва хаёлий ҳолатларнинг вужуулга келишиндан иборат психик фаолият. У инсоннинг бадиҳағйилик кобилияти, бадиий тўки-маларга усталлиги, топағонлиги, ихтирога майиллiği, антиқа, ақлга тўғри келмайдиган ҳолатларни рӯёбга чиқаришта укувчанилиги кабиларда намоён бўлади.

**ҲАЛК** – ўз этник помига, ҳудудий тил бирлигига, иқтисодий-хўжалик ва этномаданий бирлигига, ўзликни англаш бирлиги ва ниҳоят, сиёсий уюшмаси (давлат)га эга бўлган ижтимоий бирлик шакли-

дир. Ҳ. муайян мамлакатнинг барча ахолиси; тарихий бирликнинг турли шакллари (қабила, элат, миллат). Ҳ.ларнинг келиб чиқсан тарихини (этногенезини) ва шаклланиш жараёнини ўрганишда ижтимоий фанларда «этнос» (юон. – «халқ») ва «этник бирлик» иборалари кўлданилади.

**ҲАОС** (юон. – тартибсизлик) – юон мифологиясида азалий чексиз фазо. Оламнинг яратилишигача мавжуд бўлган. Ҳ. – коинот манбаи, у Гея (Ер), Эрот (севги), Эреб (коронфилик) ва Нюкта (тун)ни яратган, улардан эса гўё Ерда яшовчи барча нарса пайдо бўлар эмиш. Кўчма маънода – бошдан-оёқ тартибсизлик, чигаллик.

**ҲАРАКИРИ** (японча – корин ёрмок, кесмоқ) – Японияда қорнини ёриб ташлаш оркали шахснинг ўз жонига қасд қилиши. Ўрта асрлардан маълум. Самурайлар орасида кабул қилинган бўлиб, хукмга биноан ёхуд ихтиёрий суратда (самурайнинг ўз хомийси, хўжайинига салокат белгиси сифатида, самурайнинг «ор-номуси тоиталган» чоғда ва б. ҳолатларда) амалга оширилган. 2-жаҳон урушида Япония енгилгач (1945 й. август), бир канча япон солдат ва зобитлари иттифоқчи кўшинларга асир тушмаслик учун Ҳ.га амал қилиб, ўзларини ўлдиригандар. Ҳозирги Японияда Ҳ. ходисалари кам учрайди.

**ҲАРАКТЕР** (юон. – хусусият, ўзига хослик) – одам, нарса ва ходисаларнинг ўзига хос хусусияти; психологияяди – одам-

нинг хатти-ҳаракати ва атроф-мухитга муносабатида намоён бўладиган индивидуал хусусияти, феъл-автор.

**ХАРИЗМА** (юони. – муруват, илохий қобилият) – бирор шахснинг бошқаларга нисбатан алоҳида хусусиятларга эгалиги (донолиги, қаҳрамонлиги, авлиёлиги) ва шу хусусият ёрдамида ҳалқни бошқаришга ҳақли эканлигини ифодалайдиган тушунча. X. тушунчасини илк бор италиялик руҳоний С. Наул мўъжизавий қобилиятга эга бўлган Исо пайғамбарга нисбатан ишлатган. Аммо X.ни илмий тушунча сифатида М. Вебер чукур тадқиқ килиб, уи «Худо берган неъмат» деб номлаган. Қадимги даврларда фақат илохий мазмунга эга бўлган тушунча вакт ўтиши б-н олимлар томонидан реал ҳаётга татбиқ этила бориб, илохий қобилиятга эга бўлмаган, аммо алоҳида хусусиятларга, юксак фазилатларга эга бўлган етакчи тарихий шахсларга нисбатан ҳам ишлатила бошланган.

**ЦИНИЗМ** (лот. – киниклар таълимоти) – жамият маданияти, унинг маънавий ва айникса, ахлоқий қадриятларини на зар-писанд қымаслик, умум эътироф этган ахлок-одоб меъёрларига нафрат б-н муносабатда бўлиш; беҳаёлик, юзсизлик.

**ЧИМИЛДИК**, Гўшанг – никоҳ тўйи куни қизнинг уйидаги күёв кирадиган хонага ва күёвнинг уйидаги келин тушадиган хонанинг бир бурчагига ёки йўнинг тўрига тутиладиган маҳсус оқ

шарда ёки гулли чойшаб. Хоразмда «кўшана» дейилади. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида Ч. даставвал (куёв келар кечаси) кизнинг отаси уйида тутилиб, унинг орқасига келин-куёвни ўтказдилар. Никоҳ маросимлари ўтгач, қиз күёвни кига олиб келинади. Бу ерда ҳам Ч. тутилади. Илгари Ч. (оқ ёки гулли мато)дан келин биринчи фарзанд кўрганда ундан чақалоқнинг бешигига ёпкич, ёстик, кўрпачаларини тикишган.

**ЧОРИЗМ** (рус. – царизм – подшохлий) – Россия подшохининг, монархиянинг чекланмаган ҳокимиятта асосланган давлат тузуми.

**ЭВДЕМОНИЗМ** (юони. – баҳт-саодат, роҳат-фароғат) – баҳт-саодатга интилишни инсон ахлоқий фаолиятининг мезони ҳамда асосий ҳаракатлантирувчи кучи, деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот. У юони этикасининг асосий принципларидан бири ҳисобланган. Сократнинг шахснинг ички эркинлиги, ташки дунёга қарам эмаслиги тўғрисидаги ғояси б-н узвий боғлик. Э. баҳт-саодатни жисмоний ва бир лаҳзали ҳузур, лаззат б-н тенглаштирмайди, балки уни кенг маънода, яъни жисмоний ва маънавий қадриятларнинг мажмуюи тарзида тушунади. Демокрит, Эпикур, Форобий, Ибн Сино, Л. Фейербах Э.нинг намояндаларидир.

**ЭГОИЗМ** (лот. – мен) – ўз фойдаси, манфаатини кўзловчи хатти-ҳаракат, ўз манфаатини бошқа кишилар манфаатидан устун кўйиш.

**ЭГОЦЕНТРИЗМ** (лот. – мен доира марказида) – шахснинг ўз қизиқиши доирасига боғланиб қолиши, бошқа одамлар ва нарсаларга нисбатан ўзининг ҳастлабки билишига оид қараши ёки фикрини ўзгартира олмаслиги, ҳатто ўз тажрибасига қарама-қарши ахборотларга мослаша билмаслиги. Э. негизида инсоннинг ўз нуқтаги назарига қарама-қарши қарашлар мавжуд бўлиши мумкинлигини тан олмаслиги, тушуна билмаслиги ҳодисаси ётади. Шахсда ўзига ҳаддан зиёд ишониш устуворлиги туфайли у бошқаларнинг руҳий ҳолатлари, баҳолаш тизимини ўзиники б-н айнан бир хил деб тасаввур килади. Э. илк болалиқдан яққол кўзга ташланади, лекин 12–14 ёшларда бу ҳолат янада кучаяди, ҳатто кексалик даврида ҳам давом этади. Тадқиқотларда Э.нинг бир неча турлари ўрганилган: а) билишга оид Э. – шахснинг идрок ва тафаккур жараёнларида намоён бўлади; б) хулқатвор Э.и одамларнинг ҳатти-харакати, хулқи ва қилигини идрок этишдаги нокобилликда ифодаланади; в) муомала Э.и инсон томонидан ахборотни ўзгальарга узатишда юзага келади, бошқалар кўллаган тушунчалар, маълумотлар ва фикрлаш мантиғига мансимай муносабатда бўлишида акс этади. Шахсларро муносабатга киришиш, ишбилармонлик ўйинлари б-н шуғулланиш орқали инсонда Э.нинг камайиши кузатилади.

**ЭМПИРИЗМ** (юонда – тажриба) – тажрибага асосланган идрокни билишнинг

бирдан-бир манбаи деб биладиган ва назариянинг аҳамиятини инкор этадиган фалсафий оқим, назарияни камситиб, факат амалиётга берилиш.

**ҚАБИЛА** – уруғ-аймок, бир ота-онадан тарқалган бир исчада гурӯх ўюнмаси, этник бирлик. Насл-насаб жиҳатидан бир хил бўлган кишилар тоифаси, гурӯхи. Қ. аъзолари ўртасидаги кон-қариндошлик алокаларининг мавжудлиги, уруғ ва бўғинларга бирикиши унинг асосий белгисидир. Шунингдек, Қ. маълум бир ҳудудга эга, қабиладошларнинг иқтисодий бирлиги, ягона қабилавий тили ва номи, Қ. кенгаши ва ҳарбий бошлиқларнинг ўзини ўзи бошқаришдан иборат бўлган. Қ.лар иттифоқларининг тузилиши, бир Қ.нинг иккинчисини бўйсундириши, Қ.ларнинг бошка ерларга кўчиб ўтиши, уларнинг ўзаро кўшилиб кетиб янада йирикроқ этник бирлик – элатларнинг вужудга келишига олиб келган.

**ҚАДРИЯТ** – вокеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун кўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, мас., эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойликлар, анъана, урғ-одат ва б. Қ. хисобланади.

**ҒОЯ** – инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва одамларни максад сари етаклайдиган фикр. Унда олам-

ни билиш ва амалий ўзгартириш максадлари, уларга эришиш йўллари ва воситалари мужассам бўлади. Г. нарса ва ҳодисаларнинг фақат мавжуд хусусиятларини эмас, балки уларнинг ривожланиш тенденцияларини, кела жакдаги ҳолатларини ҳам ифода этади. F. билиш ва амалий фаолият ўртасида фаол боғловчи ҳисобланади ва у барча янги нарсаларни яратишнинг асосидир. Фанда эса F. мавжуд билимларни син-

тез қилиш, умумлаштириш ва қатъий тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қиласи. Бу, аввало, ҳар қандай тахминилар, тамойиллар ва тасаввурларни бирлаштириб, яхлит тизим ҳолига келтиради ва кашф этилаётган қонунлар, илмий назарияларнинг ўзагини ташкил этади. Ўзбекистонда мустакиллик даврида миллий истиқбол F.си концепцияси ишлаб чиқилди. Гоя ният, режа маъноларини ҳам англатади.

# ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТ ВА ИШ ЮРИТИШГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АВАНС** – бир жисмоний ёки юридик шахс томонидан бошкасига *моддий бой-ликлар*, муайян ишни бажариш, хизмат кўрсатиш ва б. учун келгусида тўланадиган хақ ҳисобидан бериладиган *пул миқдори*. Ходимга А. иш хаки ҳисобидан, хизмат сафари харажатлари учун ва б. мақсадларда берилади.

**АККОРД ИШ ҲАҚИ** – шартнома асосида ишбай усулида бажарилган иш учун бир йўла тўланадиган иш ҳақи. Қурилиш ва қишлоқ хўжалигида кенг тарқалган.

**АКТИВ** – 1) бухгалтерия *балансининг* чап қисми, *корхонанинг* муайян санада ва *пул ифодасида* барча воситаларини, уларнинг таркиби ва жойлашуви (асосий фондлар, *айланма воситалар*, *пул воситалари*, капитал сарфлар, қарздорлик талабномалари ва б.)ни акс эттиради; 2) корхона ёки ташкилотнинг мулки ёки *ресурслари* (бино, машина, нақд *пул*, қимматбаҳо қоғозлар). *Пулга тез сотилиши* (айланниши) мумкин бўлган, бозори чакқон А.лар (векселлар, қимматбаҳо

қоғозлар, олтин, нақд пул ва б.) ликвид А. дейилади.

**АНОНИМ** (юонон. – номсиз) – муаллифи номаълум хат, асар, шунингдек, хати ёки асарида ўз номини яширган муаллиф.

**АПРОБАЦИЯ** (лот. – тасдиқлаш, маъкуллаш) – таҳлил қилиш ва текшириш асосида расмий равиша маъкуллаш, тасдиқлаш.

**АРИЗА** – муайян муассаса ёки мансабдор шахс номига бирор илтимос мазмунида ёзиладиган расмий ҳужжат, энг кўп тарқалган иш қоғози. А.лар ҳукуқда (арз) – давлат органи, суд, корхона, муассаса, ташкилотга, жамоат бирлашмаси ва фуқароларнинг ўзи-ўзини бошқариш орғанларига бирон-бир масала бўйича якка тартибда ёки жамоа бўлиб оғзаки ёхуд ёзма равиша килинган мурожаат ҳисобланади.

**АРХИВ** (лот., юонон. – муассаса) – ҳужжатлар сакланадиган жой; идоралар, ташкилотлар, шунингдек, айрим шахслар иш фаолияти давомида тўплланган ҳужжатлар мажмуи. 1992 й. 19 июнда Ўз-

бекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Баш архив бошқармаси деб номланди. Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳамда муассасалар тасарруфидаги А.лари унга бўйсунади. ЎзРда жами 77 давлат А.и бўлиб, уларда 6 млн.га яқин хужжатлар, жумладан, 360 мингдан ортиқ сурат хужжатлари, 14 мингга яқин овозли хужжатлар, 17,5 мингга яқин кинохужжатлар сакланади.

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР** – ишлаб чиқарнишнинг моддий шароитларини таъминлайдиган воситалар (мехнат қуроллари, бино, иншоот, курилма ва б.). Бухгалтерия ҳисоби ва режалаштиришда А. в. таркибиға хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва қиймати энг кам иш ҳақининг 15 баробаридан арzon бўлмаган воситалар киритилади.

**АТТЕСТАЦИЯ** (лот. – гувоҳнома) – ходимнинг малакасини, ўқувчиларнинг билим даражасини белгилаш; маҳсулот, иш ўринлари сифатини аникланиш.

**ВАКАНСИЯ** (франц., лот. – бўш) – муассасадаги бўш, эгалланмаган лавозим, ўкув ютидаги бўш ўрин.

**ВАҚТ БЮДЖЕТИ, Ахолининг вақт бюджети** – айрим ходимлар ва улар оиласи ҳамда муайян ахоли гурӯхларининг ўз вақтини нималарга (мас., меҳнат қилиш, дам олиш, ўқиш ва бошка) сарфлашини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуи.

**ВИЗА** (французча, лот. – кўздан кечирилган, қаралган) – бирон хужжат устидаги ёзув – розилик белгиси, хужжатнинг ички

келишувини ифодалайди. Амалиётда бирон-бир хужжатни тайёрлаган шахснинг бу хужжатга масъулигини тасдиқловчи имзосини, шунингдек, мансабдор шахснинг муайян хужжатдаги фикрга (илтимос ёки талабга) розилигини англатади.

**ВИЦЕ...** (лот. – ўрнига) – қўшима сўзнинг таркибий қисми бўлиб, ёрдамчи, ўринbosарлик лавозими маъноси ифодасини англатади (мас., В.-президент, В.-адмирал).

**ДАСТУР** – бирон-бир фаолият, ишнинг мазмуни ва режаси; сиёсий шартиялар, ташкилотлар, алоҳида арбоблар фаолиятининг асосий коидалари ва максадлари баёни; ўкув фани мазмунининг қискача изохи; театр, концертлар ва б. томошаларда чиқиш навбатлари, ижрочилар, иштирок этувчи шахслар рўйхати.

**ДИПЛОМ** (юнон. – икки буклайман) – турли танлов, мусобақа, кўргазма ва б.да юқори кўрсаткичларга эришганлик учун мукофотланганини тасдиқловчи хужжат.

**ДУБЛЁР** (франц. – икки баравар оширмок) – бир хил ишни паралел бажарувчи шахс, ташкилот (мас., Д. корхона; космонавтнинг Д.и – бир хил тайёргарликдан ўтувчи ва керак бўлганда асосий космонавтни алмаштирувчи).

**ЖАМОА КЕЛИШУВИ** – муайян касб, тармоқ, худуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш б-н таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига оладиган мөъёрий хужжат. Ходимлар б-н иш берувчи ларнинг меҳнатга оид муносабатларини

тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам берини мақсадида тузилади.

**ЖАМОА ШАРТНОМАСИ** – корхонада иш берувчи б-н ходимлар ўргасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга соладиган мөъёрий хужжат. Иш берувчи б-н Ж. ш. тузиш зарурлиги түғрисидаги карор қабул килиши хукуқига касаба уюпмаси (ўз вакиллик органи оркали), ходимлар ваколат берган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) эга.

**ЖАМОАТ ИШЛАРИ** – ташкилотлар, хўжаликлар ва муассасаларда юқори малака талаб қиласидиган ва мавсумий, вақтингачалик, ҳақ тўланадиган ишлар. Одатда, Ж. и.ни кўпроқ жисмоний меҳнат талаб қилувчи ишлар (кипплоқ инфратузилмасини ривожлантириш, майда ирригация ишларини бажариш, арzon мактаб ва уй-жойлар қуриш, ўрмончилик, шаҳарлардаги ободончилик ишлари ва б.) ва ижтимоий тавсифга эга ишлар (мас., ногиронлар, беморлар, етим болаларга қарашиб ва б. хизматлар)га ажратилиди. Дастлаб Ж. и. маҳсус умуммиллий дастурлар асосида 20-а.нинг 30-ийлларида АҚШда ташкил килинган.

**ИДОРА** – маълум бир ижтимоий, давлат, хўжалик, савдо ва ш.к. тармоқларни бошқариш учун штатли ходимлари ва маъмурияти бўлган ташкилот; муассаса, бошқарма ва улар ўрнашган бино. Мас., хўжалик И.сиси, И. хизматчилари; бел-

гили тартибда бошқариб, йўлга солиб бориш, бошқариш тартиби.

**ИЕРАРХИЯ** (юнон. · авлиё ҳокимияти) – бир бутун нарса ёки ходисалар айrim қисмлари ёки элементларининг юкоридан қуйига томон бир тартибда жой олиши. Фанга бу тушунча 19-а.нинг 2-ярмида кириб келди. Дастлаб бу тушунча жамиятнинг синфий табакаланишини ва ҳокимият тузилишини тавсиф этиш мақсадила кўлланилган. 20-а.дан боплаб эса ҳар қандай объект системасини тавсиф этипида кўлланила бошланди.

**ИЖТИМОЙ ЁРДАМ** – қарилиги, соғлиғи, ижтимоий аҳволи, тириклилик учун воситалар б-н етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга муҳтож фуқароларга давлат ва жамиятнинг ғамхўрлиги. И. ё. (ижтимоий химоя, ижтимоий таъминот) пенсиялар, нафакалар тўлаш, кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш, 16 ёшгача фарзанди бўлган кам таъминланган оиласарга ойлик нафака тўлаш, bemortlar ва кексаларга хизмат кўрсатиш, болаларга ғамхўрлик килиши кўрининшида амалга оширилади.

**ИМИЖ** (инг. – тимсол, кўриниш) – шахс, ходиса, нарсани оммалаштириш, реклама қилиш ва х. к. максадларда одамларга ҳиссий-рухий таъсир кўрсатишни кўзлаб шакллантириладиган киёфаси; тарғиб қилиш воситаларидан бири.

**ИШ ВАҚҒИ** – ходимнинг ижтимоий ташкил этилган меҳнатда иштироки давомийлиги мөъёри; ходим бевосита ўз

мехнат вазифаларини бажариши учун лозим бўлган, қонун б-н ёки қонун асосида белгиланган вақт. Ходимлар учун И. в.нинг меъёри мулдати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги, 6 кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати - 7 соатдан, 5 кунлик иш ҳафтасида - 8 соатдан ортиб кетмаслиги шарт. Айрим тоифадаги ходимлар учун улар ёши, соғлиги, меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга холатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонуцлар ва б. меъёрий хужжатларга, шунингдек, *меҳнат шартномаси* шартларига бисоап меҳнат ҳақини камайтирасдан, И. в.нинг қисқартирилган муддатлари белгиланади.

**ИШ КУЧИ,** Мехнат қилиш кобилияти – инсондаги тирикчилик неъматлари ишлаб чиқаршида фойдаланиладиган жисмоний ва маънавий қобилиятлар мажмуи. Муайян ижтимоий-иктисодий шароитларда И. к. *товарга* айланади.

**ИШ ҲАҚИ** – меҳнатга нул шаклида тўланадиган ҳақ; қийматнинг ўзгарган шакли, иш кучи (тақдим этилган меҳнат хизмати)нинг баҳоси. Иш кучи қиймати ва нархи бевосита И. ҳ.да ифодаланади. *Бозор иқтисодиёти* шароитларида меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг, асосан, вақтбай ва ишбай тизимлари қўлланилади. И. ҳ. миқдори ёлланма ходимларнинг турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Номинал ва реал И. ҳ. кўрсаткичлари мавжуд. Номинал И. ҳ.

ёлланма ходимнинг ўз меҳнати эвазига олган пул даромадлари. Реал И. ҳ. ходимнинг олган И. ҳ.га канча ва қандай мол буюмлари сотиб олиши ва маданий-майший хизматлардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. *Бозор иқтисодиёти* шароитида И. ҳ. хажмига бир қатор бозор омиллари (*товарлар* ва хизматлар бозорида *тадаб ва тақлиф* ўзгаришлари, меҳнатга бўлган *нархнинг ўзгарувчалиги*, истеъмол товарлари ва хизматлар нархи ўзгариши ва б.) ва бозордан ташқари омиллар таъсири кўрсатади, бунинг натижасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг муайян даражаси вужудга келади. Ривожланган мамлакатларда И. ҳ.ни ташкил этиш ва тартибга солища давлат муҳим роль ўйнайди. Уларда тарихан И. ҳ.ни ташкил этиш ва тартибга солишининг марказлашган давлат тизими ва марказлашмаган тизим карор тошган. И. ҳ.ни тартибга солишининг марказлашмаган тизими хусусий музик эгалари ёки жамоа мулкдорлар ҳамда касаба уюшмалари, акциядорлик жамиятлари, *кооперативлар* ва б. томонидан амалга оширилади. И. ҳ.ни тартибга солишининг давлат тизими мулкчилик шаклидан қатъи назар барча *корхоналар* ва ташкилотлар учун умумий ва мажбурийдир. Кўп мамлакатларда энг кам И. ҳ. қонун йўли б-н белгиланади.

**ИШ ҲАҚИ МИНИМУМИ,** Энг кам иш ҳақи – мулкчилик шакларидан қатъи назар мамлакатдаги барча *корхоналар*, ташкилотларда меҳнатга тўлана-

диган ҳақнинг давлат томонидан расмий белгиланган энг кам миқдори.

**КАДРЛАР** (франц. – шахсий таркиб) – корхона, муассаса, фирмa, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар, касаба уюшмалари ва жамоат ташкилотларида малакали ходимларниң асосий таркиби.

**КЛСБ** – муайян иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат, тажрибани таълаб этадиган кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти тури.

**КАСАБА УЮШМАЛАРИ** – меҳнат-кашларни жинси, диний эътиқоди, иркий ва миллий мансубликларидан қатъи назар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ижтимоий-иктисодий хукуклари ва ўз аъзолари манфаатларини химоя қилиш мақсадида бирлаштирувчи оммавий жамоат ташкилотлари. 18-а. охирида Фарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда ўзаро ёрдам жамиятлари сифатида пайдо бўлган. Ривожланган мамлакатларда 19-а.да легаллашди. К. у. ходимларниң меҳнат шароити, иш ҳақи, турмуш, маданият ва ш.к. соҳалардаги манбаатларини химоя қилишга даъват этилган. Жаҳон К. у. федерацияси 1945 й.да Парижда тузилган.

**КЛУБ** – бир мақсад йўлида уюшган (маслақдош, ҳамкасб) кишиларниң сиёсий, илмий, бадиий, спорт ва б. соҳалар бўйича шугулланиши, кўнгилли дам олиши учун хизмат қиладиган маданий-маърифий муассаса, жамоат ташки-

лоти. Дастлаю Англия (16-а.)да вужудга келган.

**КОМЕНДАНТ** (франц. – командир, бошлиқ) – баъзи давлат ва жамоат муассасалари (ётокхоналар, театр, давлат бинолари, лагерлар ва б.)ни муҳофаза этиш ва хўжалик юритишга бошчилик килувчи шахс.

**КОМИССИЯ** (лот. – тошириқ) – коллегиал орган, бирон-бир вазифани бажариш (сайлов, тафтиш К.си) ёки маҳсус талбирлар ўтказиш учун тузилади.

**КООРДИНАЦИЯ** (лот. – ўзаро келишув, тартибга солиш) – иш, фаолият ва ш.к.ни бир-бирига мувофиқлантириш, уйнунлантириш.

**КОТИБ** (араб. – ёзувчи) – муассаса, идора, ташкилот ёки айрим шахс (йирик олим, ёзувчи, давлат арбоби)нинг ёзишмаларини олиб борувчи хизматчи; мажлис ва кенгап қарорини ёзив борувчи шахс.

**ЛОКАЛИЗАЦИЯ** (лот. – маҳаллий, бирон жойга хос) – бирон нарсанни аниқ бир жой, ўринга даҳлдор килиш, бирон-бир воқеа-ходиса ёки жараённинг ҳаракатини, тарқалиб кетишини чегаралаш, тўхтатиш.

**МАЖЛИС** – расмий доираларда қўйиладиган масалани муҳокама қилиш учун бўладиган йигилиш ва муҳокама жараёни.

**МЕҲНАТ** – инсоннинг мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолияти; энг аввало, табиат предметларини ўзгартириб, эҳтиёжга мослаштиришни билдира-

ди. М. кишилилк жамияти ҳаётининг асосий шарти, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Инсоннинг фаолияти туфайли М. предметлари маҳсулотга айланади. М. туфайли инсон табиатдаги нарсаларни ўзгартирибгина қолмай, балки ўзи ҳам камол топади, унинг аклий ва жисмоний қобилиятлари ўсади. М. жараённада инсон табиат кучларини ўз максадига бўйсундиради. М. ўзининг мазмuni, характеристери жихатидан аклий, жисмоний, малакали (мураккаб) ва малакасиз (оддий) М.га бўлинади.

**МИТИНГ** (инг. – йигин, мажлис) – бирон муҳим воқеага, кўпинча сиёсий масалаларни муҳокама этишга бағишлиб ўтказиладиган оммавий йигин.

**МОНИТОРИНГ** (инг. – кузатиш, назорат қилиш) – маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболини белгилаш. М. кундалик ҳаётнинг барча соҳаларида қўлланади.

**ПЕДАНТИЗМ** (итальянча – педагог, ўқитувчи) – расмиятчиликка, амалдаги тартиб-коидаларга изчил риоя килиш, ўтакетган синчковлик ва расмиятчиклик.

**ПОЗИТИВИЗМ** – фалсафий йўналиш бўлиб, унга кўра, барча чинакам (позитив) билимлар маҳсус фанлар йигиндиси натижаси, фан бирор фалсафанинг ўз устидан хукмронлигига муҳтоҷ эмас.

**ПОЗИЦИЯ** (лот. – ҳолат, вазият) – бирон нарсанинг жойлашиши, дастлабки ўрни (мас., шахмат таҳтасидаги доналар Р.си); бирон-бир масала юзасидан билдирилган фикр, нуқтаи назар.

**ПРЕЗЕНТАЦИЯ** (лот. – тақдим килиш, кўрсатиш) – бирон янги, яқинда пайдо бўлган, яратилган нарсанинг жамоатчиликка расман тақдим этилиши.

**ПРЕЗИДИУМ** (лот. – олдинда ўтирумок, раислик кильмоқ) – мажлис, кенгаш ва ш.к.ни бошқариб бориш учун сайланган кишилар гурухи – ҳайъат.

**ПРОГНОЗ** (юнон. – олдиндан билиш, илмий асосланган башпорат) – бўлажак воқеа ёки ҳодисаларининг қандай кечишини, ривожланиши ва оқибатини илмий изланишлар, мавжуд далилларга асосланиб олдиндан айтиб бериш, олдиндан чиқарилган хулоса.

**ПРОГРЕСС** (лот. – олдинга ҳаракатланиш) – ривожланишнинг қўйидан юқорига борадиган йўналиши, ривожланишнинг янада юқорироқ босқичга ўтиши, яхши томонга ўзгариш.

**РЕГИСТР** (лот. – рўйхат) – хукуқий аҳамиятта эга бўлган, рўйхат, ҳисобий ҳужжат, қайднома.

**РЕГРЕСС** (лот. – орқага кетиш) – ривожланишнинг юқори даражадан куйи даражага ўтиш даври, таназзули.

**РЕЖА** – 1) бирор иш ёки дастурни тартиби билан ўз вактида бажариш учун олдиндан белгилаб олишган аниқ ёки таҳминий мўлжал (мас., маъруза Р.си); 2) муайян нарсани кўриб чикиш, ён-

дашиш усули, нұқтаи назар, белгили тартиб; 3) иктисодиётта – хўжалик субъекти, бошқарув тизимининг айрим бўгинлари фаолиятининг дастури. Ички шигаб чиқарии Р.си (мас., фирманинг ички Р.си), халқ хўжалиги (умумдавлат) Р.си, регионал ва тармок Р.лари, жорий (1 й.гача бўлган) ва истиқбол Р.лар фарқланади.

**РЕЖАЛАШТИРИШ** – миллий иқтисодиётнинг турли даражаларида (микродаражада – корхоналар ва уларнинг айрим бўлинмалари, шунингдек, корхоналар гурухлари, тармоклар, секторлар ва минтақалар миқёсида) ижтимоий-иктисодий жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш шакилари. Жорий, киска муддатли (ойлик, чораклик, йиллик), ўрта муддатли (5 й.лик) ва истиқболдаги узоқ муддатли (10-15 й.лик) Р.га бўлинади.

**РЕЕСТР** (лот. – рўйхат, санок) – иш хужжатлари, мол-мулк ва б. рўйхати ҳамда шу рўйхатлар қайд қилинадиган дафтар. Давлат аҳамиятига молик бирон-бир соҳага оид рўйхат (мас., экишга рухсат этилган экин навлари Р.и; кичик ёки хусусий корхоналар Р.и) Давлат Р.и деб юритилади.

**РЕЗОЛЮЦИЯ** (лот. – қарор) – мансабдор шахснинг иш қоғози устига битилган фикри, карори, фармойини.

**РЕЗОНАНС** (лот. – акс садо берувчи) – жамоатчиликнинг фикри, бирон нарса, воқеа-ходисага муносабати, жавоб ҳарарати, билдирган фикри.

**РЕНТАБЕЛИК** – корхона ёки тадбиркорликнинг даромаддорлиги, самарадорлиги; микроиктисодий миқёсдаги иқтисодий фаолиятнинг самарадорлиги. Р. корхона ёки тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижаларини баҳолашда кўлланиладиган асосий кўрсаткич.

**РЕФЕРЕНТ** (лот. – хабар қилувчи, маълумот берувчи) – муайян масалалар юзасидан ахборот, маълумот, маслаҳат берувчи масъул шахс. Турли вазирлик, концерн, муассаса ва ҳ.к.да Р. лавозими бўлиб, уни эгаллаб турган шахс мунтазам тарзда соҳага оид маълумотлар тўплаб боради ҳамда уни реферат тарзида ўз раҳбарига тақдим этади. Айрим вазирликларда вазир ёрдамчиси лавозимида ишлётган масъул шахс ҳам Р. деб номланади.

**РИТМ** (юон. – оқаман) – ходиса ва жараёнларга хос айрим элементларнинг муайян изчиллик ва кетма-кетлик асосида тақрорланиб, алмашиб келиши.

**СЕЛЕКТОР** (лот. – саралагич, танлаб оловчи) – бир қанча маскан (нұқта)ларнинг марказ б-н тезкор телефон алоқасини амалга ошириши мақсадида бопшка аппаратлар тармогига уланган электромеханик курилма, аппарат.

**СИМПОЗИУМ** (лот. – мусиқа, шеър ўқиши б-н ўтадиган йигин, зиёфат) – бирон илмий масала бўйича ўтказиладиган ҳалқаро илмий кенгаш, илмий анжуман.

**СТАТИСТИКА** (лот. – бойлик, давлат) – турли ҳодисалар ва жараёнларни миқдорий ҳисоблаш, маълумотларни қайта

ишлаш ва таҳлил қилиш йўли б-н ижтимоий хаётнинг умумий қонуниятларини ўрганиладиган ижтимоий фанлар тармоғи. Тор маънода С. бирон бир ҳодиса ёки жараён тўғрисидаги жамланма маълумотлар (кўрсаткичлар) мажмуи (тўплами)ни билдиради. С. жамият хаётидаги ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисила ялпи ахборотларни йиғиш, кайта ишлаш, таҳлил ва эълон қилиш б-н боғлик амалий фаолият соҳаси.

**СТЕНОГРАФИЯ** (юон. – тор, сикк, қисқа ёзув) – қисқартирилган тезкор ёзиш усули ва шундай ёзув; алоҳида қиска белтиларнинг мавжудлиги, сўз унсур (қисм) ларини қисқартириш ёки ёзмай ташлаб кетиш, сўзлар ва сўз бирикмаларини кўшиб ёзиш С.нинг асосий белгиларидир. С. оғзаки нутқни синхрон (нутқ жараёнида) ёзib олиш ҳамда ёзув техникаси ни такомиллаштиришга имкон беради. Ўзбекистонда кўп йиллардан бери стенографияни ўқитиш, ўргатиш бўйича курслар ҳамда стенографик хизмат идоралари фаолият кўрсагиб келмоқда. Кейинги даврда аудио-видео техника нинг ривожи ва ундан кенг фойдаланиш С.га ва стенографистларга бўлган эҳтиёжни бир кадар камайтириди.

**СТИХИЯ** (юон. – дастлабки нарса, ибтидо, элемент) – табиатда рўй берадиган, киши қаршилик кўрсага олмайдиган ҳодиса, кучли табиий оғат (ёнғин, тошкин, зилзила, тўфон ва ҳ.к.)

**СТИМУЛ** (лот. – ҳайвонларни ҳайдаш учун белгиланган учли таёқ) – бирон

ишга кизиқиши туғдирадиган, рафбатлантирадиган, ундейдиган нарса, омил.

**СХЕМАТИЗМ** (юон. – қиёфа, кўриниш, шакл) – бир колипдаги тайёр коида ва формулаларга ёпишиб олиб, ишнинг асосий моҳиятига зид равища умумий тарзда юзаки муҳокама юритиши, тасвирлаш, тавсифлаш.

**СЎРОВ** – социологик тадқиқотларда кўлланиладиган дастлабки ахборот йиғиш услуби. С. ёрдамида ўрганилаётган обьект тўғрисида эмпирик маълумот тўшлиниди. С. жамоатчилик фикрини, яъни фуқаролар, ижтимоий гурухларнинг жамият муаммоларига муносабатини ўрганишга қаратилади ҳамда ижтимоий ахборот тўплаш, аҳолининг истеъмол талабини ўрганиш ва ш.к. мақсадларни назарда тутади.

**СЎРОВНОМА, А н к е т а** – ишга қабул қилишда тўлдириладиган расмий ҳужжат. Ўзбекистондаги айрим ташкилотларда кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси б-н бир каторда С. шаклидан ҳам фойланилиади. Ундаги саволлар, баъзи кўшимчаларни ҳисобга олмагандан, шахсий ходимнинг шахсий ҳужжатларицаги ёзувларга айнан мувофиқ келиши керак.

**ТАКТИКА** (юон. – кўшини тузиш, сафлаш маҳорати) – кўзланган мақсадга эришиш учун олиб бориладиган курашнинг муайян шароитта мос йўл ва воситалари, шакл ва усуллари.

**ТЕЗИС** (юон. – қоида, исбот) – илмий асар, мақола, маъруза ва ш.к.даги асосий гояларнинг қиска ва лўнда баёни.

**ТЕЛЕФОНОГРАММА** (юон. – телефон оркали хат) – телефон оркали бे-риладиган ва қабул қилиб олинадиган шошилинч расмий хабар ва шундай ха-барли бланк. Т. буйруқ, фармойиш, ил-тимос каби мазмунда бўлиши мумкин. Телефон воситасида бўладиган бундай мулоқот расмий ҳужжат сифатида қабул қилинади ва иш қоғозларининг бир тури хисобланади.

**ТИЛХАТ** – нул, ҳужжат, кимматбаҳо бу-юмлар ёки бирон нарса олганлигини тас-дикловчи расмий ёзма ҳужжат.

**ФЛКСИМИЛЕ** (лот. -- айнан: бажар) – ёзилган, чизилган асл нусха (хужжат, кўлёзма, имзо, бирор-бир манзара, тас-вир)ни фотографик ёки босма усул б-н айнан акс эттириш; акс (ўз қўли б-н кўйилган) имзони аник акс эттирувчи босма шакл; муҳр.

**ФАРМОЙИШ** – бошқарувга доир ху-кукий ҳужжат; конституциявий ҳукуқда давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ваколатлари доира-сида чиқарилади. Ижро этувчи ҳокимият органининг тез ҳал қилиниши керак бўл-ган ва б. жорий масалаларга оид қарори фармойиш шаклида чиқарилади.

**ФОРМАЛИЗМ** (лот. – форма, шаклга оид) – инсон фаолиятининг турли соҳа-ларида шакл (форма)ни мазмунга ишба-таи устун кўйиш. Урф-одат, ахлок-коида-ларини, хатто ҳаётий вазият уларни аха-миятсиз қилиб кўйганда ҳам, сўзсиз ба-жарищда, киши кўзига қонунни ҳурмат килаётгандек бўлиб, аслида, унга кўпда

риоя килмасликда кўринади. Жамиятни бошқаришда бюрократизм, тўрачиликда намоён бўлади.

**ФОРУМ** (лот. – Қад. Римда ҳалқ йигин-лари, ярмаркалар, суд мажлислари ва б. тадбирлар ўтказиладиган майдон) – ом-мавий йигин, мажлис, кенгаш, йирик ан-жуман.

**ФРУСТРАЦИЯ** (лот. – алданиш, режа-ларнинг барбод бўлиши) – муаммони ҳал қилиш ёки мақсадга эришиш йўли-даги фаолиятни издан чиқарувчи руҳий ҳолат. У кишининг максадга эришиши йўлида учрайдиган, объективиравиша-ни ёки субъективиравиша шундай туюладиган қийинчи-ликлар туфайли шайло бўлади. Ф.нинг турлари: тажовузкор ҳолат, апатия, деп-рессив ҳолат, ғамғинлик туйгуси, ўзига ишонмаслик, кучсизлик, маъюслик ва б. Ф.нинг тажовузкор ҳолати қўпинча ўзи-ни тута олмайдиган, қўпол одамга хос бўлса, депрессия ҳолати ўзига ишонмайдиган шахсга тааллуқлидир. Баъзан оғир табиатли кишиларда ҳам шу хилдаги ҳо-латни вужудга келтириш мумкин, лекин бу вазият узокка чўзилмайди.

**ШТАМП** (немисча – муҳр) – муҳрнинг, одатда, тўғри бурчакли тuri, унда му-ассаса номи, манзили ва б. кўрсатилган бўлади.

**ШТАТ** (нем. – давлат, бошқарув) – кор-хона, муассаса, ташкилот ходимлари-нинг доимий, барқарор шахсий таркиби, уларнинг лавозим ва маошлари кўрса-тилган рўйхат.

**ЭТИКЕТ** (франц. – одоб-ахлоқ, маросим тартиби) – бирон жамиятда, ижтимоий гурух ва ш.к.да қабул қилингандай ўзаро мумомала, одоб-ахлоқ ёки маросимлар тартиб-қоидалари.

**ЭКСПЕРИМЕНТ** (лот. – синов, синаш, тажриба) – аниклап, синаш, текшириш мақсадида ўтказиладиган илмий тажриба ёки синов ишлари.

**ЭКСПЕРТИЗА** (француз, лот. – тажрибали, синалган) – қийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал этиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текшириш, шундай текшириш ўтказган мутахассислар ҳайъати.

**ЎРИНДОШЛИК** – асосий лавозим б-н бир вактда бошқа маошли лавозимни эгаллаб туриш, шунингдек, асосий ишдан ташқари ҳақ тўланадиган бошка ишни мунтазам бажариш. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига кўра, Ў. бўйича ишга қабул қилиш *меҳнат шартномаси* тузиш ва ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқариш йўли б-н расмийлаштирилади. Ходимнинг илтимоси б-н унинг доимий иш жойида Ў. бўйича ишлаётгани ҳақида дафтарчасига ёзув киритилиши мумкин.

# ДИНШУНОСЛИККА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АВЕСТО** (парфиёнча – матн, тафсир килинган матн) – зардуштийликинг муқаддас китоблари тўплами бўлиб, Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда милоддан аввалги 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган. Унда келтирилган маълумотларнинг ёнг қад. қисмлари милоддан аввалги 2-минг йиллик эҳири – 1-минг йиллик бошига оид бўлиб, оғзаки тарзда авлоддан авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда А. таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳукуқий қонун-коидалар ва ҳ.к. кўшилиб борган. А.ни Зардушт диний асар сифатида бир тизимга солган. Дастлабки ёзма нусхаси эса 12 минг мол герисига битилган, леб ривоят қилинди. У Персеполда сақланган. Француз гадқикотчиси Анкетиль Дюперрон зардуштийлар жамоасида яшаб, А. тилини ва ёзувини ўрганиб, уни таржима қилиб нашр этган (1771). А.нинг бу нусхаси 27 жилдан иборат бўлиб, асарнинг етгидан бир қисмидир. У Ясна, Висперед, Вендиад, Гатлар ва Яшлар номи

б-н юритиладиган китобларни ўз ичига олади. А.да баён этилган ғояларга кўра, олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, яъни ёруғлик б-н зулматнинг, яхшилик б-н ёмонликнинг тўхтовсиз курашидан иборат. Яхшилик ва эзгулик худоси Ахурамазда ер, ўсимлик ва б. ҳамма табиий бойликларни яратган. Ёмонлик ва ёвузлик тимсоли Анхрамайну Ахурамаздага қарши тўхтовсиз курашади, аммо уни енгишга ожизлик қиласи. А.нинг ахлоқий-фалсафий моҳияти «эзгу фикр», «эзгу сўз» ва «эзгу амал» каби муқаддас учликда ўз ифодасини топади. А. ўзбек, умуман Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қад. даврдаги ижтимоий-иктисодий ҳаёти, диний қараашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятларини ўрганишда муҳим ва ягона манба. Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси б-н ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессияси А. яратилганининг 2700 й.лигини дунё миқёсида нинишлари ҳақида қарор қабул қилди (1999 й. ноябр).

**АДВЕНТИСТЛАР** (лот. – воқе бўлиш) – христиан секталаридан бири бўлиб, 19-а. нинг биринчи ярмида АҚШда вужудга келган. Секта аъзолари «Исонинг қайтиб келиши» якинлигига, худонинг минъииллик ва танҳо хукмронлиги бошланишига ишонадилар. Асосчиси баптист У. Миллер (1782–1849) хисобланади. А. исоният тарихи Исо ва шайтон ўртасидаги абадий курашдан иборат, бу кураш шайтоннинг халокати б-н тугайди, халос бўлишининг бирдан-бир йўли А. эътикодини кабул килишдир, деб ишонади. Улар жоннинг ўлмаслигини инкор этади: жон тана б-н бирга ўлади ва Исонинг қайтиб келган куни яна тирилади. Улар худо оламни ярататгандан шанбада дам олган, дейдилар ва шу сабабли шанба кунини байрам қиласилар. Шунинг учун Россияда А. ўзларини субботниклар деб атайдилар. Бу секта МДХда, жумладан, Ўзбекистоннинг айрим шаҳарларида ҳам мавжуд.

**АЖДОДЛАРГА СИГИНИШ** – патриархал экзогам уруғларида шаклланган оила-уруг эътиқодларининг бир кисми. Бунда уруг оқсоқоллари ва патриархал оиласларнинг бошликлари асосий рол ўйнаган. А. с.да аждодларнинг рухлари уруғнинг аъзоси бўлиб қолиши, лескин унор одамлардан кучли бўлгани сабабли уруғнинг фаровонлиги шу рухларга боғлиқ, деган тасаввур катта аҳамият кассб этган. Бу тасаввурлар обрў-эътиборли уруг оқсоқоли тимсолини қабила худоси даражасига кўтариш учун ғоявий асос

бўлиб хизмат қилган. Бунинг асосида қад. динларда қаҳрамонларга сифиниш, кейин эса авлиёларга сифиниш вужудга келган. Ҳозир ҳам арвоҳларни эслаш, арвоҳларга сифиниб улардан мадад сўраш, улар учун худойи кишиш, ис чикариш каби шаклларда намоён бўлади.

**АЗАЙИМХОНЛИК**, Дуоҳонлик – дуо ўкиш, дам солиши йўли б-н табиблик килиш. А. б-н шугулланган шахслар дуоҳон, баҳши; номи чиқкан, тажрибали, мартабали дуоҳон эса азайимхон деб аталади. Азайимхон иссик-совуқ килиш, жодугарлик б-н ҳам шугулланган. Ибтидоий жамиятнинг уруғчилик боскичида айрим шахслар одамларни оддий усул (доривор гиёҳ, қон олиш ва б.) б-н даволаган. Лекин уларнинг баъзилари беморни даволаш жараёнида, гўё касал «сабабчиси» бўлган «ёмон рухлар»ни ҳар хил хатти-харакатлар (авраш, дуо ўкиш, сехрлаш, афсунгарлик) б-н «ҳайдаб чиқара олишлари»га одамларни ишонтирган. А. жаҳоннинг кўпгина халкларида кенг тарқалган.

**АЙЮБ** – Куръонда номи зикр этилган пайғамбардан бири. Унинг номи ва киссаси Таврот, Инжил ҳамда бошқа қад. китобларда ҳам келтирилган. А. ҳар қандай мусибатларга, қийинчиликларга сабр-тоқат қилувчи, бардош берувчи инсон тимсоли сифатида танилган.

**АМРИ МАЪРУФ** (араб. – тўлиқ шакли «амри маъруф, нахий мункар», «яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш») – ислом динидаги маросим.

Мусулмонлар бир-бирларини ҳақ йўлга, яхшилик ва гўзал ахлоққа чакириши Аллоҳ тарафидан фарз қилинган.

**АНИМИЗМ** (лот. – рух, жон маъноларини англатади) – руҳлар мавжудлигига ишонч, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда рух, онг ва табиий кудрат борлиги ҳакидаги таълимотни илгари сурувчи илк диний шаклларидан бири. Ибтидоий одамлар табиат кучларига карши курашда ожизлик қилган, ўз ҳаёти ва танасидаги турли ҳодисалар (туш кўриш, галлюцинация, ўлим ва х.к.)ни тушунмаган. Улар жон тана б-н боғланган ва у танадан чикиб кета олади, деб ҳисоблаганлар. Инсонда аста-секин абстракт тафаккур ривожланиши б-н моддий нарсаларга боғлик рух тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Руҳлар яхши, сахий ҳамда ёмон, ёвуз руҳларга бўлинган. Руҳлар одамлар ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата олади, деб тасаввур қилинган. Шу сабабли, зарур пайтларда уларга қурбонликлар қилганлар.

**АНТИСЕМИТИЗМ** (Сом – Нуҳ пайғамбар ўтилларидан бири) – миллий ва диний муросасизлик шаклларидан бири бўлиб, у яхудийларга душманлик кўзи б-н қарашда ифодаланади. Тарихда А. турли шаклларда – атайин ёлғон, тухмат тарқатиш, ҳар хил камситишлардан тортиб, то оммавий равишда ахолини кўчириб юбориш ва қирғин килиши, геноцид гача намоён бўлган. А. герман фашизми ўтказган сиёсатда, айникса, кескин тус олган.

**АНТРОПОМОРФИЗМ** (юон. – одам шакл, кўриниш) – худо ҳамда илоҳий кучларни, табиатдаги нарса, ҳодисаларни инсон қиёфасида тасаввур қилиш. Бу тушунча қад. юонлар динида кенг таркалган эди. Уларнинг тасаввурича, худолар инсонга хос хусусиятларга эга бўлиб, абадий яшайди. А. ҳозирги замон динларининг кўпига хос бўлса-да, ислом ва иудаизм (яхудий) дини уни тан олмайди. Исломда худони инсонга ўхшатиб тасаввур этиш ва одам қиёфасида расмга тушириш ман этилган.

**АРВОҲ** (араб. – руҳлар) – диний тасаввурга кўра, ўлган кишининг бу дунё б-н алока боғлаб турадиган руҳи. А.га ишониш ибтидоий анимистик тасаввурнинг кўринишларидан бири. Бу тасаввурга биноан одам ўлганда жони унинг жисмидан ажралади, у руҳга айланиб бу дунё билан, одамлар б-н алокада бўлиб туради. Мусулмонлар ўргасида А.га атаб чироқ ёкиш, ҳолвайтар пишириш, худойи килиш каби урф-одатлар мавжуд.

**АРХИЕПИСКОП** – руҳонийлик унвони, христиан черков иерархидаги олий даражалардан бири. Ҳамма епископлар тенг ва бир хил ҳокимиятга эга, деб ҳисобланса ҳам апостол қоидалари асосида айrim епископларга бошқаларнинг устидан назорат қилиш ҳуқуки ва айни вактда А. унвони берилган.

**АСКЕТИЗМ** (юон. – машқ қилувчи, зоҳид) – ҳамма дунёвий нарсалардан возкечишни, тарки дунё қилишни, зоҳидликни тарғиб этувчи диний-ахлоқий на-

зария. Худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш учун тарки дунё қилиш зарурлиги ҳақидаги диний тасаввур. Христианликда монахликда кўринса, исломда дарвешлик, чилла ўтириш, рўза тутиш, зикр тушиш кабиларда намоён бўлади. Тасаввуфда зоҳидлик Аллоҳнинг зикрига халал берувчи барча нарсаларни тарк этиш демакдир.

**АТЕИЗМ** (юнон. – худони инкор қилиш) – динни, диний таълимотни, худони, умуман илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор қилиш, даҳрийлик. Диний ва атеистик дунёқарашлар бир-бираига зид бўлиб, бунинг заминида идеалистик ва материалистик фалсафий йўналишилар ўртасидаги кураш ётади. Кад. Миср, Бобил, Ҳиндистон ва Хитойда мил. ав. З-минг йилицидан бошлиб диний ақидаларни танқид қилган асарлар пайдо бўлган. Европада ўрта аср мутаассиблиги устидан ғалаба қозонилгач, Спиноза, француз материалистлари, Фейербах каби атеистлар ўз фаолиятларини Тавротнинг танқиди ва дунёвий маърифатчиликни ёйишга қаратдилар. Умуман, Марксгача А., асосан, динни танқид қилиш б-н чекланган ҳолда унинг жамиятга сакланиб колиши ва муайян мақсадларга хизмат қилишини эътироф этиш б-н характерланади.

**АФСУН** (араб. – мафтун қилиш, сехр, авраш) – воқеаларнинг табиий жараёнига мўъжизавий таъсир кўрсатилии хусусиятига эга деб хисобланадиган сўзлар, иборалар йигиндиси. А. қадимги динларнинг, айникса, сехргарликнинг ажрал-

мас қисми бўлиб, балони даф этиш ё балога гирифтор қилиш, хасталиқдан шифо топиш, омадга ёр бўлиш ва х.к. усули деб қаралган.

**АҲБОР** (араб. – хабарлар) – шиаларнинг муқаддас ривоятлари, Мухаммад (с.а.в.) ва Алининг сўзлари, фаолияти тўғрисидаги ривоятлар тўплами. А. суннийларда муқаддас хисобланган сунна (хадис тўпламлари) каби Қуръондан кейинги муқаддас манбалардан хисобланади.

**АҚИДА** (араб. – ишонч, эътиқод, қараш) – исломда мусулмон киши ҳеч кандай шак келтирмасдан, ўйлаб ўтирмасдан ва мухокама қиласдан ишониши, имон келтириши ҳамда тасдиқлаши шарт бўлган эътиқодий ҳукмлар мажмуаси.

**АҚИҚА** (араб. – чақалок сочини олиш, жонлик сўйиши) мусулмон оиласарида чақалок дунёга келиши муносабати б-н Аллоҳ таолога шукронга сифатида кўй сўйиши б-н боғлиқ маросим. Ислом анъанасида А.ни чақалоқ туғилган куннинг 7, 14 ёхуд 21 кунлари ўтказиш тавсия этилади. Бу кунларда А. ўтказилмай қолинса, сўнг қайси кунда, қачон амалга оширилса ҳам вазифа бажарилган хисобланаверади.

**БАПТИЗМ** (юнон. – сув б-н чўқинтириш) – протестантизм секталардан бири. Баптистлар фикрича, болалар ёшлигинда эмас, балки динга нисбатан онгли муносабатда бўлгандагина чўқинтирилиши, диний эътиқодда эркинлик бўлиши лозим. Исо Масихга ишонганларнинг ҳаммасини худо халос этади. Б. рухо-

пийларнинг динга ишонувчилар б-н худо ўртасидаги воситачилигини рад этади, христианликда муқаддас ҳисобланадиган авлиёлар, иконалар, сирли маросимлар ва кичик байрамларни тан олмайди, факат Исо Масих номи б-н боғлиқ бўлган байрамларни, шунингдек, баъзи маҳсус байрамларни тан олади. Библияни диний таълимотнинг ягона манбаи деб ҳисоблайди, унга катъий риоя килишга чакиради. Б.нинг дастлабки жамоаси 1609 й.да Голландияда инглиз мұхожирлари орасида вужудга келди. Б. Россияга 19-а.нинг 60-йилларида Германиядан кириб келган. 1905 й.да Жаҳон баптистлари иттифоки тузилди, унинг маркази АҚШда. Жаҳондаги баптистлар сони 31 млн.дан ортик.

**БАҲОИЙЛИК**, Баҳоийя – диний-сиёсий оқим. 19-а. ўргаларида Эрондаги бобийлик ҳаракатининг давоми сифатида Ироқда вужудга келган. Асосчиси – Баҳоулло. У инсоният учун ягона дин, иқтисодиёт ва давлат зарур, деган ғояларни илгари суради. Баҳоулло фикрича, мавжуд динларни йўқотишнинг хожати йўқ, уларни қандайдир бир нуқсонсиз таълимот асосида бирлаштириш лозим. Аслида, ҳамма динлар яхши, факат уларни ортиқча ақида ва урф-одатлардан тозалаш керак. Мұхими – худони севиш керак, чунки мұхаббат тараққиётнинг шарти ва коинот қонунидир. 1979 й.да Эронда ислом инқилобидан сўнг бу таълимотнинг ўплаб раҳнамолари катл этилди.

Баҳоийлар Осиёнинг баъзи мамлакатларида ҳам бор. Баҳоийларнинг кўпчилиги Европа ва Америкада, асосий марказлари – Германия, АҚШ, Панамада.

**БИБИ МАРЯМ** – Куръонда тилга олинган тақволи, сиддиқа аёл, Исо пайғамбарнинг онаси. Мусулмонлар учун у энг мўмина она, жаннатдаги аёлларнинг раҳнамоси. Туркистанда Марямга ҳурмат юзасидан «Биби» ағамаси қўшиб айтилади.

**БИБЛИЯ** (юнон. – китоблар) – яхудийлик ва христианликда муқалдас ҳисобланган диний китоблар ва рисолалар мажмуаси. Б. икки асосий кисмга – Қад. аҳд ва Яшги аҳдга бўлишали. «Аҳд» сўзи Худонинг инсонлар билан маҳсус алоқасини ифодалайди. Қад. аҳд яхудийликда ҳам, христианликда ҳам муқаддас саналадиган ва энг қад. даврларда яратилган диний адабиётлардан, Янги аҳд эса факат христианлар муқаддас деб биладиган, улар диннинг шаклланишига алоқадор диний асрлардан иборат. Б. милюддан аввалиг 8-а. ва мил. 2-а.лар оралиғида оромий ҳамда юонон тилларида ёзилган. Б. энг қад. адабий ёдгорликлардан бири бўлиб, диний шаҳнама-насиҳатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, ишқий ва фалсафий достонлар, ҳикоят, ривоят ва мактублардан иборат. Б. жами 70 китоб (бўлим)ни ўз ичига олган бўлиб, 13-а.да кардинал Стефан Ленгтон томонидан ҳозирги кўринишга келтирилган, китобларни шеърларга бўлиш ва рақамлаштиришни па-

рижлик матбаачи Робер Стефан (16-ада) амалга оширган.

**БИДЪАТ** (араб. – янгилик киритмоқ, янгидан яратмоқ) – ислом ақидаси ва хукмларига хилоф янгилик. Куръон ва суннатга хилоф равишда пайдо бўлган ҳар бир нарса Б.дир. Дастлаб халифа Усмон (644–656)дан порози одамлар, асосан, шиалар ва хорижийлар уни Мухаммад пайғамбар сўзлари ва амалларига зид янгиликлар киритганликда айблаганлар. Кейинроқ ислом дунёсида диний ғоявий ихтилофлар ва баҳслар авж олган пайтда Б. тушунчаси «нотўғри ёки хато тасаввур», «янгиш фикр» деган маъноларни касб этди.

**БРАҲМАНИЗМ** – (санскритча – хиндиуздаги уч олий маъбуддан бири – Браҳма номидан) – табиий мавжудотларни илохийлаштирувчи қад. хинд дини. Веда дини асосида мил. ав. 1-минг йилликнинг бошида пайдо бўлган. Б.нинг муқаддас адабиётига ведалар ва уларга ёзилган жуда кўп шархлар (браҳманлар, арнъяқлар, упанишадлар) киради. Б.да веда динидаги кўпгина худоларнинг таъсири деярли йўққа чиқиб, асосан, худо: Браҳма, Шива ва Вишну эътиборли хисобланган. Браҳма оламни яратувчи ва бошқарувчи, Вишну – оламларни сақлаб қолувчи ва муҳофаза қилувчи, Шива – хамма мавжудотни яксон этувчи худо деб тушунилган. Б.да илгариги тотемистик тасаввурларнинг қолдиги сифатида ҳайвон (сигир, маймун)ларни, айрим ўсимликларни ва б.ни илохийлаштириш

мавжуд. Б. ижтимоий ҳаётни, жумладан, давлатни ҳам Браҳманинг ижоди, давлат арбобларини эса инсон қиёфасидағи худолар деб ҳисоблар эди. Мил. ав. 6–5-а.ларда буддизм вужудга келди ва Б.га карши кураш олиб борди. Б.га карши кураш жараённида ва унинг бевосига таъсирида Б. аста-секин ҳишуизмга айланиб кетди.

**БУДДА** (санскритча – хотиржам, нурланган, олий ҳақиқатга эришган) – буддизмда бир неча бор қайта туғилишлар жараённида мутлақ ҳақиқатга етишган ва б.га диний нажот йўлини кўрсатишга қодир зот. Кенг маънода – ҳар бир инсон жуда кўп эзгулик килиш, бу дунёният барча севимли нарсалари фойдасиз эканини англаш орқали Б.га айланниши мумкин. Тор маънода эса – буддизм асосчиси, бу дунё ташвишларини тарқ этиб, «олий ҳақиқатга эришган» Сиддҳартҳа Гаутама (мил. ав. 623–544) исми.

**БУДДИЗМ**, Бул дави йилик – жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири бўлиб, унга эътиқод қилувчилар тахм. 500 млн. дан ортиқ. Мил. ав. 6–5-а.ларда Хиндистонда пайдо бўлган. Марказий Осиё, Жан.-шаркий Осиё мамлакатларида ва Узок Шарқда тарқалган. Ҳозирги кунда Б. Шри Ланка, Мьянма (Бирма), Таиланд, Лаос, Камбожа, Вьетнам, Тибет, Бутан ва Япония каби давлатларнинг асосий динидир. Б.да 2 та асосий йўналиш мавжуд: хинаяна ва махаяна. Бошка динлардан фарқли равища Б.да ҳеч бир ўзгармас

нарса йўқ, ҳатто худо ҳам ўзгарувчан, деб уктирилади. Фақат он ёки лаҳзалар силсиласи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири йўқолиб, кейингисига ўрин беради. Инсон мунтазам равишда ёлғондан, ўғрилиқдан, бошқага заرار етказишдан, зинодан ўзини тийиш ҳамда медитация (онгни олий ҳакиқатга етишишга картиш), хотиржамликка ва охир окибатда нирванага (азоб-укубатнинг тугасига) олиб келади. Нирванага етишиш учун Будда, Дхарма (Гаутама колдирган тълимот), Сангха (Будда асос солган ва хозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси) ёрдам беради. Ўзбекистонда битта будда жамоаси расмий равинида фаолият кўрсатади.

**БУТ, Идол, Санам** – диний сигиниш обьекти ҳисобланувчи худо ёки рухнинг тасвири. Бутпастлик – Б. санам, салиб, иконага сигиниш одати. Фетишизм, маҷусийлик каби ибтидоий динларга хос. Бутпастлар бутни, санамни худолар қиёфаси, тимсоли деб билганлар. Мажусийликдаги бутпастлик одати христианлик, Б. каби динларда ҳам сакнаниб қолган. Кўп худоликка эътиқод киладиган қабилаларда, хусусан, Африкадаги айрим қабилаларда бутпастлик ҳали ҳам бор.

**ВАҲИЙ** (араб. – илохий ҳабар) – диний эътиқодга кўра, Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбарларига фаришталар орқали юборган буйруқ ёки кўрсатмалари. В. аниқ ва равшан килиб айтилган. Лекин баъзи В.лар тушида кўрилган ишорат шаклида

ҳам бўлган. Масалан, Иброҳим пайғамбарнинг тушида: «Ўғлинг Исмоилни қурбонлик қил», деб буюрилгани ҳам В. деб ҳисобланади. В. илохий бир куч сифатида инсонларга тўғри йўл кўрсатиш манбаи бўлиб хизмат қиласди.

**ВАҲХОБИЙЛИК** (оқимнинг асосчиси Муҳаммад Абдуваҳҳоб номидан) – Марказий Арабистонда 19-а.да пайдо бўлган, исломнинг суннийлик йўналиши – ханбалия мазҳабидаги ақидапараст оқим. Дастлаб Ислом динининг илк даврдаги ҳолатини тикилаш учун куращувчи диний оқим сифатида майдонга чикқан, кейинчалик унинг фаолияти сиёсий, ҳатто террористик тус олган. В. тарафдорлари фикрича, фақат Аллоҳ маъбуд ва исломнинг манбаи Куръон ва Суннадир. Муқаддас жойларни зиёрат килиш, азиз-авлиёлардан дуоларда шафоат ёрдам тилаш ширк ҳисобланади. Мусиқа, қўшиқ ва умуман мъянавий тараққиётнинг бошқа кўп кўринишлари бидъат (кейин кириб келган янтилик) саналади. Ваҳҳобийларнинг ибодатлари ҳам тарихан ўзиниң ҳанафия мазҳаби қоидаларидан ажralиб туради. Ваҳҳобийлар динни «тозалаш»га, Муҳаммад (с.а.в.) давридаги асл ҳолига келтириш иддаоси б-н ҳаракат қиласди. Унда ғайридинларга, «илк ислом ахкомларидан чекинган» мусулмонларга карши кураш алоҳида ўрин тутади. Уларнинг даъватини қабул қилмаганларнинг барчаси гўё кофиридир. Дастлабки ваҳҳобийлар имон масаласида ўта мутаассиблик, сиёсий

ракиблар б-н курашда эса ошкора экстремизм б-и ажралиб турған. В. таълимоти ўша пайтдаёқ норозилик туғдирған. Ибн Абдулваҳобни ҳатто ўзи туғилған жой – Уйайнадан кувиб чикаришган. В. муайян кўринишда Ўзбекистонда ҳам найдо бўлди. Коммунистик мафкура барбод бўлгач, юзага келган ғоявий бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат килған ваҳҳобийлар ёши авлодни йўлдан уришга, хар кандай воситани ишга солиб, ўзлари учун ижтимоий мухит яратишга уринидилар. Жамиятда бекарорликни вужудга келтириш мақсадида 1997 й. охирида Наманган шаҳрида ваҳшиёна қотиликлар содир этишгача бориб етдилар. Ўзбекистон хукуматининг изчил сиёсати В. кўринишидаги диний экстремизм ва ақидапарастлик ёйилишининг олдини олди.

**ВЕДА ДИНИ** – мил. ав. I-минг йилликда Хиндистонда вужудга келган дин. Ведалар орқали маълум. Хиндуизм дини шакаланишининг дастлабки босқичи. В. д.да дастлаб табиат кучлари ва ҳодисалари антропоморфик (инсон қиёфасига ўхшатиб) тасаввур этилган. Унда яхши ва ёмон худолар, руҳлар ҳақидаги тасаввурлар асосий ўрин эгаллади. Унда политеизм (кўнхудолик) хукмрон бўлган. В. д.да сифениш маросимлари, асосан, худоларга қурбонлик қилиш, овқат, ҳайвошлар келтириш ва турли урф-одатларни бажаришдан иборат бўлган. Кейинчалик коҳишларнинг алоҳида қатлами – браҳманлар ажралиб чиқиб, диний маро-

симлар тизими мураккаблашди. В. д.нинг кейинги эволюцияси натижасида браҳманизм вужудга келди.

**ДАОСИЗМ** (хитойча – конун, тамойил) – кад. Хитойда кенг таркалган илгор қарашлар тизими, шу қарашлардан келиб чиқкан динлардан бири. Дао – ҳамма нарсанинг асоси. Дунё – Даонинг «гавдала-ниши»дир. Мил.ав. 6 – 5-аларда вужудга келган. Асосчиси Лао-цзи ҳисобланади, унинг ғоялари «Дао лэ цзин» китобида баён этилган. Д.га кўра, табиат ва инсон ҳаёти «илохий самовий конун»га боғлиқ эмас, балки нарсаларнинг табиий йўли, қонуни – «дао»га асосланади. Ян Чжу фикрича, ҳаётнинг табиий қонунлари – «дао»га риоя қилиш инсонга «ўз табиатини бутунликда сақлаб қолишга» имкон беради. Д. дунёдаги ҳамма нарсаларда қарама-қаршиликлар кураши ётади, улар ўзгаришда, ҳаракатда: «Бир хил нарсалар кетиб, бошқа хил нарсалар келади, баъзи нарсалар гуллайди, баъзилари сўнади», деб ҳисоблайди. Д. таълимотида инсонга ўзидағи мажбурият ва бурч кишанларини улоқтириб ташлаб, табиатга яқин бўлган ҳаётга қайтиш даъвати бор. Кейинчалик Д. Хитойда ўзининг илгариги мавқенинг йўқотиб ўрнини бошқа динларга бўшатиб берган. Ҳозир унинг тарафдорлари нисбатан озчиликни ташкил қиласи.

**ДАҲРИЙЛИК** (араб. – вакт, тақдир, фалак) – ислом пайдо бўлмасдан илгари араб жамиятида кенг таркалган ақида. «Ўлим», «тақдир», «ажалнинг етиши» маъноларини англатган бу ақидага кўра-

инсоннинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган, у эркин ироди ёки ихтиёр эгаси эмас, пешонасига «ёзилган» нарса, албатта, содир бўлади ва ундан қутулишнинг иложи йўқ. Борликнинг эгаси, олий хокими сифатида муайян бир худо эмас, қандайдир «даҳр», тақдири фалак, инсон иродаси б-н ҳисоблашмайдиган ва ундан юкори турадиган тасодифий ўзгаришлар жараёни тасаввур килинарди. Уларнинг эътиқодича, ўтимдан сўнг ҳамма нарса тугайди, шунинг учун бугунги кун б-н яшаб колиш керак. Ўрта асрларда бир қапча олим, мутафаккир ва шоирлар Д.да айбланиб, шафқатсиз жазоланган. Хозир ҳам мусулмон душёсида даҳрийлик қораланиди. Даҳрий ва атеизм атамалари бир маъниони англатмаса-да, шўролар даврида уларни синоним сўз сифатида ишлтиш расм бўлиб қолган эди.

**ДЕИЗМ** (лот. - худо) – Худони мұжкамал табиат «машинаси»ни яратиб, унга қонунлар ва ҳаракат баҳш этган оламий ақл деб эътироф қиласи, бирок табиатнинг ўз ҳаракатларига худонинг кейинги аралашувини инкор этади ва худони билиш учун ақлдан ўзга йўлни рад қиласи. 17-ада яшаган инглиз файласуфи лорд Г. Чербери асосчиси ҳисобланади. Деистлар кўптина ўзгармас ақидалар ва урф-одатларга қарши чиқиб, ақлга мувоффик келадиган динни тарғиб этадилар. Улар виждан ва фикр эркинлигини ҳимоя қилиб, «табиий дин» ва «ақл дини»ни вужудга келтиришга интилдилар. Хозирги вақтда Д. алоҳида оқим сифати-

да тан олинмайди. Аммо кўпчилик табиатишунослар оламнинг тартибли равинида тузилганида унинг шахсий ҳусусиятга эга бўлмаган хиллари борлиги исботини Д.да кўрадилар ва шу сабабли бу ақидага кўшиладилар.

**ДЕМОН** (юнон. - рух, худо) – ёвуз, «но-пок» кучларни гавдалантирувчи хаёлий мавжудот – шайтан, иблис, жин, алвасти ва х.к. Иудаизм ва христианлик ривоятларида Д. гунохга ботган (худога итоат қилишдан бош тортган) фаришталар деб ҳисобланган. Баъзан Олимп худолари ҳам Д. деб аталган. Д. одамга бевосита таъсир қиласи, фалокат юборали ёки бирон-бир ҳалокатли воқеаларга олиб келувчи йўлга бошлайди. Демонология – Д.лар ҳакидаги диний таълимот.

**ДИН** (араб. эътиқод, ишонч, итоат) – илоҳий куч ва ғайритабиий кучлар мавжудлигига ишонишга асосланган дунёқараш, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи. Д. муайян таълимоглар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари оркали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этишининг ўзига хос усули. Д. нинг дастлабки кўринишлари фетишизм, тотемизм, анимизм, сехргарлик ҳисобланади. Кўламига кўра, Д.лар уруғ-қабила Д.лари, миллый Д.лар (иудаизм, хиндуийлик, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик), жаҳон Д.лари (буддизм, христианлик, ислом) вужудга келган. Д.лар аввалига кўпхудолик (политеистик), сўнгра

яккахудолик (монотеистик) кўринишида бўлган. Ҳар бир Д. диний дунёкарап, диний маросим, диний туйғу ва сигиниш объектларини ўз ичига олади.

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ** – баъзи диний ташкилотлар ёки айрим диндорларнинг жамият қонун-коидаларига мос келмайдиган мафкураси ва фаолияти. Д. э. кўпчилик динларда мавжуд бўлиб, унинг тарафдорлари ўз олдига сиёсий максадларни кўяди. «Мусулмон биродарлар» харакати (Миср, 1928) дан етишиб чиқсан Сайид Кутб (1906–65) хозирги замон ислом экстремизмининг фоявий асосчиси сифатига тан олингган. Унинг «назария»сига кўра, ўзини мусулмон леб ҳисобловчиларни кўпчилиги, аслида, мусулмон эмас, ва умуман, барча давлатлар исломга қаршиидилар. Демак, максад – ислом давлатини барпо килиш ва жамиятни тўлигича исломлаштиришди. Д. э. муайян қўришида Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Ислом экстремизми гурухи фаолияти натижасида 1997 й. декабрда Наманганд шахрида бир неча қотишликлар юз берди. 1999 й.да 16 февралда Тошкент шахрида юз берган воқеалар диний ақидапарастларнинг асл мақсади конституциявий тузумга зарба бериш ва ҳокимият тепасига келиш эканини кўрсатди. Христиан динининг баъзи секталарига асосланган кўплаб диний экстремистик харакатлар ҳам мавжуд. Айниқса, «яхвечилар», «пятидесятниклар», «ташаббускор баптистлар» умуман, конуний ҳокимият ва дунёвий қонунларни тан олмайдилар.

**ДЎЗАХ** (форсча; араб. – нор, жаҳаннам) – дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Яхудийлик, христианлик, ислом динларидағи асосий тушунчалардан бири.

**ЕПИСКОП** (юон. – нозир, назорат қилувчи) – иравослав, католик, англикан черковларида олий мартабали руҳонийлардан бири, черковга қарашли маъмурий-худудий бирлик (епархия) бошлиғи. Епископлик даражалари 4-а.дан бошлаб: патриарх, митрополит (митрополитлар бир қисми архиепископ унвонига эга) ва епископ.

**ЖАБРОИЛ** – исломда тўрт бўш фариштадан бири (Микоил, Исрофил, Азроил б-н бирга). Аллоҳ иродасини пайғамбарларга етказиб, вахий келтирувчи (хабар берувчи), самовий оғагларни ер юзида ижро қилувчи фаришта; барча пайғамбарларга худо тарафидан келадиган ваҳийлар фаришталар улуғи Ж. орқали келади. Ж. Аллоҳнинг иродаси б-н Мухаммад пайғамбарга Куръон оятларини етказиб берган. Куръони каримда Ж. «муқаддас рух», «одижаноб элчи» номи б-н тилга олинади.

**ЖАННАТ** (араб. – боғ, бўстон, учмоҳ) – такводор диндорлар нариги дунёда роҳат ва фарогатда яшайдиган жой. Яхудийлик, христианлик, ислом динларидағи асосий тушунчалардан бири. Барча динларда Ж. дўзахга қарама-қарши кўйилади.

**ЖИХОД** (араб. – ғайрат килини, кучни ишга солиш) – исломнинг илк даврларида мусулмон кишининг динни химоя

қилиш, мустаҳкамлаш ва ёйишга уриниши, саъй-харакат кўрсатиши, куч-ғайрат сарфлаши, дин йўлидаги кураши. Дастрлаб исломни химоя қилиш учун курашни англатган. Бу курашга нисбатан Куръонда Мухаммад (с.а.в.)нинг Макка ва Мадинада кечган хаёт фаолиятининг муайян шарт-шароитларидан келиб чиқкан холда турлича кўрсатмалар бор: 1) кўпхудоликлар б-н можарога бормаслик ва уларни оқиллик ва одоб б-н ҳақиқий динга оғдириш; 2) ислом душманларига қарши мудофаа уруши олиб бориш; 3) ғайридинларга хужум қилиш, лекин муқаддас ойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бормаслик.

Ж. сўзи, аввало, «куруш» маъносида эмас, Аллохнинг динига сўз б-н даъват қилиш маъносида юзага келган. Ҳозирги замон мусулмон назариёгчилари Ж.ни исломни тинч йўл б-н ёйиш, уни ташқи тазийқдан химоя қилиши учун мусулмонларнинг куч ва ғайратларини сафарбар этиш воситаси деб таърифлайди. Мўтадил ислом тарафдорларининг эътиқодига кўра, куч ишлатиш -- «кичик Ж.», ҳар бир мўмин мусулмоннинг ўз нафси б-н кураши ва маънавий баркамоллик йўлидаги саъй-ҳаракати эса «буюк Ж.» хисобланади.

**ЗАРДУШТ**, Заратуштра (Авестотили бўйича), Зороастр (юонон.) (мил. ав. тахм. 618–554 й.лар) – зардуштийлик дини асосчиси; Мовароуннахр, Хуросон ва Эрон халкларининг биринчи воизи, шоир, дин пешвоси; пайғамбар. Ўз қавм

ва қабилалари пешқадам вакилларининг кўпхудолик удумларига карши ҳаракатига кўшилди ва 19 ёшида якка тангрини кашф этиш умидида Саблон тогига чиқиб кетади. 20 й. горда яшайди. Ривоятларга кўра, З. наврўз кунларининг бирида коҳинлар бошчилигигида муқаддас ичимлик – «Хўм» тайёрлашга киришган. Эрта тоигда у дарёдан сув олиш учун қирғоқка тушган. Сув олиб бўлгач, кўзига кирғоқда турган порлок хилқат – «Воҳумана» кўринади ва унинг сехрли нурига эргашади. Нихоят, у эзгу ва улуғ худо Ахурамазда хузурига боради. Ахурамазда ўзининг бутун борликин яратган худо экани ҳақидаги хабарни билдириш учун одамлар орасидан Зардўшти танлаганини айтади (бу вактда у 40 ёшига тўлган эди). Шу кундан бошлиб у зардуштийлик динининг пайғамбарига айланади. З. Балхда курилган оташкада-нинг очилишида кўпхудолик тарафдори Братаравахш томонидан чавоклаб ўлдирилади. Унинг Иставатр, Уруватр, Нуручитра исмли ўғиллари, Фрини, Трини, Нуручисто исмли қизлари бўлган. З. ўз таълимотини – Авестода баён этади. Араблар 7-а. ўргалари – 8-а. бошларида Эрон ва Ўрта Осиёни босиб олгацдан кейин ислом дини ҳукмрон динга айлангач, зардуштийлар кувғин қилиндишлар. Зардуштийлар Ҳиндистон ва Эронда хозир ҳам мавжуд.

**ЗАРДУШТИЙЛИК**, Зороастризм – мил. ав. 7–6-аларда вужудга келган дин. Асосчиси -- Зардушт. Сўнгти тадқикот

хулюсаларига қараганда, Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм зарлўитийлик ватани бўлган. Қад. пахлавий тилида «Зардушт» сўзи «Магупта» деб аталган. Пахлавий тилидаги ёдгорликларни араб тилига таржима килган олимлар уни «мажус» шаклида кўллаган. Натижада ўрта асрлардан бери «Зардушт» «мажус», «З.» эса «мажусийлик» сифатида кўлланиб келинган. З.да «оташ» ва «куёш» тантри Ахурамазданинг ўғли деб ҳисобланган. «Нур», «отапи» З.нинг рамзи, тимсолидир. З.да Ахурамазда олий худо ҳисобланганлиги учун бу маздаизм ёки маздайлик деб ҳам аталган. Унинг таълимоти Авестода баён этилган.

**ИБОДАТ** (араб. – куллук килиш, бўйсуниш, ўзини паст олиш, итоат килиш) – Худога сигиниш, илтижо килиш. И. ҳар қандай динга хос. Турли динларда турлича И. қилинади. Диний эътиқоднинг таркибий кисми сифатида И. катъий тартиб ва қоидаларга бўйсундирилган. Мас., христианлар хочга чўқинадилар, мусулмонлар кунига беш вақт намоз ўқиб И. киладилар. И. якка ҳолда ёки кўпчилик бўлиб бажарилади. Диний таълимотга кўра, бутун борликни унугиб, ўзини факат худога якинлигини, унга итоаткорлигини хис этган ҳолда И. қилиш керак.

**ИКОНА** (юнон. – тасвир, образ) – христиан динига мансуб диндорлар сажда қиласидиган, чўқинадиган Исо, Биби Марям ва авлийларнинг ранг тасвир ёки бўртма тасвири.

**ИЛОХИЁТ** (араб. – Худо тўғрисидаги таълимот) – Худо, унинг сифатлари, бел-

гилари ва хусусиятлари тўғрисидаги фан. Муайян диний ақидалар ва улар ҳакидаги илохий кўрсагмаларни ўрганади.

**ИМОН**, И м о н (араб. – ишонч, эътиқод) ислом динида Аллоҳга, унинг фариишталарига, китобларига, пайгамбарларига, киёмаг кунига, тақдирга ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш.

**ИНЖИЛ**, Евангелия (юнон. – хушхабар) – насронийларнинг муқаддас китоби, Иисус Христос (Исо Масих) ҳакида ҳикоя қилувчи христианлик асарларининг умумий номи, Библияшинг бир кисми. Яхудийларнинг Қад. аҳддан фарқ килиш учун И. Янги ахл деб номланган. 2-а.лардан бошлаб юз ийлиллар давомида таркиб топа борган. 4-а. бошида яхлит ҳолга келган ва черков томонидан христианларнинг муқаддас китоби, деб эълон қилинган.

**ИНКВИЗИЦИЯ** (лот. – қидирув) – католик черковининг сул-тергов ташкилоти бўлиб, 13-а.да бидъатчиларга қарши курашиб мақсадида тузилган ва Рим папасига бўйсунган. И. заминдорлар – черков мафкураси ва улар зулмига қарши курашчиларни таъкиб қилган ва фаолияти шафқатсизлиги б-н ажралиб турган. Буюк мутафаккирлар, олимлар Ж. Бруно, Ж. Ванинини инквизиция ёндириди, Г. Галилей таъкибга учради. 18-19-а.лар давомида инквизиция тутатијди. 1965 й.да бу ташкилот диний таълимот Конгрегацияси этиб кайта тузилди.

**ИУДАИЗМ**, Яхудийлик – асосан, яхудийлар ўртасида таркалган энг қад.

динлардан бири. Мил. ав. 1-минг йиллик бошларида Куддус (Фаластин)да вужудга келган. И. номи Яхудо (Иуда) кабиласининг номидан олинган. Бу дин дастлаб кўпхудолик дини бўлган. Мил. ав. 10–6-аларда яккахудолик динига айланган. Оламни яратувчи худо Яхвега эътиқод қилиш, Яхве ва яхудийлар ўртасидаги аҳд (шартнома)га шак келтирмаслик, яхудийлар худонинг мумтоз бандалари экани, Мусо (Моисей)нинг пайғамбарлигига ва унга илохий китоб Таврот юборилганлигига, нариги дунёга, маҳдий (мессия)нинг келишига, охират куни барчанинг тирилишига, жаннат ва дўзахга, гуноҳкорларнинг жазоланиши ва савоб иш килганларнинг рағбатлантирилишига ишониш И.нинг асосий ақидаларидир. И.нинг асосий диний китоблари – Таврот ва Талмуд ҳисобланади. Бу динга эътиқод килувчилар 18 млн.га якин, уларнинг учдан бир қисми АҚШдайдир.

**ИСЛОМ** (араб. – бўйсуниш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига тошириш) – жаҳонда кенг таркалган динлардан бири; бутун борлик ва унлаги барча мавжудотларни яратган, уларнинг такдиirlарини белгилайдиган ва ўз иродасига бўйсундирдиган ягона худо – Аллоҳга ишониш ва бўйсуниш, унинг фаришталари, муқаддас китоблари, пайғамбарлари ва такдирига, у дунё ва унда жаннат ва дўзахнинг мавжудлигига, охират кунига, инсон ўлганидан сўнг қайта тирилиб, гуноҳсиз яхши кишилар жаннатга, гуноҳкор ёмон кишилар эса

дўзахга тушишига ишониш. И. дини 7-ада Ҳижоз (Гарбий Арабистон)да пайдо бўлган, унинг асосчиси Мухаммад (с.а.в.) дир. И. дини талкинида дастлаб яхудий ва христианлар ҳам айнан мусулмонлар эътиқод қилган худога ишонгалилар. Шу худо, яъни Аллоҳ одамларга пайғамбар – элчилар юборган. Аммо инсонлар пайғамбарлар таълимотини бузганилар. Шунинг учун Аллоҳ инсонларга охирти расул этиб Мухаммад (с.а.в.)ни танлади, унга ўзининг қаломи – Куръонни нозил қилди. И. динига жаҳонда қарийб 1,2–1,77 млрд. киши эътиқод қилади ва эътиқод килувчилар сонига кўра христиан динидан кейин иккинчи ўринда туради.

**ЙОГА** (санскритча – бирлашиш, мулоқот) инсон руҳияти ва физиологиясини бошқариш таълимоти ва методи. «Халос бўлиши» (мокша ёки ширвана) ҳолатига эришишини максад қилиб кўйган хинд диний ва фалсафий тизимларининг таркиби кисми. Инсонда (руҳиятни муайян йўсинда чоғлаш орқали) органик ва анорганик жараён ва жисмларни бошқариш учун қандайдир куч ва имкониятлар мавжудлигини тан олади. Й.да жисмоний машқлар тизими ишлаб чиқилган ва организмнинг нафас олиш ва бошқа физиологик функцияларини бошқаришда, инсонда хоҳлаган руҳий ҳолатни вужудга келтиришда маълум муваффақиятларга эришилган. Асосий фалсафий ғояси - инсон психофизиологияси б-и коинот ўртасидаги уйғунлик.

**КАРДИНАЛ** (лот. – биш) – католик черкови иерархиясида Рим папасидан кейин, епископдан олдин турувчи руҳоний. К.лар папанинг черковни бошқариш соҳасидаги энг яқин маслахатчилари ва ёрдамчилари хисобланади ҳамда шу лавозимга папа томонидан тайинланади.

**КАРОМАТ** (араб. – каромат, икром килиниш, юкорилик, шараф) – ислом истилохига кўра, ақлни лол қолдирадиган тайритабии ҳодисалар. Шу ҳодисалар пайғамбарларда намоён бўлса – мўъжиза, азиз-авлиёлардан содир бўлса – К. дейилади.

**КАБЫЛА** – (араб. – куб, тўртбурчак) – исломда мусулмонларнинг бош саждагохи, Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида жойлашган. Байтулоҳ (Аллоҳнинг уйи), Масжид ул-Ҳарам (гуноҳ ишларни қилиш тақиқланган хурмат сазовор масжид), Қибла (ибодатда юзни ўгирадиган тараф), Хонаи К. (К. уйи), Ал-Байт ул-атиқ (қад. уй) номлари б-н ҳам юритилади. Уни зиёрат қилиш – хаж ва умранинг асосий амалларидан бири.

К. бутун дунё мусулмонларининг энг муҳим маркази ва бирлиги рамзи бўлиб келли, ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди. Ислом динидаги барча оқимлар унинг муқаддаслиги ва алоҳида ролини тан оладилар. Ҳар йили дунёning ҳамма чеккаларидан мусулмонлар ҳаж ибодатини адо этиш учун бу срга келишади.

**КОНКЛАВ** (лот. – берк хона) – Рим папасини сайлаш мақсадида чакириладиган кардиналлар йигини (1274 й.дан),

шунингдек, йиғин ўтказиладиган бино. Йиғин ташки дунёдан буткул ажратиб қўйилган бинода ўтади. К. ўтказиш тартиби 13-а.да папа Григорий X томонидан белгиланган. Кейинги папалар бу тартибга жузъий аниклик ва тузатишлар киритган. Папа сайлаш учун қатнашчиларнинг 3 дан 2 кисми овоз бериши ва яна қўшимча бир овоз берилиши талаб қилинади. К. қатнашчиларининг сони 120 дан ошмаслиги керак.

**КОНФУЦИЙЧИЛИК** – Хитойдаги ахлоқий-сиёсий таълимот; кейинчалик энг таъсирли З асосий фалсафий-диний оқимдан бири (даосизм ва буддизм б-н бирга). Конфуций асос солган. Бу таълимотда инсонпарварлик (жэнь), одоб қоидалари (ли), фазилат (дэ) тушунчаси муҳим ўрин эгаллайди.

**КОНФЕССИЯ** (лот. – таи олиш, эътироф этиш) – диний ишонч, эътиқод, мазхаб.

**КОХИН** – ғойибдан хабар берувчи, башиборатгўй. Исломдан аввалги Арабистонда васваса ҳолатида Аллоҳ ёки унинг вакили – фаришта ёки жин б-н мулокот қилган одам шундай деб аталган. Қабила одамлари бирон-бир иш қилишдан олдин унинг оқибати қандай бўлишини К.дан сўрашган.

**КУБРОВИЙЛИК** – тасаввуф тариқати. 13-а. бошида Хоразмда Нажмиддин Кубро (1145–1221 й.лар) асос солган. Кубронинг тасаввufий таълимотига кўра, инсон ўз моҳияти б-н кичик оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нар-

саларни ва сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо илохий сифатлар юкори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос макомларда жойлашганлигидан, ҳақикат йўлини кидирувчилар бундай камолотга эришиш учун маълум риёзатли йўллардан ўтишлари зарур. Кубро камолотга эришиш асосларини ўнта талаб («Ўнта усул»)да ифодалаб берган. Кубровияда тариқат аъзоларининг ягона ташкилий тизими бўлмаган. Уларни таълимотнинг руҳи ва максади бирлаштирган.

**КУФР** (араб. – яшириш; ишукрчилик; кофирилик) – исломий эътиқодга кўра, ислом динини ёки Аллоҳ, борлиқ ва инсон тўғрисидаги исломий дунёкарашни тан олмаслик, ягона Аллоҳ, унинг фариштлари, шайғамбарлари, илохий китоблари, қазо ва қадарига ишонмаслик ҳамда бундай дунёкараш ва ақидага карши курашиш; имонсизлик, кофирилик.

**ЛАЙЛАТУЛ-ҚАДР** (араб. – қадр кечаси) – ислом ақидасига кўра, рамазон ойининг 26-дан 27-га ўтар кечаси. Бу кечанинг улугланиши Қуръони каримнинг шу кечада нозил этила бошлагани, бу кеча минг ойдан афзал экани тўғрисида Қуръонда башорат берилгани б-н изоҳланади.

**ЛАМАИЗМ** (тибетча, айнан – энг улуг) – буддавийликнинг Тибет ва Мўгулистанда, шунингдек унга туташ ҳудудларда яшайдиган аҳоли ўртасида тарқалган бир кўриниши. 8-ада Тибетда биригичи монастирга асос солингани ва монахлик жамоаси ташкил этилиши б-н пайдо

бўлди. Тибетда аввал олий илмий дараҷа олган ва устоз бўлишга ҳақи бўлган монахлар Лама деб аталган. Кейинчалик Тибетда ва Л. тарқалган бошка мамлакатларда монахлик аҳдини қабул қилган ҳар кандай шахс Лама деб аталади. Л. таълимотига кўра, инсон факат ламалар ёрдамида нажот топади (гунохлардан покланади). Л.да ламаларга ва маҳаллий ҳокимларга сўзсиз бўйсуниш асосий фазилат ҳисобланади. Л.нинг анъанавий, конунлашган асосий муқаддас китоблари – Каңжур (108 жилдли) ва Танжур (225 жилдли)да баён этилган. Л. бир қанчада майда оқимларга бўлиниб кетган.

**МАВЗОЛЕЙ** (юнон. Mausoleion) – қабр ёки мозор устига курилган маҳобатли иншоот; М. номи Кария подшоси Мавсол (мил. ав. 4-а. ўргалари) саганаси номидан келиб чиқкан.

**МАЖУСИЙЛИК** – зардуштийликнинг мусулмонларда аталиси; яккахудолик пайдо бўлгунга қадар вужудга келган диний эътиқодлар, маросим ва байрамларни ифодалаш учун ишлатиладиган атама. М. тушунчаси сеҳргарлик, анимизм, фетишизм, тотемизм каби ибтидоий дин шаклларини ҳам ифодалайди.

**МАЗДАИЙЛИК, Маздаизм** (Ахурамазда номидан) – Қад. Эрон (Ахамонийлар давлати) дини. Авесто илохий китоб ҳисобланган. М.нинг зардуштийликдан фарқи шундаки, унда Зардушт факат Ахурамазда б-н шоҳ ўртасидаги восита-чи деб эътироф этилган ва у ортиқ дараҷада илохийлаштирилмаган.

**МАЗДАКИЙЛИК** – диний-фалсафий таълимот. Асосчиси Маздак ҳисобланади. Маздакийлар харакати даврида Эронда кенг таркалган. М.нинг асосий гояси мулкий тенгликни ўрнашидан иборат. Бу тенглик барча *моддий бойликларга* дехконлар жамоаси орқали эгалик қилиш, яъни *моддий бойликлар* одамларга тент таксимланиши керак, леб тасаввур этилади. Бу ғоя халқ оммаси ичидаги таркалиб, М. ҳаракатининг мафкураси сифатида хизмат қилган.

**МАЗҲАБ** (араб. – йўл, харакат тарзи, диний таълимот, диннинг бирон гармоғи) – исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари, умуман анъана-вий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда шариат масалаларида енгилрок ёки қаттикрок ҳукм чиқаришлари б-и бир-биридан фарқланувчи йўналишлар, окимлар.

**МАҲДИЙ**, Мессия (араб. – Аллоҳ томонидан тўғри йўлга етакланувчи) – кўп динларда худо томонидан танлаб олиниб вакил қилинган, ерда зулмни йўқ килиб, адолат ўриятиш учун юборила-диган ҳалоскор. Исломда М. таълимот шаклида тарқалган ва унга кўра, замона охир бўлгандаги ерга кайтиб келиб адолат ўрнатади, леб тасаввур этиладиган пайғамбар авлодларидан бўлган имом. Шиаликда М.га ёътиқод қилиш кагта ўрин эгаллаган.

**МИСТИКА** – (юнон. – яширин, сирли) гайритабиий кучлар, илоҳлар ва илоҳий кучларга, инсоннинг илоҳият олами б-и

алока қила олишига ишонишдан иборат диний ёътиқод.

**МИССИОНЕРИК** (лот., французча – юбориш, топширик) – бирор динга ёътиқод килувчи ҳалклар орасида бошка бир динни тарғиб килиш. М., асосан, христианликка хос. 4-адан пайдо бўлган. 13- 16-аларда христиан миссионерлари Ҳиндистон, Хитой, Японияга кириб борди. Католик черковида М. Испания ва Португалия империялари ташкил тонгач (15–16-алар), фаолиятини кучайтирди. М. Рим империясига янги ерларни ўз таъсири остига олишда кагта ёрдам берди. Католик миссионерларига раҳбарлик килиш учун папа Григорий XV 1662 й.да Диний тарғибот конгрегациясини таъсис этди. М. 19-ада фаоллашди, айникса, христиан миссионерлари Африкада фаолиятлариши кучайтирдилар ва ўз мамлакатларининг сиёсатини ўтказишига ёрдам бердилар. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунига кўра, Ўзбекистонда ҳар кандай М. фаолияти ман этилади.

**МОМОҲАВО** (яхудийча «хавво» – хаёт манбаи) – Одаматонинг хотини, биринчи аёл ва инсон зотининг онаси. Инжилда Ева номи б-н майлум. М. Одаматонинг қовурғасидан яратилган, деб шархланади. У Иблиснинг сўзига кириб, Одаматони ман қилинган мевани тотиб кўришга ундейди. Шу сабабли М. Одамато б-и жаннатдан чиқарилиб, ерда яшашга маҳкум этилади. Улар Макка яқинида яна

уЧРАШИШАДИ. М. Одамато ўлимидан кўп ўтмай қазо қиласи ва унинг ёнига дағи этилади.

**МОНАСТИРЛАР** (юнон. – монахлар маскани) – черковнинг муайян йўл-йўриқлари асосида биргаликда яшовчи монах (роҳиб)лар жамоаси; монахлар жамоаси фойдаланадиган ибодатхона, турар жой ва хўжалик бинолари мажмуи.

**МОНАХЛАР, Роҳиблар** (юнон. – ёлғиз) – ижтимоий диний гурӯҳ. Улар тарки дунё қилиши, мол-мулқлан воз ке-чиши, нафсини тийиши (оила курмаслиги), кариндошлиқ ва ижтимоий алоказалардан холи бўлиши, қатъий интизомга риоя қилиши керак ва ҳ.к.. Монахлик дастлаб мил. ав. 1-минг йилликда Хиндистон (буддизм)да пайдо бўлган. Христианликда монахлик 3-4-а.ларда вужудга келган. Бу динда монахликка ўтган кипи сочини олдириб, янги исм қабул қиласи, алоҳида кийим кияди. Ислом динидаги монах бўлмаган, лекин моҳиятан уларга яқин турган ўзига хос оқим вакиллари – суфийлар деб аталади.

**МОНОТЕИЗМ, Якка худолик** (юнон. – худо) – ягона худо ҳақидаги тасаввурларга асосланувчи диний эътиқодлар. Кўп худолик (политеизм)нинг акси. Христианлик, иудаизм ва ислом монотеизмга асосланган динлардир.

**МУРТАД** (араб. – оркага қайтган, чекинган) – ислом тарихида диндан қайтган, ундан воз кечган одам. Бундай одамлар энг катта гуноҳ қилган хисобланиб, ўлимга хукм этилган.

**НАҚШБАНДИЯ** – тасаввуф тариқатларидан бири. Баҳоуддин Нақшбанд асос солган, хожагон тариқати негизида пайдо бўлиб, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий қарашларини омихта этди, уларга янги рух бериб ривожлантириди. 15-18-а.ларда савдо ва хунармандчилик б-н шуғулланадиган шаҳар ахолиси ҳамда кўчманчи чорвадор аҳоли орасига кенг ёйилди. Н. таълимотининг асосида «кўнгил худода бўлсин-у, кўл иш б-н банд бўлсин» («дил ба ёру, даст ба кор») шиори ётади. Расм-руsumлар, одатларни кўр-кўронча адо этиш, риёс, сохта диндорлик кораланади. Ахлоқий поклик, қаноатли, сабрли бўлиш, ихтиёрий фақирлик б-н Аллоҳга интилиш юксак фазилат ҳисобланади. Н.да одамнинг қадри мансаби, бойлиги б-н эмас, маънавий комиљиги б-н ўлчанади. Унда хунар, касб эгаллаб, ўз меҳнати б-н ҳалол луқма еб яшаш талаб қилинади, тиланчилик, дарбадарлик б-н кун кечириш суфий учун иснон саналади. Кул, хизматкор сақлаш, ўзганинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам ман этилади. Н.нинг юқоридаги шиори тарқидунёчиликка, текинхўрликка қарши қаратилган.

**ОДАМАТО** – Куръонга кўра, Аллоҳ томонидан яратилган Ер юзидағи биринчи одам ва инсон зотининг отаси. Куръонга кўра, Аллоҳ О.ни лойдан ўзининг ердаги ўринбосари (халифа) сифатида яратиб, унга ўз руҳидан жон ато этган. О. Абулбашар (инсоният отаси) деб ҳам аталади. Исломда О. биринчи пайғамбар ҳисобла-

нади. О. жуфти ҳалоли Момохаво б-н жаннатда яшаб, уларга барча неъматлардан ейишга рухсат берилди, фақатгина бир дараҳтнинг мевасидан сийш тақиқланди (Аъроф сураси, 19–21-оятлар). Иблис О. б-н Момоҳавони алдаб, тақиқланган даражат мевасини елиради. Бунинг жазоси эвазига улар жаннатдан чиқарилиб, уларнинг авлодлари ерда яшашга ва меҳнат килишига маҳкум этилади.

**ОХИРАТ** (араб. – охириги кун, дунёнинг тугаш куни) – диний тушунча. О. хақидаги тасаввурлар барча динларга хос. Исломдаги О. ҳакидаги тасаввур ва ривоятлар яхудийлик, християнликдаги тасаввурларга ва баъзи Шарк ҳалқларининг диний ривоятларига қисман ўхшаб кетади. Куръонда О. кунида осмон ёрилиши, денгизлар тошини, инсонларнинг тирилиб ўрнидан туриши, сўрок қилиниши, гуноҳ ва савобнинг ўлчаниши, мархумларнинг жаннат ё дўзахга жўнатилиши тағсилотлари ва ш.к. кенг берилган.

**ПАЙГАМБАР** (форс. – хабар келтирувчи) – Аллоҳ б-н бандалари ўртасидаги элчи, Аллоҳнинг буйрук ва кўрсатмаларини вахий орқали қабул этиб, уларни ўз умматига тўла-тўқис етказувчи вакил. Куръони каримда кўйидаги 25 нафар П. номи зикр этилган: Одам, Идрис, Нуҳ, Худ, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зулкифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, Аляса, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Иса ва Мухаммад (а.с.). Пларнинг биринчиси Одам (а.с.), охиргиси Мухаммад (а.с.)

саналади. Плар ҳар қандай гуноҳлардан пок хисобланадилар.

**ПАНИСЛОМИЗМ** – 19-а. охирида бутун мусулмон оламини мустамлакачиларга карши курашда бирлаштириш тўғрисидаги ҳаракатга Россия ва Англия империялари, шунингдек, собиқ Иттифок, томонидан беришган сунъий ном. 19-а.да Курсавий, Маржоний, Аҳмад Дониш каби йирик уламолар ва маърифатпарварлар ислом динини ислоҳ килиш фикри б-н чиқиб, муайян дастурлар тузишган. Уларнинг бу фикрлари Бухорода айrim мутаассиб жамоаларнинг жиддий ҳаршишингизга учраган. Афғония маърифатпарвари, диний ва сиёсий арбоб Жамолиддин ал-Афғоний 19-а.нинг 70-йилларидан бошлаб бу қарашларни яхлитлаштириб, исломчилик назариясига асос солган. Кейинчалик уни ривожлантиришда Мухаммад Абду, Икром домла, Гаспринский, Фитрат, Беҳбудий, Абдурашид Иброҳимов, Мунавварқори каби сиймоларнинг муайян даражада хизматлари бўлганд. Совет Россияси ва собиқ Иттифок раҳбарияти П.га карши курашда худди туркчилик ва турончиликка нисбатан бўлганидек қатъий чоралар кўрган. Улар П. ва пантуркизмга жадидчилик ва босмачилик ҳаракатининг асосий мафкураси деб хисоблашган.

**ПАНТЕИЗМ** (юнон. – худо) – худо б-н табиат бир нарса, улар бир бутунни ташкил килади, деб хисобловчи диний ва фалсафий таълимот. П. атамасини Ж. Толанд киритган (1705). П. Уйғониш даври

натур фалсафаси ва Б. Спиноза («худо» ва «табиат» түшүнчалариши бир нарса деб билгән) ҳамда И. Г. Гердер, И. В. Гёте ва немис классик фалсафасига хос.

**ПАПАЛИК** – католик чөркови рахбарияти; Рим папаси томонидан бошкариладиган диний марказ. П. Рим епископлиги асосида вужудга келган. 5-ада Рим епископлари ўзларига «папа» номини қўйиб олиб, Рим императорларидан бошка епископларнинг ўзларига бўйсунниши тўғрисида фармон олишга муваффак бўлдилар. 8-ада Папа вилоятининг тузилиши папалар дунёвий ҳокимиятига асос солди. 2-жаҳон урушидан кейин, айниқса, 60-йиллардан бошлаб пана чөрковини ақидалар, маросимлар, ташкилотлар ва сиёсат соҳасида ҳозирги даврга мослаштирип йўлига ўтди.

**ПАПА**, Рим папаси (юон. - ота) – католик чөркови ва Ватикан давлати бошлиғи. Кардиналлар мажлиси томонидан умрбодга (1389 й.дан кардиналлар орасидан) сайланади.

**ПОЛИТЕИЗМ** – (юон. – кўп худо) – бир неча худога сифинувчи, бир неча худони эътироф этувчи дин ёки диний эътиқод, кўп худолилик.

**ПРОТЕСТАНТИЗМ** (лот. – норози бўлиш, келишмаслик) – христианликдаги З асосий оқимдан бири (католицизм ва православие б-н биргаликда). Асосчилари – М. Лютер, Ж. Кальвин, У. Цвингли, П. чөрков, секталар, кальвинчилик, лютеранлик, англикан чөрковлари, методистлар, баптистлар, адвентистлар, шунинг-

дек, кўпгина мустақил оқимларни бирлаштиради. Унга кўра, руҳонийларнинг инсон б-н худо ўртасидаги воситачилик роли инкор этилади. Руҳонийлар б-н оддий диндорлар фарқланмайди. Мураккаб чөрков иерархияси йўқ, тоат-ибодат соддалаштирилган, монахлар бўлмайди, руҳонийларнинг оила қуриши ман этилмайди.

**РАМАЗОН** (араб. – рўза ойи) – хижрий йил ҳисобининг 9 ойининг араб. номи. Ислом динида Р. ойида А.илюҳ Мухаммад (с.а.в.)га Қуръонни вахий қила бошлаган, деб талқин этилади. Шу сабабли Р. мукаддас ой ҳисобланади, бу ой давомида мусулмоиларга рўза тутиш буюрилади.

**РОЖДЕСТВО** (рус. – туғилиш) – Исо-нинг туғилиши байрами – христиан динининг асосий байрамларидан бири. Исо туғилган кун шарафига чөрков жорий этган. 25 декабрда (айрим мамлакатларда Юлий календари бўйича, бошқаларида Григорий календари бўйича) нишонлана-ди. Рус, болгар, серб ва бошка православ чөрковлари Юлий календаридан фойдаланади, бу календардаги 25 декабрь Григорий календаридаги 7 январга тўғри келади. Православ анъанасида 12 байрам жумласига киради.

**РЎЗА** (форс. кундузги иш) – исломдаги 5 та руҳн (мажбурият)дан бири. Руҳн тутиш вақти тонг ёришмасдан аввал бошланиб, кун ботишига қадар давом этади. Бу вақтда ейиш, ичиш, жинсий яқинлик килиш, номаъқул ишлардан тийилиш за-

рур. Р. даставвал Мұхаммад (с.а.в.) Мадинаға хижрат қилғанларидан 18 ой үтгач фарз қилинганд.

**САЙИД**, Сайд (араб. – қабила бошлиғи, жаноб, раҳбар) – Арабистонда жоҳилия даврида қабила зодагонлари вакили, бошлиғи. Аста-секин шиалар ташвиқоти таъсирида С. истилохи Мұхаммад (с.а.в.) авлюдиарига, Ҳусайн авлюдларига нисбатан кўлланиладиган бўлган. Улар мусулмон жамиятида имтиёзли ижтимоий табакани ташкил килиб, диндорлар орасида катта обрў-эътиборга эга бўлишган.

**САЛИБ ЮРИШЛАРИ** – 1096–1270 й.ларда Ғарбий Европа зодагонлари ва католик черкови томонидан Яқин Шарққа (Сурия, Фаластин, Шим. Африка) қилинганд босқинчилик урушлари. С. ю.нинг босқинчилик моҳияти диний шиорлар (ғайридин (мусулмонлар)ларга қарши кураш ва «худо қабри» ҳамда «муқаддас ер» (Фаластин)ни озод килиш) б-н никобланган. Салибчилар, одатда, кинимларига салиб (хоч) белгисини тикиб олишган (юришларнинг номи шундан).

**САХОБАЛАР** (араб. – ҳамроҳлар, дўстлар) – Мұхаммад (с.а.в.)нинг сафдошлари, у зот б-н мулокотда бўлган ёхуд ҳарбий юришларida қатнашган мўмин кишилар. Кейинчалик Мұхаммад (с.а.в.)ни лоақал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам қўрган барча кишилар сахоба деб атала бошлаган.

**СЕКТА** (лот. – таълимот, оқим, мактаб) – мазҳаб, маслак, асосий, хукмрон

диний йўналишдан ажралиб чиқкан гурух. Шунингдек, кўчма маънода ўз манфаатлари, фикрлари б-н чекланиб қолган, кўпчиликдан ажралган кишиларнинг тор гурухига нисбатан ҳам кўлланилади.

**СИНТОИЗМ, Шинтоизм, Синто** (японча синто, айнан – худолар йўли, худолар таълимоти) – Японияда тарқалган динлардан бири. 6–7-а.ларда вужудга келган. 1868–1945 й.ларда Япониянинг давлат дини бўлган. С. асосида табиатга ва аждодлар рухига сифиниш ётади. Унинг таълимотига кўра, одамлар қандайдир рухлар ёки худо (син ёки ками) лардан тарқалган. Олий худоси – Аматэрасу (куёш маъбудаси). С. таълимотининг асосини император ҳокимиятининг илоҳийлиги (императорга сўзсиз итоат этиш) тўғрисидаги ақида ташкил этади. Император Аматэрасунинг авлоди хисобланади. С. кўпхудоликка асосланган. С.да асосий эътибор Ер юзидағи хаётга каратилган, нариги дунё масалаларига кизиқиш кам. С. кейинчалик буддизм, конфуцийчилик ҳамда христианлик таъсирига учраши унинг нуфузи пасайишига олиб келди. Лекин, 20-а.нинг 50-й. ларидан С.га бўлган расмий муносабат яна ўзгариб, унинг япон давлатчилиги б-н боғлик удум, байрам ва анъаналари тиклана бошлади.

**СИОНИЗМ** (Куддусдаги Сион тепалиги номидан олинган; Библия ривоятларига кўра, бу ерда Довуд подшонинг қароргоҳи ва худо Яхванинг уйи бўл-

ган) – яхудийларни Фаластиңга келиши-ни рағбатлантириш ва у ерда яхудийлар давлатини тузиш орқали яхудийларнинг ўз-ўзини англашини тиклашга каратилган мафкура. 19-а. охирида вужудга келган. 1948 й.дан кейин Истроилни дунё миқёсида ҳар томонлама кўллаб-кувватлашга мўлжалланган. Социалистик ва либерал оқимлардан тортиб то шовинистик руҳда бўлган бир қанча оқимларни ўз ичига олади. Сионистик ташкилотлар 60 дан ортиқ мамлакатда иш олиб боради. Етакчиси – Жаҳон сионистлар ташкилоти (1897 й.да тузилган), қароргоҳи Истроил ва АҚШда.

**СПИРИТИЗМ** (лот. – жон, рух) – марҳумларнинг руҳи нариги дунёда яшашига ва у б-н кишилар (фол кўриш, арвоҳларни чақириш ва бошқа усуслар билан) мулоқотда бўлишига ишониш. Унинг келиб чиқиши кад. анимистик эътиқодларга, буддизм, хиндуийлик, юонон таълимотларига, уларнинг таъсирида баъзи ислом фирмаларида ҳам шаклланган тасаввурларга бориб тақалади. С.да руҳлар б-н маҳсус кишиларгина (сехргарлар, коҳинлар) боғлана олади деб ҳисобланган.

**СУННИЙЛИК** (араб. – сунна, яъни Мухаммад пайғамбарнинг сўzlари, амаллари, хатти-харакатларига амал қилувчи) ислом динидан Куръондан ташқари сунна(т)ни ҳам имон маибаи деб тан олуви чи мазҳаб. Жаҳондаги барча мусулмонларнинг тахм. 93 фоизи С.ка мансуб. С. бўйича Абу Ҳанифа (Имоми Лъзам)нинг

«ал-Фикҳ ал-акбар» асари энг нодир илмий мерос саналади.

**СХОЛАСТИКА** (юонон. – мактабга, олимга оид) – диний дунёқарашни назарий асослашга интилувчи диний фалсафа. Ўрта асрларда Ғарбий Европада тарақкий этган. У илохиёт ақида асосларини рационалистик методика ва формал мантик масалалари («масала ташлашиш») б-н боғлайди. С.нинг асосий мақсади – динни химоя қилиш. Схоластлар Платон, Аристотелнинг таълимотларини ўз максадларига мослаштириб, христиацлик ақидаларини асослаш йўлида талкин этишган. Кўчма маънода С. – ҳаётдан ажralиб колган, беҳуда, мавҳум фикр юритиш маъносида кўлланилади.

**ТАВРОТ** (қад. яхулийча – таълимот, конун) – иудаизм динининг муқаддас китоби. Т. 5 та китоб (Ибтидо, Чиқиши, Ловий, Сонлар, Иккинчи қонун)нинг умумий номи. Иудаизм ва ислом ақидаси бўйича, Т. Аллоҳнинг Мусога Жаброил орқали туширгаи китоби. Кўпинча у «Мусо қонунлари» деб ҳам аталади. Т. ёзувлари оғзаки тарзда мил. ав. 11–6-а.лар ўргасида шаклланган. 5-а.да Фаластиңда китоб шаклига келтирилган.

**ТАҚВОДОРЛИК** (араб. – сақланиш, худодан қўркиш) – барча динларда ўта диндорликни ифодаловчи тушунча. Куръон ва ҳадисларда Аллоҳдан қўркиш, дўзахдан сақланиш, парҳезкорлик ва бошқа мазмунларда келади. Динга жуда берилган, художўй, ўзини ҳаром ва шубҳалар

дан саклаб юрувчи одам тақводор деб аталган.

**ТЕИЗМ** (ионон. – худо) – худо оламдан ташкарида туради, оламни ўз иродаси б-н яраттан ва унда мавжуд бўлган мутлак шахс деб тушунувчи диний дунёкараш. Нариги дунёдаги худони тан олиш Т.ни пантеизмдан, худонинг доимий фаолтигини тан олиш эса десиздан фарқлантириб туради. Т. келиб чиқиши жиҳатидан ўзаро яқин бўлган иудаизм, христианлик ва ислом динлари учун хосдир. Т. атамасини дастлаб инглиз файласуфи Р. Кедворт (1617–88) кўллаган.

**ТЕОЗОГИЯ** (грек. – θεοζόγια – сўз, тушунча, фан) – худонинг моҳияти ва иродаси ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи. Худо шахсан ўзини вахий орқали кишиларга маълум килади деган концепцияга асосланади. Муқаддас китоблар ва муқалдаслаштирилиғи ёзувлар Т.нинг асосий манбалари ҳисобланади. Т. турли диний ўқув юртлари – семинариялар, академиялар, мадрасалар ва бошқаларда ўқитилади. Т. тушунчasi, аввало, иудаизм ва христианликка нисбатан кўлланган. Т. исломда илоҳиёт, калом атамалари б-н ҳам аталади.

**ТОТЕМИЗМ** (инг., Шим. Америкада яшайдиган индеецларнинг ожибве ва қабиласи тилида «унинг уруғи» маъносини англатади.) – ибтидоий диний эътиқодларнинг илк шаклларидан бири. У кишиларнинг маълум гурухи б-н ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турла-

ри (баъзан табиат ходисалари, жонсиз нарсалар) ўртасида ғайритабиий алоқа, қон-қариндошлик бор деган эътиқодга асосланади. Ҳайвонлар, ўсимликлар, жонсиз предметлар тотем ҳисобланган. Тотемлар (кўпинча ҳайвонлар) ов қилинмаган, ўлдирилмаган, гўшти ейилмаган, улар гўё кишиларнинг кудратли ҳимоячиси ҳисобланган. Қабила, уруғ ҳар бир аъзосининг ҳаёти ва фаровонлиги тотемга боғлиқ деб қаралган. Улар ўз тотемини қариндоши, акаси, отаси, дўсти деб ҳисоблаган. Ҳар бир қабила, уруғ ўз тотемининг номи б-н аталган. Тотемларни ўзининг ва мадрасаларнинг муайян кўринишида кўп халқларда, айникиса, Австралиядаги қабилаларда сакланаб колган.

**ФАНАТИЗМ** (лот. – асабийлашган, жазаваси тутган) – ўз лини ва эътиқодига ортиқ даражада ёпишиб олиб, бошқа ҳар кандай қарашларни рад этиш, ўтакетган мутаассиблик ва жохиллик.

**ФАРИШТА** (форс. – малак, хур, гильмон) – ислом ва баъзи динларда худонинг амрини бажарувчи ғайритабиий мавжудот. Ф. сон-саноқсиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажаради.

**ФАТАЛИЗМ** (лот. – тақдирга оид) – ҳамма воқеаларнинг азалдан белгилаб қўйилганлиги тўғрисидаги таълимот; мавхум тақдирга (анттик стоицизм), «пешонага ёзилган» тақдири азалга (ислом ва бошқа динлар) ва ш.к.га ишониш.

**ФАТВО** (араб. – тушунтириш, изоҳ) – шариат, дин қонун-қоидалари асоси-

юради, ҳар иили ҳаж қиласи, жума кунлари Макка, Мадина ва Куддус шаҳарларидаги масжидларда намоз ўқиши. Денгизда сузувчиларга ҳомийлик киласи, маҳсус дуолар б-н чакирилса, ёрдамга келади: сувга чўқаётганларни қуткаради, ёнгинни ўчиради, ўғрилар хуружидан, жишларнинг ҳийалаларидан, илон чакиншидан асрайди. Чол, сувори ёки йўловчи кўринишида пайдо бўлади, дехқон дала-сига ёки хирмонига назар ташласа, хосил баракали бўлади ва х.к.. Суфийлар Х.ни авлийлар цири сифатида эъзозлайди. Ислом анъанасида Х.нинг умри бокий деб талқин этилганига қарамай, мусулмон мамлакатларида Х.нинг бир канча қабри бор ва улар мусулмонларнинг зиёратгоҳларига айлантирилган.

**ХОЧ**, Крест, Салиб – христианлик нинг асосий тимсолларидан бири, православие ва католицизмда диний сифинишибуоми. Х.га сифиниш 4-ада расмийлашган. Христианлар ривояти бўйича, Исо Х.га михлаб ўлдирилган, шунга кўра, катл қуроли тасвири христианлик динини кабул қилиши белгиси сифатида диний тимсолга айланган. Протестантлизмда Х.га сифинилмайди.

**ХРИСТИАНЛИК** – жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Европа, Америка мамлакатларида, Австралияда, фаол миссионерлик ҳаракати натижасида Африка, Яқин Шарқда ва Узок Шаркнинг бир неча мунтақаларида кенг ёйилган. Жаҳонда бу динга тахм. 2 млрд. киши эътиқод қиласи. Х.нинг асосий ғояси

худо одам - Иисус Христос (Исо ма-сих) ҳақидаги ривоятлар б-н боғлиқ. Христианлик таълимотига кўра, худо ягона, лекин у муқаддас учлик (троица) да намоён бўлади. Исо келажакда тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун охират куни ерга қайтиб келади. Унинг ўғитларига, васиятларига амал килганлар, хаёт машақкатларига у каби бардош бергандаригина нариги дунёда ажр (мукофот)га эришадилар. Х.нинг ақидалари, эътиқод талаблари, хукуқий ва ахлоқий нормалари, чеклаш ва тақиқлари Библия ва бошка муқаддас китобларда ўз ифодасини топган. Христианлик 1-а.нинг 2-ярмида Рим империясининг шарқий қисмида яшовчи яхудийлар ўргасида пайдо бўлган. Илк Х.дастлаб иудаизмдан ажралиб чиқкан. Шарқ динларига хос айрим тасаввурлар ҳам унда ўз ифодасини топган. Христиан жамоаларининг ижтимоий таркиби вакт ўтиши б-н руҳонийлар (клир) ва оддий жамоа аъзолари (мирян)га бўлинган. Айрим жамоалар ўргасида ги алокаларининг мустаҳкамланиши епискош бошлиқ черковнинг таркиб топшишига олиб келди. Черков катта бойлик тўплаб, сиёсий кучга айланниб борган. Дастлаб христианларни таъкиб этган Рим императорлари кейинчалик Х. тарафдорлари бўлдилар. 4-ада христианлик Рим империясида мавжуд ижтимоий тузум ва унинг тартибларини ҳимоя қилувчи давлат динига айланди. Рим империясининг гарбий ва шарқий

# ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ ГЕРБИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ БАЙРОФИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг давлат маධияси

Абдулла Орнтое шеъри

## *Мұтала Бурғонов мусиқасы*

A musical score page showing two staves. The top staff is for the orchestra, featuring multiple woodwind parts (flute, oboe, bassoon) and strings. The bottom staff is for the piano. Measure 11 starts with a dynamic of  $\frac{4}{4}$  time. Measure 12 begins with a dynamic of  $\frac{2}{2}$  time. Various dynamics and performance instructions like "Sforzando" (sf), "fortissimo" (ff), and "pianissimo" (pp) are present throughout the measures.

Серкүш, хур ўлкам, элга баҳт, наҗот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшингай то абал илму фан, ижод,  
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Накарот;

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона рухи сенга ё!  
Улуг халқ кудрати жўш урган замон,  
Одамни маҳлиё айлаган диёр!

Багри көнт ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиклол машъали, тинчлик посбони,  
Хақсевар, она юрт, мангуд бўл обод!

## Нақарот:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодилар мардана рухи сенга ёр!  
Улуғ халқ курдати жүш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган дие!

# ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР



БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР  
ТАШКИЛОТИ



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ



European Bank

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА  
ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ



ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК  
ТАШКИЛОТИ



ЖАҲОН БАНКИ



ИНТЕРПОЛ



WIPO  
WORLD  
INTELLECTUAL PROPERTY  
ORGANIZATION

ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ



WORLD  
METEOROLOGICAL  
ORGANIZATION

ЖАХОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ



ЖАХОН САВДО  
ТАШКИЛОТИ



UPU UNIVERSAL  
POSTAL  
UNION

ЖАХОН ПОЧТА ИТТИФОҚИ



ЖАХОН СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ



ИСЛОМ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
ТАШКИЛОТИ



ИҚТИСОДИЙ  
ҲАМКОРЛИК ВА  
ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ



МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР  
ҲАМДЎСТЛИГИ



ШИМОЛИЙ АТЛАНТИКА  
ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (НАТО)



НЕФТНИ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ  
ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (ОПЕК)



ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА  
ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ  
ТАШКИЛОТИ




ХАЛҚАРО ФУТБОЛ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ



ХАЛҚАРО  
ВАЛЮТА  
ФОНДИ



ХАЛҚАРО МЕХНАТ  
ТАШКИЛОТИ



ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА  
ҚҮМИТАСИ



ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАШТИРИШ  
ТАШКИЛОТИ



**THE WORLD BANK**  
IBRD • IDA

ХАЛҚАРО ТИКЛANIШ ВА ТА-  
РАҚҚИЁТ БАНКИ



INTERNATIONAL COURT OF JUSTICE

ХАЛҚАРО СУД



ХАЛҚАРО ЭРКИН КАСАБА  
УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ



ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ВА  
ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ  
ХАРАКАТИ



ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК  
ТАШКИЛОТИ



ЮНЕСКО



ЮНИСЕФ



ЮНИДО

# ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ



“ОЛТИН ЙОЛДУЗ”  
МЕДАЛИ



“МУСТАҚИЛЛИК”  
ОРДЕНИ



“АМИР ТЕМУР”  
ОРДЕНИ



“ЖАЛОЛИДДИН  
МАНГУБЕРДИ” ОРДЕНИ



“БҮЮК ХИЗМАТЛАРИ  
УЧУН” ОРДЕНИ



“ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ”  
ОРДЕНИ



“ФИДОКОРОНА  
ХИЗМАТЛАРИ  
УЧУН” ОРДЕНИ



“МЕХНАТ ШУХРАТИ”  
ОРДЕНИ



“СОГЛОН АВЛОН  
УЧУН” ОРДЕНИ



“ШОН-ШАРАФ”  
ОРДЕНИ



“ДҮСТЛИК”  
ОРДЕНИ



“МАРДЛИК”  
ОРДЕНИ



“ЖАСОРАТ”  
МЕДАЛИ



“СОДИҚ  
ХИЗМАТЛАРИ  
УЧУН” МЕДАЛИ



“ШУХРАТ”  
МЕДАЛИ



“КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ”  
МЕДАЛИ



“НИҲОЛ”  
МУКОФОТИ



ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ  
ДАВЛАТ МУКОФОТИ

# СИЁСИЙ ПАРТИЯ ВА ҲАРАКАТЛАР



ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ



“АДОЛАТ” СОЦИАЛ-  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ



“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ”  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК  
ҲАРАКАТИ

кисмидаги ўзига хос тарихий тарақ-киёт X. черковини иккига: католицизм (империянинг ғарбий қисми) ва православизм (шарқий қисми) бўлинишига олиб келди. X.нинг бу бўлиниши 1054 й.да расман эътироф этилган бўлса-да, бироқ бу жараён 13-а.нинг бошларида тугалланган. 16-а.да *Реформация* на-тижасида Европадаги қатор черковлар католицизмдан ажralиб чиқиб, X.нинг учинчи асосий оқими – протестантизм юзага келди. 19-а.нинг охирида христиан черковларининг миссионерлик фаолияти кучайди.

**ХУДО** (форс.) – диний сифиниш ва эътиқод қилинганинг обьекти сифатида намоён бўладиган илохий куч; азалийлик ва абадийлик, яратувчилик тимсоли. Ҳар бир динда X. бутун оламни яратувчи сифатида эътироф этилади.

**ХУРОФОТ** (араб. – бидъат, ирим-сиримлар) – диний эътиқод, урф-одат, иримларни сохталашибуручи ижтимоий-психологик ҳодиса.

**ХУТБА** (араб. – ваъз, нутқ, панд-на-сихат) – жума ва ҳайит кунларида имом ҳатибининг суннатдан кейинги (фарздан олдинги) ваъзхонлиги, диний панд-на-сихати.

**ХЎЖА** (форс. – обрў-эътиборли киши; соҳиб; *савдогар*; мураббий) – фахрий ун-вон ва мурожаат шакли.

**ШАРИАТ** (араб. – остона ва сув ичиш жойи; тўғри йўл, ислом ҳукмлари, қонун-коидалари, қонунчилиги) – Аллоҳ таолонинг Каломи асосида жорий килган

ва шаклланган амалий ҳукмлар мажмуаси, ислом ҳуқуки тизими.

**ШАҲИД** (араб. – урушда ўлган, ўлдирилган; азият чекувчи) – исломда дин йўлида ҳалок бўлган шахс. Уларга қабр азобидан холи бўлиб жаннатга тушиш кафолатланган, шунинг учун Ш.лар дафн этилишидан олдин ювилмайди. Ватан учун ёки ҳакқошият йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган одам ҳам шахид ҳисобланади.

**ШИА** (араб. – гурух, фирмә, содиқ кишилар, эргашувчилар) – Мухаммад (с.а.в.) давридаги Қуръонни тан олиб, унга кейинчалик қўшилган диний ақидаларни, сунний халифаларни тан олмайдиган оқим, ислом динидаги мазхаб.

**ШИАЛИК** (араб. – гурух, тарафдорлар) – исломдаги 2 асосий йўналишдан бири. Ўзининг таркалиши ва тарафдорларининг микдори жиҳатидан суннийликдан кейинги ўринда туради. Жаҳондаги барча мусулмонларнинг тахм. 8 % и Ш.ка мансуб. Ш. 7-а. ўрталарида ислом жамоаси ичидаги олий ҳокимият масаласида пайдо бўлган ихтилоф натижасида вужудга келган. Шиа сўзининг тўлиқ шакли «шиъат Али» («Али партияси») бўлиб, бу ном Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларига эргалигандарга нисбатан берилган. 7-а. охирларига келиб Ироқ ва Эронда кенг таркалган ва исломдаги мустақил йўналишга айланган. Ш. аввал факат сиёсий ҳаракат сифатида шаклланган бўлса-да, кейинчалик ақидавий ва фиккий масалаларда турли ўзига хос жиҳатлар

пайдо бўлди. Ш. тарафдорлари (шиалар) суннийлар каби Куръонни илохий деб эътироф этади, лекин уларнинг айрим ўта реакцион руҳдаги вакиллари халифалар даврида Куръоннинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайди. Ш.да Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиияти тан олинади. 874–878 й.лар орасида 7–9 ёшида бедарак йўқолган 12-имом Мұҳаммад ал-Маҳдийни шиалар «яширинган» ҳисоблайди, замона охир бўлгандага унинг кайтиб келишини ва адолат ўриятишини кутади (имоми Маҳдий, имоми охирзмон).

**ШИРК** (араб. – бирга қатнашиш, шериклик; Аллоҳпинг шериги бор деб билиш, кўпхудолилик) – исломга кўра, Аллоҳдан бошқа «илоҳ»ларга, шунингдек, бутлар ва одамларга сиғиниш катта гуноҳ, куфр ҳисобланади. Аллоҳдан ўзгага топинувчилар мушриkdirлар. Куръонга кўра, Ш. кечирилмайдиган гуноҳ ҳисобланади. Истеъмолда кофирни мушприк, мұяприкии кофир, деб атаб келинади.

**ШОМОНЛИК, Шаманлик** (эвенк тилида шаман – жазавага тушиш) – ибтидоий диний эътиқод шаклларидан бири. Ёвуз ва эзгу руҳларга, уларнинг инсон ҳәтига таъсир кўрсатишига ипониш Ш.нинг асосини ташкил этади. Ш.да унинг руҳонийлари – шомонлар руҳлар б-н алоқа боғлай оладиган, бўлажак воқеаларни олдиндан айтиб бера оладиган шахслар деб, уларга сиғинилади.

Максус кийим кийган, чилдирма ушлаган ва бошқа турли нарсалар тақсан шомоннинг халқ ўртасида ракс тушиб ва жазавага кириб, руҳлар б-н «алоқа боғлаши» ҳамда улардан маълум йўл-йўриқ олиши Ш.нинг асосий маросими ҳисобланади. Бу диний эътиқодда оддий диндорларга белгиланган кенг маросимчилик белгилари ва ибодатхоналар йўқ. Шомонларга беморлар ўзларини даволаш максадида мурожаат қилиб турадилар.

**ЯССАВИЙЛИК** – тасаввудаги тариқатлардан бири. Асосчиси Аҳмад Яссавий. 12-а.да Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Я. таълимотига кўра, комил муршид (шайх)нинг зиммасидаги биринчи вазифа олий инсоний сифатларни ўзида мужассам этиш, шариат илмини мукаммал эгаллаб, сўнг муридларни ортидан эргаштиришга эришишлир. Яссавийликка кўра, мурид қўйилдаги талабларга риоя килиши зарур: бирор кишини ўз муршидидан устун қўймаслиги ва унга мутлак эҳтиром б-н боғланипи; зикр ва идрок соҳиби бўлиши, устозининг рамзи ва ишоратларини осон илғаши; сўзда тўғри, ваъдага вафодор бўлиши; устозининг амр, таклиф, ваъз ва насиҳатларини назардан сокит этмай камолга интилиши. Ҳазинийнинг «Жавоҳир ул-аброр» асарида Я.нинг асослари қўйидагича қайд қилинган: тавҳидга асосланган тасаввуйий тушунчалар; шариат ва пайгамбарнинг суннатига мутлак боғлиқлик; шариатга таянган тариқат; риёзат ва мушоҳада; хилват ва зикр. Я.да илм-маърифат

эгаллаш, химмат ва саҳоват туйғуларини камол топтириш, нафса қарши курашда сабит бўлиш, ҳалол меҳнат б-н ризқ то-нишга алоҳида аҳамият берилган. Я. зикри жаҳрийга асосланилган. Тасаввуф таълимотига кўра, инсоннинг асл ватани мутлак борлиқ. Инсон шу борлиқда пайдо бўлган, ўша муқаддас борлиқка қайтмоғи муқаррар. Шу боис ҳақиқий суфий ватан ва ватанпарварлик борасида тор тушунчага берилмаслиги керак. Я. кўплаб олим, шоир ва давлат арабблари қалбини забт айлаган. У факат Мовароннаҳрда эмас, балки Хуросон, Озарбайжон, Туркияда ҳам кенг тарқалган.

**ҚАБРИСТОН**, Мозор – мархумлар дағи этиладиган маҳсус жой. Қ. турлари ва уларни муҳофаза килиш тартиби дағи маросими, муайян ҳалқ, дин, мазхаб, ижтимоий гурӯҳ ва бошқалар, шунингдек, ҳокимият органлари томонидан ўрнатилган маъмурий ва санитария нормалари б-н белгиланади. Мархумни дағи этиш учун тайёрланган маҳсус ўрин қабр, гўр дейилади.

**ҚАЛАНДАРЛИК** – Суфийлик – зоҳидлик харакати. Маломатийлар зоҳидлик мактабининг ғоялари таъсирида юзага келган. Кейинчалик дарбадар-гадо дарвишлар биродарлиги (тарикати) ҳам қаландария деб атаглан. Қаландария Хуросонда ва Ўрта Осиёда 11-а. бошларида юзага келиб, дастлаб аниқ ташкилий тузилмага эга бўлмай, тарафдорлари кам эди. Кейинчалик оммалашиб, Шарқда Фарғонадан тортиб, Ғарбда Ироқ ва

Шом (Сурия)га қадар кенг тарқалган. Накибандия, яссавийлик, кубровийлик Қ.нинг машҳур сулуклари хисобланган. Қ. сулукларининг таъсири Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айrim мамлакатларида ҳозир ҳам сезилади. Қаландар – тарки дунё қилган, суфий; тасаввуф йўлига кириб, дарбадарлик ва хайр-эҳсон б-н кун кечирувчи киши. Улар муайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг таълимотини тарғиб этган, ўз муршиди (шайх, эшон ёки пир)нинг кўрсатмаларини бажариши шарт хисобланган.

**ҚУРЬОН** (араб. – ўқимок, кироат қилмок) – мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Қ. ваҳий орқали Мухаммад (с.а.в.)га 610–632 й.лар давомида нозил килинган Аллоҳнинг каломи (Каломуллоҳ). Қ.нинг нозил қилиниши ислом акидаси бўйича рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси юз берган. Шунинг учун ҳам бу ой муқаддас хисобланиб, рўза тутилган куннинг 27-кечаси лайлатул-қадр, яъни қадрли, илоҳий қудрат намоён бўладиган, бандаларнинг бир йиллик тақдирни ҳал килинадиган (қадр – тақдир, ўлчов) табарруқ кеча деб улуғланади. Қ.нинг бўлимлари сурә дейилади, уни шартли равишда боб б-н таққослаш мумкин. Ҳар сурә оятларга бўлинган. Қ. 114 сурә, 6236 оятдан иборат. Ҳар бир суранинг ўз номи бор. Оятлар эса тарғиб раками б-н берилган. Сураларнинг номлари унинг бошида келган сўздан олинган ёки зикри кўпроқ келган нарсалар,

вокеалар ёхуд асосий қаҳрамон номи б-н аталган.

**ҲАДИС** (араб. – хабар, гап, янгилик) – Мұхаммад (с.а.в.) айтган сўзлари, килган ишлари, икрорлари тўғрисидаги ривоят. Ислом динида Куръондан кейин 2-манба хисобланади. Ҳ. 2 қисмдан иборат бўла-

ди: матн ва иснод. Ҳ. 2 турга – Ҳ.и кудсий (маъноси Аллоҳ таолонники, айтилиши Расулуллоҳ томонидан бўлган Ҳ.лар) ва Ҳ.и набавийга бўлинади. Ҳ.лар эътиборга олинниши жиҳатидан З қисмга бўлинади: сахих (ишончли); ҳасан (яхши) ва заиф.

# ИЛМ-ФАН СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АГРАР** (лот. – дала) – ерга, ердан фойдаланишга, унга эгалик килишга оид, саноатга нисбатан қишлоқ хўжалик ишилаб чиқариини асосий ўринда туришини ифодаловчи сўз.

**АКАДЕМИЗМ** – илмий-тадқиқот муассасалари ва ўкув юртларида куруқ назарияга берилиб кетиш, ҳаётдан, амалиётдан узилиб қолиш, куруқ назариябозлик ҳисобланади.

**АКАДЕМИК** – айрим мамлакатларда юксак илмий унвон. Ўзбекистон Республикасида ФА ва БАда А.лар сайланади. А.лик унвони Ўзбекистон Республикаси ФА, Ўзбекистон Республикаси БА ва б. илмий ҳамда ўкув муассасаларининг олим ва ижодкорлари, шуннингдек, айрим шахсларга берилади. Ўзбекистон Республикаси ФАда А.лар – илм фанни жаҳон андозалари талаблари даражасида юксак илмий аҳамиятга эга бўлган илмий ишлар б-н бойитган, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган мактаб яратган, илмий ютуқлари мамлакатнинг интеллектуал ва иқти-

содий салоҳиятини ривожлантириш ва кучайтиришга жавоб берадиган, ёши 65 дан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган фан докторларидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси БАда акад.лар миллый, тасвирий, амалий санъат, дизайн, санъатшунослик соҳаларини йирик асрлари б-н бойитган ва ўз ижоди, илмий, педагогик фаолияти б-н соҳа тараққиёти учун улкан ҳисса қўшаётган, ўзбек маданияти ва санъатининг келажаги учун муносиб, юкори малакали мутахассислар тайёрлашда катта ютуқларга эришган, ёши 65 дан ошмаган ижодкорлардан сайланади.

**АЛОГИЗМ** (юнон. – мантиққа зид) – илмий билишда мантикий фикрлашнинг ролини инкор этадиган оқим. А. тарафдорлари табиат ва ижтимоий ҳаётнинг тараққиёти хеч қандай қонуният, тартиб ва заруриятга боғлиқ эмас, уларда тартибсизлик хукмрон, деган назарияни олға сурадилар. А. интуиция, ишонч, ақидаларни мантиққа қарама-қарши кўяди.

**АНАЛИЗ ВА СИНТЕЗ** [юн. (анализ) ажратиш, (синтез) бирлаштириш] – кишилар дүнёни билиш жараёнида ишлата-диган, ўзаро чамбарчас боғланган текшириш усуллари. Анализ фикран ёки амалда нарса ва ҳодисани таркибий бўлакларга бўлиш, синтез эса мазкур бўлакларни фикран ёки амалда бир бутун қилиб бирлаштириш, нарсанни яхлит ҳолда тадкиқ этишdir.

**АНАЛОГИЯ** (юонон. - мувофиклик, айнанлик, ўхшашлик) – фалсафада предмет ва ҳодисаларда бирор хусусиятнинг ўхшалиги. Ҳукуқда бирор тайин ҳаракат конунда бевосита кўрсатилмаган ҳолда шунга ўхшаш ҳодисани кўзда тутадиган ҳукуқий нормани мазкур ҳаракатга татбиқ этиш. Ҳукуқнинг айрим тармоқларида, жумладан, фуқаролик ҳукуқида бирор хил даъво тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, суд шунга ўхшаш муносабатларни кўзда тутадиган бошқа конунни кўллайди.

**АННОТАЦИЯ** (лот. – муроҳаза, қайд, эслатма) -- китоб, мақола ва ш.к.нинг мазмуни, аҳамияти ҳақида кисқача маълумот, кисқача таъриф. Китоб, мақола, кўлёзма мундарижасини, ғоявий-сиёсий йўналишини ва бошқа жиҳатларини очиб беради. А.ни, мас., китобнинг ўзида, библиографик кўрсаткичларда ва кутубхона кагалогларида учратиш мумкин. Унинг вазифаси ўкувчиларда муайян китоб, мақола, кўлёзма тўғрисида умумий тасаввур тугдириш ва уларга адабиётлар танланшида ёрдам кўрсатишdir.

**АНТИПАТИЯ** – бирон-бир кимсани ёхуд нарсани хуш кўрмаслиқ, ёктираслик, ёмон кўриш, унга нисбатан совук муносабатда бўлиш.

**АНТИТЕЗИС** (юонон. – тезисга зид) – мантиқда, хусусан, исботлаш назариясида дастлабки асосий фикрга зид баён килинган мулоҳаза. Унда тескари фикр тўғри леб фараз қилинади ва исботлашда кўлланилади.

**АНТРОПОГЕНЕЗ** (юонон. – одам пайдо бўлиши) – инсон жисмоний қиёфасининг шакланиши, меҳнат фаолияти, тили, шунингдек, жамиятнинг дастлабки ривожланиш жараёни.

**АПАТИЯ** (юонон. лоқайдлик, қизиқишининг йўқолиши, хиссизлик) – инсоннинг теварак-агрофдаги воеа ва ҳодисаларга лоқайл бўлиб қолиш ҳолати, ташки муҳитга қизиқмай, бутунлай бепарво бўлиб қолиш б-и ифодаланадиган касаллик.

**АРГУМЕНТ** – бирон-бир мулоҳаза (концепция, назария)нинг ҳақиқатлигини (ростлигини) тасдиқлаш учун келтириладиган мулоҳаза (ёки мулоҳазалар мажмуи), далил, шунингдек, мантиқда исботнинг асоси.

**АСПЕКТ** (лот. – нуқтаи назар, кўриниш) – нарса-ҳодиса, тушунча ва ш.к.нинг ўрганилишига асос бўладиган нуқтаи назар.

**АФФЕКТ** (лот. – руҳий ҳаяжон, эхтирос) – турли ташки ёки ички таъсирлар асосида тез пайдо бўлиб, киска муддатли, аксарият ҳолларда «портлаш» тарзи-

да бўладиган кучли ифодаланадиган хиссий ҳолат (кўрқинч, даҳшат, газаб ва б.). А. тушкунлик, танг вазиятларда юзага келади.

**ВУНДЕРКИНД** (нем. – ажойиб бола) – зўр ва фавқулодда ноёб қобилиятларини, фаолиятнинг бирор турига лаёкатини барвақт намоён этувчи бола. «В.» сўзи кинояли маънода ҳам ишлатилади.

**ГАЛАКТИКА** (юон. – сутли, сутсимон) – Қуёшни ва Қуёш системасидаги бошқа сайёralарни ўз ичига олган, ўзаро умумий тортишиш кучи б-н боғланган 200 миллиарддан ортиқ юлдузларнинг улкан гравитацион системаси, Сомон йўли.

**ГЕНЕАЛОГИЯ** (юон. – шажара) – ёрдамчи тарих фанларидаи бири (17-18-а. ларда вужудга келган). Билимларнинг амалий соҳаси, шажаралар тузиш. Уруғ ва оиласаларнинг келиб чиқиши, айrim шахслар тарихи ва кариндошлик алоқаларини ўрганади.

**ГЕНИЙ**. Ўта истеъодди – ижодий истеъоддининг энг юкори даражаси, улкан талант, шундай хусусиятли шахс. Рим мифологиясида дастлаб маъбуд, ургунинг бобокалони, кейинчалик эркаклик худоси, эркак ботиний кучи ва қобилиятларининг мужассами. Ҳар бир эркак ўз Г.сига эга, деб хисобланган. Г. эркак феъл-атворини шакллантирадиган, уни умр давомида муҳофаза қиласиган эзгу куч саналган. Римликлар Г. тимсолида оила, жамият, шаҳар ва бутун Рим ҳалқининг хомийларини ҳам эъзозлаганлар.

**ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ** – табиат ва инсоният оламидаги оламшумул улкан ютуклар, ноёб ходисалар ва гаройиб воқеалар ҳақидаги ҳарблардан иборат бўлган маълумотнома нашр. 1955 й.дан бери инглиз нашриёти «Гиннес набишинг лимитед» (Guinness Publishing) томонидан ҳар йили (1957, 1959 й.дан ташқари) нашр этиб келинади. 1990 й.гача 37 тилда (шу жумладан, рус тилида ҳам) 264 марта, (умумий адади 65 млн. нусхадан зиёд) нашр этилган.

**ГЕОИҚТИСОДИЁТ** – давлатнинг ҳалқаро майдонда иқтисодий стратегия ва тактикасини шакллантирадиган амалий фаолиятини ўрганадиган фан тармоғи. Геосиёсат б-н узвий боғлиқ, Г. аник бир шароитларда сиёсий, географик, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва бошқа омиллар уйгунилигини таҳлил қилиш орқали ҳалқнинг турмуш даражаси, мамлакатнинг ишлаб чиқарши потенциали, стратегик захиралар, бошқа давлатлар б-н иқтисодий алоқалар каби иқтисодий омилларни устувор ўрганади. Шунингдек, демографик ва экологик омилларни тадкиқ этиш ҳам Г. фани предметига киради.

**ГИПОТЕЗА** (юон. – асос, таҳмин) – ҳодисаларнинг қонуний (сабабли) боғланниши тўғрисидаги таҳминий мулоҳаза, фараз. Г. илмий билишни ривожлантириш учун асос бўлади. Г.нинг мантикий жиҳатдан таҳлил қилиш (такқослаш, анализ ва синтез, мавҳумлаштириш ва умумийлаштириш) асосида бевосита билимга ўтиш, сабабий боғланиш асосида

конуниятларни очиш каби боскичлари бор.

**ГРАНТ** – мақсадли воситалар; *корхона*, ташкилот ва шахсларга *пул* ва натура кўринишида и. т. ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари, ўқиш, даволаниш ва бошқалар учун берилади. Одатда, Г. соҳиблари муайян соҳадаги иш учун танлов эълон қилиш йўли б-н аникланади.

**ДАЛЬТОНИЗМ** (инглиз олими Ж. Дальтон номидан) – рангларни ажратса олмаслик касаллиги. Инглиз олими Ж. Дальтон шу касалликка чалиниб, уни тасвирлаб берган, касаллик номи ҳам шундан келиб чиқкан.

**ДАКТИЛОЛОГИЯ** (юонон. – бармоқ фани) – нутқ шакли; ўзига хос тарзда қўл бармоқлари ёрдамида гаплашиш. Муайян алифбодаги ҳар бир «ҳарф»ни ифодалаш учун бармоқларга турлича шакл берилади. Бунда бир ёки иккала қўл бармоқларидан фойдаланиш мумкин (асосан, ўнг қўл бармоқларидан фойдаланилади). Д. кар, кар-соқовларнинг осон ва тез сўзлашувига имкон беради.

**ДАРВИНИЗМ** – органик дунёning тарихи, ривожланиши тўғрисидаги Ч. Дарвин асос солган илмий дунёқараш. Дарвин кўрсатишича, ирсий ўзгарувчанлик ва табиий танланиш эволюциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари ҳисобланади. Ўзгарувчанлик организмлар тузилиши ва функциясида янги белгиларнинг хосил бўлишидан иборат. Ирсият орқали бу белгилар наслдан наслга ўтади. Яшаш учун кураш туфайли муҳит шароитига

энг яхши мослашган белгига эга бўлган индивидлар яшаб, насл қолдиради, яъни табиий танланиш юз беради. Табиий танланиш натижасида янги турлар пайдо бўлади. Шунинг б-н бирга организмларнинг ташки муҳитга мосланиши нисбий хусусиятга эга.

**ДИАСПОРА** – зўрлаб, мажбурлаб кўчириш, геноцид хавфи ва бошқа ижтиёмий-тариҳий, диний сабабларга кўра ўз ватанидан бошқа мамлакатда яшовчи этник гурух.

**ДАҲО** – фавқулодца кучли ақл, хотира ва ижодий истеъдод; билим савияси, дунёка-расига кўра ўз даври даражасидан илгари кетган шахс. Д.лар фан-техника, маданият, хусусан, бадий ижодиёт соҳасида муайян миллат, давлат миқёсида эмас, балки умумбашар, жаҳон миқёсидаги муҳим кашфиётлар килишга, илмий, бадий асарлар яратишга кодир бўлади.

**ДЕМОГРАФИЯ** (юонон. – ҳалқ, ёзаман) – аҳолишунослик, бирор ҳудуд, мамлакат, бирдан ортиқ мамлакат ёки дунё аҳолиси ўзгаришлари (сони, географик тақсимланиши, таркиби, ўлиш, тутилиш жараёнлари)ни ўрганувчи фан тармоги. Унинг мақсади муайян ҳудуд, мамлакат, дунё аҳолиси ва миллатнинг тақрор барпо бўлиши жараёни ва омилларини ўрганиш, муаммоларни белгилаб, ечимларни аниклаш ва истиқболини кўрсатиб беришдан иборат. Д. термиини 1855 й.да француз олими А. Гийар қўллаган. 1882 й.да Халқаро гигиена ва Д. конгрессининг Женева сессиясида расмий қабул қилинган. Ўз-

бекистонда, асосан, 1960 й.лардан кўлланила бошлади.

**ДИЛЛЕКТИКА** (юонон. – сұхбат олиб бориш, баҳслашиш саңъати) – борликнинг вужудга келиши, унинг тараққиёти ҳақидаги фалсафий таълимот ҳамда воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур услуги. Д. сўзи илк бор Сократ (Суқрот) томонидан кўлланилган.

**ДИЛЕММА** (юонон. – икки асос, ҳукм) – мантикда шартли 2 ҳукмдан ва 2 ҳадли бир ҳукмдан чиқарилган хulosса, бунда иккала ҳад ҳам ё шартли ҳукмларнинг сабаблари (конструктив Д.), ёки улардан чиқарилган хulosаларнинг инкори (деструктив Д.) демакдир; кўчма маънода ноҳуш имкониятдан бирини танлаб олишга мажбур бўлишни англатади.

**ДИССЕРТАЦИЯ** (лот. - тадқиқот, мулоҳаза) – илмий даража олиш учун тақдим этилган ва жамоатчилик олдида якка тартибда ҳимоя қилинадиган илмий асар. Уни ҳимоя қилиш дастлаб ўрга асрларда немис тилида сўзлашадиган мамлакатларда пайдо бўлган. 16–17-а.ларда бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошлаган. Ўзбекистонда 1934 й.дан фан номзоди ва фан д-р илмий даражасини олиш учун Д. ҳимоя қилиш жорий этила бошлади.

**ДУАЛИЗМ** (лот. – икки ёқула) – бир-бiri б-н бирлаштириб бўлмайдиган ҳолатлар, тамойиллар, фикрлаш тарзи, дунёқараш, интилиш ва гносеологик тамойиллар ёнма-ён мавжудлигини тарғиб қилувчи таълимот. Д. куйидаги жуфт туппунчаларни ифодалайди: ғоялар дунёси ва воеий

лунё (Платон), худо ва иблис (яхшилик ва ёмонлик тамойили), худо ва дунё, рух ва материя, табиат ва рух, жон ва тан, объект ва субъект, билим ва эътиқод, у дунё ва бу дунё, табиат салтанати ва илоҳий марҳамат салтанати ва бошқалар.

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ** – янги билимларни ишлаб чиқиш жарабёни, билиш фаолияти турларидан бири. У ҳамма шартларга амал килиб такрорланганда ҳамиша бирдек натижা бериши, баҳс этиластїган масалани исботлаши лозим. И. т. бир-бири б-н боғланган икки қисм – тажриба ва назвариядан иборат. И. т.нинг асосий компонентлари: мавзуни белгилаш, мавжуд ахборотни, тадқиқот соҳасидаги шарт-шарроит ва методларни, илмий фаразларни олдиндан таҳлил этиш, тажриба ўтказиши, олинган натижаларни таҳлил этиш ва умумлантириш, келиб чиқсан фаразларни олинган далиллар асосида тескириш, янги факт ва конунжаларни ифодалаб бериш, илмий башорат юритиши.

**ИНСТИНКТ** – тирик организмларнинг ташки ва ички мухит таъсиirlарига нисбатан онгсиз равишда, аммо туғма максадли харакатлари йигиндиси, бир-бирига боғлиқ бўлган туғма рефлекслар.

**ИНТЕЛЛЕКТ** (лот. – билиш, тушуниш, идрок қилиш) – инсоннинг аклий қобилияти; ҳаётни, атроф-мухитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш,

вокеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати. И. таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш, сўзлаш ва ҳ.к. психик жараёнлар киради.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК** – ижодий аклий фаолият маҳсали. Ихтирочилик ва муаллифлик обьекти хукуки мажмуига кирувчи, фан, адабиёт, санъат ва ишилаб чиқарши соҳасида ижодий фаолиятнинг бошқа турлари, адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан, овоз ёзиш, радио, телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиrolар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, компьютерлар учун дастурлар, маълумотлар базаси, ноу-хаунинг эксперт тизимлари, товар белгилари, фирма атамалари ва бошқа аклий мулк обьектларига киради.

**ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ** (лот. – тушунувчи, билувчи) – фан, техника ва маданият соҳасида маҳсус билимга эга бўлган, тушунувчи, бирон соҳада аклий меҳнат б-н банд бўлган кишилардан иборат гурӯхни – зиёлиларни ифодаловчи тушунчадир.

**ИНТУИЦИЯ** (лот. – синчиклаб қарайман) – ҳақиқатни далил б-н исботла масдан, бевосита фаҳм-фаросат б-н англий мушоҳада ва бопиқа сезги образларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тушунчадан олдин келадиган интуитив сезиш), аклий (ҳодисаларнинг моҳиятини бирданига акл б-н илғаб олиш), мистик (илоҳий кудрат б-н мулокот жараёнида вужудга

келадиган мутлақо онгсиз илоҳий илҳом) турлари мавжуд.

**ИНЬИКОС** – объектларнинг ўзаро таъсири натижасида модда, энергия ва ахборот алмашини жараёни.

**КАРТА** (латин, юн. – папирус барги, қоғоз) – Ер сатҳининг, бошқа осмон жисмлари ёки осмон гумбазининг қоғоз, таҳта каби текисликка чизилган шартли тасвири, харита.

**КАТАЛОГ** (юнон. – рўйхат) – муайян нарсалар (мас., китоб, экспонат, товарлар)нинг маълум тартибда тузилган рўйхати (уларни топишни осонлаштиради). Кўргазмалар, илмий-техника ёки маданий-маърифий ишлар учун мўлжалланган маълумотнома иашрларда мавжуд нарсаларнинг(баъзан безакли) шу тарзда тартибга солинган рўйхати бўлади.

**КАТЕГОРИЯЛАР** (юнон. – мулоҳаза, фикр; белги) – фалсафада воқеликдаги ҳодисалар ва билишнинг мухим, умумий хусусият ҳамда муносабатларини акс эттирувчи энг умумий ва асосий тушунчалар.

**КВАЛИФИКАЦИЯ** (лот. – қандай сифатли курмок) – муайян нарса, вокеа-ҳодиса сифатини аниқлаш, баҳолаш, уни маълум тоифа, гурухга киритиш.

**КЛОН** (юнон. – шоҳ, новда, бачки) – бир ўсимлик ёки ҳайвон организмидан жинсиз ёки вегетатив кўпайиш йўли б-н пайдо бўлган индивидлар насли. Немис олими Веббер К. сўзини биринчи бўлиб таърифлаб берди (1903). К. ҳайвонот оламида – микроорганизмлар, ҳашаротларда,

ўсимликлар оламида мевали дараҳтлар, ток, ниёз ва бошқаларда учрайди.

**КОНФЕРЕНЦИЯ** (лот. – бир жойга йиғилиш, тўпланиш) – бирон масалани муҳокама қилиш, ҳал этиш учун хукумат, партия, ижтимоий, илмий ва бошқа ташкилотлар вакилларининг муайян масаланинг муҳокамаси ва счимига қаратилган мажлиси, йигилиши.

**КОНЦЕПЦИЯ** (лот. – мажмуа, тизим) – бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назар.

**КРИПТОГРАФИЯ** (юон. – маҳфий, яширин ёзув) – матнни бегона, бехабар кишилар тущунмаслиги учун ёзувни ўзгартириш тизими, бунда олдиндан келишилган воситалардан – белгилардан фойдаланилади. К. дипломатик, ҳарбий, савдо-сотиқ ва молияга оид ҳамда диний ва бошқа матнларни шифрлаш учун исплатилади.

**МАТЕРИАЛИЗМ** (франц. – моддий) – материянинг, объектив борлиқнинг бирламчилигини, уларнинг кишилар иродаси, онгти ва руҳига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини, рух, онгнинг эса иккиламчилигини, объектив борлиқ ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини таъкидлашга асосланган фалсафий йўналиш, оқим. Борлиқка, ҳаётга реал, моддий нуқтаи назардан ёндашиш.

**МОНОГРАФИЯ** (юон. – битта чизаман) – муайян мавзу ёки муаммони, бирор олим ёки ёзувчи ҳаёти ва фаолиятини

атрофлича, чукур тадқик этувчи илмий асар. М да ёритилаётган масала бўйича мавжуд адабиёт умумлаштирилади ва таҳлил этилади, фанни ривожлантиришда ёрдам берадиган фараз ва хуласалар илгари сурилади.

**НЕГАТИВ** (лот. – манғий, салбий) – оқ ўрнига қора, қора ўрнига оқ туширилган фототасвир, шунингдек, тескари, акс мазмундаги маълумот, хабар, гап-сўз.

**НОБЕЛЬ МУКОФОТИ** – ҳар йили буюк ишлар учун бериладиган ҳалқаро мукофот. Таъсис этувчиси Альфред Бернхард Нобелнинг васиятига кўра, ундан кейин колган маблағ асосида Нобель жамғармаси ташкил этилди; шу жамғармага ҳар йили келиб тушадиган даромад 5 қисмга тенг бўлинниб, ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадиий асарлар, ҳалқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берилади (1968 й.да Швеция давлат банки ўзининг 300 й.лиги муносабати б-н иқтисод фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган кўнишмча Н. м.ни таъсис этган). Н. м. Альфред Нобель тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва миқдори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ (одатда, 30 мингдан 70 минг долларгача) бўлган маблағдан иборат. Альфред Нобелнинг васиятига кўра, мукофотни бериш вазифаси Стокгольмдаги Қироллик ФАга (физика, кимё, иқтисод фанлари бўйича), Стокгольмдаги Қироллик

тиббиёт-жаррохлик ин-тига (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция академиясига (бадиий асрлар бўйича) топширилган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Н. мли Норвегия парламентининг Нобель комитети аъзолари беради. Тинчлик мукофотидан ташкари ҳамма мукофотлар факат индивидуал тарзда берилади. Вафот этганларга Н. м. берилмайди. Мукофотни топшириш тантанаси Стокгольм ва Ослода Альфред Нобель вафот этган кун (10 декабрь)да ўтказилади. Биринчи мукофот 1901 й. топширилган.

**НОВАТОР** (лот. – янгиловчи, янгилик яратувчи) – кишилик фаолиятининг бирон соҳасида янгича илғор принцип, ғоя, усул киритувчи ва уни амалга оширувчи.

**ОБЪЕКТИВИЗМ** (лот. – нарса) – дунё-қарашдаги, ижтимоий фанлардаги, адабиёт ва санъатдаги йўналиш. Субъектизмнинг акси. Воқеликни тўғри билиш ижтимоий ҳодисаларни синфий таҳлил этишини рад килади. Унга кўра, илмийлик партиявийликдан ва синфийликдан холи бўлмоғи лозим; кадриятлар ва максадларни ижтимоий-танқидий баҳолашдан, мушоҳадалашдан сақланиш, фалсафий ва ахлоқий масалалардан, айникса, партияларнинг хуносаларидан чистда туриш йўли билангина объектив билимга эга бўлиш мумкин.

**ОППОНЕНТ** (лот. – эътиroz билдирувчи) – очик сұхбат ёки баҳс-мунозарада зарши тараф, диссертация ёки маъruzani

танқидий баҳолай оладиган, таҳлил қила биладиган маърузачи ёки диссертантга эътиroz билдира оладиган шахс.

**ПАРАДОКС** (юнон. – кутилмаган, галати) – кўпчилик томонидан қабул килинган анъанавий фикр, тажрибага ўз мазмун ва шакли б-н кескин зид бўлган кутилмаган фикр, мулоҳаза. Ҳар қандай П. «шубҳасиз тўғри» (асослими, асоссизми, бундан катъи назар) хисобланган, у ёки бу фикрни инкор этишдек кўринади. П. терминининг ўзи ҳам дастлаб антик фалсафада ҳар қандай галати, оригинал фикрни ифодалаш учун ишлатилган.

**ПЕРСПЕКТИВА** (франц. – аник кўраман) – келажакдаш кутилган ёки келажакда амалга ошириш кўзда тутилган мақсад, ният, режа.

**ПИРОТЕХНИКА** (юнон. – ўт, оловли техника) – портловчи, туговчи ва ёнувчи аралашмалар, сигнал берувчи ракеталар, мушаклар тайёрлаш ва уларни амалда қўллаш б-н шугулланувчи техника тармоғи. Ҳарбий максадларда, саноатда, кишлек хўжалигига, байрамларда мушакбозликда қўлланадиган моддалар б-н шугулланувчи турлари бор.

**ПИФАГОРИЗМ** – юнон фалсафасидаги таълимот. Мил. ав. 6-4-аларда Пифагор ғоялари асосида шаклланган. П. таълимоти негизида сонлар барча мавжул нарса ва ҳодисаларнинг асосидир деган тасаввур ётади. Пифагорчилар бутун олам сонлар уйғунилигидан ва уларнинг ўзаро муносабатидан иборат, деб билганилар; дастлаб сонларни нарсалардан фарқ қил-

маган бўлсалар, кейинчалик уларни ҳатто илоҳий мавжудот деб тушунгандар.

**ПЛАНТАЦИЯ** (лот. – ўсимлик экиш) – йирик дехкончилик хўжалиги, қишлоқ хўжалик экинлари б-н банд бўлган катта ер майдони. Бундай хўжаликларда, асосан, тропик, субтропик экинлар – пахта, чой, шакарқамиш, кофе ва бошқалар етимтирилади.

**ПОТЕНЦИАЛ** (лот. – салоҳият) – бирон бир жиҳатдан имкониятлар, куч-кудрат даражаси, фойдаланиши мумкин бўлган воситалар, имкониятлар мажмуюи.

**ПРИМИТИВ** (лот. – илк, дастлабки, энг аввалги) – замонавий талабларга жавоб бермайдигац, жуда содда, ибтидоий, илмий асосланмаган, оддий. Санъат тараққиётининг илк даврида яратилган асар. П. тушунчаси 18–19-а.лар эстетика ва санъатшунослигига санъат тараққиётининг «гўдаклик» ва «сетуклик» босқичларини қарама-қарши қўйилишидан юзага келган.

**ПРИМИТИВИЗМ** – 19-а. охири – 20-а. бошларида юзага келган авангارد санъат оқими; бадий воситаларни соддалаштириш ва примитив шакллар (ибтидоий давр, маданий жиҳатдан ривожланмаган халқлар санъати, халқ ижоди ҳамда болалар расми)га мурожаат этувчи йўналиш.

**ПРОФЕССОР** (лот. – дарс берувчи, ўқитувчи) – олий ўқув юрти ўқитувчиси ёки илмий тадқиқот муассасаси ходимининг илмий унвони, лавозими. П. атамаси дастлаб Рим империяси (мил. ав. I-а. ўрталари – мил. 5-а. бошлари)да

грамматика ва воизлик мактаби ўқитувчиларига нисбатан қўлланган. Ўрта асрларда диний мактаб муаллимлари, 13-а. дан бошлаб, ун-тлар пайдо бўлгац, ун-т ўқитувчилари проф. деб аталган. Ўрта асрларда П. атамаси олимлик белгиси сифатида магистр ёки фан д-р илмий даражалари маъносини берган. Ун-тларда кафедралар ташкил этилиши ва маҳсус П.лик лавозимлари жорий этилиши б-н проф. олий илмий даража тушунчасидан ташқари, ун-тларнинг етакчи ўқитувчиси илмий унвонини англатадиган бўлди. Ўзбекистонда 20-а. бошларидан дастлабки П.лик унвони берила бошлади. Фитрат биринчи ўзбек П.и ҳисобланади.

**РАЦИОНАЛИЗМ** (лот. – ақл, ақлийдрок) – ақлни билишнинг ва кишилар хулиқ-авторининг асоси деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш. Унга кўра, илмий (яъни объектив, умумий, зарурый) билимга билишнинг манбаи ва унинг ҳакиқийлиги мезони – ақл воситасидагина эришилади. Р. – маърифагчилик мағкураси вакилларининг фалсафий манбаларидан бири. Ислом дини илоҳиётида Абу Мансур Мотуридий Р. нуқтаи назаридан фикр юритган.

**РЕЗОЛЮЦИЯ** (лот. – қарор) – юришилиш, мажлис, конференция ва ш.к.да муҳокама килинган масала юзасидан чиқарилган қарор.

**РЕСТАВРАЦИЯ** (лот. – тиклаш) – бузилиган, шикастланган ёки вайрон бўлган тарихий ва маданий ёдгорликлар (алоҳи-

да меморий иншоотлар ва уларнинг мажмуалари, тасвирий ва амалий безак санъати асарлари, археологик топилмалар ва бошқа)ни аслига ўхшатиб ёки аслига яқинлаштириб қайта тиклаш ва мустахкамлаш.

**РЕСПОНДЕНТ** (инг. – жавоб бермоқ) – ижтимоий сўровда катнашувчи шахс, анкета саволларига жавоб берувчи киши.

**РЕФЛЕКС** (лот. – кайтариш, акс эттириш) – организмнинг у ёки бу ташқи тасирга олий нерв системаси орқали рўёбга чиқадиган акс таъсири, жавоб реакцияси.

**СЕЛЕКЦИЯ** (лот. – танлаш, саралаш) – юкори маҳсулдор ўсимликлар навлари ва дурагайларини, ҳайвонлар зотларини ва микроорганизмлар штаммларини яратиш назарияси ва амалиёти.

**СЕНСАЦИЯ** (лот. – сезиш, ҳис қилиш) – кутимаган содир бўлган, кишиларни ҳаяжонга соладиган ҳайратли ҳодисалар ва бунинг натижасида кўпчиликда туғилган кучли таассурот, шов-шув.

**СЕНСУАЛИЗМ** (лот. – сезги, ҳис) – билиш назариясида сезгиларни билишнинг асосий манбай деб эътироф этувчи йўналиш. Билишнинг моҳиятини сезги органларининг фаолиятига боғлаб тушунидиради. С. рационализмга қарама-карши бўлиб, хиссий ва рационал билимларнинг ўзаро алокадорлиги, имкониятларини ўзича талқин этади. С. вакиллари билимлар одамга туғма равишда берилмаган, у ҳаётий тажриба давомида шаклланиб, ривожланиб боради, деб ҳисоблайди.

**СЕРИЯ** (лот. – бир қанча) – бир жинсли ёки умумий белгили нарсалар гурухи, туркуми (мас., илмий-оммабоп адабиётлар С.си).

**СИСТЕМА** (юонон. – яхлит, қисмлардан таркиб топган, бириккан) – иш-харакат, меҳнат, техник жараёнлар ва ш.к.даги қисмларнинг ўзаро боғлиқлигидаги тартибот, тизим; муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир кадар яхлитликни ташкил этадиган элементлар мажмуи.

**СКЕПТИЦИЗМ** (юонон. – кўриб чикувчи, тадқик килувчи) – ҳақиқатнинг бирон ишончли мезони мавжудлигига шубҳа б-н карайдиган фалсафий пуктаи назар. Унинг вакиллари объектив воқеликни идрок килиши мумкинлигига шубҳа киладилар. С. антик жамият инкирозга юз тутган даврда юзага келди. Улар табиат ва ундаги ҳодисаларни билиппда шубҳаланади. Унингча, табиат ўз сирини одамлардан узокда тутади. Янги давр (16–18-алар)да С. хурфиксрилиллик, диний ва фалсафий ақидаларнинг танқиди синонимига айланган.

**СОЛИПСИЗМ** (лот. – бир, ягона ўзим) – воқеликда фақат инсон ва унинг онги мавжуд, объектив дунё ва бошқа одамлар шу индивиднинг онгидагина мавжуддир, деб ҳисобловчи фалсафий назария. С. инсоннинг ҳар қандай фаолиятини, шу жумладан, фанни ҳам маъносиз килиб кўяди, чунки унинг вакиллари ҳар қандай нарса менинг онгимга шундай бўлиб туюлади, холос, деб фикр юритишади. С. этикада – ўта худбинлик, эгоцентризм маъносида ишлатилади.

**ТУРИЗМ** (франц. – айланиш, сайд қилиш) – саёхат (сафар) килиш, фаолдам олиш турларидан бири. Т. деганда жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият б-н шуғулланмаган холда узори б-н 1 й. муддатта жўнаб кетиши (саёхат килиши) тушунилади. Т.ниг тарихи 19-а. бошларига бориб тақалади. Даастлаб Англиядан Францияга уюпган сайдхлик ташкил этилган (1815 й.). Т.ниг асосчиси ҳисобланмиш инглиз руҳонийси Томас Кук 1843 й.да 1-темир йўл сайдхлигини ташкил қилди. Шундан сўнг у ўзининг хусусий туристик корхонасини тузди ва 1866 й.да даастлабки сайдхлик гурухлари АҚШга жўнатилди.

**УНИВЕРСАЛ** (лот. – умумий, кўп то- монлама, кенг қарорвли) – кўп ёки ҳамма нарсани ичига олган, ҳар тарафлама, бир неча хил ишни бажаришга мослашган.

**УНИФИКАЦИЯ** (лот. – бир қилмок) – ягона тизимга, шаклга, бир хилликка келтирмок, уйғуллаштирмок.

**ФАН-ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИ.** Ил- мий-техника инқилоби – ишлаб чиқарувчи кучларнинг туб сифат ўзгаришларида фаннинг асосий ишлаб чиқарии омили бўлиши. 20-а.нинг ўртасида бошланган Ф.-т. и. меҳнатнинг мазмуни, характеристи ва шароитини, ишлаб чиқарувчи кучлар структурасини ўзгартиради; меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади; жамият ҳаётининг ҳамма

томонларига, маданий-маиший ҳаётга, инсон психологиясига таъсир кўрсатади. Ходимларнинг маълумот даражаси, малакаси, маданияти, уюшкоқлиги ва масъулиятига катта талаблар қўяди.

**ФЛАУНА** (нем. – ҳайвонот дунёси, Рим мифологиясида дала ва ўрмонлар маъбудаси) – бирор ҳудуд, мамлакат ёки геологик даврнинг ҳайвонот дунёси, уларда яшаган ёки яшаётган ҳайвонлар мажмуаси.

**ФЕНОМЕН** (юонон. – содир бўлувчи) – ғайриоддий, камдан-кам бўладиган ҳодиса, факт; ҳис-туйғу тажрибаси б-н пайқаладиган ҳодисани англатувчи фалсафий тушунча. Ф. атамасини Аристотель «кўринувчи», «туюлувчи» маъносида ишлатган. Лейбниц эса бу сўзни тажрибадан маълум бўлган далилларга нисбатан кўллаган. И. Кант Ф. тушунчаси ёрдамида моҳиятни ҳодисадан кескин ажратишига уринган ва ҳодисани билиш мумкин, моҳиятни эса билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган.

**ФЛОРА** (лот. – Рим мифологиясида баҳор, гуллар ва ёплик маъбудаси) – Ер куррасининг бирор қисмида ёки бирон геологик даврда мавжуд бўлган барча ўсимликлар мажмуаси, ўсимликлар дунёси.

**ЦИК.П** (юонон. – айлана, доира) – маълум давр ичида тақрорланиб турадиган иш, жараён, ҳодиса ва ш.к.нинг ҳар бир давраси. Ц.ли дегани эса даврий деган маънода кўлланилади.

**ЭВАКУАЦИЯ** (лот. – бўшатмок, холи килмок) – жанговар ҳаракатлар бўла-

тган срлардан ярадор, бемор, асиrlар, зуниингдек, тъмирга мухтож ва ортиқ-а асбоб-ускуналар, ҳарбий ўлжалар а б. моддий воситаларни фронт орти-а жўнатиш; ҳарбий ва сиёсий сабаб-ар, шунингдек, тузилган шартнома ва битимлар асосида қўшинларни илга-ти эгаллаб турган районлардан олиб тикиб кетиш; душман хужуми хавфи ёстида қолган ёхуд табиий офат (сув ошқини ва б.)га учраган жойлардан зуқаролар, корхоналар, идоралар, ба-тий ва б. қадриятлар, мулкларни олиб тикиш.

**ІВОЛЮЦИЯ** (лот. – авж олдириш, ку-айтириш) – узлуксиз тадрижий ривож-аниши, ўзгариш, табият ва жамиятда злуксиз ва тадрижий равишда давом тадиган ва сифат ўзгаришларига олиб традиган миқдор ўзгаришлари.

**ІЙФОРИЯ** (юонон. – яхши қабул қила-тиан) – ўз-ўзидан қувониш, димоғчоғлик, строф-муҳит ва ўзининг оғир ҳолатига юс тушибаган холда бемор кайфияти-нинг кўтарилиб кетиши. Бош миянинг урли органик касалларни (ўсмалар, вж олувчи фалаж)да, спиртли ичимлик-ар ичганда, гиёхванд моддалар қабул илганда ва б. ларда кузатилади. Эда бемор беғам, беташвиш, курсанд, шу б-н ирга камгап, кам ҳаракат бўлади, бир сойда жилмайиб ётаверади.

**ІКВИВАЛЕНТ** (лот. – teng ва қиммат-и, ахамиятли) – бирор нарсанинг ўрни-и боса оладиган ёки унинг ифодаси бў-иб хизмат қиласиган teng баҳоли, teng

қимматли нарса ёки миқдор. Э. айниқса, товарларни қиёслаш ва уларни бир-би-рига айирбошлаш мухим. Шу максадлар учун товар Э.лари, яъни бошқаларига тенг қийматли, бойликларни қиёслаш эталони бўлиб хизмат қиласиган товарлар кўлланади. Жами товарлар қиёсла-надиган умумий товар эквиваленти *пул* хисобланади.

**ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ** (лот. – яшаш, мавжудлик) – мавжудлик фалсафаси. 20-а. бошида Россияда, 1-жаҳон урушидан кейин Германияда, 2-жаҳон уруши даврида Францияда, урушдан кейин бошқа мамлакатларда пайдо бўлган. С. Кьеркегор (1813-55) таълимоти, хаёт фалсафаси, феноменология Э.нинг гоя-вий манбай ҳисобланади. Марказий тушунчаси – экзистенция (инсон мав-жудлиги). Инсон мавжудлиги, асосан, ғамхўрлик, қўркиш, қатъийлик, виждан кабиларда намоён бўлади. Даҳшат, қўркув, ўлим инсон яшашининг асосини ташкил этади. Инсон ўзини экзистенция сифатида англағандан кейин эркинликка эришади, бу эркинлик ўз-ўзини, ўзининг моҳиятини танлашдан иборат бўлиб, ин-сонга оламда юз берадиган барча нарса учун масъулият юклайди. Э. борлиқнинг фожиалилигини, унинг мантиққа хилоф-лигини, инсон иҳтиёрида эмаслигини тар-ғиб қиласиди. Бу оқим сифатида тутаганили-тига қарамай, хозирги кунда унинг асосий тамойиллари Европа ҳалқлари ментали-тетига сингиб кетган. У гарб адабиёти ва санъатига катта таъсир кўрсатгани.

**ЭМОЦИОНАЛЛИК** (франц., лот. – хаяжонга солмок, тўлқинлантирмок) – ташки ва ички қўзғатувчилар таъсирида хис-туйғу, хаяжонга берилиш ва ифодалаш.

**ЭНЦИКЛОПЕДИЯ**, Қомус (франц. – кенг билимлар доираси) – фаннинг барча соҳаларини ўз ичига олган ёки бирон соҳа бўйича кенг, тўлиқ маълумот берадиган луғат тарзидаги илмий ёки илмий-оммабоп нашр, тўплам.

**ЭНИЦЕНТР** (юнон. – юкори марказида) – Ернинг зилзила, портлаш ва ш.к. ўчоғи, марказидаги устки қисми.

**ЭСТЕТИКА** (юнон. – ҳис қуловчи, ҳиссий идрокка оид) – нағис санъат ва бадиий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳият ва шаклларини, инсон ва олам ўртасидаги қадриятлар муносабатларини ўрганувчи фалсафий фан. Эстетизм – санъатда асарнинг мазмун ва ғоявий талабларни бир четга суриб, ташки шаклларга берилиш, гўзалликни, нағис санъатни, етук бадиийликни севиш ҳисобланади.

**ЭТИКА** (лот., юн. – урф-одат, хулқатвор) – ахлоқ ва унинг шахс ва жамият хаётидаги ўрнини, ахлоқнинг шаклларини шарт-шароитлари ва шаклларини

ўрганувчи фалсафий таъмимот, шунингдек, бирон синф, ижтимоий гурух ёки қасб эгаларига хос одоб-ахлоқ, унинг меъёрлари ва қоидалари мажмуаси.

**ЭТНОГРАФИЯ** (юнон. – қабила, ҳалқ ҳакида ёзаман) – ҳалқларнинг келиб чиқиши, таркиби, жойлашиши, турмуши, расм-русларни, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини кўпинча бевосита кузатув йўли б-н ўрганадиган тарих фани йўналиши.

**ЭКСПРЕСС** (инглизча, лот. – кучайтирилган, ифодали) – йўлда кам тўхтайдиган, тез юрадиган поезд, автобус, кема ва х.к..

**ҚИЗИЛ КИТОБ** – йўқолиб бораётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ноёб ўсимлиқ ва ҳайвон турларини қайд килувчи давлат хужжати. Қ. қ.да ўсимлик ва ҳайвон турлари сонининг камайиши, ареалларининг қисқариб бориши сабаблари ёритилади; узарни саклаб колиш учун тавсиялар бериб борилади. Ўзбекистоннинг ноёб ва камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 1974 й. таъсис этилган Қ. қ.да ўз аксини топган. Ўзбекистон Қ. қ.и 1978 й.да таъсис этилди.

# ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АДАПТАЦИЯ** (лот. – мослашув) – организмнинг турли яшаш шароитлари (хар бир кишининг турли яшаш шароити ва муҳит)га мослашиши.

**БАЛЛ** (франц. – сокқа, шар) – ракам б-н ифодаланган баҳо. Бирор ҳодисанинг (мас., шамолнинг) тезлигини, ўқувчи-ларнинг билими ва ахлоқини, айрим спорт турларида мусобакалар натижасини, чорва молларининг сифатини (кўргазмаларда) муайян даража бўйича баҳолашда шартли бирлик сифатида кўлланилади.

**ГРАНТ** (инг. – ҳадя, кўмак, ёрдам, стипендия) – бирор тадқиқот, тажриба-синов ишларини бажариш учун ёки бошқа максадларда айрим шахслар, жамоалар, ташкилотларга бериладиган максадли ўрин ёки нул маблағи.

**ДЕФЕКТОЛОГИЯ** (лот. – нуқсонли, таълимот) – пед.нинг жисмоний ва руҳий нуқсонли болаларнинг ривожланиш хусусиятларини, уларга маҳсус таълим-тарбия бериш ва нуқсонларини йўқота бориш конуниятларини ўрганувчи фан.

**ДЕКАН** (лот. – ўнбоши) – олий ўқув юргида ф-т раҳбари. Ўзбекистонда олий ўқув юрги ректори буйруги б-н проф. ёки тажрибали доцентлардан тайинланади. Д. ф-тдаги ўқув, таълим-тарбия ва илмий ишларни бошқаради, ф-т илмий кенгашининг раиси ҳисобланади.

**ДИПЛОМ** (юонон. – икки буклайман) – шахснинг олий, ўрта маҳсус ёки ўрта касб-хунар ўқув юргини тутатганилиги ёхул илмий даража, илмий унвонга эга эканлигини тасдиқловчи расмий хужжат.

**ДОКТОРАНТУРА** – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар (фан докторлари) тайёрлаш шакли. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ва олий босқичи.

**ДОЦЕНТ** (лот. – таълим берувчи) – бир қанча мамлакатларда олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг илмий унвони ва лавозими. Ўзбекистонда Д. унвони кафедра мудири ва бошқа лавозимларга танлов бўйича сайланган ёки шу лавозимларда шартнома асосида ишлаётган ёхуд олий ўқув юргининг ректори (ўқув ва илмий

ишлар бўйича проректори), малака ошириш ин-ти ва унга тенглаштирилган ўкув юртининг директори (директор ўринбосари) лавозимларини эгаллаб турган, уларда ўкув йили давомида муваффақиятли фаолият юритган, олий ўкув юртлари ёки малака ошириш ин-ларида камидаги 3 й. педагог бўлиб ишлаган хамда педагогик амалиётидаги фойдаланилаётган, шу жумладан, диссертация ҳимоясидан кейин матбуотда эълон қилинган илмий ва ўкув-методик ишларга эга бўлган фандокторлари ва номзодларига берилади.

**ИЛМИЙ КЕНГАШ** – и. т. муассасалари ва олий ўкув юртлари таркибида и. т. ва ўкув ишларини ташкил этувчи ҳамда унинг бажарилшини назорат қилувчи орган. Унинг ишига директор (ректор) раҳбар (раис)лик қиласи. И. к. кафедра, бўлим ва лабораторияларда олиб бориляётган и. т. ишлари юзасидан ҳисоботларни, муассаса ходимлари томонидан бажарилган илмий асарларни мухокама қиласи, турли мавзуларда илмий ажуманлар ўтказади, муассасанинг илмий йўналиши бўйича илмий мунозаралар ўюнтиради, кафедра, бўлим мудирлари, проф.-ўқитувчи ва илмий ходимларни лавозимга тасдиқлаш бўйича танловлар ўтказади, ходимларни илмий узвоншарга тавсия этади, шунингдек, кадрлар малакасини ошириши, ўкув-методик масалаларни мухокама этади ва ҳ.к.

**ИНСТИТУТ** (лот. – тартибот, муассаса) – турли ихтинослашган ўкув юртлари (ўрта, олий, малака ошириш тизими),

лоийхалаш ва бошқа муассасаларнинг шоми, шунингдек, жамиятдаги ижтимоий тартиботларнинг муайян доирасини ўз ичига олган ҳукукий меъёрлар мажмуи. Кенг маънода – ижтимоий турмушни ташкил этувчи ва тартибга солиб турувчи ижтимоий тузилманинг бир унсури – муассасалар, меъёрлар, қадриятлар, маданият намуналари, қарор топган феълатвор шакллари мажмуи: иктисадий И. (мас., мулкчилик, иш ҳаки), сиёсий (мас., давлат, армия, партия), молиявий (молия ва банк муассасалари) ва ш.к..

**ИНТЕРНАТ** (лот. – ички) – Ўзбекистонда мактаблар ва айрим ўкув юртлари кошида ўкувчилар учун, шунингдек, ота-онасиз колган болалар, 1- ва 2-гуруҳ уруш ҳамда меҳнат ногиронлари, фахрийлар уйи. Ўзбекистонда интернатлар, асосан, 1919 й.дан бошлаб ташкил этилган.

**КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ** – Ўзбекистонда илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўкув юртларида илмий унвон ва лавозим. К.и.х. унвони танлов бўйича ёхуд аттестация тартиби асосида и.т. муассасалари бўлими (бўлинмаси, сектори, лаб.) малири, бош илмий ходим, етакчи илмий ходим, К.и.х. ёхуд илмий котиб лавозимига тайинланган, камидаги 3 й.лик илмий иш стажига, ихтиrolарга ёки босма илмий асарларга, шу жумладан, диссертация ҳимоясидан кейин эълон қилинган илмий асарларга эга ва ана шу лавозимларда камидаги 1 й. муваффақиятли ишлаган фандокторлари ва номзодларига берилади.

**КАФЕДРА** (юон. – ўриндиқ, курси) – олий ўкув юртларила бир ёки бир-бираға яқын бир неча фанлардан ўкув, методика ва и. т. ишлари олиб борувчи, шунингдек, илмий-педагогик кадрлар тайёрловчи, мутахассислар макасини оширувчи асосий бўлим. К.га, одатда, проф., фан д-р раҳбарлик кила-ди (доцент, фан номзоди ҳам раҳбарлик қилиши мумкин). К. таркибиға проф., доцент, асистент, катта ўқитувчи, катта ва кичик илмий ходим, аспирант ва б. киради.

**КОНСПЕКТ** (лот. – кўриниш) – китоб, мақола, лекция ва бошқаларнинг қиска ёзма баёни. К. режа, қисқа баён қилинган асосий низом, факт ва мисоллардан иборат.

**КУРС** (лот. – югуриш, харакат) – олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларила ўкув даври, босқичи (мас., биринчи К., иккинчи К. ва х.к.).

**КУРС ИШИ** – олий ўкув юртлари таълабалари томонидан ўкув режасидаги умумкасбий ва маҳсус фанлар бўйича бажариладиган мустақил иш. Проф.-ўқитувчилар раҳбарлигига таълабаларда тўплланган назарий билимдан муайян масалани ечишда мустақил фойдаланиш кўник-масини ёки мавзуни чукур ўрганиш мақсадида бажарилади. К. и., одатда, кўйи курсларда рефератив, юкори курсларда графикавий-хисоблаш ишлари сифатида ўтказилади. К. и. мавзуси олий ўкув юртлари кафедраларида ишлаб чиқилади ва ҳимоя қилинади.

**ЛОГОНЕДИЯ** (юон. – сўзлашни ўқи-тиш) – пед. фани тармоғи; нутқдаги камчилик (дудуклик, тил ривожланмаганийги, ўкиш ва ёзувдаги нуксони ва бошка) сабаблари, уларнинг олдини олиш, тузатиш йўлларини ҳамда нутқ фаолияти бузилиши механизмлари, аломатларини маҳсус таълим ва тарбия воситасида ўрганади.

**МАГИСТРАТУРА** (лот. – бошлик) – Ўзбекистонда аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида 2 й. давом этадиган олий таълим.

**МЕТОД** (юон. – билиш ёки тадқикот йўли, назария, таълимот) – воқеиликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-ўйриклар, усуилар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули.

**МЕХРИОНЛИК УЙЛАРИ** - етим ва ота-оналарининг ёки бошка қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болалар учун давлат томонидан очилган таълим – тарбия муассасаси. Етим ёки қонуний васийлар қарамогида бўлмаган болалар, ота-оналари суд ҳукми б-н ота-оналий ҳукуқидан маҳрум қилинган, ота-оналари воз кечган болалар учун ташкил қилинган. М.у.да З ёшдан 16 ёшга бўлган соғлом болалар яшапи ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади.

**ПЕДАГОГИКА** (юон. – бола етакловчи) - тарбия, таълим ҳамда маълумот

**беришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи фанлар мажмуасидир.** Қад. Юноностонда ўз хўжайининг болаларини сайдирган, эхтиёт килган, ҳарбий маҳоратни ўргатган тарбиячини «педагог» (бала етакловчи) деб атапиған. Кейинчалик эса, маҳсус ўқитилган ва педагогликни ўзига касб қилиб олган кишиларни педагог деб атай бошлашган.

**ПЕДОЛОГИЯ** (юон. бола ҳақидаги фан) – бола ривожланишига нисбатан психологоик, биологик, ижтимоий (социологик) қарашлар мажмуи.

**ПРОРЕКТОР** (лот. – ректор ўринбосари) олий ўкув юрти ёки малака ошириш ин-тида ректор ўринбосари. Олий ўкув юрти шакли ва таълим олувчиларнинг сонидан келиб чишиб ўкув ишлари бўйича, маънавий-маърифий ишлар, илмий ишлар ва маъмурий-хўжалик ишлари бўйича, сиртқи таълим бўйича ва бошка соҳалардан П. лавозими белгиланади.

**РЕЙТИНГ** – ўкувчи ва талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг меъёрий хужжати сифатида қабул қилинган.

**РЕПЕТИТОР** (лот. – орқага қайтаришни талаб қилувчи, такрорловчи) – таълимда ўкувчининг маълум фан ёки курсни яхши ўзлаштириши учун пуллик қўшимча машғулотлар ўtkазувчи шахс, уй ўқитувчи.

**РЕФЕРАТ** (лот. – ахборот беряпман) – бирор илмий асар, макола, ўқилган китоб ва ш.к. мазмунининг кисқача ёзма ёки

оғзаки баёни; ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақида ахборот; тегишли адабиёт ва бошка манбаларнинг кисқартирилган шарҳли таҳдилини ўз ичига олган маълум мавзудаги маъруза. Р., одатда, илмий ахборот вазифасини ўтайди. Унда муайян мавзу ёритилиши б-н бирга, тегишли илмий назариялар, илмий хуласалар таҳдил этилиши ва танқид қилиниши мумкин.

**РИСОЛА** (араб. – хат, хабар) – муайян касб-хунар ва унинг тартиб-коидаларига оид китобча, устав (мас., кулоллик рисолоси); кичик ҳажмли китоб, брошюра; бирор илмий масалага бағишланган асар, трактат.

**СЕМЕСТР** (лот. – олти ой) – олий ўкув юрти, касб-хунар коллежи, акад. лицейларда ўкув йилининг ярми. Бир С., одатда, 16–18 ўкув хафтасидан иборат бўлади. Ҳар С. охирида имтиҳон сессияси ўтказилади. С.лар оралиғида таътил белгиланади. Бир ўкув йили давомида кишки ва ёзги имтиҳон сессияси мавжуд. Кишки сессия январь-февраль, ёзги сессия эса май-июнь ойларига тўғри келади.

**СЕССИЯ** – олий, ўрта маҳсус ва касб-хунар ўкув юртларида муайян мутахассислик бўйича ўкув режасида белгиланган имтиҳонларни топшириш даври.

**СИНОВ ДАФТАРЧАСИ** – олий ўкув юрти талабалари, касб-хунар коллежлари ва акад. лицей ўкувчиларининг муайян таълим муассасасига тегишли эканлигини тасдиқловчи акад. хужжат. Унда ўкув режасидаги барча фанлардан тала-

ба ёки ўкувчининг олган баҳолари қайд қилиниб, унинг ўзлаштириш даражаси акс этади. Унга имтиҳон, синов баҳолари қўйилади ҳамда лаборатория машғулотлари ва бошқа ишлардан, ишилаб чиқарни ўкув амалиётидан ўтганлиги кайд этилади. С. д.да талаба ва ўкувчиларнинг курсдан курсга кўчганлиги ҳакида белги қўйилади. С. д. битирувчига тегишли мутахассислик юзасидан диплом (*сертификат*) берилгана асос бўладиган расмий хужжат хисобланади.

**СТИПЕНДИЯ** (лот. – ҳак, маош) – олий ўкув юртларининг қундузги бўлимидаги ўқийдиган талабалар, ишилаб чиқарнидан ажралган ҳолда и. т. иши олиб борувчи аспирант, докторант ва малака ошириш курслари тингловчиларига ҳар ойда мунтазам бериб туриладиган тўл нафақаси.

**ТАБАКАЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ** – умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўкувчиларининг қобилиятларини хисобга олган ҳолда алоҳида ўкув режаси ва дастурлар асосида олиб бориладиган таълим тури.

**ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ** – Ўзбекистон Республикасида Т. т.: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими, олий таълим, олий ўкув юритидан кейинти таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат.

**ТЕСТ** (инг. – синаш, текшириши) – шахснинг ақлий тараққиёти, қобилияти, иродавий сифатлари, шунингдек, унинг

бошқа руҳий хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт машқлар. Ижтимоий амалиётда Т. одамнинг қандай қасб-хунар эгаллаши мумкинлиги, унинг қасбга лаёкати ёки лаёқатсизлигини, истеъодди ёки ақли заифлигини аниқлашда, муайян ҳамкорликдаги фаолиятга шахсларни саралашда кенг қўлланилади. Ҳозирги даврда Тлар қуидаги турларга ажратилади: мақсадга эришув Тлари (билимларни ўлчашга қаратилган); ақлий Тлар (зехн, ақл-идрок, ақл-заковат, истеъоддини аниқлашга йўналтирилган); ижодиёт Тлари (ижодкорлик, бунёд этишлик дарражаларини текширувчи); мезоний мўлжал Тлари (ўкув ёки қасбий билимлар ва топширикларни қайси кўникма, малака, хатти-харакат тизими оркали ўлчаш мумкинлиги); шахсга оид Тлар (хусусият, безовталаниш, сифат, фазилат, хислатларни ўлчашга алоқадор); проекциявий Тлар (ташки таъсирсиз шахс ўзини ўзи ошкор қилишига мўлжалланган) ва бошқалар.

**ТУРНИКЕТ** (франц. – айлантирмок, бурмок) – биноларнинг кириш жойларида, вестибиюлларда ўринатиладиган, ташриф буюрувчиларни битга-битта ўтказиши учун мўлжалланган, айланиб турадиган металл тўсик.

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ** – ўзаро мантикий изчилилк асосида боғланган ҳамда соддадаи мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи бос-кичлардан иборат яхлит таълим тизими.

**УМУМИЙ ТАЪЛИМ** – касби ва турмуш тарзи кандалигидан қатъи назар табиат, жамият, тафаккур, санъат, маънавият бўйича хар бир киши эгаллаши зарур бўлган билим асослари, шунингдек, ҳар бир одамда ҳаётда қийналмай яшashi учун шакллантирилиши керак бўлган кўнишка ва малакалар йиғиндиси; маълум ёшдаги барча болаларнинг муайян билимлар минимумини берадиган мактабларда маълум вақт мобайнила мажбурий таълим олиши. У. т.ни эгаллаш хар бир кишига илмий дунёкарашни шакллантириш, унда оламини билиш кобилиятини ривожлантириш имкониятини беради. Шунингдек, У. т. касбий ҳамда политехник таълимнинг пойдевори бўлади. У. т. ўкув муассасаларида ўкиш орқали ҳам, мустақил таълим йўли б-н ҳам олиниши мумкин.

**УНИВЕРСИТЕТ** (лот. – йиғинди, мажмуя) – табиий, ижтимоий ва гуманитар йўналишда юксак малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган кўп тармокли олий ўкув-илмий муассаса. У. ўз битирувчиларининг келажакдаги илмий-амалий ва педагогик фаолиятлари учун чуқур назарий тайёргарлик кўришларини таъминлайди. Дастлабки Улар Италияning Болонья (11-а.), Салерно (12-а. охиirlari), Францияning Париж (1215), Монпелье (1289), Буюк Британияning Кембриж (1209), Оксфорд (12-а. 2-ярми), Испанияning Саламанка (1218), Португалияning Лиссабон (1290 й.) шаҳарларида пайдо бўлди. Туркистонда У., яъни Мадрасаи олия 10-а.даёқ

юзага келган бўлса-да, замонавий маънодати дастлабки У. Тошкентда 1918 й. 21 апрелда Туркистон ҳалқ У.и номи б-н очилган.

**ФАКУЛЬТАТИВ** (французча, лот. – имконият) – мажбурий бўлмаган, ихтиёрий равишда танлаб олинадиган.

**ФАКУЛЬТАТИВ КУРСЛАР** – олий ўкув юртлари талабалари ва ўрта маҳсус ўкув юртлари ўкувчилари учун назарий билимларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш максадида ўтиладиган мажбурий бўлмаган машгулот тури.

**ФАКУЛЬТЕТ** (лот. – имконият, қобилият) – олий ўкув юртининг ўкув-илмий, маъмурий-ташкилий бўлинмаси. Бир ёки бир неча ёндош мутахассислар бўйича мутахассисларни тайёрлаш, ҳалқ хўжалиги ва маданиятнинг тегишли соҳаси ходимларининг малакасини ошириш, шунингдек, ўзи бирлаштирган кафедраларнинг и. т. ишларига раҳбарлик қилиш б-н шуғулланади.

**ХРЕСТОМАТИЯ** (юонон. – фойдали ўкиш) – таълимнинг бирор соҳаси бўйича муайян ички тамойиллар асосида тартиб б-н берилган ўкув китоби. X. ўзбек тилида «мажмуя» деб ҳам юритилади. Улар илмий, бадиий, мемуар, публицистик асар ёки улардан олинган парча ёхуд турли хужжатлардан иборат бўлиши мумкин. Одатда, X.га киритилган материаллар айни турдаги мактабда ўқитиладиган муайян ўкув предметининг максадига мувофиқ тарзда танланади. Умумтаълим мактаблари амалиётida

ижтимоий-гуманитар йўналишдаги деярли барча фанлар бўйича X.лар тузиш тажрибаси мавжуд. Улар ўқувчиларда мустақил ўқиши ва илмий адабиётлардан фойдаланиш малакасини шакллантириш жиҳатидан катта аҳамият касб этади. X. атамаси илк бор мил. 4-а.да юнон грамматиги Элладий томонидан юнон ёзувчи-ларининг асарларидан олинган парчалар тўпламига нисбатан кўлланилган. Щундан бўён Европа таълим тизимида бу дидактик ашёдан фойдаланиб келинади.

**ШПАРГАЛКА** (рус. – эски ёзиб ташланган қофоз) – имтиҳон пайтида ўқувчи ўқитувчига билдиrmай, яширинча фойдаланадиган, жавоблар ёзилган қофоз.

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ** – Ўзбекистон Республикасида узлужиз таълим тизимидағи таълим турларидан бири бўлиб, умумий ўрта таълим негизига асосланади. Мажбурий таълим хисобланган Ў. м., к.-х. т табақалаштирилган асосда ва шахс имкониятларини хисобга олган ҳолда курилади ҳамда акад. лицей ва касб-хунар коллежида амалга оширилади.

**ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЙОРТЛАРИ** – Ўзбекистон Республикасида саноат, курилиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, соғликни сақлаш ва б. соҳалар учун кадрлар тайёрлаб берувчи ўқув муассасалари хисобланади. Эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳукукини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради.

**ЎҚУВ ДАСТУРИ** – таълим тизимидағи ҳар бир ўқув фанининг мазмуни ва ўтилиш тартибини, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ҳамда кўникмалар ҳажмини белгилаб берадиган расмий педагогик хужжат.

**ЎҚУВ РЕЖАСИ** – ўқув юртларида ўқитиладиган фан, уларнинг бўлимлари, ўқитилиш тартиби ҳамда ҳар бир фанининг йил давомида ўқитилиши, уларнинг ўқув йили ва ҳафтасида қанча миқдорда ўтилиши кераклигини белгилаб берадиган расмий педагогик хужжат.

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**БИТ** (инг. – иккилик ва белги, ракам сўзларидан) – иккилик саноқ тизимидағи ракам, ахборотлар сонининг ўлчов бирлиги, сон жиҳатидан «ҳа» – «йўқ» турдаги маълумотдан (иккилик кодида «0» – «1») иборат бўлган ахборотлар хажмига тенг. Маълумотлар узатиш тезлиги бит/сек. да ҳисобланади. Ҳисоблаш техникасидаги энг кичик ўлчов бирлиги.

**ВИДЕОКАРТА** (лот. – қўраяпман ва юн. – варак) – компьютерга мос келувчи қурилма бошқарувида монитор ишини бошқарувчи микросхема бўлиб, ичидағи хотираси видеохотира дейилади. В.нинг 2 тури мавжуд: ички (компьютер тезкор хотирасига ўрнатилган видеохотира) ва ташки (тезкор хотиранинг ташкарисида жойлашган хотира). Ташки турдаги видеохотира мукаммалроқ ҳисобланади.

**ВИНЧЕСТЕР** (инг. – каттиқ диск) – компьютердаги барча дастур ва маълумотлар сакланадиган хотира қурилмаси бўлиб, сифими 16 Мбайт (IBM, 1973)

бўлган каттиқ диск биринчи моделининг жаргонли номидан келиб чиқсан. У ҳар бири 30 та сектор ва 30 та йўлкага эга бўлиб, «В.» ов милтигининг «30/30» калибри б-н айнан мос келади. В. йигилганда бир нечта каттиқ дисклардан иборат бўлиб, герметик ёпик корпусдаги магнит каллаги блокига жойлаштирилади.

**ДИСКЕТА** – эгилувчан магнит дискли кассета; компьютернинг маълумотлар сакланадиган қурилмаси. Ҳажмига кўра 3,5 ва 5,25 дюймли хиллари бор, шунга кўра 3 ва 5 дюймли Д. дейилади. Д.дан маълумотларни бир компьютердан иккинчисига ўтказиш учун фойдаланилади.

**ДИСПЛЕЙ** (инг. – қайта кўрсатиш) – матн ёки график кўринишдаги маълумотларни электрон – нурли асбоб экранига чиқариш учун мўлжалланган қурилма. Монохром (бир рангли) ва кўп рангли хиллари бўлади. Д. бевосита видеoadаптер қурилмаси бошқаруви асосида икки

режимда матн ёки график күренишидаги ахборот б-н ишлайди.

**КИБЕРНЕТИКА** – ахборотни қабул қилиш, саклаш, уни қайта ивилаш ҳамда ундан турли жараёнларни бошқаришда фойдаланиш б-н шуғулланадиган фан. Автоматик бошқариш, хисоблаш техникаси, нейрофизиология ва математик мантиқларнинг назария ҳамда амалиётларининг ривожланиш натижалари сифатида юзага келган.

**КОММУНИКАЦИЯ** – 1) кибернетикада – информация (ахборот)ларни алмашши жараёни. Жисмоний ва ижтимоий нуктаси назардан ёндашиладиган К.лар мавжуд; 2) транспорт, алоқа йўллари ва шаҳар хўжалиги ер ости тармоқлари. Шаҳар хўжалиги ер ости тармоқларига шаҳарни сув, электр энергияси, иссиклик, газ б-н таъминлаш учун ер остидан ўтказиладиган сув кувурлари ва кабеллар киради.

**КОМПЬЮТЕР** (инг. - хисоблайман) – олдиндан берилган дастур (программа) бўйича ишлайдиган автоматик қурилма. Замонавий К.лар, асосан, тўрт қурилма: бошқариш, *процессор*, хотира ва киритиш-чиқариш қурилмаларидан иборат.

**КОМПЬЮТЕР ВИРУСИ** – ЭҲМнинг хавфли «дастури». Компьютер эгасини огохлантирумай ва унинг истагига қарши унинг дастурига «жойлаштирилади» ва зарядланган файлни навбатдаги қўйища кўпаяди. Вирус компьютернинг рисоладаги иш меърини бузади, маълумотларни ўчириб юборади, *дисплей* (монитор)

Экранидаги тасвирни бузади, хисоблаш жараёнини секиншаштиради. Вирус дастурини ишлаб чикувчилар 20-а. 80-йиллари бошида АҚШда пайдо бўлди, кейин дунёнинг барча мамлакатларига тарқалди. К. в.га карши курашиш учун маҳсус дастурлар ишлаб чиқлади.

**КУРСОР** (лот. – югураман) – *дисплей* Экранидаги позицияни (иш нуктасини) қўрсатувчи кўчиб юрадиган ёруғ белги (чизикча, тўғри тўртбурчак, стрелка), шу белги орқали кейинги операция бажарилади ёки экранда навбатдаги белги (*символ*)ният чиқиши жойини жўрсатади.

**МУЛЬТИМЕДИА** (лот. – кўп ва воситачи бўлмоқ) – компьютернинг матн, график, товушили ва видеомаълумотлар б-н ишлашга имкон берувчи контенти. Ана шундай контенттага эга бўлган компьютер М. компьютер дейилади. Ҳозирда деярли барча компьютерлар шундай қурилмалар б-н таъминланган. Буларга CD-ROM<sup><</sup>компакт дискларини ўқидиган диск юритувчи қурилмалар, товуш платалари, видеокарталар ва бошқалар киради.

**ПРИНТЕР** – компьютерда матн ёки график (расм, схема) тарзидаги маълумотларни қоғозга чиқариш (чоп қилиш) учун мўлжалланган босиш қурилмаси. Маълумотлар қоғозга (баъзан, плёнкага) оқ-кора ёки рангли тарзда чоп қилиниши мумкин. Уларнинг кўп турлари мавжуд, лекин матрициали, пуркагичли ва лазерли турлари кенг тарқалган. Матри-

цили П.ларда босиладиган мълумотлар нуқталар мажмуй (комбинацияси)дан ҳосил бўлади. Шу тифайли, уларнинг босиши сифати пуркагичли ва лазерли П.ларнига нисбатан пастроқ бўлади. Пуркагичли П.ларда мълумотлар махсус «сиёҳдонлар» ёрдамида, яъни бўёқ (сиёҳ) томчиларини пуркаш йўли б-н қоғозга босилади. Лазерли П.лар махсус лазерли қурилма ёрдамида оқ-қора ёки рангли қилиб босиши имконига эга. Бундай П.да босилаётган нусхалар сифатли бўлиб чиқади.

**ПРОВАЙДЕР** – компьютерларни интернет тармоғига улаш ва ахборотлар алмашинишини ташкил қилиш б-н шуғулланадиган воситачи ташкилот. Интернет ахборотлари истеъмолчилари сони кўпайган сари улар хизматига эҳтиёж ҳам ортиб борди. Телефон алоқадан ташқари оптик толали кабеллар, радио тармоғи ёки сунъий йўлдош орқали интернет б-н боғланиш мумкин бўлди. Ўзбекистонда интернет б-н уланишга доир ахборот хизматлари (П.лар) 1997 й.дан кўрсатила бошлади. Дастлаб, Найтов (<http://www.naytov.com>), Истлинк (<http://www.eastlink.uz>) ва бошқа кўплаб провайд-компаниялар фаолият бошлади (1999). Ўзбекистон Республикасининг деярли барча ҳудудларида халқаро интернет тармоғига уланиш ЎзПАК Давлат компаниясининг халқаро каналлари орқали таъмишланади.

**ПРОЕКТОР**. Проекцион аппарат (лот. – олдинга ташлайман) – турли

ясси обьектлар (чизмалар, расмлар, фотонусхалар ва бошқа) тасвирини ёруғлик оқими ёрдамида экранда ҳосил қилувчи оптик қурилма. П. ўлчаш техникасида, кинотеатрлар, лабораториялар ва бошқа жойларда ишлатилади.

**ПРОЦЕССОР** (лот. – сурилиш) – электрон машинанинг дастур (программа)да кўзда тутилган амаллар; информационни ўзгартириш, барча ҳисоблаш жараёнларини, ҳисоблаш машинасидаги бошқа қурилмаларнинг ишини бошқариб туриш учун мўлжалланган марказий қурилмаси.

**РОБОТ** (чехча – эрксиз меҳнат, кул) – инсоннинг ҳаёти учун хавфли шароитлар (кучли радиация, юқори температура ва бошқа)да, одам бориши кийин бўлган обьектларда (сув остида, космосда) киши функциясини қисман ёки тўла бажарувчи машина. «Р.» терминини биринчи марта 1920 й.да чех ёзувчиси К. Чапек ўзининг «R.U.R.» пьесасида ишлатган. Р.лар, асосан, З турга бўлинади: қатъий дастур асосида ишлайдиган Р., одам (оператор) бошқаридиган Р. ва сунъий интеллектли (интегралли) Р..

**ГАЙМЕР** (инг. – вактни белгилаш) – компьютерга ўрнатилган электрон соат, ҳақиқий вакт ва вакт оралигини кўрсатади, берилган вакт оралиғидан сўнг машинани автоматик ишга туширади (тўхтатади) ёхуд уни ишга тушириш (тўхтатиш) учун сигнал беради. Дастур қурилмалар воситалари б-н амалга оширилади.

**ХАКЕР** (инг. – бузмоқ, кесмоқ, қиркмок) – компьютер дастурлари ва қоидаларини бузувчи – хуқуқи бўлмаган хонда компьютер дастурларига ўзгартришлар киритадиган, банк, *тижорат*, давлат, харбий ва бошқа ташкилотлардаги ахбо-

ротларнинг ҳимоя воситаларини йўқотиб, қимматли маълумотларни кўлга киритиш, ўзга ҳисоб ракамдаги нувларни ўзлаштириш, компьютерларга вирус юқтириш каби ишларни амалга оширишга уринувчи шахс – юқори малакали программист.

# ИҚТИСОДИЙ ТУШУНЧАЛАР

**АВАЛ** – 1) вексель эгаси олдидаги мажбурият; 2) банкнинг вексель бўйича кафиллиги. Векселнинг ўнг бетида ёки унинг илова варагида имзо шаклида ифодаланади. Векселнинг ишончли бўлишини таъминлайди.

**АВИЗО** – банк, *тижорат* амалиётида хисоб-китоб ҳаракатларининг бажарилганлиги тўғрисида расмий хабарнома. *Товар* жўнатувчи (сотувчи) томонидан харидорга товар жўнатилгани ҳақидаги хат ҳам А. дейилади.

**АВТАРКИЯ** (юонон. – ўзини ўзи кондириш) – ўз-ўзини таъминлаш қоидасига асосланган, бошқалар б-н иқтисодий алоқалардан узилиб қолган бикик хўжалик юритиш тизими ва щунга асосланган иқтисодий сиёсат. А.нинг асосий восита-лари мамлакатга киритиладиган товарлар учун юкори чекловчи божслар ва квоталар жорий этиш, истеъмол товарлари нархини опириш, бошқа мамлакатлар б-н иқтисодий ва *савдо* алоқаларини ривожлантиришда турли тўсиқлар кўйишдан иборат.

**АГРОБИЗНЕС** – бозор иқтисодиётининг кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаршии

ва унинг маҳсулотларини чукур қайта ишлаш, сотиш, саклаш, таксимлаш б-н боғлиқ соҳаси. Таркиби, мақсади жихатидан, асосан, агросаноат мажмуига тўғри келади.

**АГРОФИРМА** – маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлан ва сотиш, хизмат кўрсатиш тизимидағи корхоналарни ягона бошқарув асосида бирлаштирган агросаноат корхонаси. А. қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стишириш, қайта ишлаш ва етказиб бериш жараёнларидағи барча ишларни яхлит тизим орқали ўз вақтида мувофиқлантириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, хом ашё нобудгарчилигини камайтириш, шунингдек, кўрилган фойда хисобидан йирик *инвестиция*-ларни амалга ошириш ҳамда фойдани А. таркибидаги корхоналар ўртасида таксимлашга имконият яратади. А. маҳаллий *ресурслардан* унумли фойдаланишини таъминлайди, унинг таркибига ёрдамчи тармоқлар ва кичик корхоналар ҳам кириши мумкин.

**АЖИОТАЖ** (франц. – ҳовликиш, тартибсизлик) – биржса бозорларида чайқов-

чилик мақсадларида атайлаб яратиладиган жонсараклик, кимматбаҳо қоғозларнинг курси ва товарларнинг нархини сунъий равишда кўтариш ёки тушириш.

**АЙЛАНМА ВОСИТАЛАР**, Айланма маблағлар – корхона (хўжалик)нинг хўжалик фаолиятини молиялаш учун фойдаланадиган ишлаб маблағлари. А. в. айланма ишлаб чиқарни фондлари ва муомала фондларидан ташкил топади.

**АЙЛАНМА КАПИТАЛ** – капитал (ишлаб чиқарни фондлари)нинг ҳар бир ишлаб чиқариш циклида сарф этиладиган ва киймати ишлаб чиқарилган товарга тўлиқ ўтадиган қисми. Сарфланган А. к. миқдори капиталнинг доиравий айланниши охирида товар сотилиши б-н пул шаклида ишлаб чиқарувчи кўлига кайтади. *Хомашё*, материаллар, ёқилғи ва бошқалар, шунингдек, иш кучи сотиб олишига сарфланадиган харажатлар А. к.га киради.

**АККРЕДИТИВ** – 1) нақд пулсиз ҳисобкитоблар олиб бориладиган банк ҳисоб вараги; 2) томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоб тури. Унда қарз берувчи (кредитор) ўзига тегишли тўловларни А. топширигина кўзда тутилган шартлар ва муддатларда тегишли банк орқали олиб туради; 3) номига ёзиб берилган шахсга кредит муассасасидан кўрсатилган суммани олиш хукуқини тасдиқловчи кимматбаҳо қоғоз.

**АКЦИЗ** (франц. – қирқиб олмок) – кенг истеъмол товарлари, энг муҳим хомашё-

ларга, шунингдек, хизматлар учун давлат томонидан солинадиган қўшимча солик тури. Муайян товар (муҳим истеъмол товарлари: қанд, гугурт, туз, тамаки, спиртли ичимликлар, шунингдек, автомобиллар, музлаткичлар, мўйна маҳсулотлари биллур ва ҳ.к.)лар нархига, кўрсатилган хизмат (коммунал, транспорт ва бошқа) ҳақига қўшимча устама солик сифатида кўшилади ва уни тўловчилар бевосита харидорлар ҳисобланади. А. давлат бюджетида даромадларнинг муҳим қисмини ташкил этади. Дунё мамлакатларида кенг ривожланган. Ўзбекистонда 1996 й. 1 октябрдан республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган ва унинг ҳудудига четдан келтирилган тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликларни сотища маҳсус А. марказлари жорий этилган.

**АКЦИЯ** (франц. – фармойиш, рухсатнома, фаолият) – акциядор жамият чиқарган кимматбаҳо қоғоз. Ўз эгасининг акциядорлар жамияти капиталида ҳиссаси борлигини ва шунга мувофиқ, топилган фойданинг бир қисмини диквиден шаклида олишини, уни бошқарища иштирок этиш хукукини тасдиқлади. А. кимматли қоғозларнинг кенг тарқалган қисми, хиссабай қоғозлар туркумига киради. А. чиқарган жамият эммитент, уни сотиб олганлар инвесторлар деб аталади. А. давлат корхоналари акциядор жамиятларга айлантирилган чоғда ва янгидан акциядорлар жамиятлари тузилган пайдада чиқарилади.

**АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ** – даромад топиш максадида ҳиссадорлик таомойилига биноан уолиган шерикчилик жамияти. Муомалага номинал қиймати кўрсатилган акциялар чикариш ва уни сотиш йўли б-н тарқатиш жамиятнинг молиявий негизини ташкил этади. Акция эгалари дивиденд шаклида даромад оладилар. А. ж.нинг очиқ ва ёпик жамият шаклидаги кўринишлари бор. Ёпик А. ж.да акция эгалари маълум гурух, мас., таъсисчиларнинг ўзи б-н чекланади. Акциялар факат уларнинг ўртасида тарқатилади. Очиқ А. ж.да жамият акциялари эркин сотилади ва сотиб олинади, акциядорлар сони чекланмаган, хоҳлаган ва акция олишга пули бор юридик ёки жисмоний шахс, шу жумладан, ажнабий шахслар унинг аъзоси бўла олади. А. ж. пулни бир ерга тўплаб бизнесга кўйиш учун тузилади.

**АМОРТИЗАЦИЯ** – асосий капитал (машина, механизмлар, жихозлар, бинолар, иншоотлар)нинг эксплуатация жараёнида эскириши ва айни пайтда улар қийматининг муайян давр давомида ишлаб чикарилаётган тайёр маҳсулотларга ўтиб бориши.

**АННУИТЕТ** (франц. – ийллик бадал) – кредиторларга қарзни узиш ҳисобига фоизи б-н бирга ҳар йили тўланадиган пул; мижозга шартномада кўрсатилган муайян муддатларда мунтазам пул суммаси келтирадиган инвестициялар; муддатли давлат қарзи, қарзларнинг муайян қисми ҳар йили фоизи тўланган ҳолда узиб борилади.

**АРАЛАШ ЖАМИЯТ** – 1) хусусий ва давлат капиталлари иштирокидаги корхона; 2) қалитали икки ёки ундан ортик мамлакатнинг тадбиркорларига (жисмоний ёки юридик шахсларга) ёки давлат муассасаларига тегишли бўлган корхона.

**АРАЛАШ ИКТИСОДИЁТ** – бозор иқтисодиёти моделларидан бири. А. и. бозор иқтисодиётининг ривожланган ва демократлашиб, инсоний тус олган тури бўлиб, АҚШ, Англия ва Франция каби ривожланган мамлакатларга хос.

**АСОСИЙ КАПИТАЛ** – капиталнинг асосий ишлаб чиқарии воситалари (машина, асбоб-ускуна, ишлаб чиқарии бинолари ва ускуналари)ни ўз ичига олувчи, иқтисодий жиҳатдан ўз қийматини ишлаб чиқарилган товарларга аста-секин ва узоқ муддатда ўтказиб борувчи қисми. А. к. пул шаклида ускуна, машина-механизмлар, бино-иншоотлар ва бошқалар қийматидан иборат бўлиб, улар сотиб олинган пайтдаги бозор нархи б-н хисобланади. А. к. таркибан икки қисмга бўлинади: меҳнат куролларида гавдаланган капитал (машина-механизмлар); ишлаб чиқариининг моддий шароитини яратища гавдаланган капитал (бино, иншоот, курилма ва х.к.). Бу қисмлар нисбати ишлаб чикаришнинг турли соҳаларида ҳар хилдир.

**АУКЦИОН** – маҳсус кимошди савдо бозорлари; товарларни талабгор харидорларга сотиш.

**АХОЛИ ДАРОМАДЛАРИ** – барча аҳолига тегишли пул ва натурал (маҳсулот

шаклида) тушумлар ҳамда кўрсатилган бепул хизматлар суммаси; ахолининг миллий даромаддаги хиссаси. Ахолининг жами турдаги даромадлари манбаи – иш хақи, пенсия, стипендия, нафакалар, мукофот, фойда, дивиден, заём ва лотерея ютуғи, банк тўлаган фоиз пули, кўчмас мулқдан келган рентта тўлови ва ижара пули, сугурта қопламалари ва бошқалардан иборат.

**АХОЛИ ХАРАЖАТЛАРИ** – ахолининг тириклик ўтказиш учун қилган пул сарфлари; ахоли пул даромадларининг ишлатилиши. Ахолининг пул даромади унинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласди. Даромадлар истеъмол товарлари ва хизматларни харид этиш, турли тўловларни тўлаш, жамғарма хосил этиш учун сарфланади. Даромад қанчалик кўп бўлса, озик-овқат учун сарфлар қискариб, саноат моллари ва хизматларни харид этиш харажатлари, чунончи, узок муддат хизмат қилувчи қимматбаҳо товарлар харидига пул кўпроқ сарфланади. Шу жиҳатдан ахоли турли тоифаларининг харажатлари бир-биридан фарқланади.

**БАДАЛ** – бирор нарса эвазига тўланадиган ҳақ, нарсанинг кийматига мувофиқ келадиган, ўринини боса оладиган бошқа\* бирор нарса; бирор ташкилот, жамият ва ш.к.га аъзо бўлган шахснинг мазкур ташкилот, жамията тўлаган ёки даврий тўлаб турадиган пули, аъзолик ҳақи.

**БАЛАНС** – бирон-бир фаолиятнинг бир-бирини мувозанатлаши лозим бўл-

ган томонлари (мас., даромадлар ва харожатлар) ўртасидаги нисбатларнинг микдорий ифодаси. Иқтисодиётда бухгалтерия Б.и, ижтимоий маҳсулот Б.и, савдо Б.и, меҳнат ресурслари Б.и, даромадлар ва харажатлар Б.и, тўлов Б.и ва бошқа Б.лар мавжуд.

**БАНКЛАР** – кредит-молия муассасалари; асосан, вактинча бўши пул маблағларини тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтоjlарга кредит, ссуда бериш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, пул ва турли қимматбаҳо қозозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари б-ни боғлиқ операцияларни бажариш ва бошқалар шуғулланувчи кредит-молия муассасаси.

**БАНКНОТЛАР** – банк билетлари, кредит билетлари – марказий эмиссия банклари чиқарадиган қоғоз пуллар, кредит пулларнинг асосий тури. Б. пулнинг тўлов функцияси асосида 17-ада вужудга келган. Йирик давлатларда товар-пул муносабатларининг ривожланиши Б. чиқаришни давлат эмиссия банкларининг монополиясига айлантириди. Қоғоз пулларнинг олтин таъминоти бекор килинганидан кейин (20-а. 70-йиллари) Б. ҳақиқий қоғоз пулга айланди. Б. Давлат (Марказий) банкининг активлари ва давлатнинг ахолига сотадиган товарлари б-ни таъминланади. Ўзбекистон Республикасида 1994 й. 1 июлдан бошлаб миллий валюта сўм муомалага киритилди. Ўзбекистон Республика Марказий банки муомалага

қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўмлик, 1997 й. 1 мартдан қиймати 200 сўм, 2000 й. 1 июндан 500 сўм бўлган банк билетлари (банк көғоз пуллари) чикарган. Улар танга ва чақаларга майдала-нади.

**БАНКРОТЛИК** (нем. – синган курси) – фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағи етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларини тўлашга курби етмаслик ҳолати, қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулқидан ошиб кетганлиги сабабли товар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришига кодир эмаслиги, шунингдек, бюджетга ва бошка фонdlарга мажбурий тўловларни таъминлашга кодир эмаслиги тушуни-лади.

**БАРТЕР** (инг. – товар айирбошлани) – нул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айирбошлаш; муайян товар (товарлар) миқдорининг қиймати бўйича муқобил бўлган бошқа товар миқдорига алмаштириш шартномаси. Кўпроқ ри-вожланмаган товар муносабатлари, ўтиш даври учун хос бўлган келишув. 2-жаҳон урушидан кейинги даврдаги эркин конвертиранадиган (алмаштириладиган) валюта курси барқарор бўлмаган, валюта захира-лари чегараланган шароитда жаҳоннинг кўшина мамлакатларида кўлланилди ва у халқаро савдо ҳамда бошқа иқтисодий муносабатларда кенг тарқалди. Б.нинг бевосита айирбошлаш, компенсацияли келишувлар, клиринг каби шакллари мавжуд.

**БИЗНЕС** – даромад келтирадиган ёки бошка наф берадиган хўжалик фаолияти (касб-кор, малиғулот). Фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий фаолият. Миллий (давлат) қонунлар ва халқаро шартномалар б-н тартибга солинади. Б. хўжалик юритиш кўламига қараб, иирик, ўрта ва кичик турларга бўлинади.

**БИЗНЕС ИНКУБАТОР** – кичик ва ўрта бизнесни юритиш малакалари берип ва тадбиркорлик маданиятини тарбиялаш б-н шуғулланадиган ихти-сослашган муассаса бўлиб, асосан, хўжалик юритувчи субъектларга дастлаб-ки фаолиятида бозор иқтисодиёти бўйича зарур билимларни ўргатиш, бизнес режса тузиш, маблағлар топиш, халқаро грантлар олишда кўмаклашиш, тадбиркорлик foяларини амалий лойиҳаларга айлантириш ва жорий этиш, шунингдек, кичик ва ўрга корхоналарга менежмент ва маркетинг хизматлари, ташкилий, техникавий, иқтисодий йўсундаги хизматлар кўрсатиш каби вазифаларни ба-жаради. Улар фаолият турига кўра корхона инкубаторлари, тадбиркорликни кўллаб-куватлаш марказлари, иннова-ция ва менежмент марказларига бўлиниди. Дастлабки Б. и.лар 20-а.нинг 70-80 й.ларида АҚШ да пайдо бўлди. Ўзбекистонда биринчи Б. и. 1995 й.да БМТнинг ЮНИДО ташкилоти ва Давлат мулк кўмигасининг ҳамкорлигига ташкил этилди.

**БИЗНЕС РЕЖА** – аниқ танланган тадбиркорлик ишининг барча босқичлари

тавсифланган ва тахминий ҳисоб-кигоб килингган лойиха. Унда аниқ ташланган тадбиркорлик ишининг ҳамма томонлари ўз аксини топади. Б.р. ни ишлаб чикишда тадбиркорнинг ўзи («биринчи раҳбар»), фирма (хўжалик) ларнинг мутахассислари иштирок этади, ташқаридан маслаҳат ва тавсиялар олинади. Б.р. эксперталар кўригидан ўтказилади ва олинган хуносаларга таяниб янада мукаммаллаштирилади. Б.р. кредит бериш учун асос бўлиб хизмат килади.

**БИРЖА** (юнон. – ҳамён, халта) – қимматбаҳо коғозлар ва ҳар хил моллар б-н савдо-сотик қиласиган йирик *савдо* муассасаси, бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли. Турлари: *товар* Б.си – ҳар хил оммавий товарлар б-н савдо-сотик қиласиган Б., меҳнат Б.си – ишга ёллаш ва ёлланишда ишчи ва иш берувчи ўргасида воситачилик қилувчи муассаса, фонд Б.си – қимматбаҳо коғозлар б-н олди-сотиди муомаласини амалга оширувчи Б.

**БИРЖА БОЖИ** – биржса савдосида иштирок этиш хукуки учун олинадиган пул йигими. Биржа қўмитаси барча аъзоларидан ҳамда харидор-қатнашчилардан ундиради.

**БИРЖА КУРСИ** – фонд биржасида муомалада бўлган қимматбаҳо қоғоз (акция, облигация)нинг сотилиш нархи.

**БИРКА** (рус. – белгилаб қўйилган тахтча) – молларнинг ва умуман нарсанинг рақами, нархи ва ш.к. ёзиб қўйилган тахтча, ёрлик.

**БОЖ**, Бож пули – хозирги кунда мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган

импорт *товарлари*, мол-мулк, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа учун давлат Б. назорати ундирадиган пул йигимлари. Б. мамлакат маидаатини кўзлаб ундирилади, халқаро ва миллий Б. тарифларига асосланган ҳолда миллий бозорга турли товарларнинг ноконуний оқиб келишининг олдини олади, товарлар импортини мувофиқлаштириб, мамлакат доирасидаги такчил товарлар экспортини чегаралашга хизмат килади. Б. билвосита солик тури бўлиб, унинг мол киритиш, мол чикариш ва мамлакат ҳудуди оркали ташиб ўтказиш (транзит) учун ундириладиган турлари бор. Б. музайян товарлар миқдори, донаси, метри, бирлиги, шунингдек товар баҳоси бўйича белгиланган Б. тарифи доирасида олинади.

**БОЖХОНА** – 1) бож ундирадиган жой; 2) чегара оркали ўтадиган жами юкларни, жумладан, багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиласиган давлат муассасаси. Ўтказилаётган юкларни текшириш, тартибга солини ва расмийлаштириш, улардан бож ва йигимлар ундириш б-н шуғулланади. Б. ҳақидаги конун ҳужжатларида белгиланган тартиб-коидаларнинг бузилишини олдини олиш, уларга нисбатан чоралар кўриши, суриштирув ва тезкор қидирув ишлари олиб бориш, контрабандага карпли қурашини ҳам Б. ваколатига киради.

**БОЗОР** – сотувчилар б-н харидорлар ўргасидаги *товар* айирбошлиш муносабатлари, ишлаб чиқарии б-н истеъмол-

ни ўзаро боғловчи механизм. Б. объекти нафлиги бор товар ва хизматлар, субъекти эса Б. иштирокчилари (сотовчи ва харидорлар) бўлиб, улар  *фирмалар*, уй хўжаликлари, давлатнинг ташкилот, идоралари ва б.дан иборат. Б.да иккита жараён амалга ошади: бири – товарларни сотиш, иккинчиси – товарни харид этиш.

**БОЗОР ИКТИСОДИЁТИ** – товар-пул муносабатларига асосланган, турли мулкчиликка ҳамда иктиносий эркинликка таянган ва  *рақобат* воситасида бошқарилиб турувчи демократик иктиносидёт, инсоният таракқиётида мавжуд бўлган энг прогрессив ва истиқболли тизим.

**БОЙКОТ** (инг. – английлик катта ер эгаси Ч.К. Бойкот номидан олинган 1880 й.да унга қарши биринчи марта мазкур чора кўлланилган эди) – сиёсий ва иктиносий курашнинг бир шакли, айrim шахс, ташкилот, корхона б-н муносабатларни тўлиқ ёки кисман тўхтатиш, мас., ишга ёлланиш, шу корхона маҳсулотини харид қилишдан воз кечиш кабиларни тақозо этади.

**БОНД** – 1) кафолат гаров; 2) божхона тўловлари олинимаган импорт товарлар. Бундай  *товарлар* божхонага бириклирилган Б. омборларида сакланади. Агар  *товарлар* мамлакат ичкарисига жўнатилиса, бож тўланади. Б. омборида  *товарлар* белгиланган муддатгача сакланади, муддат тугагач эса, давлат фойдасига мусодара қилинади.

**БОНЛАР** – 1) хусусий  *фирмалар*, маҳаллий бошқарув идоралари, корхоналар ва давлат томонидан чиқариладиган қисқа муддатли қарз мажбуриятлари; 2) майда пул вазифасини бажарадиган қоғоз пул белгилари. Б. биржасда муомалада юради, котировка (нарх белгиланади) ўтказилади, майда почта ўтказмаларини расмий-лаштиришда фойдаланилади.

**БОЖИМАНДА** – қонунда белгиланган муддат ичида тўланмаган ва ундирилиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ёхуд уларнинг тўланмаган колдиги. Б.лик пайдо бўлган кундан бошлаб пеня ундирилади.

**БРАК** (нем. – нуксон, камчилик, яроқсиз мол) – ишлаб чиқаршида яроқсиз деб топилган, давлат андозаларига тўғри келмайдиган сифатсиз маҳсулот, шунингдек, умуман яроқсиз иш ва чиқит нарса.

**БРАКОНЬЕРИК** (франц. – ит б-н ов килувчи) – ноқонуний ов, балиқчилик коидаларини ва ҳайвонот оламини муҳофаза килиш ҳақидаги конунчиликнинг бошқа талабларини бузган ҳолда ёввойи ҳайвонларни овлаш ва кириш.

**БРОКЕР** (инг. – ўргада туриб воситачилик килувчи, даллол) –  *товар*, валюта, савдо биржасалирида олди-сотди шартномалариши тузишда воситачилик килувчи шахс ёки  *фирма*.

**БЮДЖЕТ** (инг. – ҳамён, маблағ) – белгиланган муддат (йил, квартал) учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ҳамда конуний равишда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йигиндиси. Б.

давлат даражасида, шунингдек, вилоят, туман (маҳаллий ҳокимият), хўжалик субъектлари, оила ёки шахс даражасида тузилиши мумкин. Б.да харажатларнинг даромадлардан ортиб кетипи Б. тақчилиги муаммосини келтириб чиқаради, шу боис доимий равишда уларнинг мувофиқлиги таъминлаб берилади.

**БУНАК, А в а н с – шартнома** ёки битим бўйича бир тараф томонидан иккинчи тарафга бажариладиган иш, қўрсатилиладиган хизмат учун олдиндан қисман ҳақ тўлаш.

**ВАЛЮТА** (лот. – қадрланмоқ, киймат) – 1) мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг тури (олтин, кумуш, қофоз); 2) чет мамлакатларнинг халқаро муюмалада қўлланувчи пуллари, шунингдек, шу мамлакатларнинг пул бирлигига ифодаланган ва халқаро хисоб-китобларда фойдаланиладиган кредит ва тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар, банкнотлар ва б.). В.лар эркин алмаштириладиган (хар қандай чет эл В.сига чекланмаган микдорда алмаштирилади, ҳар қандай мамлакатга эркин ўтказилади), қисман алмаштириладиган (В. алмашуви у ёки бу эгалар, у ёки бу В. ҳаракатлари б-н чегараланади), алмаштирилмайдиган (бир мамлакат доирасида амал қиласидан) турларга бўлинади. Халқаро тўлов муюмаласи эркин алмаштириладиган ёки Халқаро В. фонди белгилаган курс бўйича эркин алмаштириладиган В. б-н бажарилади.

**ВАЛЮТА БОЗОРИ – талаб ва тақлиф** асосида чет эл валютаси олди-сотди қи-

линадиган доира. Биржаса (Ўзбекистонда 1992 й. июнь ойидан Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси ишлайди) ва биржадан ташқари (банклараро) валюта биржасига бўлинади.

**ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИ** – халқаро валюта-молия муюмаласи доирасига жалб қилинадиган моддий объектлар. Унга чет эл валютаси, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар, аккредитивлар), жамғарма бойликлар (акция, облигация), табиий ёки қайта ишланган шаклдаги қимматбаҳо тошлар (олмос, марварид, ёкут, александрит ва бошқалар), шунингдек, ноёб металлар (олтин, кумуш, платина, платина гурухига киругчи металлар – палладий, иридий, осмий, родий, рутений ва бошқалар) киради. В. б.га нисбатан муюмалада чеклов тартиблари жорий қилинган.

**ВАЛЮТА КОНВЕРТАЦИЯСИ.** Валюта алмашинуви – мамлакат миллий валютасининг хорижий валюталарга ёки халқаро тўлов воситаси сифатида амал килувчи валютага эркин алмаштирилиши.

**ВАЛЮТА ТИЗИМИ** – валюта харакати б-н боғлиқ иктисадий ва ҳукукий муносабатлар мажмуи. В. т. валюталар, улардан фойдаланиш ва ўзаро алмашинув, тўлов воситаси сифатида қўлланилиши, шунингдек, валюталарни ишлатиш б-н боғлиқ пул-кредит муносабатларининг қоида ва тадбирлари мажмуудан иборат. Шунингдек, валюталарни чиқариш ва уларнинг муюмалада бўлишини тартибга соладиган органлар ҳам В. т.га киради.

**ВЕКСЕЛЬ** (нем. – айирбошлаш) – кўрсатилган муддатда муайян миқдордаги пулни тўлаш мажбурияти қайд этилган карздорлик ҳақидаги расмий ҳужжат; қимматли қоғоз. У универсал тўлов, кредит ва ҳисоб воситаси бўлиб, ҳалқаро савдода тўлов мажбурияти, қиска муддатли (6 ой) тижорат-кредит воситаси, банкнараро узок муддатли муносабатларни шакллантирувчи восита, банклардан ссуда олиш учун гаров (шунигдек, тизкорат банки марказий банкдан ссуда олишда берадиган гаров) тарзида кенг кўлланилади.

**ВИНДИКАЦИЯ** (лат. – химоя, қўриқлаш, талаб қилиш) – мулк эгасининг ўз мол-мулкини унга ноқонуний эгалик килаётган шахслардан суд орқали талаб қилиб олиши. Мулк бирон-бир шахс (фуқаро ёки юридик шахс)нинг конунсиз эгалигида бўлса, мулк эгаси ўз мулкини натура (асли) ҳолатида қайтариш ҳақида бу шахсга нисбатан судда даъво кўзгатишига, ўз мол-мулкини унинг конунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

**ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ** – товарлар нархининг шиддат б-н кўтарилиши, муомаладаги пул массасининг кўнайиши; пул биргиги кадрининг кескин пасайишига, тўлов муомаласининг издан чиқишига, одатдаги хўжалик алоқаларининг узилишига олиб келади. Одатда, нархнинг ўсиш даражаси ойига 1,5 баравар ёки 50 % га етганда, Г. жараёни бошланган ҳисобланади. Г.нинг яна бир муҳим белгиси – корхона, ташкилотлар ва аҳоли нима килиб

бўлса ҳам пулни товарга айлантиришга уринади, товар сотиб олиш мумкин бўлган, қадри юқори пул – валюта йиға бошлайди.

**ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИ** – жамиятда муайян иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, айрим товарларни ишлаб чиқарни ёки баъзи товарлар савдоси бўйича давлатнинг ягона эгалик килиш ҳукуки. Айрим мамлакатларда катта фойда берадиган спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, қурол-яроғлар ишлаб чиқариш, пул босиб чиқариш, экспорт ва импорт назорати ва бошқалар Д. м. ҳисобланади.

**ДАВЛАТ МУЛКИ** – мулкчилик шаклларидан бири, давлатга карашли ва унинг вазифаларини бажариши учун зарур барча мол-мулклар ва мулкий ҳукуқлар.

**ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ** – давлатнинг ўз ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситалари, мол-мулк обьектларини, корхоналар, уй-жой, транспорт воситалари, табиат ресурслари ва бошқаларни давлат тасарруфидан чиқариши ва фуқаролар, жамоалар, шунингдек, давлатга тегишли бўлмаган юридик шахсларга бериши ёки сотиши; давлат мулки асосида турли (акцияли, хусусий, оиласиб, кўпима, аралаш, корпоратив) мулк шаклларини вужудга келтириш.

**ДАРОМОД** (форс. – кирим, фойда, бошланиш) – кенг маънода кирим бўлган ҳар кандай пул маблағлари ёки пул кийматига эга бўлган моддий бойликларни олиш,

иктисодий субъект ўз фаолияти натижасига кўра оладиган пул ва *товар* – моддий тушум. Д. пул ва моддий шаклга эга бўлиб, уларнинг йигиндиси жами Д.ни хосил килади.

**ДАРОМАД ДЕКЛАРАЦИЯСИ** – молия ёки календарь йилида фукаролар (жисмоний шахслар) томонидан соликка тортиладиган жами *даромадлари* кўрсатилган ва давлат органларига тақдим этиладиган хабарнома.

**ДАРОМАД СОЛИГИ** – молия йилида солик солинадиган *даромадга* эга бўлган жисмоний шахслар (фукаролар)нинг солик солинадиган жами *даромадлари*дан, юридик шахслар (ташкилотлар, хўжаликлар, корхоналар ва бопикалар)нинг солик солинадиган жами *даромади* (фойдаси) дан ундириладиган тўғри, умумдавлат солиги.

**ДЕБИТОР** (лот. – қарздор) – бирор идора, ташкилот ёки муассасадан қарздор бўлган шахс ёки *корхона*.

**ДЕВАЛЬВАЦИЯ** (франц. – баҳо, нарх, киймат) – *миллий валюта* қийматининг чет эл валюталари курсига нисбатан пасайиши, муомаладаги қадрсизланган пулларни бекор килиб, бошка билетлар б-н алмаштириш ёки қадрсизланган пул баҳосини тушириш йўли б-н ўтказила-диган пул ислоҳоти. Д. мамлакат *савдо* ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг ҳолдан тойиши, халқаро валюта бозорларида *миллий валюта* курсининг пасайиши б-н боғлик ҳолда юз беради. Унинг очик (хукумат

томонидан қонун йўли б-н расман эътироф килинади, эски қоғоз пулнинг бир кисми муомаладан чиқарилади ёки қадрсизланган пул алмаштирилади) ва яширин (қоғоз пулнинг қадрсизланиши, олтин таъминотининг камайиши юз беради, лекин пулнинг бир кисми муомаладан олинмайди) кўринишлари бор.

**ДЕМОНОПОЛИЗАЦИЯ**, Монополиядан чиқариш – иқтисодиётдаги монополиядан эркин, тенг хукукли рақобатга асосланган сохибкорлик фаолиятига қайтиш (кайта ўтиш). Д. соғлом иқтисодий беллашувга йўл бериш максадларида амалга оширилади. Д. икки йўл б-н боради: йирик монопол мавкеидаги бирлашималар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустакил корхоналар ажралиб чиқади; якка ҳоким корхона ёки бирлашималар, компаниялар сакланган ҳолда улар б-н рақобат қила оладиган параллел (муқобил – бир хилдаги ёки бир-бирининг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи) корхона ёки бирлашмалар ташкил этилади.

**ДЕМПИНГ** (инг. – арzon экспорт) – чет эл бозорини эгаллаш ва ундан рақобатчиларни сикиб чиқариш мақсадида молни ўз мамлакатидаги ёки жаҳон миқёсидаги нархлардан анча арzonга сотиш орқали рақобатчилик курашини олиб бориш усули. 20-а. бошларида, Европа давлатларида Д. оммавий тус олди. Жаҳон иқтисодий тажрибасидан маълумки, кўпгина давлатларда Д.га карни қонунчилик ва карши маҳсус бојслар амал килади.

**ДЕНОМИНАЦИЯ** – валютанинг барқарорлигини ошириш ва ҳисоб-китобни ихчамлаштириш мақсадида коғоз пул номинали (ёзигб қўйилган қиймати) ни пасайтириш; эски пулни курси (қадри) юқори қилиб белгиланган, номи ўзгармаган янги пулга мълум нисбатда алмаштириш. Мамлакатдаги пул муомаласини тартибга солиш тадбирларидан бири, пул кадри пасайишини тўхтатиб қолиш ёки сусайтириш орқали пул тизимини соғломлаштириш мақсадида амалга оширилади. Д. муомалада бўлган пул маблағлари (купюра, танга) массасини бирмунча камайтириш имконини беради.

**ДЕПОЗИТ** (лот. – сақлашга қўйилган буюм, омонат) – кредит муассасалари (банк, омонат касса ва х.к.)га сакланӣ ва фойдаланиш учун вақтинча қўйилган пул ёки қимматбаҳо қоғозлар.

**ДЕПРЕССИЯ** – иқтисодий танглик на-тижасида ва ундан кейин бошланадиган турғунлик даври. Бу даврда ишлаб чиқариш ўсмайди, иқтисодий жонланип юз бермайди, ишсизлар сони кўпаяди, нархлар бир меъёрга келган бўлса ҳам товар ва хизматларга талаб паст бўлади. Товар захиралари кўнаймайди, унинг мълум қисми арzon баҳода сотилади.

**ДЕФИЦИТ** (лот. – етишмайди) – даромадта қарагандга харажатларнинг ошиб кетиши, танқислик, тақчиллик, етишмаслик.

**ДЕФЛЯЦИЯ** (лот. – пуфлаш, шишириш) – пулнинг қадрини, сотиб олиш қобилиятини ошириш мақсадида инфляция даври-

да чиқарилган ортиқча пул массасининг бир қисмини муомаладан чиқариш.

**ДИВЕРСИФИКАЦИЯ** (лот. – ўзгариш, хилма-хил тараққиёт) – корхона (бира-лашма)ларнинг фаолияти соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туриши. Бу ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш, иқтисодий фойда олиш, банкротликка барҳам бериш ва бошқа мақсадларда амалга оширилади. Ўзбекистон халқ хўжалигига янги барпо этилган саноат корхоналарида асосий маҳсулот туридан ташқари қўшимча маҳсулотлар, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

**ДИВИДЕНД** (лот. – тақсимланадиган нарса) – акциядорлар жамияти фойдасидан акция эгасига ҳар йили бериладиган ва унинг даромадига айланган қисми. Д. миқдори акциядорлар жамиятининг соғфойдаси, акциялар сони ва қийматига боғлиқ.

**ДИЛЕР** (инг. – савдогар, агент) – қимматли қоғозлар, валюталар, қимматбаҳо металлар ва бошқалар олди-сотдисими, биржса операцияларини ўз номидан ва шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширувчи фонд биржаси аъзоси, жисмоний ёки юридик шахс; маҳсулотни ултуржи (кутара) сотиб олиб, уни чакана йўл б-н ёки кичик партияларда фойдасига сочувчи бизнес иштирокчиси, жисмоний ёки юридик шахс. Одатда, бундай агентлар маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг Д.лик тармоқларида фаолият юритади.

**ДИСТРИБЬЮТОР** – миңтакавий (махалий) бозорларда муайян турдаги *товарларни күтара сотиб олиш ва сотиш б-н шуғулланувчи фирмамен* ёки тадбиркор. Д. товар ишилаб чыкарувчи *корхона* б-н тузилган узок муддатли *шартнома* асосида ўз номидан ва ўз хисобидан иш үоритади.

**ДОТАЦИЯ** (лат. – хадя, совға) – *корхона*, муассаса, ташкилот ва ш.к.нин් ортиқча харажатларини коплаш ёки бошқа әхтиёжлари учун уларга давлат томонидан ёрдам тарикасида қайтариб бермаслык шарти б-н берилгандын пул, маблаг.

**ЕВРО** (Европа кітъаси номидан) – Европа Иттифоки таркибидаги Европа иқтисодий ва *пул ҳамжамияті аъзоларининг 1999 й. 1 январдан мұомалата чакарылған пул бирлиги*.

**ЖАМГАРМА** – маълум бир фаолият (илмий изланиш, ўқыш-ўқитиши ва ш.к.) турига, кишиларнинг маълум бир ижтимоий гурухига ёрдам бериш максадида тузиладиган ташкилот, фонд.

**ЗАЁМ** (рус. – карз олмок) – давлатнинг молиявий ахволини яхшилаш максадида чыкарылған қимматбаҳо коғоз.

**ЗАКАЛАТ**, Гаров (рус. – олдиндан берилгандын ҳақ, гаров) – согиб ёки буюртма асосида олинадиган нарса, бажарыладиган иш учун олдиндан бериладиган ҳақ.

**ИЖАРА** – мол-мулкни ёллаш ва ундан фойдаланиш бүйича *шартнома*. Унга күра, бир томон (И. беруви) иккінчи томон (И. олуви)га маълум түлов, яъни И.

хаки эвазига мол-мулкни вақтинге фойдаланиш учун беради. И. хаки мол-мулкнинг құймати ва келтирадиган даромадига боғлик бўлиб, ўзаро келишув б-н белгиланади. И.чи айрим жисмоний шахс, юридик шахс ва ҳатто давлат бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиётини шароитида И.нинг мукаммаллашган шаколарида бири лизингдир. Тадбиркорлик фаолиятида бир неча марта фойдаланишга мўлжалланган ва бунда узоқ вакт мобайнида ўзининг дастлабки ҳолатини саклаб қолиб, даврий эскириб борадиган ускуна жиҳозлар, машиналар лизинг обьекти бўлиши мумкин. Кишлек хўжалигида И. обьекти сифатида ер ресурслари асосий ўринда туради.

**ИМПОРТ** (инг. – келтириш, олиб келиш) – мамлакатнинг ички бозорида соғиши учун, шунингдек, уларни учинчи мамлакатга ўтказиб юбориш учун чет эл *товарлари*, хизматлар, технологиялар, капиталлар, қымматли қоғозлар ва б. келтириш. Юклар, пассажирларни чет элдан ташиб келтириш, сайдхлик, суғурта, илмий-техника билимлари ва бошқа хизматлар харажатлари ҳам И. таркибига киради. И. божхона божлари, шунингдек, миқдорий чеклашлар, лицензиялаш тизими ва бошқа потариф тарздаги воситаляр б-н тартибга солинади. И.нинг экспортдан устунлиги мамлакатнинг ташки савдоисида салбий сальдони вужудга келтиради ва бу ҳол мамлакатнинг умумий иқтисодий салоҳиятида салбий ходиса деб каралади.

**ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ** (лот. – хўжалик буюми) – йўқлама қилиш корхоналар, фирмалар, ташкилотларда нақд мулк ва товарларнинг, натура ҳолидаги моддий бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайднома (ведомость)ларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш. И.нинг тўлиқ, қисман, режали ва тўсатдан ўтказиладиган кўринишлари мавжуд.

**ИНВЕСТИЦИЯ** (лот. – ўраш) – иқтисадиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатида ёки чет элларда турли тармоқларга, ижтимоий-иктисодий дастурларга, инновация, тадбиркорлик лоийхаларига узок, муддатли капитал киритиш (қўйиш). И.нинг қўйилиши шаклига караб молиявий портфель (акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишга қўйиладиган) реал (моддий ишлаб чиқарни, саноат, қишлоқ хўжалиги, курилиш ва бошқа соҳаларга, моддий-ашёвий фаолият турларига узок муддатли маблағлар қўйиш) турлари мавжуд.

**ИНДЕКС** – муайян даврда иқтисодий миқдорлар, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар параметрлари ўзгаринилари ни нисбий кўринишларни иқтисодий ва статистик кўрсаткич; пироверд катталиктин дастлабки катталикка бўлиш йўли б-н аниқланади.

**ИНДЕКСЛАШ** (лот. – кўрсаткич, рўйхат) – истеъмол товарлари ва хизматлар

пархининг ўсиб боришига мувофиқ давлат томонидан фуқароларнинг пул даромадларини ошириб бориш; истеъмолчиларни инфляциядан ҳимоя қилиш усулларидан бири. Шу йўл б-н ахолининг ҳарид қобилияти ва ўртача реал даромади саклаб қолинади.

**ИНДУСТРИАЛ ЎСИШ**, Индустрисал равнақ, Индустрялаш – мамлакат халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, айниқса, саноатда қудратли машиналарни ишлаб чиқарини барпо этиш жараёни; саноат, оғир саноатнинг илгарилаб юксалиб бориши.

**ИНДУСТРИЯ** (лот. – меҳнатсеварлик, фаолият) – саноат, хусусан, йирик саноат – халқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиёти хал қилувчи таъсир кўрсатадиган мухим тармоғидир.

**ИНЖИНИРИНГ**, Муҳандислик маслаҳат хизматлари – тижоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқарини ташкил этишини таъминлаш, маҳсулот сотишини уюштириш ва бошқалар юзасидан маслаҳат бериш.

**ИННОВАЦИЯ** (инг. – киритилган янгилик, ихтиро) – техника ва технологиянинг янги ва юкори турлари (авлодлари), илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгилик ҳамда уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши ҳисобланади.

**ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. – тиклаш, тўлдириш, бутун) – икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш жараёнини ифодалайдиган тушунча.

**ИНФЛЯЦИЯ** (лот. – шишиш, бўртиш, кўтарилиш) – пулнинг қадрсизланиши – товар-пул мувозанатининг бузилиши натижасида муомалада хўжалик айланмаси эҳтиёjlаридан ортиқ даражада қоғоз пуллар микдорининг кўпайиб кетиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида *товар* б-н таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. И. жараёни нархларнинг ўсиши, ялпи талабниш ялпи таклифдан ошиб кетиши, макроиктисодий бекарорлик натижасидир. И. термини дастлаб 1861–65 й.ларда Шим. Америкада, сўнгра Франция ва Германияда қўлланилган.

**ИНФРАТУЗИЛМА** (лот. – остида) – ишлаб чиқариш ва *товар* муомаласи, шунингдек, инсон ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат килувчи турли-туман ёрдамчи хизмат кўrsатувчи соҳалар (ташкилот, корхона ва муассаса) мажмуи; номоддий ишлаб чиқариш сектори.

**ИПОТЕКА** (юнон. – гаров) – кўчмас мулк (ер ёки бино)ни *ссуда* олиш мақсадида гаровга кўйиш. Бунда гаровга кўйилаётган мулк қарз берувчининг кўлига ўтмай, қарздор ихтиёрида қолади.

**ИСТЕММОЛ КРЕДИТИ** – истеммол эҳтиёjlарини қондириш учун қайтаришлик шарти б-н аҳолига бериладиган пул маблағлари ёки *товарлардан* иборат кредит. Одатда, аҳолининг кимматбаҳо, узоқ фойдаланадиган товарлар (автомашина, уй, дала ҳовли, яхта ва х. к.) ни ҳарид этиши учун ажратилади.

**ИЧКИ БОЗОР** – муайян мамлакат доирасида *товарлар* ва хизматлар айирбошланадиган бозор. И. б. ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келади. Махсулотлар *товар* сифатида тайёрланганда кишилар ўзлари тайёрланган маҳсулотларни бозор воситасида алмаштириб, бир-бирлари б-н муносабатда бўладилар.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**, Моддий ишлаб чиқариш – жамиятнинг яшаши ва тараққий этиши учун зарур бўлган моддий бойликлар (турли иқтисодий маҳсулотлар)ни яратиш жараёни; И. ч. омилларини истеъмол ва *инвестициялар* учун мўлжалланган *товарлар* ва хизматларга айлантириш. И. ч. инсон ҳаётининг табиий шароити ва бошқа фаолият турларининг моддий асосидан иборат. И. ч. нинг мазмунини меҳнат жараёни белгилайди. И. ч. жараёни З элемент: меҳнат, меҳнат ашёлари ва меҳнат воситалари бўлишини тақозо этади. Ижтимоий И. ч. И. ч. воситалари, И. ч. ва истеъмол буюмлари И. ч.дан ташкил топади. И. ч. факат маҳсулот И. ч.дан иборат бўлмай, балки тақсимот, айирбошлаш ва истеъмолни ўз ичига олади. И. ч.нинг ривожланиши жамият ҳамма аъзоларининг фаровонлигини мунтазам ошириб бориш ва ҳар томонлама ривожлантиришга имкон беради.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ** – кишиларнинг ишлаб чиқариш, меҳнат фаолиятида қўлланиладиган курол ва воситалар. Моддий пеъматлар

тайёрлашда одамлар фойдаланадиган асосий воситалар (ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, машиналар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар) ва *айланма воситалар* (хомашё, материаллар, энергия, нархи арzon инвентарь ва б.).

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСА-БАТЛАРИ** – кенг мъйнода ижтимоий ишлаб чиқариш жараённида кишилар ўртасида бажарадиган вазифаларига боғлиқ ҳолда шакллашадиган муносабатлар (мулкдорлар, тадбиркорлар, бошқарувчилар, хизматчилар, ёлланма ходимлар, дехконлар); тор мъйнода кишилар ўртасида моддий бойликларни ишлаб чиқариш, айирбошлиш, таксимот ва истеъмол жараённида юзага келадиган иктисодий муносабатлар. И. ч. м. кишилар ўртасидаги иктисодий муносабатларнинг барча шаклларини қамраб олади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ** – корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш максадларида иктисодий *ресурслар* сотиб олиш учун килган нут сарфлари. И. ч. х. таркибига хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия харажатлари, асосий капитал амортизацияси, иш ҳаки ва ижтимоий сүертулага ажратмалар, фоиз тўловлари ва бошка харажатлар киради. И. ч. х.га килинган барча харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таниархини ташкил киласди.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ** – меҳнат жараённида ишлаб чиқа-

риш *ресурслари* ва меҳнат қуролларидан оқилона фойдаланиб, белгиланган вазифани бажариш ва юкори самарадорликка эрпиишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАР** – упум берувчи кучлар – ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва кишилар мажмуи; ижтимоий ишлаб чиқариш жараённида инсон б-н табиат ўртасидаги «модда алмашуви»ни амалга оширадиган субъектив (одам) ва ашёвий унсурлар тизими. Ишлаб чиқариш кучларининг моддий унсурлари ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол воситаларидан иборат.

**ИШСИЗЛИК** – бир қисм иқтисодий фаол аҳолининг ўзига лойик иш топа олмасдан қолиши ва меҳнат захирасига айланishi. И.нинг асосий шакллари: фрикцион (турли сабабларга қўра, яъни янги яшаш жойига ўтиш, касбни ўзгартириш, бола бокин, янги иш танлаш сабабли вакти-вакти б-н ишсиз қолиш) таркибий (ишлаб чиқариш тузилмаси ўзгартирилган шароитда эски тармокларда ишлаб келган кишиларнинг янги тармокларга керақ касбни ҳали ўзлаштиргмагани сабабли юзага келган), циклли (иқтисодий тарнилеклар б-н боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришнинг наслайиб кетиши натижасида юзага келган) мавсумий (мавсумий ишда банд бўлганларнинг мавсум тугагач, ишсиз қолиши) яширин (расман иш б-н банд бўлганларнинг факат кисман ишлапчи) мавжуд.

**ИҚТІСОДИЁТ** – кишилар томонидан мекнэтни құллаган ҳолда инсон учун зарурий бўлган неъматлар, ҳаёт шароитлари ва воситаларини яратиш орқали тирикчиликни таъминлаш, эхтиёжларни қондиришда фойдаланиладиган хўжалик, воситалар, обьектлар, жараёнлар мажмую бўлиб, ишлаб чиқариш, айирбошлиш, тақсимот, истеъмол соҳасидаги ижтимоий муносабатларни қамрайди.

**ИҚТІСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ** – турли корхона ва тармоқларнинг, шунингдек, мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, мамлакатлараро ягона умумий хўжаликнинг шаклланити жараёни.

**ИҚТІСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК** – миллӣ иқтисодиётнинг чет давлатларга боғликлигини камайтириш ва миллӣ манфаатларга хизмат қилиши учун шарт-шароитларнинг таъминланити. Давлат мустақиллигининг моддий таяничи, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш шарти ҳисобланади, чунки иқтисодий жиҳатдан таъминланмаган миллӣ мустақиллик ўзини химоя қила олмайди, яшовчанликдан маҳрум бўлади. Жаҳон мамлакатлари тараққиёт тажрибалари асосида И. м. ғинг ўзаро узвий бөгланган энг муҳим мезон ва кўрсаткичлари аниқланган. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин: миллӣ мулкнинг қарор топиши, миллӣ манфаатларнинг устуворлиги, иқтисодиётнинг очиқлиги, иқтисодий тараққиёт йўлини мустақил танлаш, миллӣ инвес-

тицияларнинг устуворлиги, хориж капитали устидан самарали назорат, миллӣ давлат чегараларининг мавжудлиги ва уларнинг дахлсизлиги, мамлакатнинг чет эллардан олган қарзининг меърида бўлиши. И. м. мутлақ эмас, балки нисбийдир. Глобал шароитлар ўзгариши б-н И. м. мезон ва кўрсаткичлари ўзгаради, чунки мамлакат иқтисодиётига ташки шароитларнинг таъсири кучаяди.

**ИҚТІСОДИЙ ТАНГЛИКЛАР** – иқтисодий циклнинг тушкунлик ҳолати б-н тавсифланувчи маҳсус фазаси, мамлакат иқтисодиётидаги вақтвакти б-н юзага келадиган чукур номутаносибликлар. Мамлакат иқтисодий ахволининг кескин ёмонлашуви, ишлаб чиқаришининг ғоят на сайиши, шаклланган иқтисодий алоқаларнинг бузилиши, корхоналарнинг банкротлиги, ишсизликнинг ўсиши ва охир-окибат аҳоли турмуш даражасининг на сайишини келтириб чиқаради.

**ИҚТІСОДИЙ ТИЗИМ** – иқтисодий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлиш ва истеъмол жараёнида пайдо бўладиган асосий иқтисодий муносабатларнинг шакл ва мазмунини белгилаб берадиган, мамлакатда тарихан пайдо бўлган ёки жорий этилган, амал қиласидиган тамойиллар, қоидалар қонун йўли б-н мустаҳкамланган нормалар мажмуюи. И. т. доирасида иқтисодиёт субъектлари, ишлаб чиқариш омиллари ўзаро муносабатга киришадилар ва бу муносабатлар маълум қонун-коидалар-

га биноан бошқарилади. И. т. фаолияти мулк, пул ва пул тизими, давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона, солик, даромад, режа, фойда каби бир қатор воситалар ёрдамида ташкил қилинади.

**ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ АҲОЛИ** – ахолининг даромад келтирадиган ижтимоий фойдали меҳнат б-н банд бўлган қисми (хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, шахсий ёрдамчи хўжалигида ишловчилар, бола тарбияси б-н машғул бўлганлар ҳам киради). Кўпгина мамлакатларда иш б-н банд бўлганлар ва уларнинг қарамоғидагилар, давлат қарамоғидаги шахслар ва ишсизлар ҳам И. ф. а. ҳисобига киритилади. Расмий статистикада мамлакатдаги 16–59 ёщдаги меҳнатга лаёкатли аҳоли И. ф. а. ҳисобланади.

**ИҚТИСОДИЙ ЦИКЛ** – умумий иқтисодий фаолликнинг муайян ийиллар давомида даврий юксалиб ва пасайиб, тебравиб туриши; бир неча йиллар давомида иқтисодиётда юксалиш ва пасайишнинг даврий тақрорланиб туриши, юксалиш, танглик, депрессия, жонланиш фазаларидан иборат.

**КАМОМАД** (форс. – кам келди, етишмаслик) – мол, пул ва п.к.нинг тегишли микдордан кам чикқан қисми.

**КАМПАНИЯ** (франц. – бирлашма, алоқа) – савдо, саноат ёки транспорт соҳасида иқтисодий фаолият олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар, ишбилиармонлар уюшмаси.

**КАПИТАЛ**, Сармоя (лот. – бош, асосий) – кенг маънода – ўз эгасига даромад

келтириш хусусиятига эга бўлган жами воситалар ва маблаглар; янги қиймат келтирувчи, ўзини ўзи кўпайтирувчи қиймат. Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун кишилар томонилан яратилган ресурслар; тор маънода – ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги ишга қўйилгац, ишлаб турган даромад маңбаи.

**КАПИТАЛ БОЗОРИ**. Фонд бозори – бўш турган пул маблағларини тўплаш, уларни ссуда капиталига айлантириш, сўнгра уни ишлаб чиқариш жараёнлари иштирокчилари (банклар, корхоналар, фирмалар, шунингдек, мамлакат аҳолиси) ўртасида таксимлаш муносабатлари. Пул капиталининг кайта тақсимланишида иштирок этадиган банклар, фонд биржалари ва бошқа молия-кредит муассасалари мажмууни ўз ичитга олади. К. б. пул бозори билан бирга иқтисодиётнинг тармоклари ва ҳукумат учун ташки капитал манбаи ҳисобланади, ссуда капиталига талаб ва таклифи шакллантиради.

**КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР**, Капитал маблағлар – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга тегишли асосий фонdlарни яратишга, уларни янгилашга ва ҳаракатдаги фонdlарни кўпайтиришга, объектларни қуришга сарф қилинадиган, ишлаб чиқаришга қўйилган маблағлар, банкларнинг кредитлари, корхона, фирма, компанияларнинг фойдаси ва амортизация фонdlари, аҳоли жамгармалари ҳисобидан амалга оширилади.

**КАСАНАЧИЛИК** (форс. – бирон кимсага тегишли, бирорничи) – хунармандарнинг меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ўз уйидан ишлаши, яшаш жойида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш. К.да маҳсус ташкилот ва корхоналар б-н келишув, шартнома асосида буюртмалар бажарилади. Жамиятда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, кўшимча даромад топиш, иш вақтининг катъий белгиланмаганлиги, маҳсус биноларга эҳтиёж бўлмаслиги ва бошқалар К.нинг иктиносидай самарадорлигини таъминлайди. Ўзбекистонда «Махалла» жамғармаси, республика Товарлар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси махаллаларда К.ни ривожлантириш дастурларини амалга оширади.

**КАСОД** (араб. – товарга бўлган тајабнинг пасайиши, савдо-сотиқдаги сустлик) – тајаб ёки харидор йўқлиги сабабли ишлаб чиқариш, касб-хунар ва ш.к.нинг тўхтаб қолиши, юришмаслик, товарнинг ўтмаслик ҳолати.

**КАССА** (лот., итальянча – бирон нарса сакланадиган идиш, кути) – пул, кимматбаҳо қоғозлар қабул килинадиган ва сакланадиган пўлат кути, жой, шунингдек, муассаса ёки корхоналарнинг пул қабул қилиш, пул бериш, билет сотиш ва ш.к. б-н шуғулланувчи бўлими.

**КВОТА** (лот. – кисм, хисса) – муайян давр учун товарларни ишлаб чиқариш, истеъмол, сотиш, экспорт, импорт ва бошқа иктиносидай фаолият соҳаларида жорий килинадиган миқдорий

чеклашлар. Давлат органлари томонидан ўтказиладиган ташки иктиносидай фаолиятни тартибга солиш тадбирлари тарзида муайян товарлар турлари экспорти ва импортига миқдорий чеклашлар К.лаш деб аталади. К. ўрнатишдан мақсад бозордаги нархга турлича таъсир кўрсатиш, ички бозорни химоя килиш, товар таклифини чегаралаш, нархни муайян даражада сақлаб туриш ва бошкадан иборат.

**КИЧИК ВА ЎРГА БИЗНЕС** – мустакил мулук эгалигига, хўжалик фаолиятини мустакил ташкил этишга асосланган ва ўз тармоғида хукмрон мавке тутмайдиган бизнес. Турли мамлакатларда К. ва ў. б. субъектлари мақомини белгилаб берувчи мезонлар сифатида корхонада банд бўлган ишлов чилар сони, корхонанинг товар айланмаси активлар, капиталлар, фойда миқдори в-бошқа кўреатиқчлардан фойдаланилади.

**КЛИРИНГ** – мамлакатлар, компаниялар корхоналар ўртасида бир-бирига етказиб берилган, сотилган товарлар, қимматли когоzlар ва кўреатиqlган хизматлар учугу ўзаро хисоблар йўли б-н тўловлар баланси шартлари асосида нақд пулсиз ҳи соб-китоблар.

**КОММЕРЦИЯ** – савдо ва савдо-воситачилик фаолияти, товар ва хизматларни сотиш ва сотилишига кўмаклашишдигитирок этиш. К. фаолиятининг асосий ўналиши – товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етка зиб бериш – муомала соҳаси хисобланади.

**КОМПАНИЯ** – иктиносидай фаолият (ишлаб чиқариш, савдо, воситачилик, мо-

лия, сугурта ва бошқа) олиб бориш учун уюшган юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорлар бирлашмаси. К. дейилганданда бирлашмалар, ширкатлар, хўжалик жамиятлари, фирмалар, корпорациялар, яъни турли ташкилий-хукукий шаклларга эга бўлган корхоналар тушунилади. К. юридик шахс мақомига эга бўлади ва шерикчилик, корпорация тамойиллари, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа тамойиллари бўйича фаолият кўрсатиши мумкин.

**КОМПЕНСАЦИЯ** (лот. – тенглаштириш, ўрини тўлдириш) – меҳнат қонунчилигига конунда белгиланган ҳоллауда меҳнат мажбуриятларини бажаришдаги кўшимча харажатлар учун ишчи ва хизматчиларга бериладиган тўлов, товон тули.

**КОНВЕРСИЯ.** Конвертация (лот. – ўзгартириш, алмаштириш) – олдинги йилларда чиқарилган давлат замъларини янгиси б-н алмаштириш. Конвертация – миллий валютанинг амалдаги курс бўйича бошқа хорижий валюталарга эркин ва чекланмаган миқдорда алмаштирилиши.

**КОНСАЛТИНГ** (инг. – маслаҳат бериш, маслаҳатлашиш) – ишлаб чиқарувчилар, сотовчи ва харидорларга ташкилий, техникавий, молиявий, иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатлар, тавсиялар берилсан иборат фаолият.

**КОНСОЛИДАЦИЯ** (лот. – мустахкамламоқ, махкамламоқ) – давлатнинг киска муддатли қарзларини узок муддатли қарзга айлантириш.

**КОНСОРЦИУМ** (лот. – ширкат, иштирок этиш) – компаниялар, банкларнинг капиталталаб, жуда кенг кўламдаги иқтисодий лойиҳани амалга ошириш ёки қарзларни ҳамкорликда жойлаштириш учун тузилган вактинчалик бирлашмаси.

**КОНТРАКТ** (лот. – битим, келишув) – томонларнинг тенг хуқук ва мажбуриятлари кўрсатилган ҳолда тузилган икки ёки кўп томонлама шартнома, битим.

**КОНФИСКАЦИЯ** (лот. – мол-мулкни ҳазина фойдасига олиб қўйиш) – кишиларга қарашли хусусий мол-мулкларни батамом ёки қисман давлат ихтиёрига ўтказиш, мусодара қилиши.

**КОНЦЕРН** (инг. – иштирок, манфат, корхона) – манфаатлар, шартномалар, капитал, ҳамкорликдаги фаолиятда иштирок умумийлиги асосида уюшган корхоналарнинг йирик бирлашмаси. Бунда бўйсунувчи бир қанча саноат, молия ва савдо корхоналари расман ўз мустакиллигини саклаб қолади, лекин амалда марказлашган молиявий назорат ва раҳбариятта эга бўлади.

**КОНЦЕССИЯ** (лот. – рухсат, ён бериш) – хўжалик юритиши ва чет эл капиталини жалоб қилиш шакли; миллий иқтисодиётни ривожлантириш ёки тиклаш, табиий бойликларни ўзлаштириш максадида давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораларида қарашли ер участкалари, қазилма бойликлар, корхоналар ва бошқа хўжалик объектларини муайян муддатга ва шартлар б-н фойдаланиш учун чет эл ка-

питали (давлат, *фирма*, хусусий шахс)га бериш ҳақидағи шартнома ёки келишув.

**КООПЕРАТИВ** (лот. – шериклик, ҳамкорлик) – дастлабки босқичда ўзини ўзи молиялаштириши ва бошқариш мақсадида *тадбиркорлык* фаолиятини олиб бориши учун ихтиёрий равищда бирлашган фуқаролар гурухини жамлаган таскилот.

**КООПЕРАЦИЯ** – 1) жисмоний шахсларнинг биргаликда *тадбиркорлык* фаолиятини олиб бориши учун ихтиёрийлик асосида бирланпуви; 2) бир ёки бир неча мамлакатларниң хорижий шериклик иштирокида қўшма ёки ўзаро мувофиқлаштирилган ишлаб чиқаришини ташкил этишининг универсал шакли.

**КОРПОРАЦИЯ** (лот. – бирлашма, жамият) – ривожланган йирик акциядорлар жамияти, бирон-бир фаолият учун уюшган хукуқий ва жисмоний шахслар мажмуси. К. бир касб ёки фаолият соҳасида фуқароларни бирлаштириши ҳам мумкин. 19-а. ўрталарида пайдо бўлган. Ҳозирги бозор иқтисодиётни ривожланган мамлакатларда хўжаликнинг барча тармоқларида асосий мавқега эга.

**КОРХОНА** – юридик шахс хукуқига эга бўлган мустакил хўжалик юритувчи субъект. Махсулотлар, *товарлар* ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсагиши, ишларни бажарип учун ташкил этилади, иқтисодий фаолиятнинг хилми-хил турлари б-н шуғулланади. Давлат, муниципиал, жамоа, қўшма, якка (оила, хусусий) К.лар бор.

**КОТИРОВКА** – биржасда амалдаги вазият ва қонунчилик нормалари, кои-

даларига мувофиқ чет эл валюталари, кимматли қоғозлар курсини, *товарлар нархини* белгилаш ва уларни қайд этиш.

**КРЕДИТ** (лот. – карз, ишонаман) – нул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устами (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти б-н маълум муддатларга қарзга бериш. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор (давлат, банк, корхона, хусусий шахс ва бошқа), *ссуда* олувчи томон эса дебитор (қарздор) дейилади. К. келишуви қарздан фойдаланиш шартлари қайд этилган шартнома билан расмийлаштирилади.

**КРИЗИС** (юнон. – ҳал килиш, бурилиш нуктаси, оқибат) – бирдан, тўсатдан юз берган ўзгариш, танг ва мушкул ахвол.

**КУПОН** – кимматли қоғознинг йиртмалон кўринишидаги қисми. Талонда кўрсатилиган муддатда фоизлар суммасини олиш хукукини беради. К. кимматли қоғозга, мас., облигацияга тиркалини ёки ундан алоҳида сотилиши ёки сотиб олиши мумкин. К. бўйича нул беришда шу К. тиркалган кимматли қоғознинг ўзи, албатта, тақдим этилиши зарур.

**КУРС** (лот. – югуриш, ҳаракат) – бир мамлакат нул бирлиги баҳосининг бошқа мамлакат нул бирлигидаги ифодаси (валюта К.и); биржада сотиб олинадиган ва сотиладиган акция, облигация, вексель ва бошқа кимматбаҳо қоғозлар баҳоси, нархи.

**КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ** – турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турларининг яхлитлигидан ташкил тонган иқтисодий тизим. Хўжалик юритиш

тарзи ва уклад субъектлари фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос тизимига эга бўлган турли ишлаб чиқарши муносабатларининг биргаликда мавжуд бўлиши б-н якка укладли иктисодиётдан фарқ килади. Ҳар қандай иктисодиёт кўп укладли характерга эга.

**ЛИЗИНГ** (инг. – ижара, ижара шартномаси, ижарага бермок) – асоси ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотлари) ва б. *товарларни* ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун қарзни аста-секин узин шарти б-н узок муддатга ижарага бериш ёки олиш.

**ЛИСТИНГ** – 1) компаниялар акцияларини биржасда сотиладиган акциялар рўйхатига киритиш; 2) кимматли қоғозларни фонд биржасида савдога қўйиш коидалари.

**ЛИМИТ** (лот. – чек, чегара) – бирон нарсанинг чекланган нормаси, фойдаланиш учун белгиланган чегаравий, чекли миқдор, чеклов.

**ЛИЦЕНЗИЯ** (лот. – рухсатнома, хукук) – ваколатли давлат органлари ташкил савдо ҳаракатларини олиб бориш учун берадиган рухсатнома. Экспорт ва импортни, валюта сарфларини назорат килиш усусларидан бири. Одатда, 1 й.га берилади; техникавий, иктисодий, илмий янгиликлар эгасининг уларни ишлатиш учун шартнома асосида берадиган рухсати.

**ЛОКАУТ** (инг. – эшикни ёпмок) – корхонани ёпиб қўйиш ва ишчиларни ёппасига

ицдан бўшагиши – ишчиларни ўз талабларидан воз кечишига мажбур қилиш ва шу йўл б-н иш ташлашнинг оддини олиш ёки бостириши усулларидан бири.

**ЛОМБАРД** (нем., итальянча – судхўрнинг уйи) – харакатдаги кўчма мол-мулк ва буюмларни гаровга олиб, вақтинча фойдаланиш учун пул (қарз) бериб турувчи кредит муассасаси, гаровхона.

**МАКЛЕР** (нем. – воситачи, даллол) – фонд, товар ва биржасаларда тузиладиган келишувларда пулли воситачилик хизматларини амалга оширувчи ишбилармон.

**МАКРОИКТИСОДИЁТ** (юонон. – узун, катта + иктисодиёт) – иктисодиётнинг жаҳон ёки йирик бир мамлакат иктисодиёти, умуман миллий хўжаликка оид катта миқёсдаги иктисодий ходисалар ва жараёнларни ўрганувчи бўлими.

**МАНУФАКТУРА** (лот. – кўлда бажармоқ) – кўл кучи ва хунармандчилик техникаси асосида меҳнатнинг тақсимлашишини характерловчи ишлаб чиқариш шакли.

**МАРКЕТИНГ** (инг. – бозор, сотиш, пуллаш) – иктисодиётнинг товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш (талаб ва истеъмол, маҳсулотга нарх белгилаш, уларни тарғиб қилиш, сотилаётган товарлар ҳажмини кўпайтириш воситалари каби) муаммолари б-н шуғулланувчи соҳаси. Бозор эҳтиёжи талабларидан келиб чиқкан ҳолда корхонанинг янги хил маҳсулотлар ишланмаларини тайёрлаш, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ёки турли хил

хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш бўлими. М. атамаси истеъмолга 19-а.нинг 60-йилларида Макковерн томонидан киритилган. М. назарий концепция ва *тижорат* фаолиятининг ўзига хос ҳодисаси тарзида 20-а. бошларида АҚШда илк бор кўлданиди.

**МЕНЕЖЕР** (инг. – бошқарувчи) – корхона ва компания эгалари бўлмаган, маҳсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг қонун-коидаларини чуқур билувчи малақали мутахассис – ёлланма болқарувчи; ривожланган мамлакатларда компания, фирма, корхона, банк, молия муассасаларининг ижроия хокимиятга эга бўлган бошқарувчи, директор, раҳбар, мудир, маъмурий бошқарувчи каби раҳбар ходими. **МЕНЕЖМЕНТ** (инг. – бошқарни, ташкил этиш) – замонавий ишлаб чиқариши бошқариш (режалаш, тартибга солиш, назорат килиш), ишлаб чиқаришга раҳбарлик килиш ва уни ташкил этиш – бошқарни тўғрисидаги фан.

**МЕХНАТ БИРЖАСИ** – ишсизларни, иш жойини ўзгартиришни истовчи шахсларни ишга жойлаштириш б-н шуғулланадиган маҳсус давлат муассасаси. *Мехнат* бозорининг ташкил этилган ва тартибланиб турадиган шакли. М. б. дастлаб 19-а.нинг 1-ярмида Германия ва Англияда, кейинчалик Франция ва бошқа давлатларда пайдо бўлди. Ўзбекистонда меҳнат биржалари 1993 й.дан пайдо бўлди. Мехнат биржаларининг кенг тармоқли тизими ташкил этилган,

Ўзбекистонда меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олади, уларни касбга йўллади, *ишсизлик* бўйича нафақалар тўлайди, иш излаётган фуқароларни ҳақ тўланадиган вактинча жамоат ишлари б-н таъминлайди.

**МЕХНАТ БОЗОРИ** – иш кучи олди-сотди килинадиган бозор. М. б.нинг иштирокчилари ишга ёловчилар, ишга ёлланувчилар ва улар ўртасидаги турли воситачилар ҳисобланади. Турли воситачи фирмалар, ташкилотлар ва агентликлар М. б.нинг инфратузилимасини ташкил этади. Иш кучи маҳсус *товар* сифатида унинг соҳиби томонидан бозорга таклиф этилади. Ишига ёловчилар М. б.га талаб б-н чикади. Иш кучининг олди-сотдиси бевосита харидор б-н сотувчи ўртасида тўғридан-тўғри ёки воситачилар иштирокида юз бериши мумкин. Бу ишни *меҳнат биржаси* ёки иш топиб берувчи фирмалар бажаради.

**МЕХНАТ ИҚТИСОДИЁТИ** – жамиятда меҳнатни ташкил этиш ҳамда ишчи кучидан фойдаланишининг самарадорлигини ифодаловчи *ишлаб чиқарни муносабатларининг* ўзига хос хусусиятлари мажмуи; меҳнатнинг ижтимоий ташкил этилишини ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ўрганувчи фан.

**МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ** – мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёкатли ёшдаги қисми, иқтисодий *ресурсларининг* таркибий унсур; 16 ёндан 55 ёшгача бўлган аёллар, 60 ёшгача бўлган эркаклар М.р.га киритилади.

**МЕҲНАТ СТАЖИ** – ходимнинг белгилаптган тартибда хисобланадиган меҳнат фаолияти даври. У иш вактини ҳам, дам олиш вактини ҳам ўз ичига олади. М.с. – бирор ижтимоий шаклда ҳак тўланадиган ва бошқа шаклдаги меҳнат фаолиятидир.

**МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ** – ходим б-н иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсуншган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги конунлар ва бошқа норматив хужожатлар б-н беягиланган шартлар асосида ҳак эвазига бажариш жаҳидати келишув.

**МИКРОИҚТИСОДИЁТ** – иқтисодий назариянинг айрим бир хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни, уларнинг фаолияти ва **миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганадиган бўлими**; М. ўрганадиган асосий объектлар – уй хўжалиги ва нисбатан катта бўлмаган *корхоналардир*. М.нинг муҳим жиҳати – хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиёт тармоқларида янада йирикроқ тузилмалар – бозорлар пайдо бўлиши жараёнидаги ўзаро муносабатларидир.

**МИЛЛИЙ БОЗОР** – муайян мамлакатнинг давлат чегаралари доираси б-н чекланган *tovar* муомаласи соҳаси. М.б. ҳам ҳар қандай бозор каби турли моддий, маънавий ва интеллектуал товарларни айирбошлиш обьектига айлантиради. М. б. тарихан ўткинчи. У маълум давр-

да пайдо бўлган, маълум боскичга келиб йўқолади, чунки бозор муносабатлари байналмиллашиб, миллатлараро, умумий бозор вужудга келади. Натижада бозор муносабатлари учун миллий доира торлик қиласи ва улар давлатлараро миқёсга чиқади.

**МИЛЛИЙ БОЙЛИК** – мамлакатнинг товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва кишилар ҳаётини таъминлаш шароитларини белгиловчи *ресурслари* мажмуи. М. б. кўрсаткичи турли шаклда жамғарилган кишилар меҳнат маҳсуллари натижалари б-н бирга иқтисодий муомалага киритилган таборат ресурсларини, шунингдек, хориждаги молиявий активлар ва хисоб-китоблар салъосини ҳам ўз ичига олади.

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТА** – муайян давлат (давлат марказий банки) томонидан чиқариладиган валюта. Биринчи навбагда, мамлакат худудида, куввати ва холатига қараб ташки *савдо* ва ҳалқаро хисоб-китоб ишларида кўлланилади.

**МИЛЛИЙ ДАРОМАД** – 1) мамлакатдаги **миллий иқтисодиётнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан муайян бир даврда** (одатда, бир йилда) моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган соғ маҳсулот; ялпи маҳсулот хажмидан уни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат воситалари ва буюмларини коплайдиган маҳсулот миқдорини – коплаш фондини чегириб ташлангандан кейин коладиган маҳсулот; 2) гарб мамлакатлари иқтисодчилари талқинида мамла-

катдаги меҳнат, капитал ва ер эгаларининг бир йилда олган иш ҳақи, фойда, фоиз ва рентта каби даромадлари йигиндинси.

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ** – ижтимоий иқтисодиётнинг мавжудлик шакли; мамлакат, давлат ҳудудида яшовчи миллат (халқ)нинг тарихан шаклланган ёки тубдан янгиланаётган, ўзгараётган ва ривожланаётган мулкий ва бошқа ижтимоий-иктисодий муносабатлари, улар б-н шартланган, маҳаллий хусусиятларга ҳам эга бўлган иқтисодий фаолият соҳалари, тармоқлари, ташкилотлари, корхоналари, ҳудудлари ва минтақалари системаси. Имкон даражасида ташки бозор таъсиридан холи бўлган миллий хўжалик системаси.

**МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ** – мамлакат иқтисодий ривожланишининг халқаро статистика амалиётида қабул қилинган умумлаштирувчи кўрсаткичлари тизими. Бозор иқтисодиётни пароитида мамлакатларнинг макродаражадаги миллий маҳсулотини ва *миллий даромадини* ҳисоблаш методологияси.

**МОДДИЙ БОЙЛИК**, Моддий неъмат – муйян инсоний эҳтиёжларни қондирадиган нарса, ҳодиса, меҳнат маҳсулоти; *миллий бойлик*нинг таркибий қисми. Табиатдаги табиий инъомлар (мас., ер, ҳаво, иқлим ва бошқалар); ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, бинолар, ишиоотлар, машиналар, асбоб-ускуналар ва б.).

**МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК** – муйян жамият, қатламлар, гурухлар ва айрим кишиларни ўз иқтисодий ва меҳнат фолииятлари юқори самарали бўлишидан манфаатдор этадиган ва фаолликка ундейдиган объектив иқтисодий тамойиллар.

**МОДДИЙ РЕСУРСЛАР** – иқтисодиёт тараққиёти ва ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган моддий-ашёвий неъматлар йигиндинси, моддий-ашёвий шаклдаги иқтисодий *ресурслар*. М.р.га табиий бойликлар, материаллар, машина-механизмлар, бино-иншиоотлар, асбоб-ускуна ва қурилмалар киради. М.р. ишлаб чиқаришининг буюмлашган ёки моддий омилини ташкил қиласи.

**МОДДИЙ ФАРОВОНЛИК** – жамият, айрим кишилар ва ижтимоий гурухларнинг моддий неъматлар б-н таъминланганлиги; кишилар моддий эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси.

**МОЛИЯ** (араб. – пул маблағлари) – максадли пул фонидларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан шайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи, пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва уларни сарф қилиш ва ишлатиш тизими.

**МОНОПОЛИЯ** (юон. - ягона сотаман) – иқтисодиётнинг бир соҳасида танҳо ҳукмронлик, бозорни ташкил этиш шакли. Бундай бозорларда ягона сотувчи ўз *товари* б-н фаолият кўрсатади, бошқа тармоқларда бундай *товар*-

**НИНГ ЎРИНБОСАРИ БЎЛМАЙДИ.** М. ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва яратилган маҳсулотлар асосий қисмининг озчилик *корхоналар*, соҳибкор шахслар ёки давлат қўлида тўпланиши натижасида пайдо бўлади. М. ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунлик пайдо қиласди, чунки монопол мавқега таяшиб, сарфларни камайтирамай фойда қўриш, рақобатнинг йўклиги ёки заифлигидан фойдаланиб бозорга ўз измини ўтказиши мумкин. М.нинг асосий шакллари – картел, синдикат, трест, консернлар хисобланади.

**МОНОПОЛЛАШГАН БОЗОР** – озчилик сотувчилар ва харидорлар ҳукмрон, рақобат чекланган ёки мавжуд бўлмаган бозор.

**МУЛК** – моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгалитигда бўлиши ва улар томонидан ўзлаштирилиши; М.ка эгалик қилиш ҳуқуқи ҳамда М. объектиларига эгалик, уларни бўлиш, тақсимлаш бўйича кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар. М. объекти ер ва еости бойликлари, *корхона*, бино, иншоотлар, машина ва ускуналар, тайёр маҳсулот, пул, қимматли қофозлар, санъат ва адабиёт асарлари, илмий ва техникавий ишланмалар ва бошқалар бўлиши мумкин.

**МУЛКДОР** – мулк субъекти; мулк объектига нисбатан эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқий тамойиллари асосида мустаҳкамланган ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

**НАРХ** (форс. – баҳо, қиймат) – нарсанинг, буюмнинг пул б-н ўлчанадиган қиймати, баҳоси, *товар* қийматининг пулдаги шакли; бозор иқтисодиётida амал килувчи иқтисодий дастак. Иқтисодий тафаккур тарихидаги айрим карашларда Н.ни қийматнинг меҳнат назариясига асосланиб талқин қилишган, унга қийматнинг пулдаги ифодаси деб каралган.

**НАСИЯ** (араб. – муҳлатни чўзиш, кеччикириш, қарз) – нақд шулсиз, шулини кейин тўлаш щарти б-н бўлган ёки бўладиган савдо муомаласи.

**НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ** (инг. – халқ, миллат, миллийлаштириш) - айрим шахс ва бирлашмаларнинг ҳусусий мулки бўлган ер, ишлаб чиқариш *корхоналари*, транспорт, банк ва ш.к.ни давлат ёки жамият мулкига айлантириш, давлат ихтиёрига олиш. Бунда фуқароларга ҳамда юридик шахсларга тегишли бўлган Н. қилинаётган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ тўлаш асосида конун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказилади.

**НЕТТО** (итал. – соф, ҳақиқий) – маҳсулотнинг ўров-идишилсиз соф оғирлиги; *товарнинг ташламалар* кирмаган соф пархи, харажатлар айриб ташлангандан кейинги соф *даромад*.

**НОДАВЛАТ СЕКТОРИ** – миллий иқтисодиётнинг давлат тасарруфига бўлмаган соҳалари. Н. с. гарб мамлакатларида приват, яъни ҳусусий сектор деб юритилади. Ўзбекистонда ҳусусий *корхоналар*, қўйима *корхоналар*, ширкатлар, коопера-

тивлар, хўжалик уюшмалари, акциядорлик жамиятлари, фермер ва дехқон хўжаликлари Н. с.га киритилган.

**НОУ-ХАУ** (инг. – қандайлигини биламан) – ишлаб чиқариш сири – ҳали ҳаммага маълум бўлмаган ва кенг тарқалмаган янги илмий-техникавий, ишлаб чиқариш-технологик, бошқариш, молиявий-иктисодий, тижоратга оид билимлар мажмуи ва уларни амалиётда кўллаш тажрибалари; уларга танҳо эга бўлиш. Н.-х.да патентланган маҳсулотга тааллукли маълумотлар эмас, балки ундан фойдаланишни ташкил этиш ёки уни ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш хусусиятларига доир маҳсус ахборот бўлади. Н.-х. маҳфийлиги б-н ажралиб туради ва тижорат сири ошкор этилмаслигини талаб этади. Н.-х. патентланмайди, шунинг учун ҳам Н.-х. бўйича шартномада берилаётган маълумотлар сир сақланиши ва бу шарт бузилган тақдирда кўриладиган зарарни коплаш ҳақида алоҳида банд бўлади.

**ОБЛИГАЦИЯ** (лот. – мажбурият) – қийматига нисбатан эгасига қатъий белгиланган *даромад* келтирувчи кимматли қоғоз, карзни қайтариб бериш ва фойз тўлашни тасдиқловчи мажбуриятнома. Фонд биржасарида сотилади. О. аҳоли, корхона ва ташкилотлар қўлидаги пул маблағларини тўплаб, бирор мақсад йўлида сафарбар этиш учун чиқарилади.

**ОДДИЙ МЕҲНАТ** – ҳеч қандай маҳсус тайёргарлиги, малакаси, ихтисоси бўлмаган одамнинг меҳнати. Мас., юк ташувчи ва юкни тушириб-ортувчи, фаррош ёки

коровул бажарадиган ишлар қандайдир тайёргарлик кўришни, муайян малакага, қобилиятга эта бўлишини талаб этмайди. Шунингдек, одамларнинг уй-рўзғор ва уй-хўжалик борасидаги бажарадиган ишлари ҳам О. м. хисобланади.

**ОЛИГОПОЛИЯ** – бозорни ташкил этиш шаклларидан бири. Гурух монополияси, оз сонли йирик корхона (фирма) ларнинг бозорда ёки бирон-бир хўжалик соҳасида ҳукмронлиги. Монополия каби О. ҳам номукаммал *ракобат* кўриниши хисобланади.

**ОЛТИН БОЗОРИ** – олтин б-н олди-сотди операцияларини доимий равишда амалга оширувчи марказ. Жаҳон О. б. минтақавий бозорлардан таркиб топади. Уларнинг энг йириклари Лондон, Цюрих, Нью-Йорк, Женева, Мельбурн шаҳарларида жойлашган. 1919 й.дан буён фаолият кўрсатиб келаётган Лондон О. б. да кун давомида 2 марта олтиннинг маҳсус *нархи* (фиксинг)ни белгилаш тартиби жорий этилган. Цюрих О. б. 1970 й.дан фаолиятни бошлаган бўлиб, 1980 й.ларга келиб энг йирик марказлардан бирига айланди, жаҳонда олтинга бўлган талабнинг асосий қисми ушбу бозор оркали қондириладиган бўлди. Ҳозирги пайтда дунё олтин *савдосининг* 40 % Швейцарияда ўтказилади.

**ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ** – мамлакатнинг марказий эмиссия банки ёки хазинасида куйма (ёмби) ва танга шаклида тўпланган марказлашган олтин резерв фонди. О.-в. з.га хукумат ва мар-

**казий банкларга тегишли бўлган олтин қўймалари ва олтин танталар, хорижий банк ҳисоб рақамларидағи валюта маблағлари, хорижий мамлакатлар *банкнотлари*, танталари ва давлат қимматли қоғозлари, шунингдек, Халқаро валюта фондидаги резерв позициялари киради.**

**ОПЦИОН** – сотувчи ёки харидорга қимматли қоғозлар ёки *товарларни* муайян муддат давомида белгиланган *нархларда* сотиб олиш ёки сотиш хукукини берадиган шартнома.

**ОФЕРТА**, Офферта (лот. – таклиф этаман) – бир шахснинг бошқа шахса *товар* етказиб бериш, бирор бир хизмат кўрсатиш ва бошқа учун шартнома тузиш истаги ва шартлари ҳакида ёзма ёки оғзаки хабарномаси. Шундай хабар юборган жисмоний ёки юридик шахс офферент, хабарнома олган шахс акцептант деб аталади.

**ОЧИҚ БОЗОР** – *товарларнинг* бошқа ердан эркин келтирилиб ва чегараланмаган микдорда олди-сотди килиниши. Халқаро бозор ўз табиати б-н О. б., унда ҳамма мамлакатлар катнаша олади. О. б. хориж моллари учун очик бўлган миллий ва давлатлараро (митакавий) бозордир.

**ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШ** – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий норозилик шакларидан бири; норозилик белгиси сифатида овқат ейишдан бош тортиш.

**ПАЙ, Ҳисса – фирма, компания, жамият, ширкатнинг умумий капиталида муайян жисмоний ёки юридик шахс ҳиссанига тўғри келадиган пул бадали сумма-**

си ёки улуш. П. эгаси оладиган *даромад, дивиденд, шунингдек, компания тугатилганда* у оладиган мулк улути ёки пул маблағлари П. миқдорига боғлиқ бўлади. П. бадаллари ширкат ёки компаниянинг П. фондини ташкил этади. П. пай гувоҳномасида қайд этилади.

**ПАРИТЕТ** (лот. – тентглик) – тенглик, тенг хукуқлилик, тенг вакиллик асосларида бирон-бир иқтисодий ҳаракатда иштирок этиш; турли мамлакатлар пул бирликлари ўргасида уларнинг олтин таъминоти ёки муайян *товарлар* ва хизматлар тўплами бўйича харид кучи (қобилияти) нисбатлари. Харид кучи бўйича нисбатларда П. валютанинг *товар курсини* ёки харид қобилияти П.ини ифодалайди. мас., Ўзбекистонда 1 кг шакар 500 сўм, АҚШда 0,5 доллар турса, доллар ва сўм П.и шу товар бўйича 1000:1 ни ташкил этади.

**ПАУПЕРИЗМ** (лот. – камбағал, мулкисиз) – жамиятда *инсизлик, инфляция, кам даромад топиш, мулкий тенгсизлик б-н боғлиқ бўлган оммавий қашшоклик.*

**ПЕНЯ** – (лот. – жазо) пул-тўлов мажбуриятларини ўз вактида бажармаганлик учун тўланадиган жарима. Кечиктириб юборилган мажбурият суммасидан фойзларда белгиланади ва кечиккан муддатнинг ҳар бир куни учун ундирилади.

**ПОЛИС** (франц., итальянча – тилхат) – *сугурта шартномаси – шахсий ёки мулкий сугуртга шартномасини тасдиқлайдиган ва унинг шартлари ҳақида сугурта ташкилоти берган хужжат, тилхат, цatta.*

**ПРЕЙСКУРАНТ** (нем. – ҳозирги, жорий нарх-наво) – *товарлар, турли хизматлар ва маҳсулотларнинг тизимлаштирилган нархлар рўйхати, нархлар ҳақида маълумотнома.*

**ПРЕФЕРЕНЦИЯ** (лот. – афзал кўрмок, имтиёз бермок) – бирон фаолият турини қўллаб-кувватлаш учун айрим давлатлар, ташкилотлар ва *корхоналарга бериладиган афзаликлар, имтиёзлар. Соликларни камайтириш, божхона божстаридан ташламалар, тўловлардан озод қилиш, имтиёзли кредитлар тақдим этиш шаклларида амалга оширилади.* П. давлат томонидан берилади ва аниқ манзилли характерга эга бўлади. Давлатлараро муносабатларда П. ҳам ўзаро, ҳам бир томонлама тартибда бўлиши мумкин.

**ПРИВАТИЗАЦИЯ** (лот. – хусусий, айрим шахсга тегишли ёки алокадор) – давлат ёки маҳаллий бошқарувга тегишли мол-мulkни пулга ёки текин хусусий мулк килиб бериш, *хусусийлаштириши.*

**ПРОТЕКЦИОНИЗМ** (лот. – паналаш, ҳомийлик) – давлатнинг ички бозорни чет эл *ракобатидан химоя қилиш ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорга чиқишини рагбатлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсати.* Европада *капиталнинг дастлабки жамғарилиши даври* (16–18-алар)да пайдо бўлди ва юзага келаётган саноатни ривожлантиришга ёрдам кўрсатди.

**ПУЛ** (форс. – пул, ақча) – олди-сотди ёки тўлов муомалаларида *нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган металл ёки қоғоз белги.*

**ПУЛ БЕЛГИЛАРИ** – пулнинг кўриниш шакли, муомалада қатнашадиган пулнинг турлари. Пулга хос умумий белгилар: қиймат микдорини кўрсатувчи ракамлар, давлат герби, индивидуал се-рия ва унинг сони, маҳсус расм, чизмалар, нақшлар; хусусий белгилар: коғоз таркиби, ҳажми, эни ва бўйи, бошқа пуллардан фарқланадиган ва тақрорланмайдиган белгилардан иборат. Ўзбекистонда коғоз белгилар ва майда таниалар шаклида чиқарилади.

**ПУЛ БИРЛИГИ**, Мамлакатнинг пул бирлиги – мамлакатда конун йўли б-н жорий этилган пул белгиси, мамлакат пул тизимининг асосий унсури бўлган пул ҳисоб-китоби бирлиги. Мас., Ўзбекистоннинг П. б. – сўм.

**ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ** – *миллий валютани мустаҳкамлаш, пул бирлигини баркарорлаштириш ва пул муомаласини тартибга солиш максадида давлат томонидан мамлакат пул тизимини тўлиқ ёки кисман қайта ташкил этиш.* П.и. коғоз пул белгиларининг ҳаммаси ёки бир кисми қадрсизланганда ва уларнинг ҳажми кўпайиб, янгиси (коғоз ёки металл) б-н алмаштириш лозим бўлганда, пулнинг олтин қиймати ёки валюта курси ўзгарганда, пул тизимига ўзгартиш киритиш зарур бўлганда ўтиказилади.

**ПУЛ МУОМАЛАСИ** – пулнинг бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар, сотиб олинган *товарлар ҳақини тўлаш, ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш, нафакалар бериш, қарзларни қай-*

тариш воситаси сифатида фойдаланиш жараёнидаги узлуксиз харакати. П.м. ҳар бир мамлакат пул тизими миқёсида амалга ошади.

**ПУЛ ТИЗИМИ** – мамлакатнинг *пул белгилари*, пул бирликлари, *пул эмиссияси* қоидалари ва муомаласи шакллари, мамлакатда миллий қонунчилик б-н жорий этилган пул муносабатлари. Тарихан П. т.нинг металл *пул муомаласи* ва пул белгилари (көз пуллар) муомаласи кўринишлари бор.

**ПУЛ ЭМИССИЯСИ** – давлат томонидан муомалага жами турдаги *пул белгиларини чиқариш*. П. э. пул белгиларини босиб чиқариш б-н бирга муомаладаги нақд ва нақд бўлмаган пул массасининг кўпайшини ҳам билдиради. П. э.нинг асосий шакллари *кредит* пуллар – *банкнотлар* ва *депозитлар* эмиссияси.

**РАНГЪЕ** – қарзга берган нулидан фоизлар ёки сотиб олган қимматли коғозлардан дивиденdlар ҳисобига яшайдиган шахс.

**РАЦИОНАЛИЗАЦИЯ** – (лот. - оқилона, ақлга мувофиқ) – бирон ишни, ишлаб чиқарип жараёнини ва унинг методларини тобора такомиллаштириш, ихчамлаштириш, мақсадга энг мувофиқ равишда ташкил этиш.

**РАКОБАТ** (араб. – кузатиш, назорат) – мустакил *товар* ишлаб чиқарувчи *корхоналар* ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган *нархда* сотиш, умуман иктисодиётда ўз мавқенини мустаҳкамлаш учун кураш.

**РЕАЛ ДАРОМАД** – аҳолининг *пул даромадларига* сотиб олиши мумкин бўлган *товар* ва хизматлар миқдори. Р. д. аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

**РЕАЛИЗАЦИЯ** (лот. – моддий, ҳақиқий) – маълум бир режа, лойиха, дастур, мақсадни амалга ошириш, турмушга тадбик этиш. Шунингдек, мол-мулқ, қимматбаҳо қоғозларни *пулга* айлантириш.

**РЕВАЛЬВАЦИЯ** (лот. – ахамиятта, кийматга эгаман) – *миллий валюта* – *пул бирлиги курсини бошва* давлат ёки ҳалқаро валюта-пул бирликлари курсига нисбатан расмий равищда ошириш.

**РЕВИЗИЯ** (лот. – қайта кўриб чиқиш) – муайян *корхона*, ташкилот, муассаса ёки мансабдор шахснинг маълум бир даврдаги иш фаолиятига оид ҳисботларни текширип, тафтиш қилиш.

**РЕКВИЗИЦИЯ** (франц. – мол-мулқдан маҳрум қилиш) – хусусий кишиларнинг ёки жамоат ташкилотларининг *мужкини* ҳақ тўлаб мажбурий равищда доимий ёки вақтинча давлат ихтиёрига олиш.

**РЕКЛАМА** – *товарларнинг сифати*, уларни сотиб олишдан кўриладиган нафхақидаги ахборот; бевосита ёки билвосита фойда (*даромад*) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган маҳсус ахборот.

**РЕКЛАМАЦИЯ** (лот. – бакириб юрзилик билдириш) – етказиб берилганд ёки сотилган мол, буюм, маҳсулотнинг, кўр-

сатилган хизматнинг сифатсизлиги натижасида кўрилгаи зарарни тўлаш, улардаги нуқсонларни бартараф этиш ёки уларнинг баҳосини пасайтириши талаб килувчи дъаво хати.

**РЕКОНСТРУКЦИЯ** (лот. – тузиш, биритириш, тузилиш, курилиш) – такомиллаштириш, яхшилаши мақсадида кайта куриш, янгидан куриш, бутунлай янгича ташкил этиш, кайтадан ускуналаш.

**РЕНТА** (немисча, лот. – кайтариб берилган) – кенг маънода – мулк эгаларининг тадбиркорлик фаолияти б-н шугулланмасдан ер, мол-мулк, капиталдан мунтазам оладиган даромади; ссудага берилган капиталдан фоиз, ер эгаларининг ижарага берилган ер участкасидан, уйжой эгаларининг ижарага берилган бинолардан мунтазам оладиган даромади. Тор маънода Р. – катъий даромадли нул капитали ва қимматли коғозлар эгалари фоиз шаклида оладиган даромад. Аксарият ҳолларда Р. тушунчasi ерни ижарага бериш натижасида олинадиган даромадга нисбатан кўлланилди.

**РЕНТАБЕЛ** (нем. – фойдали, даромадли) – хўжалик жиҳатдан мақсадга мувоғик, харажатларни коплашни ва фойда келтиришни англатувчи тушунча. Бозор талаб килган харидоргир товарларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, хомашё ва материаллар сарфини қисқартириш, ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш асосида жорий харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бориш, ка-

питал таркибини шакллантириш (айланма капитал), меҳнат мотивациясини кучайтириш (ишлихи хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш мебнат унумдорлигини оциришга, тежамкорликни таъминлашни интилишни пайдо этади) Р.ликни ўстиришининг асосий омилларидир.

**РЕСУРСЛАР** (франц. – ёрдамчи восита) – нул маблағлари, бойлик, захира, имкониятлар; давлат бюджетида даромад манбалари, табиий, иктисолий, меҳнат, валюта ва бошка Р. бўлиши мумкин. Кенг маънода – жамият ҳаётида ишлаб чиқаришни таъминлашнинг воситалари, маибларини ифодалайдиган иктисолий ресурс муким ўринда туради. Иктисолий ресурс табиий (хомашё, сув, ўрмон), меҳнат (инсон капитали), айланма маблағлар (материаллар), ахборот, молия (нул капитали) Р.ига бўлинади.

**РЕФОРМАЦИЯ** (лот. – ўзгартириш, ислоҳ қилиш) – 16-ада Фарбий ва Марказий Европада таркалган ижтимоий ҳаракат. Асосан, заминдорларга карши ҳарактерда бўлиб, католик черкови (заминдорларнинг асосий ғоявий таяничи)га карши кураш тусини олди.

**РЕЭКСПОРТ** – илгари мамлакатга чет элдан келтирилган товарлар (асосан, хомашё)ни ишлов бермай ёки қисман ишлов берган ҳолда четга чиқариш.

**РЕФОРМИЗМ** – капитализм доирасида реформа (ислоҳот)лар ўтказили ёрдамида социализмга ўтиш учун асос яратишга интигувчи сиёсий оким. 19-а.нинг сўнгги

чорагида вужудга келган (Э. Бернштейн, Г. Фольмар, А. Мильеран ва башка). Социал-демократик партиялар Орасидада тарқалган. Октябрь тўнтариши ва I-жаҳон урушидан кейин сиёсий оқимга айланиб, демократик социализм таомойилларини эълон килган, коммунистик партияларга қарши турған.

**САВДО** – 1) *товар* муомаласининг бир тури, меҳнат маҳсулотлари ва хизматларни олди-сотди йўли б-н айирбошлини шакли; 2) сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги қиймат алмашувига доир муносабатлар.

**САВДО ПАЛАТАСИ** – иқтисодиёт ва савдони, биринчи навбатда, мамлакатлар ўртасида ташки савдони ривожлантиришга кўмаклашувчи халқаро жамоат ёки давлат ташкилоти. С. п. аксарият ҳолларда фирмаларнинг ишбилиармон доираларини бирлаштиришга, савдо алоқаларини ўрнатишга, савдо-сотик иштирокчиларига зарур ахборотларни тақдим этишга хизмат килади. Фаолияти миқёсига қараб, халқаро, арајаш, миллий савдо палаталарига бўлинади.

**САВДОГАР** – савдо б-н шугулланувчи ижтимоий табақа. С. *товарларни* ўз истеъмоли учун эмас, балки уни сотиб фойда олиш максадида харид килади, ишлаб чиқарувчи (ёки *товар эгаси*) б-н истеъмолчи ўртасида (баъзан турли хил товарлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида) воситачилик вазифасини бажаради.

**САЛЬДО** (итальянча – ҳисоб-китоб, қолдик) – бухгалтерия ҳисобида муайян

даврда нуя тушумлари ва қилинган харжат ўртасидаги айирма, шунингдек, ташки савдо алоқаларида импорт ва экспорт қийматлари орасидаги фарқ, тафовут. **САНАЦИЯ** (лот. – даволаш, соғломлаштириш) – корхоналар, фирмалар, компаниялар ва бошқаларни банкротликдан кутқариш, уларнинг молиявий аҳволини яхшилашта, тиклашга қаратилган давлат ва банк чора-тадбирлари тизими. Асосий йўналишлари – почор корхоналарни кредитлаш, қайта ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки фаолият турларини ўзгартириш, ўз ҳомийлигига ўтказиш ва бошқа.

**САНОАТ**, Индустрiya – халқ хўжалигининг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган етакчи тармоғи; С. нинг ўзи учун ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун меҳнат куроллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, хомашё, ёқилғи қазиб олиш, энергия ишлаб чиқариш, ёточ тайёрлаш, С.да ёки қишлоқ хўжалигига олинган маҳсулотларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш б-н банд корхоналар (фабрика, завод, электростанциялар, шахталар, конлар ва бошқалар) мажмуйи.

**СЕРВИС** (инг. – хизмат) – кундалик турмушнинг хилма-хил соҳаларида – магазин, меҳмонхона, сартарошхона, ёқилғи қуйиш шоҳобчалари ва ш.к.да аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шу хизматнинг ўзи.

**СЕРТИФИКАТ** (лот. – аник қилмок) – маҳсулот сифатига гувохлик берувчи хужжат, унда маҳсулотнинг сифати, хусусиятлари, фойдаланишга оид баъзи кўрсатмалар, маҳсулот ишлаб чиқарилган жой ёки фирма номи, шунингдек, маҳсулотнинг хавфсизлиги ва яроқлилигига оид маълумотлар акс этган бўлади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда сифат С.и деб ҳам аталади.

**СЕРТИФИКАТЛАШ** – бирон-бир маҳсулот ёки хизмат тавсифининг сифат стандартида талаб этилган даражага мос келишини аниқлаш, тасдиқлаш.

**СИНДИКАТ** (лот. – ишончли, вакил) – бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар бирлашмаси. Маҳсулотни ягона савдо тармоги орқали биргалишиб сотишни ташкил этиши мақсадларида тузилади.

**СМЕТА** (рус.) – оллиндан тузилган кирим-чиким ҳисоби. Харажатлар С.си – маҳсулот ишлаб чиқариш, иш, хизматларни бажариш бўйича тўлиқ харажатлар ҳисоби; даромадлар ва харажатлар С.си – корхона, ташкилот, муассасанинг хўжалик фаолиятини молиялантиришида фойдаланиладиган нул маблағлари турушумлари ва уни сарфлаш бўйича хужжатдаштирилган бухгалтерия режаси.

**СОЛИКЛАР** – давлат томонидан амалдаги қонунлар юридик ва жисмоний шахс (алоҳида фукаро ва корхона)ларнинг даромади ёки мол-мулиқидан ундириладиган ҳамда бюджетга ўтказиладиган мажбурий тўлов. Давлат бюджети

даромадларининг асосий манбаи ва давлат иқтисодий сиёсати воситаларидан бири.

**ССУДА** – моддий бойликлар гарови ҳисобига фоиз тўлаш ва қайтариб бериши шарти б-н муайян муддатга карзга бериладиган нул ёки моддий бойлик. С. муддатида қайтарилямаса, банк гаров мулкни мусодара қилиши ва уни сотиб, С. бўйича узилмаган карзни қоплайди.

**СТАГФЛЯЦИЯ** – иқтисодиётда чукурлашиб бораётган пасайиш б-н ўсиб бораётган инфляциянинг қўшилиши, иқтисодиётнинг турғунлик, инфляция б-н тавсифланувчи ҳолати. С. белгилари: иқтисодий ўсиш гоят суст боради ёки юз бермайди, ишсизлик кўпаяди, тириклик қиймати ўсади, инфляция кучаяди, ишлаб чиқариш кувватлари тўла ишлатилмайди, инвестиция жараёни сустлашади, ижтимоий бекарорлик ортади.

**СУБВЕНЦИЯ** – марказий органлар томонидан муайян тадбирни, объектни мақсадли молиялаш учун ажратиладиган нул нафакаси.

**СУБСИДИЯ** (лот. – ёрдам, нафака, кўллаб-кувватлаш) – давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар маблағлари ёки маҳсус фонdlардан жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга, бошқа давлатларга бериладиган нул мабланги ёки натура шаклидаги ёрдам.

**СУГУРТА** – табиий оғатлар (зилзила, сув тошкни, ёгин ва бошқа), ҳар хил баҳтсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ва бошқа

пул қопламалари тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш б-н боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими.

**СҮМ** – пул бирлиги. Энг қад. атамалардан бири бўлиб, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида «С.» пул солинган қопча (халта) маъносидаги кўлланилган. 14-а.да Олтин Ўрда хонлигига оғирлик бирлиги бўлиб, муайян оғирликдаги кумуш қўйма (ёмби)ни ифодалаган. 1920 й.ларда, ЎзССР ташкил этилганидан кейин совет рубли банкнотлари ва хазина билетлари номиналида иттифоқдош республикаларнинг миллий тилларидаги пул бирликлари номлари, жумладан «С.» номи ёзилган ҳолда чиқарилган рубль Ўзбекистон худудида муомалада «С.» деб аталган. С. – Ўзбекистон Республикасининг *пул бирлиги*. 1 С. 100 тийинга тенг. Халқаро ифодаси UZS., 1994 й.нинг 1 июлидан республика худудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида муомалага чиқарилган.

**ТАДБИРКОРЛИК** – капитал сарфлаб *товар* ва хизматлар яратиш б-н фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият, бизнеснинг асосий тури. Т. мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус б-н иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

**ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ** – сарфланган ишлаб чиқариш омишлиари (табиий захиралар, ишчи кучи ва ишлаб чиқа-

риш воситалари)ни қайта ишлаб чиқариш йўли б-н тикшаш. Унинг ўзгармас кўламда қайтарилиб туриши оддий Т.и.ч. ҳисобланади. Агар шу жараён янгидан кенгайтирилган кўламда такрорланса, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш дейилади.

**ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ** – бозор иқтисодиётининг фундаментал тушунчалари. Т а л а б (*товар* ва хизматларга талаб) – харидор, истеъмолчининг бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги; бозорга чиқсан ва *пул* имкониятлари б-н таъминланган эҳтиёжлари. Эҳтиёж пул ва *нарх* воситасида талабга айланади. Расман олганда талаб истеъмол каттаги миқдоридир. Товарлар дунёсидаги хилма-хилликка мос равишда талаб ҳосил бўлади. Такл if – муайян вактда ва муайян нархлар б-н бозорга чиқарилган ва чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори б-н ифода этилади; таклиф ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ларнинг ўз товарларини сотишга (бозорга) таклиф этиш истаги. Бозорда товар *нархи* б-н унинг таклифи миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд: нарх қанчалик юқори бўлса, бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолларда, сотиш учун шунча кўпроқ товар таклиф этилади ёки аксинча, нарх пасайиши б-н таклиф ҳажми кискаради.

**ТАННАРХ**, М аҳсулот тан нарх и – корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиши ҳамда ишлар бажариш ёки

хизматлар кўрсатиш учун қилган жами жорий харажатларининг нутаклидаги ифодаси.

**ТАРИФ** (араб. – тушунтириш, аниқлаш) – корхоналар, ташкилотлар, ахолига кўрсатиладиган турли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишидаги хизматлар учун тўланадиган ҳақ; тўлов ставкалари тизими. Транспорт, алоқа, коммунал хизмати, божхона Т.лари кенг тарқалган ва улар монопол нарх кўринишлари хисобланади.

**ТАҚЧИЛЛИК**, Дефицит – илгари белгиланган, режалаштирилган ёки зарур даражадаги маблағ ресурс, товарларнинг етишмаслиги, танкислиги. Т.нинг яхти миллӣ маҳсулот Т., товарлар такчиллиги, бюджет Т., такчил молиялаштириш, тақчил иқтисодиёт каби кўринишлари мавжуд.

**ТЕНДЕР** (инг. – хизмат кўрсатмоқ) – у ёки бу иш ва хизматлар мажмумини бажарадиган, маълум бир лойиха учун ускуна-жиҳоз ва материаллар етказиб берадиган фирма ёки компанияни – пурдатчини аниқлаш максадида эълон килинган танлов. Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатларини шакллантиришда ва ривожлантиришда Т. кенг кўлланилади. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар акцияларининг йирик пакетларини сотишда, катта қурилиш ишларини олиб боришида, халқаро лойихаларини амалга оширишда Т. эълон килинади. Савдони ташкил этиш учун вактинчалик орган бўлган Т. кўмитаси тузилади.

**ТЕРМИНАЛ** (инг. – охирги, сўнгги) – пластик карточкалар ёрдамида ишлайдиган, турли хисоб-китоб ва тўловларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган электрон қурилма.

**ТИЖОРАТ** – савдо ва савдо-воситачилик фаолияти, товарлар ва хизматларни сотишда иштирок этиш ёки сотишга кўмаклашиш. Кенг маънода тадбиркорлик фаолияти.

**ТОВАР** – 1) ишлаб чиқариш-иктисодий фаолиятнинг моддий буюм шаклидаги ҳар кандай маҳсулоти; 2) сотувчилар б-н харидорлар ўртасида олди-сотди, бозор муносабатлари обьекти. Т. факат моддий шаклга эга бўлмай, у турли хизматлар, маънавий неъматлар ва бошқа кўринишларда ҳам бўлиши мумкин.

**ТРЕСТ** – корхоналар, фирмалар бирлашмаси. Саноат монополияларининг 20-йиллардаги энг юқори шакли. Т. таркибига кирган иштирокчилар ўз ишлаб чиқариш савдо мустақилигини йўқотади ва бу соҳалардаги фаолиятида марказий бошкарма қарорига амал қиласи. Ўзбекистонда 1930–1990 й.ларда курилиш, автомобиль транспорти, тайёрлар, қишлоқ хўжалигининг ташкилий тузилмалари.

**УЛГУРЖИ БОЗОР** – товар истеъмолчиларига ёки уларни чакана сотадиган харидорларга товарлар йирик тўш (партия)лари б-н кўтарасига сотиладиган бозор. Улгуржи ёки майдада улгуржи харидор-воситачи (дилер)лар тармоги орқали амал қиласи. Ҳозирги савдо компанияла-

риининг асосий қисми фақат У. б.да фаолият кўрсатади.

**УСТАВ КАПИТАЛИ** – акциядорлик жамиятининг уставида қайд этилган нул ифодасидаги дастлабки, бошланғич капитал. У. к. акциялар сотишдан тушумлар, таъсисчиларнинг хусусий қўйилмалари ва давлат қўйилмалари хисобидан юзага келади. У. к.га бадаллар фақат нул маблаглари кўришишида эмас, балки мулк шаклида, мас., иморатлар, ер, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари: патентлар, лицензиялар, лойиҳалар шаклида ҳам бўлиши мумкин.

**ФАКТУРА** (лот. – ишлов бериш, тузилиш) – иқтисодиётда харидор номига сутвчи томонидан бериладиган ва сотилган товарнинг хили, микдори ва қиймати кўрсатилган товар хужжати.

**ФЕРМЕР** – қишлоқ хўжалик тадбиркори, Ф. хўжалиги эгаси. Ўзбекистонда мавжуд қонун хужжатларига кўра, 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли билим, малака ва иш тажрибасига эга бўлган ҳамда муомалага лаёкатли фукаро Ф. бўлиши мумкин.

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ** – хусусий ёки узоқ мулдатга ижарага олинган ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш б-н шуғулланадиган хўжалик.

**ФИРМА** (итальянча – имзо) – корхона, компания, хўжалик ва тижорат ташкилотларининг умумий номи. Ходимлар сони, мулк шакллари, ҳукукий ҳолати ва бошқаларга кўра хилма-хил Ф.лар бор. Ф.ларда банд бўлган ходимлар сони 2–3

кишидан 20–30 минг кишигача бўлиши мумкин. Ф.лар барча мулк турлари негизида давлат, кооператив, ширкат, жамоа ташкилотлари ва маҳаллий давлат идоралари, миллий ва чет эллик юридик ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилади.

**ФОЙДА** – товарлар ва хизматларни сотишдан олинган даромаднинг бу товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш харожатларидан ортиқ қисми. Корхоналар ва тадбиркорлик хўжалик фаолияти молиявий натижаларининг асосий кўрсатичларидан бири. Ф. пулда ифодаланади. Ф. бозор даромади бўлиб, унинг конун-коидаларига биноан вужулга келади, тақсимланади ва ишлатилиди. Ф. капитал, ишлаб чиқариш омили сифатида товар ва хизматлар таркибига киради, улар сотилгач, нул шаклида капитал сохиби ихтиёрига келади.

**ФОНД БОЗОРИ**. Қимматли қоғозлар бозори – молия бозорининг қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларнинг олди-сотиси б-н шуғулланадиган соҳаси. Ф. б.нинг асосий вазифаси: инвестицияларни, яъни кенгайтирилган тақорор ишлаб чиқаришга ва техника равнақига зарур инвестиция маблағларини тўлаш ҳамда таксимлаш; қимматли қоғозлар пакетларидан фойдаланган ҳолда мулк эгалигини ўзгартириш; қимматли қоғозлар олди-сотиси йўли б-н бозорни кайта тақсимлаш; қимматли қоғозлар чиқариш ёрдамида давлат қарзини молиялаштириш ва бошқалар.

**ХОЛДИНГ**. Холдинг компания (инг. – эгалик) – асосий фаолияти корхоналарнинг акцияларини ўз тасарруфига олиш орқали уларнинг ишини назорат қилиш ва бошқаришдан иборат бўлган компания, бош корхона. X. таркибida асосий корхона ва ўзъба корхоналар мавжуд бўлади. X. компаниянинг ўзи ишлаб чиқариш фаолияти б-н ўзгуулап маслиги мумкин, лекин кўп холларда X.лар акцияларни бошқариш б-н бир каторда молия-кредит, савдо, транспорт ва бошқа фаолият турлари соҳасида тадбиркорлик б-н ўзгууланаиди. Иш оқилона ташкил этилганда X. ягона илмий-техника, инвестиция, ташкил иқтисодий сиёсатни ўтказиц, айрим хизматларни марказлаштириш имкониятини яратади.

**ХОМАНГИ** – меҳнат таъсирида ўзгарган ёки ўзгарадиган ва яна ишланиши лозим бўлган дастлабки, хом маҳсулотлар.

**ХУСУСИЙ МУЛК** – айрим кишилар ёки хонадонлар ихтиёридаги мулк; бозор иқтисодиётидаги хилма-хил мулклар орасида етакчи мулк шакли. X. м.нинг обьекти моддий ва молиявий бойликлар, иш кучи, интеллектуал меҳнат маҳсулни, ер, сув, ерости бойликлари, корхоналар, хўжаликлар, акция ва облигациялар, тул маблағлари, транспорт воситалари, турар жой, истеъмол товарлари, меҳнат қобилияти, ишбилармонлик маҳорати, илмий каффиётлар, техниковий ихтиrolар, санъат ва адабиёт асарлари ва бошқалар бўлиши мумкин. X. м. субъекти унга эга-

лик қилувчи кишилар, айрим шахслар ва хонадон ахли хисобланади.

**ХУСУСИЙ СЕКТОР** – иқтисодиётнинг хусусий мулкчилик ва хўжалик юритишнинг эркин бозор усулларига, иқтисодий алоҳидалашувига асосланган соҳаси. Бозор иқтисодиёти давлат ва нодавлат секторларидан иборат. Ўз навбатида, нодавлат сектори хусусий ва жамоа секторларига бўлинади. X. с. нодавлат секторининг бош бўгини. X. с.даги моддий ва молиявий ресурслар, яратилган маҳсулот ва хизматлар хусусий мулк хисобланади. Бу сектор хусусий корхоналар, фирмалар, молия компаниялари, хўжаликлар, банклар, жамғармалардан иборат ва иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида амал қиласи. Ўзбекистонда X. с. хусусий корхоналар, асосан, кичик ва ўрта бизнес корхоналаридан, якка тадбиркорлардан, фермер ва деҳкон хўжаликлари ҳамда хусусий банклардан иборат.

**ХУСУСИЙ ТАШТИРИШ** – давлат мулкини фуқаролар ва юридик шахсларга маҳсус ҳукукий хужжатлар б-н белгилangan тартибда топширишдир.

**ШАРТНОМА** – томонлар (икки ёки унидан ортиқ) ўртасида тузилган, уларнинг ҳукук ва мажбуриятлари қайд этилган битим.

**ЧАРГЕР** (инг., юнонча – шартнома, варакча, бир парча коғоз) – денгиз ёки ҳаво орқали йўловчи ёки юк ташиш учун кема, самолёт эгаси б-н уни ёлловчи шахс ўртасида тегишли транспорт воситаси ёки унинг бир кисмини маълум рейс

ёки вактга ижарага олиш хақида тузилган шартнома.

**ЧЕК** (инг. – пул муюмаласига оид хужжат) – маълум юридик шахснинг жорий хисоб рақамидан муайян миқдордаги пулни бериш ёки ўтказиш түғрисида ёзма фармойишидан иборат маҳсус хужжат, шунингдек, *касса* томонидан бериладиган *товар* учун пул тўланганилиги кўрсатилган талон ёки тўланиши лозим бўлган сумма кўрсатилган ва кассага тақдим этиладиган квитанция.

**ЭКСПАНСИЯ** (лот. – кенгайтириш, ёйиш) – давлатларнинг, ижтимоий гурӯхлар ёки ташкилотларнинг ўзга ҳудуд ва бозорлар, хомашё манбаларига нисбатан куч ишлатиш ёки бошқа воситалар орқали ўз сиёсий ва иқтисодий таъсири доирасини кенгайтириш йўлидаги ҳаракати (янги ҳудудларни, бошқа мамлакатлардаги бозорларни эгаллаш, таъсири доирасини кенгайтириш йўлидаги ҳаракат).

**ЭКСПОРТ** (инг., лотинча – четга чиқармок) – *товарлар*, хизматлар, *инвестиция*, қимматли қофзлар, технологиялар ва бошқаларни ташки бозорга чиқариш. Товарларни бир мамлакат орқали олиб ўтиш (транзит) ва бир мамлакатдан олиб келинган товарларни бошқа мамлакатларга сотиш учун чиқариш (*реэкспорт*) ҳам Э.га киради.

**ЭКСПЛУАТАЦИЯ** (франц., лотинча – фойдаланиш, ишлатиш) – ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг ўзгалар меҳнати маҳсулини ўзлаштириб олиши.

**ЭМБАРГО** (испанча – тақиқлаш, ман этиш) – чет эл *товарларини ва валюта бойликларини* киритиш ёки шундай нарсаларни мамлакатдан олиб чиқиб костишни давлат томонидан тақиқлаш, шунингдек чет давлатга қарашли кемаларнинг мамлакат портларига киришини давлат томонидан тақиқлаш ёки бошқа давлатга қарашли кемалар, юклар, курол-яроғларни тўхтатиб туриш.

**ЭМИССИЯ** (лот. – чиқариш) – муюмалага банк билетлари, барча шакллардаги *пул белгилари* ва қимматли қофзлар чиқарини. Пул Э.сини давлатнинг марказий (эмиссия) банклари амалга оширади.

**ЭРКИН БОЗОР** – нархлар бирон-бир ташки омиллар таъсирига боғлиқ бўймаган ҳолда факат *талаф ва таклиф*га кўра шаклланадиган бозор (қ. *Бозор иқтисодиёти*).

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР** – давлатлараро келишувларга ёки маҳсус қонунларга мувофиқ, хўжалик ва ташки иқтисодий фаолият б-ни шуғулланиш учун имтиёзли солик, *молия*, хукуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлар. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ва иш юритиш *инфратузилмаси* барпо этилади.

**ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН** – иқтисодий иттифоқка бирлашган бир неча давлатлар томонидан ташкил этиладиган яхлит иқтисодий ҳудуд. Хўжалик алоқа-

ларини такомизлаштириш, иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш максадида товарлар, хизматлар, капиталлар ва меҳнат ресурсларининг эркин харакатини таъминлашга хизмат киради. Бу мақонга кирган давлатлар, шунингдек, корхоналар, хусусий фирмалар, компаниялар учун бир хил рақобат шароитлари яратилиди. Я. и. м. шаклланиши объектив иқтисодий жараён. Я. и. м. шаклланиши учун мамлакатлар ўргасида савдо-иктисодий ҳамкорлик моддий асос ҳисобланади.

**ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ** – мамлакат иқтисодий фаолиятининг муайян давр (ой, чорак, йил) давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган кўрсаткич. Мамлакат худудида жойлашган барча корхоналар (чет эл ва қўйша корхоналари ҳам шу ҳисобга киради) томонидан жами ишлаб чиқариш омиллари б-н ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлариниг бозор кийматларидағи ифодаси бўлиб, унинг микдори миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисоблаб чиқилади.

**ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ** – мамлакатнинг маълум муддат (одатда, ой, квартал, йил) ичида умумий иқтисодий фаолиятини тавсифловчи якуний макроиктисодий кўрсаткичларидан бири. Я.м.м. давлатнинг бозор нархларида ифодаланган барча бирламчи даромадлари (уларнинг мамлакат ҳудудида ёки унинг ташқарисида ишлаб чиқариш омиллари туфайли юзага келишидан катъи назар) жами йиғиндисини кўрсатади. Я.м.м.

миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисобланади.

**ЯРМАРКА** (нем. – йиллик бозор) – белгиланган жойда муайян муддатларда мунтазам ташкил этиладиган йирик бозор; сотувга кўйилган товарлар кўргазмаси. Яларнинг асосий максади харидорларни товарлар б-н воситачиларсиз, бевосита таништириш ва уларнинг намуналар бўйича ултуржи ва чакана савдосини ўюштиришдан иборат. Я. мавжуд, ишлаб чиқариладиган ва бозорга чиқаришга мўлжалланган маҳсулот тўғрисида ахборот беради. Я. универсал, кўп тармоқли ва ихтиослашган бўлади (мас., техника, к.х., халқ истеъмоли маҳсулотлари, озиқовкат ва бошқалар). Катнашчилари таркиби ва камрови доирасига кўра, жаҳон, халқаро, минтақавий, миллий ва маҳаллий Я.лар мавжуд.

**ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ**, Хуфия иқтисодиёт – иштирокчилар томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат килинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий жараёнлар, иқтисодий фаолият турлари. Я. и. ошкора пайкаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрбошлиш, истеъмол жараёнлари – иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айrim кишилар ёки кишилар гурухи манфаатлари ётади. Я. и. дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида мавжуд.

**КИЙМАТ** – 1) товар нархи; 2) пулнинг харид кобилияти, муайян бозор нархлари даражасида пул бирлиги ҳисобига сотиб олиш мумкин бўлган *товарлар* ва хизматлар миқдори.

**КИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР** – ўз эгасига мулкка эгалик ҳукукини ва *даромад* кўринишида муайян пул суммасини олиш ҳукукини берадиган пул ёки *товар* хужжатлари (акция, облигация, аккредитив, вексель, чек ва бошқалар).

**КИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЎЗОРИ** – *к. Фонд бозори*.

**ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ** – ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнида муайян бир *фирма*, *корхона*да янгидан яратилган, бевосита ўстирилган, маҳсулотнинг олдинги қийматига К.к.и. Фирма томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, *товарлар*, хизматларни сотишдан олган тупумлар б-н фирманиң бошқа фирмалардан *ресурслар* (материаллар,

яrim фабрикатлар) сотиб олиш учун қилтан харажатлари айирмаси тарзида аникланади. К. к. – ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир. Мазмунан К. к. ишлаб чиқарилган ёки яратилган *товар* ва хизматлар нархининг бир кисми сифатида гавдалапади.

**ҚЎШМА КОРХОНА** – бошқа мамлакатлар фирмалари иштирокида бунёд қилинган, ташкилий жиҳатдан ягона юридик шахс сифатида расмийлаштирилган *корхона*. К. к. ўзаро манфаатдорлик негизида, ҳукуматларро *шартномалар* асосида ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш, илмий-техника вазифаларини ечишга қаратилади. Таъсисчиларнинг ўз мулкларини бирлаштириш ва бадаллари ҳисобига К. к.нинг молиявий фонди яратилади. К. к. *саноат*, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, *савдо*, фан ва *миллий иқтисодиётнинг* бошқа соҳаларида ташкил этилиши мумкин.

# МАДАНИЯТ, САНЬАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АБСТРАКЦИОНИЗМ** – 20-а. тасвирий санъатида, ҳайкалтарошлик ва графикасида ўта формалистик оқым бўлиб, унинг тарафдорлари объектив вокеликни мавхум геометрик шакллар, пала-партиш чизиклар, нукталар бирикмаси (богланмаси) сифатида тасвирлайдилар.

**АВАНГАРДИЗМ** (франц. – илфорлик) – 20-а. адабиёт ва санъатида реалистик бўлмаган оқимларнинг умумий номи бўлиб, ушбу йўналиш тарафдорлари адабиёт ва санъатнинг аввалдан мавжуд бўлган анъаналарини тан олмай, уни тубдан янгилашни, тасвирий ва шаклий имкониятларини кенгайтиришни мақсад килиб кўйганлар, шунга кўра *реализмни рад этганлар*.

**АВАНГАРДИЗМ** (лот. – калтис харакат, саргузашт) – осон муваффакиятга эришиш, фойда олишни кўзлаб, таваккалчилик б-н килинган иш, ҳатти-харакат хисобланади.

**АДАБИЙ ТИЛ** – муайян умумхалқ тилининг қайта ишланган ва мөъёрлашти-

рилган, мазкур тилда сўзлашувчи халқ-нинг маданий эҳтиёжларига хизмат қијувчи шакли. А. т.нинг икки: оғзаки ҳам ёзма кўришиши мавжуд. Ҳар қашдай А. т.халқ оғзаки нутқи асосида шаклланиб, шу халқ тилига хос шеваларни умумлаштиради ва барча шева вакиллари учун тушунарли шакл олади.

**АДАБИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС** – ўтмиш моддий-маданий бойликлари, аждодлардан авлодларга қолган халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёти, санъати, меъморлик ва ҳ.к. намуналари. А-м. м. уни яратган халқ тарихи б-н изчил ва мустахкам боғланган бўлади, шу халқнинг қад. даврлардан бошлаб ҳозиргача яратган ва сакланиб келган адабий-маънавий ёдномалари, моддий-маданий обидаларини ўз ичига олади.

**АДАБИЙДАР** – достон. Туркий халқлар орасида кенг таркалган достон бўлиб, корақалпок, қозок, олтой версиялари достон шаклида, татар ва бошкирд версиялари эртак ва ривоят шаклида бизга-

ча етиб келган. Ўзбеклар «А.», қорақалпоқлар «Алпамис», қозоклар «Алпамис батир», олтойликлар «Анип-Манаш», қозон татарлари «Алпамаша», бошқирдлар «Алпамиша ва Барсин хилтуу» деб номлаганлар. А. достони дунё эстетик тафаккури тарихида камдан-кам учрайдиган фавкулодда ва ноёб бадий ҳодисалардан биридир. Унинг фавкулодда ва ноёблиги шунцаки, қадимиятда яратилган бу улкан эпос бахшилар томонидан асрлар давомида куйланиб, жонли эпик анъаналарда оғзаки равищда бизгача етиб келди. А. достони вариантылари 1922 й.дан ёзиб олина бошланган. Ҳозиргача Фозил Йўлдош ўғли, Маҳмадқул Жонмурод ўғли Цўлкан, Берди бахши, Сайдмурод Паноҳ ўғли, Бўри бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Марданақул Авлиёқул ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Умир бахши, Ҳайдар Бойча ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Ҳодир Раҳим ўғли каби ўттиздан ортик достончилардан қирққа яқин вариантлари ёзиб олинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига (1998 й. 13 январь) ҳамда ЮНЕСКОнинг 1999 й.даги тадбирлар режасига биноан Ўзбекистонда 1999 й. ноябрда А. достонининг 1000 й.лиги кенг нишонланди.

**АМФИТЕАТР** (юнон. – икки томонлама томонча) – қад. Юнон ва Римда оммавий томошалар, театр спектакллари кўрсатиладиган маҳобатли бино. А. – ўртасидаги майдони эллипс шаклидаги улкан иншот, унинг томошабинлар учун мўлжалланган қатор-қатор ўриндиchlари пастдан

юқорига зина шаклида кўтарилиб боради. А.да арклар, устунлар ва улар орасида гумбазли галереялар бўлган.

**«АНДИЖОН ПОЛЬКАСИ»** – ўзбек халқ чолғу куйи ва айнан шу номдаги рақс 1920-йиллардан бошлаб андижонлик созанди ва актёр Ориф Гармон Тошматов талкинида оммавийлашган. Улбу куй 2/4 (ёки 4/4) мусика ўлчови, одатда, соғ мажор тоналлиги, шўх сийрати б-н ажralиб туради. У, бир томондан ўзбек мумтоз куйларига, иккинчи томондан эса бошқа халқлар фольклори намуналарига оқантдош. У сурнай, қўшнай, шунингдек, гармон товушкаторига хос диатоник тузилмалари, одат тусидаги куй йўналишларини ўзида уйғунлаштирган.

**АНОНС** (франц. – оммавий ахборот, эълон) – спектакль ҳакида олдиндан бериладиган зълон. 17–18-аларда кўпроқ француз театрига хос бўлиб, спектакль (ёки алоҳида пардалар) бошланишидан олдин саҳнадан туриб кўрсатиладиган томонпа, иштирок этувчилар, ижрочилар ва бошқалар ҳакида томошабинларга бериладиган ахборот. А. спектаклнинг ажралмас бўлаги хисобланиб, труппанинг энг яхши актёрлари томонидан ижро этилган. А., одатда, бадиа асосида қурилиб, ҳазил-мутойиба, қочирим ва бошқа жўрлигига олиб борилган. Ҳозирги даврда А. спектакль, концерт, цирк томошаси ва бошқалар ҳакида (муфассал маълумотларсиз) олдиндан эълон қилинадиган афиша.

**АНТОЛОГИЯ** (юон. – гул тераман) – бир гурух муаллифларнинг танлаб олинган асарлари (музикй, фалсафий, адабий) тўплами. Қадим замонларда Шарқ ва Юнонистонда маълум бўлган. Ага киритилган асарлар бирор шоир ёки халкнинг бадиий ижоди ҳакида маълумот беради, унинг тоявий-бадиий кимматини кўрсатади.

**АНТРАКТ** (франц. – ҳаракат ўртаси) – спектаклда пардалар, концерт ва цирк томошаларида бўлимлар орасидаги танаффус; опера, балет, драматик спектаклнинг бирон-бир шардаси (1-сидан ташкари) бошланиши олдидан чалинадиган мусиқали мұқаддима.

**АНШЛАГ** (нем. – афиша, эълон) – театр, кино ва бошкаларда билетлар тугагани ҳақидаги махсус эълон.

**АППЛИКАЦИЯ** (лот. – ёпиштириш) – газлама, қофоз ва бошқа материалларга ранг-баранг газлама, қофоз бўлакларини тикиш ёки ёпиштириш йўли б-н накш ишлаш, безаш. Шу усулда ясалган гул, гасвир ҳам А. деб аталади.

**АРТИСТ** (франц. – билимдон, лотинча – касб, хунар, санъат) – драматик спектакль, кинода роллар, опера ва балет партиялари, эстрада концерти ва цирк номерлари ижрочиси. Театр ва кинода актёр, актриса деб ҳам юритилади. Кенг маънода санъатнинг муайян соҳасидаги ижодкор (созчи, ашулачи).

**АСКИЯ** (араб. – ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб) – ўзбек халқ оғзаки ижоди тури, фольклор жанри бўлиб, икки ва ундан

зиёд киши ёки гурухнинг халқ йиғинлари (сайил, тўй, байрам)да маълум мавзу бўйича бадиий сўзда тортишуви. Тарафлар баъзан даврада, баъзан қарама-карши ўтирган, турган ёки юрган холда тез жавоб беришга, ўз жавобларини лўнда, сермањо, латиф, таъсири, жозибали ва кулгили чиқаришга ҳаракат қиласидилар. Жавоб топишда кайси тараф мавзу, жанр доирасидан четлашса ёки сўз танлашда пала-партишликка йўл кўйса ўша тараф енгилган хисобланади. Томошабин ўз кулгиси ва эҳтиосли қийкириклари б-н тарафлар ва уларнинг жавобларига баҳо бериб боради; мазмундор, серқочирим А.дан завқланади, саёз ва қўпол А.дан ранжиради.

**АФИША** (франц. – эълон) – рекламанинг бир тури. Спектакль, концерт ва бошқа адабий талбирлар, томошалар тўғрисида хабар берувчи махсус эълон. А. томошахоналар олдига, кўчалар, майдонлардаги махсус таҳталарга ёништириб кўйилади.

**АФОРИЗМЛАР** (юон. – ҳикматли сўз) – ҳикматли сўзлар.

**БАЁЗ** (араб. – ок, оқлик) – шеърлар тўйлами. Блар икки ва ундан ортиқ шоирлар шеърларидан тузилади. Илк Б.лар, асосан, машхур шоирларнинг ғазалларидан тузилган, кейинчалик бунга риоя килинмаган. Б.лар деярли лирик жанрдаги асарлардан ташкил топади, унга насрий парчалар айрим ҳоллардагина киритилади.

**БЮОСТ** (лот. – куйдириш жойи, франц. – мақбарадаги ҳайкал) – одамнинг кўкрак-

дан юқори – бош кисми тасвирланган ҳайкал, мукаммал ҳайкалтарошлиқ асари. Даастлаб Миср ва Юнонистонда пайдо бўлган, сўнг Қад. Римда портрет санъати сифатида шаклланган.

**ВАМИНГ** – герман ва славян халқларидаги хурофий ривоятларга кўра гўрдан чиқиб, тириклар қонини сўрувчи афсонавий одам–махлук.

**ВАНДАЛЕН** (вандален деган қад. немис қабиласи номидан) – маданий-тариҳий ва моддий бойликларни ваҳшийларча бузиш, йўқ килиш. В. тушунчаси 455 й.да герман қабилалари Римни талон-тарож қилиб, кўплаб антик маданият обидала-рини вайрон этганилиги тарихига бориб тақалади. Кейинчалик у жоҳицлик, маданиятсизлик маъноларида ҳам кенг қўлла-нила бошлаган.

**ВАРВАРИЯ** (юонон. – айнан ажнабий) – маълум бир тилга чет тиллардан кириб келган, тилда тўла ўзлашмай, ёғлиги билиниб турадиган сўз ва иборалар. В., асосан, сўзлашув услубига хос, тилнинг адабий мөъёрини бузади ва унинг асосий луғат таркибига кирмайди. В.дан баъзан бадиий алабиётда маҳаллий муҳитни бериш, образларни хослаштиришда фойдаланилади.

**ХУЛЛАРДИНАТ** (лот. – оддий, олатий) – дагал, кўпол, одобдан ташкари сўзларнинг адабий тилда ишлатилиши.

**ГОЛЛИВУД** – америка кинематографиясининг маркази. Калифорния штатининг Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган. Фильмларни суратга олишни 1908 й.да

бошлаган. 1913–15 й.лар эса АҚШ кино саноати марказига айланган. 20-йиллардан «Метро-Голдвинмайер», «ХХ аср-Фокс», «Парамаунт», «Уорнер бразерс», «Коламбия», «РКО-радио» кино компаниялари фаолият кўрсата бошлади. Г.да Америка кинематографиясининг асосий ўзига хос томонлари шаклланди: «киноюлдуз» тизимиши яратиш, кинодраматургияни стандартлаштириш, фильмларни конвейер усулида ишлаб чиқариш ва бошқалар. Г.да турли даврларда Ч. Чаплин, Э. Штрогейм, К. Видор, Ж. Форд, У. Уайлтер, Ф. Капра каби кино дарғалари ишлабган.

**ІННОВАЦИЯ** (франц. – ўйиш) – бирор каттиқ: металл, ёғоч ва бошқа юзасига ўйиб тасвир ишлаш санъати, графика тури. Шу усууда ишланган асар ва ундан босма усулида кўчирилган нусха ҳам Г. деб аталади.

**ДЕБЮІ** (франц. – биринчи қадам) бирон-бир соҳада биринчи марта чиқиши (мас., артистнинг саҳнада илк бор чиқиши).

**ТАНАЗУЛ** (лот. – таназзул, тушкунлик) – 19-а. охири 20-а. бошларидаги Европа маданиятидаги инкизозий ҳолат (таназзулга юз тутиш, умидсизлик кайфияти, ҳаётдан безиш ва ш.к.ни) умумий тарзда ифодаловчи ном. Таназзулга юз тутиш, умидсизлик кайфияти, ҳаётдан безиш, ёлғизланиб қолганлик каби ҳиссиётларда ўз аксини топган. 19-а. охири – 20-а. бошларида рўй берган жилдий ўзгаришлар, янгиланишлар, инкиюбий жараёнларнинг етилиши ижтимоий

вокеликда зиддиятларни кучайтириди. Эскилик ва янгилик ўргасидаги кураш авж олди. Бундай холатни кўрган айрим маданият, ходимлари, ижодкорлар тарих, табиат, инсон таназзулга юз тутмоқда, деган фикрга келдилар. Улар ўз асарларида ана шу таназзул, инкиroz сабабларини, инсон бошига тушган тапчвишлар, кийинчиликларни акс эттиришини мақсад килиб кўйдилар.

**ДЕКОРАЦИЯ** (лот. – бэзайман) – театрда саҳнани, кинода фильм суратга олинадиган жой-майдон, павильонни спектакль, фильм мазмунига мослаб безац. Д. яратиши рассомлик, хайкалтарошлиқ, меъморлик, воқелик жойини лойихалаш санъати, ёритиш ва бопка воситалардан фойдаланилади. Д. яратиши Д. санъати деб аталади. Театр Д.си санъати ва кино Д.си санъати тури бор.

**ДЕТЕКТИВ ФИЛЬМ** (инг. – изкувар, очмоқ, фош қилмок) – чигал, жиноий ва давлатга қарши ишларнинг фош этилиши хақида хикоя қилувчи кино санъати асари.

**ДИЛТАНТ** (лот. – роҳатлантираман, завклантираман сўзидан) – фан ёки мусика, рассомлик, меъморлик каби санъат турларининг бирор соҳаси б-н изчил қизикиб шуғулланған, лекин шу соҳанинг профессионал мутахассиси бўлмаган шахс, маълум маънода – ҳаваскор.

**«ДИЛХИРОЖ»**, Диляр ош (форс. – дилни тирновчи) – ўзбек ва тожик халқларининг мумтоз рақс куйи. Бош оҳанги ривожланиши жараёнида пешрав

услуби етакчи ўрин тутади. «Д.»нинг оммабоп яллаарга яқин ашула йўли ҳам мавжуд бўлиб, Тожикистонда «Сийнажухурӯш» деб юритилади.

**ДИСКО** – 1970-йиллар ўргасида АҚШ ва бир қанча Европа мамлакатларида карор топган оммабоп мусика услуги. Д.га ракебоп, суръати ўртача, оҳанглари куйчан, шаклан содда намуналар хос. Д.нинг таниқли ижрочилари: «Boney M», «Silver Conventions» (Германия), Гейнор, Дайана Росс, Дана Саммер (АҚШ) ва бошкалар. 1970 й.лар охиридан Д. услуги Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда дискотекаларда, кейинчалик эстрада ва телекиномусиқасида одат тусини олмоқда.

**ДИСКОТЕКА** (юнон. – диск жойи) – ёшлар мусика клуби. Грампластинка, магнит тасмаларига механик тарзда ёзилган оммабоп мусика намуналарини тинглашга нисбат берилган. Д. дастурини дискжокей (DJ – ди-жей) тузади ва шархлайди. Д. 1960 й.лар бошида Францияда юзага келган ва тез орада бутун дунёда оммавийлашган. Ўзбекистонда Д.лар 1970-йиллардан йирик шахарларда тарқала бошлиди.

**ДУБЛЁР** (франц. – икки баравар оширомок) – театрда асосий роль ижрочисини алмаштира оладиган актёр, шунингдек, кинода фильмни дубляж килишда матн таржимаси бўйича овоз берувчи актёр, маҳсус тайёргарликни талаб этувчи мурракаб ва акробатик машкларни актёр ўрнига бажарувчи шахс, каскадёр.

**ИЛЛЮЗИЯ** (лот. – хато, алдаш, алдамчи тасаввур) – сезгиларнинг номукаммаллиги, алданиши натижасида борликни, воқеликни нотўғри идрок этиш, нотўғри бўлган, ўхшаб кўринган нарса-ходисани тўғри деб кабул қилиш.

**ИМПРОВИЗАЦИЯ** (лот. – кутилмаган, бехосдан) – шеър, мусика ва бошқаларни олдиндан тайёргарликсиз, ижро давомида ижод этиш, актёр ўйинида бехосдан пайдо бўладиган илҳом, ижодий фантазия, руҳий кўтаринкилийк, фикр, сўз, оҳанг ва тасвирий эркинлиги. Актёр ўйинидаги И. ижро этилаётган ролни жонлантиради, унга янги маъно беради.

**КАРИКАТУРА** (итальянча – бўрттирмоқ, ошириб юбормоқ) – аниқ ижтимоий танқидий йўналишга эга бўлган тасвирий санъат тури, графика соҳаси (рангтасвир ва ҳайкалтарошлиқда жуда кам кўлланилади), хажв ва кулгили қилиб ишланган расм. Тасвирда кулгили ҳолат реал ва фантастик воқеалар б-н йўғрилган ҳолда яратилади, характеристикинг ўзига хос томонлари бўрттирилиб, аччик кулги туғдирадиган килиб тасвирланади. Тасвирдаги маънони изоҳлаш ва тасвирий таъсирчалигини ошириш мақсадида К.га матн (баъзан шеър) илова қилинади. К. хусусиятлари кад. Миср тасвирлари, Юнонистон ваза безаклари, Рим фрескаларида, япон ва хинд миниатюраларида учрайди. Айниқса, Уйғониш даврида К. кенг ривож топди. Ўзбекистонда сатирик жур.

лар (айниқса, «Муштум» жур.и) нашри К. жанри тараққиётига замин яратди. Мустақиллик даврида К. боқимандачилик, гиёҳвандлик, қаллоблик, ақида-парастлик кабиларни фони этишда дол зарб аҳамият касб этмокда.

**КАРНАВАЛ** (лот. – ажойиб арава, байрам маросимлари кемаси) – асосан, очиқ ҳавода ўтказиладиган театрлантирилган ўйинлар, кўча намойишларидан иборат оммавий сайилнинг бир тури. Йил фаслларининг алмашуви, баҳорги дехқончилик ва бошка байрамлар б-н боғлик маҷусийларнинг маросимларидан бошланган. К. номи 13-ада Италияда вужудга келган.

**КЛАССИКА** (лот. – намунали) – антик давр Юнонистон, эллинизм ва Кад. Рим адабиёти ва санъати, кенг маънода – инсониятнинг бадиий меросидаги оламшумул кимматига эга бўлган, энг мукаммал асарлар. Адабиёт ва санъатдаги ижоди бутун дунёда тан олинган, асарлари катта ғоявий-бадиий қимматга эга бўлган машхур усталар классиклар деб юритилади.

**КЛАССИЦИЗМ** – антик даврда ўз ривожининг юқори чўйқисига эрипган кад. Юнон ва Рим санъати меросида шаклланиб, унга тақлид килиш натижасида юзага келган адабиёт ва санъатдаги услуб, йўналиш. К. тарафдорлари 17–19-ада, ларда Францияда, кейинрок Европанинг бошка мамлакатларида Уйғониш даври анъаналарини давом эттирган ҳолда (инсон ақл заковатига ишониш, антик

давр яратган идеал мутаносибликни ва нисбатларни тан олиш ва эъзозлаш), ўз замонасиинг ижтимоий ҳамда эстетик талабларига жавоб тарикасида вужудга келган.

**КЛИП** (франц. – думалоқ, ролик) – техноген санъатнинг бадиий (аудиовизуал) шаклларидан бири. Унда кино ва мусиканинг ифода воситалари, шунингдек, ахборот технологиялари мужассам бўлади. К. 20-а.нинг 80-йилари (Ўзбекистонда 90-йиллар)да ривож топиб, ҳозирда ўз таъсирчанлиги, оммавийлиги туфайли жаҳон томоша индустрясида муҳим ўрин тутади. К.нинг асосий З тури мавжуд: мусикали, ижтимоий мавзудаги ва реклама К.лари.

**КОЛЛЕКЦИЯ** (лот. – тўплаш, тўплам) – бир турдаги ёки умумий мавзуда бирлаштирилган нарсалар ёки санъат асарлари (жумладан, китоб, қўлёзма, картина, гравюра, чинни, марка, танга ва х.к.) тўплами.

**КОЛЛИЗИЯ** (лот. – қарама-каршилик, тўқнашиш) – бадиий асарда характерлараро ҳамда характерлар б-н шароит, муҳит ўргасидаги зиддият. К. конфликт атамасиинг синоними тарзида ҳам қўлланади. Бу атамани биринчи бўлиб Гегель эстетика илмига олиб кирган.

**КОМПОЗИЦИЯ** (лот. – тузилиш, бирлашиш, боғланиш) – бадиий асарнинг мазмунан, характеристери ва мақсади жиҳатидан боғланган қисмларининг жойлашиши.

**КОНКУРС** (лот. – тўқнашиш, учрашиш) – иштирокчилар, тақдим этилган

ишлар ва х.к. орасидан энг яхшиларини танлаб, саралаб олиш учун ўтказиладиган мусобақа, танлов.

**КОНСЕРВАЦИЯ** (лот. – саклаш) – тарихий ва маданий ёдгорликлар (меъморий иншоотлар, археологик топилмалар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, китоб, қўлёзма ва бошкалар)ни дастлабки ёки К.га тушган вактдаги киёфаси, чидамлилигини узок муддатга саклашни таъминловчи чора-тадбирлар йигиндиси.

**КУЛЬИЗМ** – Фарбий Европа тасвирий санъатида 20-а. бошларида вужудга келган, нарсаларни содда геометрик шакллар (шар, конус, куб ва бошқа) комбинацияси тарзида тасвирлашдан иборат модернистик оқим. Дастиб Францияда пайдо бўлган (1908–10). Намояндалари П. Пикассо, Ж. Брак, Х. Грис, Ж. Гри ва б.

**КУЛЬМИНАЦИЯ** (лот. – тепа, чўқки) – адабиётда вокеа-ҳодисалар, конфликтлар ривожининг энг муҳим, энг кескинлашган пайти, тугуннинг ечими бошланадиган лаҳза.

**КУРГАЗМА** – инсоннинг моддий ва мальнавий фаолияти соҳаларидаги ютуқларни оммавий намойиш этиш. Ҳозирги замон К.лари максадларига кўра, *савдо* (асосан, *тижорат* максадида уюштирилади), маърифий ва тарғибот (бадиий, илмий-техника, *саноат*, транспорт ва б. соҳалардаги ютуқларни тарғиб қилиш) каби кўринишда бўлади.

**ЛАЗИТ** – Хоразм ҳалқ куйи ва рақси. Куй кичик муқаддима ва З қисмдан ибо-

рат. 6/8 ўлчовли гул уфори усулида ижро этилади. Рақс секин ва оддий ҳаракатлар б-н бошланади – олдин бармоклар, билаклар, елка ва кейин бутун тана жонлана бошлайди. Сўнгра бирданига кўл, оёқ, тана иштирок этадиган мураккаб ҳаракатлар уланиб кетади. Куйининг бир қисми такрорланган ҳолда рақс ҳаракатлари алмасиб боради. Куй ҳарактери ўзгариши ва суръати б-н ракс тобора қизғинлаша бориб, кескин ҳолда тамом бўлади.

**ЛАУРЕАТ** (лот. – лавр баргларидан қилинган чамбар такилган) – давлат мукофоти ёки ҳалқаро мукофотга сазовор бўлган шахс, шунингдек, танловлар (асосан, бадиий танловлар) ғолиби. Л. атамаси Юнонистондан пайдо бўлган. У ерда бирор мусобақа ғолиблари «ғалаба тожи» сифатида дафна дарахти япроқларидан қилинган фаҳрий гулчамбар б-н тақдирланган. Бундай одат кейинчалик Қад. Римда ҳам тарқалган. Голибларни дафна гулчамбарлари б-н тақдирлани ҳозирга қадар сақланган.

**МЕЛОДРАМА** (юон. – кўшиқ, куй ва драма) – мусиқий-саҳнавий жанр. 18-а. да Европа санъатида ривож топган. Қаҳрамонларнинг монолог ва диалоглари мусиқа жўрлигида ижро этилганилиги б-н ажralиб туради. Илк намунасини Ж. Ж.Руссо (1762, «Пигмалион» лирик саҳналари) яратган.

**МЕМОРИАЛ ИНШООТЛАР** (лот. – хотира) – атоқли арбоблар, халок бўлган қаҳрамонлар ва муҳим тарихий воқеалар

шарафига барпо этилган бадиий мажмуя; тасвирий санъат асарлари (хайкал, макбара, кабр тоши, сағана, эҳром, зафар арки ва бошқалар).

**МЕМУАР** (франц. – хотира, осдалик) – ёднома, эсадалик – реал воқеа-ҳодисалар иштирокчиси ёки гувоҳининг ўтмиш ҳақидаги хотира асари. М. асар яратини Шарқ адабиётида кад. анъаналарга эга. Носир Хисравнинг «Сафарнома», Зайниддин Восиғийнинг «Бадоъе ул-вақоє», Бобурнинг «Бобурнома» асарлари М. асарининг намуналари.

**МОДА** (франц. – меъёр, усул, коида, кўрсатма) – турмуш ёки маданиятда кийим-кечак, рўзғор буюмларига нисбатан муайян дид ёки қизикишининг маълум вактгача устувор бўлини. Услубдан фарқли ўларок турмуш буюмлари ва бадиий асарнинг ташқи шаклларининг қисқа муддатли ҳамда юзаки ўзгаришларини ифодалайди. Тор маънода – кийим шакли ва намуналари ўзгариши.

**МОДЕРНИЗМ** – 19-а.нинг 2-ярми – 20 асрнинг 50–60-йилларида Европа, АҚШ адабиёти ва санъатида ривож тонгган оқим ва йўналишларнинг умумий номи. Бадиий ижоднинг мумтоз анъаналаридан воз кечиш, ижодкор ўз шахсий кечинма, таассурот ва тасаввурларини устун кўйиши, бадиий шаклларни янгилаш жараёнига алоҳида ахамият бериш улар ижодига хос бўлган хусусиятлардир. М. вакиллари реализмга қарши курашди, классицизм (академизм)га хос бўлган ижодий тамойилларни инкор этишга интилди.

**МОНУМЕНТ** (лот. – ёдгорлик) - йирик тарихий воқеа, буюк жамоат арбоби ва бошқалар шарафига бунёд этилган йирик ҳажмдаги ёдгорлик, хайкал. Одатда, М. мъеморий ансамблда ғоявий ва ҳажмли кенгликтиннинг асосини ҳосил киласи ёки ҳайкалли мъеморий мажмуанинг таркибига киради.

**НАТУРАЛИЗМ** (франц. – табиат) - 19-а. нинг 60-йиллари Францияда, 19-а.нинг сўнгти чорагида Европа, АҚШ адабиёти ва санъатида найдо бўйган ва реал борликни объектив (ўз ҳолича), аниқ ва хиссиз акс эттиришга интилган оқим, ижодий метод. Н. табиий фанларда эришилган муҳим мудаффакиятлар таъсирида юзага келган. Асосий тасвир обьекти – инсон, унинг табиий ва физиологик ҳаёт тарзи; табиат ва атроф-мухитни унинг майший ва моддий муҳити деб билган.

**НАТИОРМОРТ** (франц. – жонсиз табиат) – тасвирий санъат жанри. Инсоннинг атрофини ўраб турган реал майший муҳитда жойлашган ва композиция жиҳатидан яхлит турухии ташкил қылган нарсалар тасвирланади.

**«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»** – ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг хисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларининг минг йиллий анъана ва қадриялари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган таҳдидлар.

**ПАВИЛЬОН** (франц., лотинча – чодир) – атрофи очик, енгил ва ихчам қурилган

кўшксимон иморат, шийпон; вақтинча ёки доимий фойдаланиш учун қурилган енгил иншоотлар (*кургазма*, кино, фото, савдо П.лари ва ҳ.к.). Театрда – интеръерни гавдалантирувчи декорация.

**ПАННО** (франц. – мато бўлаги) – атрофи нақш чизик ёки бўрттириб ишланган хошия б-н чегараланган тасвир, бўртма тасвир, нақшилни девор бўлраги; маҳсус жойга мўлжаллаб ишланган рангтасвир асари ёки бўртма тасвир (рельеф).

**ПАНОРАМА** (юнон. – кўриниш) – тасвирий санъат тури; айлана тарзли зал деворига горизонтал қонлаб ишланган картина. *Иллюзия* ёрдамида воқеани жонли гавдалантириш мақсадида картина олдига бутафор ва реал нарсалар (бинолар, жойлар, турли макетлар, кишилар, ҳайвонлар, нарсаларнинг шакллари) жойлаштирилади. П. сунъий ёритишига мўлжалланади. Томошибинлар П.ни зал марказидаги маҳсус майдончадан кўрадилядилар. Дасълабки П. 18-а. охирида (ирланд рассоми Р. Баркер томонидан) яратилган, 19-а.дан кент тарқалган, батал жанридаги П. оммалашган.

**ПАНТОМИМА** (юнон. – факат тана харакати б-н ўйновчи актёр, таклид) – саҳна санъати тури. Унда бадиий образ сўзсиз, мимика, имо-ишора, гавдани ҳар мақомга солиш орқали яратилади. П. Европада Юнонистон ва Римда, Осиёда Хитой, Ҳиндистон, Хоразм, Бақтрияда мил. ав. 5–4 а.ларда юзага кела бошлаган. Ўрта асрларда П. катта бир санъатга айланиб, кўнгина жанр-

ларда (драма, фожиа, эртак, памфлет каби) кўлланди. Баъзан мусиқа, ашулла, ҳатто декламация (суханпардозлик) б-н кўшиб олиб борилади. 20-а.да П.да Марсель Марсо машхур бўлди.

**ПАРАД** (франц., испанча, лот. – тайёрлаймац) – расмий байрамлар муносабати б-н кўшинларнинг жанговар техника билан, физкультурачилар (спортчилар) ва бошقا жамоаларнинг тантанавор сафтотриб ўтиши.

**ПАРОДИЯ** (юонон. – зид қўшиқ) – адабиёт, театр, мусика ва эстрада жанри, кулги санъати, ҳажв ва ҳазил турларидан бири. Ўзига хос ҳаракат тарзи, шунингдек, бирор услугуб, йўналиш, жанр ёки муайян колипдаги нутк ва бошқаларга ҳажвий, киноявий ва юмор б-н ёндашиш максадини кўзлаб килинган онгли таклид.

**ПАРТЕР** (франц. – ер бўйлаб) – театр, кинотеатр ва концерт залларидағи томошабинлар ўтирадиган, саҳнага нисбатан паст жой.

**ПИКТОГРАФИЯ** (лот. – чизилган, тасвирланган ёзув) – ёзувнинг ривожланиш боскичларидан, фонетик ёзувдан олдинги ёзув тури: муайян ахборот мазмунини бирон-бир расм ёки қатъий кетма-кет келган расмларда акс эттириш усули. Америка индейслари, Тропик Африка халқлари, Австралия ва Океания туб аҳолиси, Сибирдаги айрим элатлар (юкагир, нанай ва бошқа) орасида тарқалган ва ҳатто 20-а.гача амал килиб келган.

**ПЛАГИАТ** (лот. – ўғирланган) – бирорнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзи-

ники килиб кўрсатиш, адабий, ижодий ва илмий ишдаги ўғирлик.

**ПОН-МУСИКА** (инг. – оммабоп мусика) – 20-а.да қарор тошган сиғил (кўнгилочар) мусиқа услубларининг умумий ифодаси. Дастрлаб (1950-йилларда) факат рок мусиқага нисбатан кўлланилган. Ҳозирда кўнгилочар тижорий мусиканинг барча жанр ва услубларига нисбатан ишлатилади.

**ПОРНОГРАФИЯ** (юонон. – фахш, бузук ёзув) – адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, компьютер даструрлари, видео ва овоз ёзувлари, телекўрсатув ва радиоэшилтиришларида жинсий ҳайтни вульгар-натуралистик, бехаёларча тасвирлаш, бадиий ёки илмий аҳамияти бўлмаган ҳолда тайёрлаш ҳисобланади.

**ПРЕМЬЕРА** (франц. – биринчи) – спектакль, эстрада, цирк томошалари, янги кинофильм (телефильм)шинг биринчи бор оммавий намойиш қилиниши.

**ПРОДЮСЕР**. Продьюсер (инг. – яратиш) – ривожланган мамлакатлarda фильм ишлашда ғоявий-бадиий ва ташкилий-молиявий жиҳатдан назорат килишни амалга оширувчи кинокомпаниянинг ишонган кишиси. Режиссёр, актёр, сценарийчилар ҳам продюсер бўлиши мумкин.

**ПРОЛОГ** (юонон. – мукаддима) – театр, мусика ёки адабий асарнинг кириш қисми, мукаддимаси.

**ПРОТОТИП** (юонон. – биринчи тип) – бадиий образ (тип)га асос бўлган реал шахс. Автобиографик ва мемуар асарларда, лирика ва ҳужжатли насрда, шу-

нингдек, портрет санъати ва хайкалташликда бошқа жанрлардагига нисбатан кенгрөк фойдаланилади.

**ПУТТИ** (итальянча – гүдак) – кичик ўғил болаларни (баъзан қанотли холда) тасвиrlаш. Уйғониш даври, шунингдек, 17–18-алар санъатида энг севимли безак усули. П. санъатда илохий ибтидонинг карор топишидан гувоҳлик беради.

**РАКУРС** (франц. – қисқартирмоқ) – тасвирий санъатда турли нарсаларни перспектив қисқартириб акс эттириш. Кино санъатида – бир жойда турган ёки харакатдаги кинокамера орқали бир объективнинг турли томонлардан суратга олиниши. Вокеани, кишини хар томонлама кўрсатиш имконини беради.

**РЕАЛИЗМ** (лот. – моддий, ҳакикий) – адабиёт ва санъатда воқеликни, ҳаётни ифода воситалари орқали, бадиий образларда бутун тўлалиги б-н ўзига ўхшащ шаклларда хақоний акс эттириш усули. Адабиётда Р. – ҳаётни воқеликдаги воеа ва ҳолисаларга мувофиқ равишда образлар орқали акс эттириш методи.

**РЕЖИССЁР** (лот. – бошкараман) – спектакль; фильм, теле ва радио кўрсатув ва эшиттиришларини, эстрада ва цирк дастурларини саҳналаштирувчи шахс. Ўз ижодий ўйлари, максади асосида томошанинг барча иштирокчилари – актёр, рассом, композитор, кинода оператор ишини бирлаштириб, янги томошавий воқелик яратади.

**РЕНЕССАНС** (франц. – уйғониш, қайтадан юзага келиш, тикланиш) –

инсониятнинг маънавий ва ғоявий тараккиётидаги уйғониш, кўтарилиши даври.

**РЕПЕРТУАР** (франц., лот. – рўйхат, изоҳлаш) – драма театри, мусикали театр, эстрада концерти ёки айrim артист томонидан ижро этиладиган асарлар мажмуми.

**РЕПЕТИЦИЯ** (лот. – кайтариш) – театр, эстрада, цирк томончалари, концерт дастурлари, айrim чиқишилар, саҳналарни (режиссёр раҳбарлигида) кўп марта (бутунлай ёки қисман) тақоролаш орқали тайёрлашнинг асосий шакли.

**РИТОРИКА** (юнон. – нотиклик) – нотиклик назарияси ва санъати. Мил. ав. 5–4-аларда Юнонистонда юзага келлиб, мил. ав. 3–2-аларда тизимли фан шаклини олган. Р. 5 қисмдан иборат бўлган: материални топиш, жойлаштириш, сўз б-н ифодалаш, ёдлаш ва талаффуз килиш.

**РОК-Н-РОЛЛ** (инг. – чайқал ва айлан) – оммабоп мусика жанри, рок мусиқанинг илк шакли. 1950 й.ларда АҚШнинг турли миллий анъаналари ислизида юзага келган. Унда шаҳарда яшовчи қора танли аҳоли орасида оммалашган ритмэнд-блуз (раксга мослаштирилган блуз), кантриэндвестерн (фермерлар фольклори), буги-вуги ва бошқа услублар ўзаро туташган. Р. ўзининг эҳтиросли оҳанглари, жўшқин усуллари, янги ва эркин рақс (айникса, бел ва тизза) ҳаракатлари б-н тез орада ёшларни ўзига жалб қилиб, ёшлар мусиқасига асос солди. Рок мусикада жўшқин ритм, баланд товуш (динамика), гайратли ва эҳтиросли куйлаш

услуби, күшик матнларида қўпол (адабсиз) иборалар кенг ўрин олган. Р. асосида 1950–60 й.ларда янги (твист, шейк, мэдисон ва бошқа) рақслар юзага келган. Рокмусиқа Америка ва Европа ёшлиарининг жамиятдаги иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий қадриятларга қарши ижтимоий (битниклар, хиппи, кейинчалик панклар ва бошқа) ҳаракатларининг маънавий асоси сифатида йирик маданий жараён бўлиб ривож топган. Р.нинг таникли ижро чилари: Э. Прэсли; «Битлз» гурӯҳи ва х.к. Ўзбекистонда биринчи рок мусиқа гуруҳлари 1960 йилларнинг 2-ярмида пайдо бўлган («Киберглар», 1967, «Сигма», 1968 ва.б.). Улар репертуаридан Европа рок мусиқаси намуналари б-н бирга қайта ишланган ўзбек халқ кўйлари, Ўзбекистон композиторлари асарлари хам ўрин олган. 1970-йилларда асосан, фолк-рок («Ялла», «Квазарлар», «Наво» ва б.), жаз-рок («Синтез», «Интер», «Сато»), кейинчалик хэви-метал («Рейс09», «Дауметал») каби ва б. услублар ривож топган.

**РОМАНС** (испанча – романча, роман тилига оид) – камер мусиқа жанри, чолгу жўрлигида яккахон хонанда ижросига мўлжалланган мусиқий-шеърий асар. Ўрга асрлар ва Ўйғониш даврида пайдо бўлган Р. 18-а. охирида кенг тарқалган ва аслзодаларнинг нафис мажлисларида ижро этилиб келган мадригал (ишқий мавзудаги кофиясиз шеър) руҳидаги кўшикларни сикиб чиқарган.

**РОМАНТИКА** (франц. – роман тилида хикоя этиш) – кишида зўр кўтаринки рух

уйготадиган, уни улуғликка илҳомлантирадиган ғоя ва ҳис-туйғулар б-н тўлиб-тошган нарса, дунёни юксак эмоционал ҳис этишга ёрдам берадиган вазият, турмуш шароити.

**РОМАНИЗМ** – 18-а. охири – 19-а. биринчи чорагида Европа ва Америка адабиёт-санъатида пайдо бўлган, *классицизм* қонун-коидаларига қарши чиқиб, миллий ва индивидуал ўзига хосликка, идеал қаҳрамонлар ва туйғуларни тасвирлашга интилиш б-н ажралиб турувчи оқим, йўналиш.

**САРКАЗМ** (юнон. – гўштни нимталайман, пора-пора қиласман) – комиқлик тури, бадиий услуб воситаларидан бири; масҳаралаб фош этувчи муросасиз кулги асосига қурилган фикр-мулоҳаза. Захарханда, истехзоли аччик киноя. Бирор С.да объектга муносабат киноядагидек «ювош, беозор», «ҳазиз» шаклида бўлмайди, аксинча, қаҳр, ғазаб, нафрат оҳангি сезилиб туради. Унда объектни ер б-н яксон этувчи, беомон, ҳакоратомуз баҳо очиқ ва яланғоч ифодаланади. С. лирик ва драматик жанрларда, *публицистика*, юмористик ва ҳажвий асарларда, шунингдек, нотиклик санъатида кенг кўлланилади.

**САТИРА** (лот. – курама, ҳар хил нарса) – комиқлик тури, тасвир объектини аёвсиз кулги воситаси орқали англати. Вокеликни бадиий акс эттиришининг ўзига хос усули бўлиб, унда жамиятдаги бемъяни, асоссиз, нотўғри ходисалар, иллатлар фош қилинади. Воқеаларнинг реал кўри-

нишини ўзгартириб, ошириб, бўрттириб, муболаға килиш, кескинлаштириш ва шартлилукнинг бошқа кўлгина турлари ёрдамида яратилган образ орқали С. объектига «ишлов» берилади.

**СЕНТИМЕНТАЛИЗМ** (франц. – хис-туйғу) – 18-а. 2-ярми – 19-а. бошида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатидаги оқим. С. да хиссиёт яхшилик ва ёмонликни белгиловчи, инсоннинг қадр-кимматаини аникловчи асосий меъёр сифатида талқин қилинади.

**СЕРЕНАДА** (итальянча – оқшом) – Европада эшик ёки дераза ортида туриб маъшуқага бўлган ҳисларни ифодаловчи ишқий қўшиқ. Италияда пайдо бўлиб (16-а.), жан. роман халклари орасида кенг тарқалган. Кейинроқ камер вокал мусика жанрига айланган ва операда ҳам қўлланилган.

**СОЛНОМА**. Тарихий солнома – мамлакатнинг ижтимоий-сийсий, маданий, иктисодий ҳаётида рўй берган мухим воқеалар тадрижий равишда баён этиб борилган ёзма ёдгорлик. С., одатда, тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси томонидан ёзилган.

**СУФЛЁР** (франц. – пуфламок, айтиб турмоқ) – театр ходими; пьесанинг матнига кўра (музиқали театрда клавир бўйича) *репетиция* ва спектаклнинг кетишини кузатади, зарурат туғилса, томошабингга сездирмай актёрга роль сўзларини айтиб туради.

**СЦЕНАРИЙ** – пьеса мазмунининг қиска баёни, *импровизация* театри, томошаси,

балет спектакллари, оммавий томоша ва бошқа ўйинлар яратиладиган *сюжет* тизилиши; кино санъати ва телевидение воситалари ёрдамида гавдалантириб кўрсатишга мўлжалланган адабий асар.

**СЮЖЕТ** (франц. – предмет, мазмун, нарса) – бадий асар мазмунини ташкил этадиган, бир-бири б-н ўзаро боғликларда кечадиган, қаҳрамонлар ўргасидаги алоқалардан таркиб топган воқсалар тизими.

**СЮРРЕАЛИЗМ** (франц. – ўта реализм) – 20-а.нинг 10-20-йилларида француз адабиётида пайдо бўлиб, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ, театр, кино соҳаларига, кейинчалик бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган авангардлик йўналиши. Бу йўналиш вакиллари аклий фаолиятдаги, ҳатто жамият ҳаётидаги шаклланган тизимни тубдан ўзгартириш давъоси б-н чиқканлар. Улар мияга илк бор келиб қолган сўз, нутқ парчалари, турли-туман ҳаёлларнинг дастлабки, кутилмаган бир ҳолатдаги ажабтовур шаклини ҳар қандай ижодий фаолиятнинг хамиртуруши, асоси, деб эълон қилган.

**ТАНГО** – 18–19-алар оралиғида Лотин Америкасида кора танли аҳолининг ракс ва қўлиқлар б-н ўтказиладиган ҳар қандай байрам ҳамда шу байрамлар ўтадиган жой ифодаси) Замонавий бал ракси. 19-а. 2-ярмида андалусийча Т., креолча Т., аргентинча Т. каби турлари оммалашган. Ижрочилар жуфт бўлиб, бир-бирининг елкаларини ушлаб раксга тушади.

1910 й.ларда Парижда аргентинча Т. асосида европача Т. ривож топиб, ўзига хос, алоҳида эҳтирос б-н ижро этиладиган салон ва эстрада ракси (кейинчалик, куй ва ашула) сифатида бутун дунёда таркалди. Ўзбек эстрада санъатига 1950-й.лар охирида Б. Зокиров ижросидаги «Арабча танго» (сурялиқ бастакор Дарис аль-Атравнинг Я. Френкель қайта ишлаган ашуласи) б-н кириб келди.

**ТАКРИЗ** (араб. – ижобий баҳо) – адабий танқид жанри; янги бадиий, илмий ёки илмий-оммабоп асар таҳлили. Т.да асарнинг библиографик тасвиғи, шунингдек, мазмуни, унда кўтарилган муаммолар, асарнинг гоявий-бадиий хусусиятлари, муаллиф ижодида, адабиётда тутган ўрни ҳакида маълумот бўлади, асарга баҳо берилади, унинг асосий фазилатлари ва нуксонлари қайд қилинади.

**ТАТУИРОВКА** (франц. – расм, белги чизиш) – игна ёки бошқа нарса воситасида маҳсус бўёқ б-н инсон танасига расм, тасвир тушириш ёки сўз ёзиш.

**ТРАГЕДИЯ** (юнон. – эчки кўшиғи, Қад. Юнонистонда вино ва хурсандчилик маъбути Дионис шарафига эчки курбонлиқ килинаётган пайтда айтилган кўшиқ) – ўта кескин, ўтқир ва келиштириб бўлмайдиган ҳаётий зиддиятларни тасвирловчи ва кўпинча қаҳрамонишинг ўлими б-н тугалланувчи драматик асар, фожия.

**ТРИЛЛЕР** (инг. – асабий титрок, хаяжонланиш) – саргузашт фильмлар, бадиий асарларнинг томошабинлар ва ўкув-

чиларда ташвиш, ваҳима, безовталиқ, кўркув ўйғотувчи ўзига хос воқеа, эпизодлари бўлган алоҳида тури.

**УТОПИЯ** (юнон. – йўқ жой; хаёлий жой, фаровон жой) – илмий асослаб берилмаган идеал ижтимоий тузум тасвири; илмий *фантастика* жанри; ижтимоий катта ўзгаришларнинг нореал режалари акс этган барча асарларнинг аталиши. У. термини Т. Морнинг «Утопия» асариномидан олинган. Бу тушунча кейинчалик адолатли ижтимоий тузум тимсоли – бир хаёлий мамлакат тавсифи сифатида қўлланиладиган бўлди.

**ФАНТАСИЯ** (юнон. – хаёлан тасвирлаш санъати) – бадиий санъат тури. Ф.нинг шакли мифологик тушунчаларни, эртакларни тасвирлашда кўринади. Инсон тасавурида хайрон қолдирали хаёлий образлар ва ҳодисалар, тўқима ҳолатлар, ажойиботлар олами бадиий асарда воқеликка, ҳаёт ҳакиқатига карама-карши кўйиб тасвирланади. Шунинг учун ҳамма нарса ва ҳодисалар жиддий ўзгарган, бўргтирилган, таажужублантирадиган даражада бўлади.

**ФЕСТИВАЛӢ** (лот. – кувнок) – мусика, театр, кино, эстрада, цирк санъати ютуклари кўригидан иборат оммавий байрам. Илк бор 18-а. бошларида Буюк Британияда юзага келган. 20-а.дан ҳалклараро кенг тарқалган. Мизлий ва ҳалқаро фестиваллар бўлади.

**ФОНДІЛОР** (инг. – ҳалқ билимдонлиги, донолиги) – ҳалқ ижодини ифодаловчи термин. Фанга 1846 й.да инглиз архе-

ологи У. Ж. Томс олиб кирган. 1880–90 й.ларда Ф. термини кўплаб мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳам қўлланга бошлаган. Ўзбекистонда дастлаб, «оғзаки адабиёт», «оғиз адабиёти» атамалари кўлланган. Ф. термини 30-йилларнинг ўрталаридан ишлатила бошлаган. 1939 й.ларда Ҳоди Зарифнинг «Ўзбек фольклори» хрестоматияси нашр этилгач, бу термин ўзбек фольклоршунослигида мустаҳкам ўрин олди.

**ФУНКЦИОНАЛИЗМ** – 20-а. меъморлигидаги бино ва иштоотларнинг майший эҳтиёжлар, ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган қилиб қуришни талаб этувчи йўналиш. Ф. қурилиш техникаси ютукларидан кенг фойдаланди, янгича лойиҳалаш усувларига ётибор қаратди.

**ФУТУРИЗМ** (лот. – келажак) – 20-а. бошларида Европа адабиёти ва санъатида пайдо бўлган, адабиёт ва санъатдаги бадиий ва маънавий мерос анъаналарни инкор этиб, анъанавий маданият б-н алокани узишни, замонавий маданиятни тарғиб килган оқимлардан бири. Италиян футуристлари бадиий меросдан воз кечиш б-н бирга куч ва зўравонликни тарғиб қилиб, урушини «дунё гигиенаси» сифатида мадҳ угтац, айримлари эса кейинчалик Муссолини томонига ўтиб кеттган.

**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** (лот. – фукароликка, давлатга тааллукли, тамаддун) – кенг маънода – онгли мавжудотлар мавжудлигининг ҳар қандай шакли; маданият

сўзининг синоними. Бу термин кўпинча моддий маданият маъносида ҳам қўлланилади. Маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи (Миср Ц.си, Месопотамия Ц.си ва бошқалар); Ц. тушунчаси 18-а.да «маданият» тушунчаси б-н узвий боғлиқ равишда пайдо бўлган. **ЦИТАТА** (лот. – чакирмок, дайват кильмок, номламок) – бирон матидан, адабий ёки мусикий асардан айнан кўчирилган парча, иқтибос.

**ШОУ** (инг. – кўрсатиш, томоша, намойиш килиш) – оммавий томошабинлар ва тинтловчиларга мўлжалланган дабдабали, телевизион ёки концерт эстрада томошаси.

**ШОУ-БИЗНЕС** – шоу ташкил этиш б-н боғлиқ тадбиркорлик фаолияти, шоу ташкил этиш йўли б-н даромад топиш.

**ЭКЗОТИКА** (юон. – бетона, ўзга ерли) – бир мамлакатга хос бўлиб, узокдаги бошқа мамлакат ҳалкига кизик, ғалати, ғайриоддий кўринадиган нарсалар, урф-одатлар.

**ЭКСТРАСЕНС** (лот. – таъсирчан, сезгириликдан ортиқ) – атроф-мухитни, борликни (сезги аъзолари иштирокисиз) идрок қилиш ҳамда ўзга киши ва ҳайвонларга таъсир ўтказишда ғайритабиий қобилиятга эга бўлган шахс.

**ЭПИГРАФ** (юон. – устдаги ёзув) – бутун адабий асар ёки асар кисмининг бошида берилган ва унинг мазмунини ифодалайдиган читата, ибора, макол ва ш.к. **ЭНОПЕЯ** (юон. – қўшиқ, ривоятлар тўплами) – тарихий воқсалар (мардо-

навор, жасур ишлар б-н боғлиқ давомли воқеа-ходисалар) тасвирланган йирик эпик асар.

**ЭСТРАДА** (франц. – тахтасупа, минбар) – *артистлар* ва оркестр концерт-томошалари учун мўлжалланган саҳна, баланд жой, супла, шунингдек, оммавий саҳна санъатининг ашула, рақс, акробатика, бадиий ўқиши, кичик-кичик драматик ва хажвий асарларни ўз ичига олган бир тури ва шулар асосида ташкил этилган концерт-томушалар.

**ЮБИЛЕЙ** (лот., қадимги яҳудийча – хар 50 й.да нишонланадиган йил сўзидан) – тарихий воқеалар, буюк шахслар ҳаёти ва фаолиятининг, бирор ташкилот, муассаса ва бошқаларининг йиллигини кенг жамоатчилик томонидан тантанали равишда нишонлани маросими. Ю.и нишонлана-

диган шахс, ташкилот, муассаса юбилияр ҳисобланади.

**ЮМОРИЗМ** (инг. – хулқ, феъл-атвор, кайфият) – кулги б-н хайриҳоҳликни ўзида мужассам этган комиқлик тури. Бадиий адабиётга мансуб юмористик асарда ёзувчи ижтимоий ҳаётдаги, шахсий турмушдаги, хусусан, айрим кишилардаги баъзи камчилик нуқсонлардан кулиб, уни танқид қиласди. Бунда ёзувчи танқид қилинаётган объектнинг йўқотилишига тарафдор эмас, унга ачинади, ундаги мавжуд камчиликнинг тузалишини истайди. Енгил танқид, ҳазил руҳи б-н юмор *сатирадан* фарқ қиласди. Сатирик асарда ижтимоий ҳаёт ҳодисалари заҳарханда кулги орқали фош этилса, характердаги нуқсонлар ҳазил-мутойиба, киноя б-н танқид қилинади.

# САЛОМАТЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АБУЛИЯ** – кишининг хафсаласиз бўлиб қолиш, фаолиятга рағбат йўқолиши (иродасизлик); руҳий касалликларга хос холат.

**АДАПТАЦИЯ** – тирик организмнинг ўзгариб турадиган ташқи мухит шароитлари, яшаш мухитига ўрганиб, мосланиши, мухитни ўзлаштириб олиши; жумладан, акклиматизация – икlimга мосланиш хам А.дир.

**АЛКОГОЛИЗМ** (араб. - майнин кукун, спирт) – ашаддий ичкилиkbозлик, согликка ва меҳнат қобилиятига зарар етказадиган даражада мунтазам равиида меъридан ортиқ спиртли ичимликлар ичиш, алкоголга берилеш натижасида келиб чиқадиган касаллик.

**АМБУЛАТОРИЯ** (лот. – юриб бажариладиган) – қатнаб даволанадиган кичик тиббий муассаса. А.лар кўпроқ кишлоқ жойларида ташкил этилади. Унда асосий касалликлар (ички, жаррохлик, аёллар касаллклари) мутахассислари ишлайди. Шу б-н А. поликлиникадан фарқ қиласди. Маълумотларга қараганда, Туркистонда

А.га ўхшаш шифохоналар қад. замонларда хам бўлган. 17-ада Бухородаги машхур «Буқъай дор уш-ишифо» касалхонаси қошида катиаб даволанадиган беморлар учун маҳсус бўлим ташкил килинган. Ўзбекистонда биринчи А. 1878-да Тошкентда очилган. Ҳозирда А.лар замонавий диагностика, даволаш ва профилактика воситалари б-н жиҳозланган.

**АМПУТАЦИЯ** (лот. -- кесмок) -- кўл оёқнинг периферик қисмини ёки бирор аъзоли, мас., сут бези, тўғри ичак, бачадонни батамом ёки қисман кесиб ташлаш операцияси, гангрена, оғир шикастланиш ва б. холларда қўлланилади.

**АНЕМИЯ** (юон. – кон камлик) – камқонлик, конда эритроцитлар сони ва

гемоглобин микдорининг камайиши, сифатининг ўзгариши б-н кечадиган касаллик.

**АФЮН** (юон. -- мудратувчи, ухлатувчи) – опий, «кора дори», яъни кўкнорнинг хомроқ кўсагини тилиб кўйганда ундан оқиб чиқиб, хавода қорайиб котган, сутсимон шира. Таркибида морфин,

папаверин, кодеин, тебаин, наркотин ва 20 га яқин бошқа алкалоидлар бор. А. препаратлари тиббиётда оғриқсизлантирувчи дори сифатида ишлатилади. А. кучли наркотик бўлганинги учун ҳамма мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам уни истеъмол қилиш тақиқланган.

**ВАКЦИНА** (лот. – сигирга оид) – эмлашда ишлатиладиган моддалар – инфекцион касалликларнинг олдини олиш ёки даволаш мақсадида қўлланиладиган препаратлар. Микроорганизмлар, шунингдек, уларниң заарсизлантирилган токсинларидан тайёрланади, организмга юборилганда тегишли юқумли касалликларга нисбатан сунъий оргтирилган фаол иммунитет вужудга келади.

**ВИРУС** (лот. – заҳар) – факатгина тирик хужайраларда кўшайиб, ўсимлик, ҳайвон ва одамда юқумли касаллик кўзғатувчи микроорганизмлар.

**ВИТАМИН** (лот. – ҳаёт) – дармондори тирик организмнинг ҳаёт фаолияти ва нормал моддалар алмашинуви учун зарур бўлган органик бирикмалар. Улар турли хил кимёвий тузилишга эга. Озиқ моддалар таркибида қандайдир моддалар етишмаслиги натижасида одамлар касал бўлиши тўғрисидаги маълумотлар қад. Хитой китобларида, кейинчалик Гиппократ асарларида қайд этилган. В.ни илмий нуқтаи назардан ўрганиш 18-ада бошланган.

**ГЕН**. Ирсий омил – ирсиятнинг функционал бирлиги; дезоксирибонуклеин кислота (баъзи вирусларда эса ри-

бонуклеин кислота) молекуласининг бир кисми.

**ГИГИЕНА** (юнон. – соғлом) – тиббиётнинг бир соҳаси бўлиб, кишилар соғлиғига турмуш ва меҳнат шароитлари таъсирини ўрганади ҳамда касалликларнинг олдини олиш, яшаш учун энг қулай шароит яратиш, соғлиқни саклаш ва умрни узайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

**ГИПНОЗ** – сунъий ҳосил килинадиган уйку ҳолати; Г. моҳиятини И. П. Павлов олий асаб фаолияти ҳақидаги таълимомтида илмий асосда тушунтириб берган. Бунда мия пўстлогининг айрим кисмларигина тормозланади; «соқчи пунктлар» деб аталадиган кисмлари эса кўзғалувчанлигини сақлагани ҳолда Г. килинган кишининг кўзғатувчилар б-н алоқасини таъминлаб туради.

**ГРИПП**. Инфлюэнза – юкори нафас йўлларининг ўткир юқумли касаллиги; бир неча хил вируслар (А, В, С, Д) кўзғатади. Ҳаводаги томчилар оркали юқади. Ҳар 2–3 й.да эпидемия шаклида тарқалади.

**ГОМОСЕКСУАЛИЗМ** – (юнонча лот. – тенг, бир хил жинс) – ўз жинсидаги шахсларга нисбатан жинсий майл кўрсатиши. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам учрайди. Эркакнинг эркак б-н жинсий алоқада бўлиши бесоқолбозлик, бачабозлик, болабозлик дейилади. Г. жиноят хисобланганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖҚда (120-модда) жиноий жазо белтиланган.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ** (лот. – инфекцияга қарши) – юқумли касаллуктарни күзгатувчи микроорганизмлар (бактериялар, вируслар ва б.)ни йўқ қилиш. Кенг мънодаги Д.га одам б-н ҳайвонлар учун заарли ҳашаротларни йўқ қилиш – дезинсекция ва заарли кемирувчиларни йўқ қилиш – дератизация ҳам киради. Профилактик, кундалик, якунловчи Д. бўлади.

**ДЕМОГРАФИЯ** – аҳолининг сони, таркиби, жойлашви, миграцион ҳаракати (кўчиши), ижтимоий-иктисодий, маданий ва бошқа хусусиятларини ўрганувчи фан. *Ижтимоий гигиена*, соғликини саклаш, таъминот ва бошқа масалаларни ҳал этишида Д. усувлари, маълумотларидан фойдаланилади. Аҳолининг турмуши, хаёти, меҳнати ва соғлигига оид масалаларга баҳо бериш, шунингдек, соғликини саклашни режалаштиришдек мураккаб вазифаларни бажаришда Д. муҳим рол ўйнайди.

**ИЖТИМОЙ ГИГИЕНА** – тиббиётнинг жамоат соғлигини саклаш ҳамда турли хил ижтимоий омилларнинг ахоли соғлигига таъсирини ўрганувчи соҳаси. Ижтимоий омилларнинг заарли таъсири олдини олиш, соғликини ва меҳнат кобилиятини саклаш чора-тадбирларининг илмий-амалий йўлларини ишлаб чиқади.

**ИНФАЛЛИЗМ** (лот. – болаларча) – катталаарда илк болалик даврига хос бўлган морфологик, физиологик ва руҳий ҳислатларнинг сакланиб колиши б-н ифодаланадиган клиник синдром.

**ИНФЕКЦИЯ** (лот. – юқтирмоқ, бузмоқ, заҳарламоқ) патоген микроб (ёки *вирус*) нинг одам ёки ҳайвон организмига кириши, кўпайиши ва айни вактда микроб б-н организм ўртасида ўзаро мураккаб муносабат вужудга келиши. И. термини, баъзан бошқа маънода, касаллик юккан пайтни, инфекцион касалликни, унинг микробини ифодалаш учун ишлатилади.

**КАРАНТИН** (итальянча – қирк кун) – тиббиётда ўта ҳавфли юқумли касаллуклар тарқалишини чеклашга қаратилган эпидемияга қарши маъмурий ва санитария тадбирлари мажмуи. К. маълум ҳудудни касаллик тарқатувчи манбадан муҳофаза қилиш ва уни йўқотишга ҳамда касалликнинг бир жойдан бошқа ҳудудларга тарқалиб кетишига йўл кўй-масликка қаратилган профилактик тадбир ҳисобланади. К. биринчи марта 14-ада Италияда кўлланилган. Шунда ўлат тарқалган юртдан келган кема 40 кунгача қирғокқа яқинлаштирилмасдан денгизда ушлаб турилган.

**МЕҲНАТ МУХОФАЗASI** – инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш кобилиятининг сакланишига қаратилган тадбирлар. Конун ҳужжатларида меҳнат жараёнида кўлланиладиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора-тадбирлари белгилаб кўйилади. Меҳнат килувчи шахс ҳавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касал-

ликлари юз бериш хавфининг олдини олиш, ишлаб чиқаришда жарохатланишларга йўл кўймаслик кабилар М. м. олдидаги вазифалар ҳисобланади.

**НАРКОТИК** (юнон. – донг қотирувчи, гангитувчи, мияни айнитувчи) – бехуш қиласидиган, ухлатадиган ёки вақтинча оғриқни сездирмайдиган.

**НАРКОМЛЯИЯ** – наркотик моддаларга ўрганиб қолиб, уларни истеъмол қилмасдан туролмаслик, гиёхвандлик, бағилик.

**НИКОТИН** (франц. – тамакини дастлаб 1560 й.да Францияга олиб келган француз дипломати Ж. Нико номидан) – тамаки ва баъзи ўсимликлар таркибида бўладиган алкалойд, кучли заҳар.

**НОГИРОНЛИК.** И н в а л и д л и к – қасаллик, шикастланиш, майб-мажруҳлик, баҳтсиз ҳодисалар туфайли бутунлай ёки маълум муддат меҳнат қобилиятини йўқотиш. Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги сабабли ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтоҷ шахс ногирон ҳисобланади. Ўзбекистонда Н. Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади. Н. меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига қараб З гурухга бўлиниб, вақтинча (6–12 ой) ёки муддат сиз қилиб тайинланади.

1-гуруҳ Н.ка меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган ва бошканинг доимий парвариши, ёрдами, назоратига муҳтоҷ бўлган шахслар;

2-гуруҳ Н.ка меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган, лекин бошқаларнинг доимий парваришига муҳтоҷ бўлмаган,

шунингдек, меҳнат туридан катъи на зар, унда узоқ муддат ишлай олмайдиган шахслар;

3-гуруҳ Н.ка меҳнат қобилияти сезиларли даражада пасайган шахслар киради.

**ОРТИРИЛГАН ИММУН ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ.** ОИТС – ретровирус гурухига мансуб *вирус* кўзғатадиган қасаллик. Икки даврга бўлинади: ОИТВ инфекцияси ва бевосита ОИТС (СПИД) даври. ОИТВ инфекцияси даври одам организмида вирус бор, лекин қасаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган давр. Вирус деярли бир вақтда Парижда проф. Люк Монтанье ҳамда АҚШда проф. Галло бошчилигидаги олимлар томонидан қашиф этилган (1983). Бу вирус одамнинг иммунитет тизимига танлаб таъсир кўрсатади, айникса, СД4+ иммун ҳужайраларига кирғин келтиради. Вирус одам организмига тушгач, 2–3 кундан сўнг, 25–30% ҳолларда бирламчи инфекция даврига хос аломатлар кузатилиши мумкин. Бу «ўтқир сероконверсия синдроми» деб аталади, бунда ҳарорат кўтарилади, тунда терлаш, бўғимлар ва бош оғриги, лоҳаслик, кайт килиш, ич кетиши, баданда, айникса, унинг юкори қисмida тошмалар пайдо бўлиши мумкин.

Шунинг учун ОИТВ, асосан, уч хил йўл б-н юқади: кон орқали, жинсий алоқа воситасида ва инфекция юқсан онадан хомиласига вертикал йўл б-н ўтади. ОИТС б-н оғриганларнинг кўпчилигини

наркоманлар (гиёхвандлар), фохишалар, гомо- ва бисексуаллар ташкил этади.

**ПАНСИОНАТ** (франц.) – дам олиш уйининг бир тури ёки курортда дам олувчиликлар мөхмонхонаси. Асосан, шаҳар ташкарисида, хушманзара жойларга куриладиган бино ва иншоотлар мажмуи. Пансионат хоналари 1 кишига, оилавий ва кекса кишиларга мўлжалланганилиги б-н дам олиш уйларидан фарқланади. Пансионатда ётоқ корпуси, ошхона, киноконцерт зали, маъмурӣ, хўжалик ва бошка ёрдамчи хоналар бўлади.

**ПАРИЖИЙ** (франц. – хомийлик) – болалар маслаҳатхонаси, поликлиникалари, аёллар маслаҳатхоналари, сил диспансери ва бошка диспансерлар томонидан ёш болалар, хомиладорлар ва айrim bemorlararga uy sharoitiida tibbiy ёrdam kўrsatiш tizimi.

**ПАРЧАМЛАНУШЧА** (юнон. – сақловчи, олдини олувчи) – одамларнинг узок умр кўриши, ишлаш кобилиягини сақлаб колиши, аҳолининг жисмоний ривожланишини яхшилаш, касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олиш ҳамда саломатликни ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, гигиеник ва тиббий чора-тадбирлар мажмуи. П. жамоат ташкилотлари ва алоҳида фукаролар томонидан амалга оширилади.

**ПАРСИФАЛЬ** (лот. – тиклаш) – организмнинг бузилган функциясини ва беморлар ҳамда ногиронларининг меҳнат кобилиягини тиклашга қаратилган тиб-

бий, педагогик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи.

**ПАРТИБИГА** (лот. – сақланган) – ўз тартибига кўра, буюртма қўриқхонага яқин бўлган, муҳофаза қилинадиган табиий худуд. Р.да табиий комплекс элементлардан бири муҳофаза қилинадиган асосий обьект бўлади. Р.да овланадиган сутэмизувчилар, кушлар ёки балиқлар, ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг ноёб турлари муҳофаза қилиниши мумкин.

**ПЕРИОДИЧИК САЛОМАТИК** (лот. – ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш) – инсоннинг саломатигини қайтадан тиклаш.

**САЛАМОТИКИ** (лот. – даволайман, согайтираман) – даволаш профилактика муассасаси. С.ларда табиий даволаш омиллари (иклим, минерал сувлар, шифобахш балчик ва бошка) б-н бир каторда даво бадан тарбияси қўлланилади, пархез овқатлар берилади, даво ва дам олиш тартибига амал қилинади.

**САЛОНТАРИК** (лот. – соглик, саломатлик) – умуман аҳолини, атроф-мухитни согломлаштиришга, тозаликка, гигиеник талаб ва мъёёрларга риоя қилишга картилган чора-тадбирлар тизими.

**СЕНІСС** (инг. – босим, кучланиш, танглик) – одам ва ҳайвонларда кучли таъсирот натижасида содир бўладиган ўта хаяжонланин, асабийлик ҳолати. Организмда хар хил таъсиротларга нисбатан ривожланадиган номахсус нейрогормонал реакция. С. терминини канадалик патолог Г. Селье таърифлаб, тиббиётга киритган (1936).

## **ТЕЗ ВА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ** – даволаш-профилак-

тика муассасаси. Бахтсиз ҳодисалар (жароҳатланиш, суюқ синиши, куйиш, заҳарланиш ва б.) содир бўлганда, тўусатдан ва ҳаёт учун ҳавфли бўлган касалликларни бирламчи даволашда беморларга тез тиббий ёрдам беради, туғадиган ва тукқан аёлларни стационарга олиб борища кечаю кундуз тиббий ёрдам кўрсатади.

**ХОТИРА** – ўтмиш тажрибалари ёки воқеа ва ҳодисаларни эсга тушириш кобилияти. X. асаб тизими хусусиятларидан бири бўлиб, тапки олам воқеалиари ва организм реакциялари хақидаги ахборотни узоқ саклаш ҳамда уни онг фаолиятида ва хулқ, хатти-харакат доирасида такрор тиклаш кобилиятида намоён бўлади. Эслаб қолиш, эсда саклаш ва эсга тушириш жараёнлари ажратилади. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз, бевосита ва бильвосита, киска муддатли ва узоқ муддатли X.лар фарқ қилинади. X.нинг одатий, эмоционал, образли ва сўз-мантикий турлари мавжуд.

**ШАҲС** – характеристер, мижоз, кобилият, шунингдек, руҳий жараёнларнинг кечиш хусусиятлари б-н намоён бўладиган руҳий фазилатлар мажмуи. Ушбу хусусиятларнинг такрорланмайдиган барқарор ягона уйғунлиги Ш. мазмунини ташкил этади ва у мазкур одам Ш.нинг турғун хусусияти бўлиб ифодаланади. Ш.нинг руҳий хусусияти одамнинг меҳнат фаолияти на-тижаси бўлиб, энг аввало, унинг ижтимо-

ий ҳаётдаги ривожланиш шароитларига боғлиқ.

**ШАҲСИЙ ГИГИЕНА** – гигиенанинг бир бўлими; шахсий ҳаёт ва меҳнат фаолиятида амал қилинини зарур бўлган гигиеник режим йўли б-н одам соғлигини саклаш ва мустаҳкамлаш масалаларини ишлаб чиқади. Ш. г. ҳар бир кишининг ўзиға ва ёшига боғлиқ бўлиб, ақлий ва жисмоний меҳнатни тўғри йўлга кўйини, жисмоний тарбия б-н шуғулланиш, вактида овқатланиш, мирикиб ухлаш, меҳнат ва дам олиши тўғри уюштиришдан иборат.

**ЭВОЛЮЦИЯ** – ривожланишнинг синоними; аста-секин, босқичма-босқич рўй берадиган микдор ва сифат ўзгаришлиари. Э.да ривожланишнинг сифатий асоси кескин ўзгармайди, унинг бошланиш ва якунланиш босқичлари орасида муайян фурсат ўтади.

**ЭКОЛОГИК-КРИЗИС**, Экологик танглиқ – экологик системалар, алоҳида ҳудудлар ёки биосфера миқёсидаги табиий оғатлар; тошкін, ер силкиниши, вулканлар отилиши, қурғокчилик, довул, чигирткалар оғати, ёнғин ва б. ҳолатлар оқибатида юз берадиган экологик вазият.

**ЭКОЛОГИЯ** (юон. – ватан, уй ҳакидаги фан) – биргалиқда яшайдиган тирик организмларнинг ўзаро ва теваракатрофдаги мухит б-н бўлган муносабатини, шунингдек, одам б-н биосфера ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганувчи фан.

**ЭПИДЕМИЯ** (юон.- ялпи, кенг тарқалған) – юқумли касалликларнинг муайян худуд учун ғайриодатий тарзда ялпи, кенг тарқалиши.

**ҚОБИЛИЯТ** – шахснинг муайян фаблият юзасидан лаёкати ва унинг ишни удалай олишидаги субъектив шарт-шароитларни ифодаловчи индивидуал рухий ва жисмоний хусусиятлари. Қ. шахснинг билим, қўникма ва малакаларидан фарқ қиласди. Қ.нинг юқори даражаси истеъдод ва гениалликда намоён бўлади.

**ҚОН БОСИМИ** – томирларда оқаётган коннинг шу томирлар деворига кўрсата-диган тазыйки. Юрек иши ва томирлар

леворининг каршилиги туфайли юзага келади. Артерия, вена ва капилляларда Қ. б. турлича бўлади. Юрекдан узоклашган сари у пасайиб боради. Одамда нормал артериал босим 100–140 мм симоб устуни (системик босим)га ва 70–80 мм симоб устуни (диастолик босим)га тенг. Бу босимлар фарқли пульс босими деяйлади. Веноз босим 60–100 мм сув устунига баравар.

**ҚЎРҚУВ** – ҳис-туйғу ва кайфиятнинг бузилиш турларидан; бунда одамни асоссиз Қ. босади, киши нимадандир безовталашиб, кўнгли ғашланади, ороми бузилади, рухани азоб чекади. Кўпгина рухий касалликларда Қ. аломатлари сезилади.

# СПОРТ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АКРОБАТИКА** (юонон. – оёқ учида юраман, юқорига чиқаман) – гимнастика шаклидаги жисмоний машқлар тури, шунингдек, сакраш, спорт ускуналариға таяниб ёки уларсиз мувозанатни сақлаб бажариладиган, куч, эпчиллик намойиш қилинадиган ва бошқа маҳсус жисмоний машқлар мажмуаси, спорт тури. Спорт А.си 20-а.нинг 30-йилларида пайдо бўлди. Бу спорт турида сакраш машқлари қуйидагича бажарилади: айланниплар, дўмбалок ошишлар, сальто. Халқаро спорт ақробатика федерациясиға 1973 й.да асос солинган). А. спорти Ўзбекистонда 1936 й.дан ривожлана бошлади.

**АЛЬПИНИЗМ** (Альп тоғи номидан) – спорт тури, турли мураккаб тўсиклардан ўтиб тоғ чўққиларига кўтарилиш. А. уч синфдан – траверслар (довон ошиш, тоғ тизмалари ва этакларидан ўтиш), мураккаб чиқиш (тик тоғларга чиқиши) ва баланд тоғларга кўтарилишдан иборат. А. спорт тури бўлибгина қолмай, кам ўрганилган тоғларни илмий тадқик

етишга ҳам хизмат килади. А. тарихи 1786 й.дан бошланади: ўшанда швейцариялик Ж. Бальма ва М. Паккар Альп тоғининг Монблан чўққисига кўтарилиган эдилар. А. Марказий Европадан бошқа ўлкаларга, шу жумладан, Россия ва Осиёга тарқалди. 19-а.нинг охирида Туркистон ҳарбий топографлари Чимён тоғига – 3309 м балликка кўтарилилар. 1938 й.да Ўзбекистонда альпиниада ўтказилди, унинг 60 қатиашчиси Пском тоғининг 8 та чўққисини забт этди. Ўзбекистонда Эверестни забт этувчи альпинистлар гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ 1998 й. майда чўққига чиқди. 22 май куни Рустам Ражабов биринчи бўлиб, Эверестни забт этди ва у ерга Ўзбекистон давлат байроғини қадади.

**АМЕРИКА ФУТБОЛИ** – жамоалар ясси тўп б-н ўйнайдиган спорт тури. Регбига ўхшайди. Дастребки мусобака АҚШда 1874 й.да ўтказилган. Ўйинчилар юзига ниқоб тутиб, елка, кўкрак ва бутун гавданни ҳимоя килувчи мосламалар кийиб ҳаракат киладилар. Рақибни тўхтатиш, уни

чим устига босиб, йўлини тўсиш учун деярли барча усууларни кўллашга рухсат берилади.

**АРЕНА** (лот. – кум) – Қад. Рим томоша-хоналарининг амфитеатр ўртасидаги кум сепилган айланга майдони. Спорт ўйинлари, гладиаторлар уруши, ўлимга маҳкум этилганларнинг ёввойи ҳайвонлар б-н жанг томошаси учун мўлжалланган, ҳозирги замон циркida томоша жойи, ўйин майдони. У ҳозир манеж деб аталади. Шунингдек, маҳсус спорт турлари бўйича ўқув тренировка машғулотлари ва мусобакалари ўтказишга мўлжалланган, етарлича жиҳозланган маҳсус спорт иншооти, ўйингоҳ саҳни, бокс, енгил атлетика, кураш ва ш.к. мусобакалар жойи хам А. деб аталади.

**АРМРЕСТИНИНГ** (инг. – кўл кураши) – спорт тури, икки киши (спортчи)нинг маҳсус столда тирсагини таянчдан узмасдан бир-бирининг қўлини кайириб мушти сиртини столга тегизиш учун кураши. Агар ўнг (чап) кўл б-н мусобакалашилса, чап (ўнг) кўл б-н столдаги маҳсусе тутқичдан ушланади. Мусобакада вакт чекланмайди. Бу спорт тури қад. куч синашиш турларидан бири бўлишига қарамасдан 20-а.нинг 50-йилларига келибги АҚШдаги олис масофаға қатновчи автомобиль ҳайдовчилари ўргасида спорт тури сифатида шаклланди. 1962 й.да Жаҳон армрестлинг федерациясига асос солинди. Ушбу федерацияга Ўзбекистон 1996 й.дан аъзо бўлган. А. бўйича илк жаҳон чемпионати 1962 й.да ўтказилган.

**АТЛЕТИКА** (юон. – курашчиларга хос) – куч ва чакконликни ривожлантиришга ёрдамлашувчи машқлар тизими. Цирк санъати жанри, оғир нарсалар кўтариш б-н боғлиқ куч ишлатувчи машқлар.

**АУТСЛайдер** (инг. – чет, бегона) – колоқ, охирги. Мусобакада охирги ўринлардан бирини эгаллаб келаётган спортчи ёки жамоа.

**БАДИЙ ГИМНАСТИКА** – спорт тури, буюм (тасма, копток, ҳалқа, аргамчи) б-н ва усиз турли нафис гимнастика ва ракс машқларини мусиқа остида бажариш бўйича аёллар мусобакалари. Халқаро спорт мусобакаларининг ҳозирги замон дастурида кўп кураш (бигта мажбурий ва буюмлар б-н учта эркин машқлар) ҳамда буюм б-н гурӯҳ бўлиб эркин машқлар бажариш бор. Спортчиларининг машқлари 10 балли тартиб бўйича баҳоланади. Ўтган асрнинг 40-йилларидан мусобакалар ўтказила бошланди. 50-йиллар охирида Халқаро гимнастика федерацияси ташкил этилди, 1963 й.дан тоқ йиллари жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда, 1984 й.дан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. Ўзбекистон Б.г.чилари терма жамоаси 1991 й.да Симферополда ўтган иттифоқ чемпионатида 1-ўринни олди. 1996 й.да Осиё чемпионати (Хитой)да, 1997 й.да жаҳон чемпионати (Германия) да иштирок этди.

**БАДМИНТОН** (Англияниң Бадминтон шахри номидан) – патли копток (волан) ни ракетка б-н уриб ўйналадиган тенисига ўхшаш спорт ўйини. Б. Қадимги

Малайяда вужудга келгандын, кейинчалик Осиёдаги бошқа мамлакатларга тарқалған. 19-а.нинг 70-йилларида Англияда расм бўлиб, ўйин коидалари ишлаб чиқилғач, Европанинг бошқа мамлакатларига ҳам ёйилди. Халқаро бадминтон федерацияси (I.F) 1934 й.да ташкил топди. 1977 й.дан жаҳон биринчилиги ўтказиб келинади. 1992 й.дан Олимпия ўйинлари дастуридан жой олди. Б. Ўзбекистонда ўтган асрнинг 50-йилларидан ривожлана бошлади.

**БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШИШ** – спорт тури. Пойгалар ва слаломдан иборат. Мусобакалар 19-а.нинг 60-йилларида Европанинг кўлгина мамлакатларида эшкакчилар клублари пайдо бўлгандан сўнг бошланди ва аввал байдаркаларда, кейин каноэда спорт пойгалари ўтказиладиган бўлди. Халқаро каноэ федерацияси 1946 й.да ташкил топган. 1936 й.дан мусобака Олимпия ўйинлари дастурига киритилган, 1938 й.дан жаҳон чемпионатлари ўтказилади. Байдаркалардаги мусобакалар аёллар ва эркаклар ўртасида, каноэда эса факат эркаклар ўртасида бўллади. Байдаркалар бир кишилик, икки кишилик ва тўрт кишилик, каноэ – бир кишилик ва икки кишилик. 1972 й.дан байдарка ва каноэда слалом мусобакалари олимпиада мусобакалари дастурига тажриба тарикасида киритилган. Ўзбекистонда бу спорт тури ҳаваскорлари 50-йилларидан сув ҳавзалари, анхор ва дарёларда машқ қилиб, мусобакаларда катнаша бошладилар.

Ўзбекистон терма жамоаси 1996 й.ги 26-ёзги Олимпия ўйинларида ва айникса, 1997 й.ги Осиё биринчилигида муваффакиятли иштирок этди. Спорт мусобакалари бўйича асосий спорт базалари Тошкент денгизи, Чорвок сув омбори, Самарқанд эшкак эшувчилар каналидадир. **«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ** – Ўзбекистоннинг касб-хунар коллежлари ва акад. лицейлари ўкувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобакалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақилигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори (2001 й. 19 январь) асосида ташкил этилган ҳамда «Ўкувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишига қаратишидан узлуксиз спорт мусобакалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги (2003 й. 3 июнь) қарорига биноан республика финал босқичлари 3 й.да бир марта ўтказилиши белгиланган. Спорт мусобакасида бадий гимнастика, баскетбол, бокс, волейбол, гандбол, енгил атлетика, стол тениси, сузиш, тенис, футбол каби олимпиада ўйинлари дастурига кирган ва шахмат, белбоғли қураш, қураш сингари оммалашган спорт турлари бўйича мусобакалар ўтказилади. Саралаш мусобакалари ўкув юрти, туман, шаҳар ва вилоятларда, республика финал босқичи битта худудда тантанали равишда ташкил этилади.

**БАСКЕТБОЛ** (инг. – сават ва тўи) – спорт тури, 3,05 м бал.даги саватли

халқага түпни қўлда ташлаб ўйналадиган жамоа ўйини. Б. машғулоти ва мусобақалари учун тұртбұрчак майдонғча (ўлчами 26x14 м) ёки зал (бал. 7 м) талаб килинади. Ҳар бир жамоада 12 нафардан ўйинчи бўлиб, майдонга бир йўла ҳар жамоадан 5 тадан ўйинчи туширилади. Ўйинда саватга туширилган тўп учун 2 очко, жарима белгиланганда туширилган тўп учун 1 очко, жаримадан ташқаридагиси учун 3 очко берилади. Эркаклар 40 минут, аёллар 36 минут, 15–16 яшар ўсмиirlар ва қизлар 30 минут, 13–14 яшар ўғил ва қиз болалар 24 минут ўйнашади. Ўйин 2 қисмдан иборат, орада 10 минут. Дам олинади. Белгиланган вақтда жамоалар баравар очко олса, бирор жамоа голиб чиққунча 5 минутдан кўшимча вақт берилади. Б. ватани АҚШдир (1891). Халқаро баскетбол федерацияси 1932 й. тузилган) Б. 1936 й.дан Олимпия ўйинлари дастурита киристилган. 1950 й.дан Б. бўйича жаҳон чемпионати ўтказиб келинади. Ўзбекистонда 1921 й.дан Б. ўйнала бошлаган.

**БЕЙСБОЛ** – копток ва таёкча б-н ўйналадиган спорт ўйини, чиллак ўйинини эслатади. Ҳар бири 9 (Шим. Америка Б.ида) ёки 11 (Уэльс Б.ида) кишидан иборат 2 жамоа 175x125 м катталиқдаги майдонда коптокни чиллак б-н ўйнаб, устунликка эришишга харакат этади. Ватани Англия бўлиб, ҳозирги ўйин қоидалари 1845 й.дан бери амал қиласи. Халқаро бейсбол федерацияси 1921 й.да ташкил этилган. Б. бўйича жаҳон чемпионлиги

мусобақалари 1938 й.дан буён ўтказилади, 1992 й.дан Олимпия ўйинлари дастурига киристилганган.

**БИАТЛОН** (юнон. – мусобақа) – қиши спорт тури, чанғида югуриш ва маълум мэрраларга келиб милтиқдан отиш, яъни икки марта (chanfi пойгаси ва отишда) мусобакалашиш. Б. 17-а.нинг 70-йилларида Норвегияда найдо бўлди. 1718 й.да Швеция–Норвегия урушида жанг майдонида тўлиқ қуролланган Б.чилар бўлган. Ҳалигача Норвегиянинг Лилемхамер шахри гербидаги ўқчи-чангичининг тасвири бор. Б. кўп вақтгача «ҳарбийлар спорти» хисоблаб келинган. 1948 й.да Халкаро замонавий бешқураш ва Б. уюшмаси тузилиди. 1958 й.дан жаҳон чемпионлиги учун мусобақалар ўтказилади, 1960 й.дан қиши Олимпия ўйинлари дастурига киристилган.

**БИЛЬЯРД** (франц. – шар) – горизонтал юзасига мовут копланган тўғри тұртбұрчак стол, шунингдек, шу столда ўйналадиган ўйин. Б. Ҳиндистон ва Хитойда келиб чиққан, 16–18-а.да Европа (Франция) да тарқалди. Б. столининг тўрт бурчаги ва икки ёнининг ўртаси тешик бўлиб, тешикларга тўр халтача осилган. Б. ўйинида билан суюгидан ёки мастиқадан килинган шар (диаметри 61–61,5 мм) пишиқ ёғочдан ясалган таёкча – кий (узунлиги 140–150 см) б-н уриб тешикка туширилади. Ҳозирги вақтда «американка», «москвача», «пирамида», «снукер» ўйинлари кенг расм бўлган. Ўзбекистонда 1989 й. бильядр спорти федерацияси тузилган.

**БОДИБИЛДИН** Кулътизм (инг. – тана тузилиши) – спорт тури. Тана мушакларини гантель, штанга, тошва ҳ.к. ёрдамида ривожлантириш, уни чиройли ва бақувват қилишга қаратилган машқлар тизими. Бундай машқларга дастлаб Юнонистон ва Қад. Римда катта эътибор берилган. Мисрда гавда мускулари чиройли, келишган одамларгина фиръавн увоннига муносаб бўлган. 19-а. охирида Буюк Британияда ҳозирги замон культизми (франц. – гавда маданияти) асослари ишлаб чикилди. 1901 й.дан эркаклар гавда гўзаллиги халқаро конкурслари, 20-а. ўргатаридан эса культизм бўйича ҳар йили жаҳон чемпионатлари ўтказила бошланди. 1946 й.да Халқаро культизм федерацияси ташкил қилинди. Ўзбекистонда Б. 1960 йиллардан пайдо бўлди ва дастлабки мусобакалар уюштирилди. Аммо 80-йилларга келиб унга буржуя спорт тури сифатида салбий баҳо берила бошланди ва унутиб юборилди. Мустакиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг барча турлари қатори Б.га ҳам эътибор кучайди.

**БОРКІН** (инг. – муштлаш, зарб) – спорт тури, икки рақибнинг сирти чарм, ичи юмшоқ қопламали қўлқопларда коида асосида яккама-якка муштлашиш мусобакаси. Б. тарихи мил. ав. даврда Миср ва Бобилда уюштирилган яккама-якка муштлашиш мусобакаларига бориб тақалади. Юнонистондаги қад. Олимпия ўйинлари дастурида ҳам шундай

мусобакалар бўлган. Замонавий Б. ватани Англиядир (16–17-а.лар). Дастлабки коидалари Англияда қабул қилинган (1867). Халқаро ҳаваскор боксчилар асоциациясига 1946 й.да асос солинган. Б. 1904 й.дан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган, 1974 й.дан жаҳон чемпионати мусобакалари ўтказиб келинади. Мусобакалар арқонлар б-н ўралган бхэм ўлчамли ринг (супа)да ўтказилади. Б.чилар оғирлиги 270 г қўлқоплардан фойдаланишади. Мусобака 2 минут (дакика) даи 4 раунд (бўлим) давом этади. Раундлар орасида 1 дакиқадан танаффус берилади. Халқаро бокс мусобакалари 12 вазн тоифасида ташкил этилади. Асосий мусобакаларга 18 ёшга тўлганлар қўйилади. Ўзбекистонда замонавий Б. 20-а.нинг 20-йилларидан оммалашди. Жаҳонда профессионал боксчилар ўртасида тўртта ўйналиш бўйича мусобакалар ўтказилади. Уларни жаҳон бокс кенгани (WBC), Жаҳон бокс асоциацияси (WBA), Халқаро бокс Федерацияси (IBF) ва Жаҳон бокс ташкилоти (WBO) уюштиради.

**БРІАСС** (франц. – кўл) – кўкракда сузиш усули. Бунда кўл ва оёқ бир вактнинг ўзида (кўл сувдан чикмаган ҳолда) горизонтал текисликда харакат қиласи. Оёқ харакати сузаётган бақанинг харакатларига ўхшаб кетади. Б. энг қад. сузиш усули бўлиб, у 16-а.нинг 1-ярмидан маълум. 1904 й.дан эркаклар, 1924 й.дан аёллар ўртасида Олимпиада мусобакалари дастурига киритилган. Болалар умурткаси

қийшайганда, уларда букурсимонлик сезилганда Б. усулида сузиш б-н шуғуллашиш ёрдам беради.

**ВЕЛОСИПЕД СПОРТИ** – велосипед б-н трек, шоссе, паст-баланд жойда пойга қилиш, шунингдек, фигурали юриш, велобол ва велополо мусобақалари. Европада 1860 й.ларда пайдо бўлган. 1896 й.дан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. 1893 й.дан трекда, 1921 й.дан шосседа, 1929 й.дан ёниқ биноларда, 1950 й.дан кросс бўйича жаҳон биринчиликлари ўтказилади. Халқаро велосипедчилар уюшмасига 1900 й.да асос солинган. 1997 й.да Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси кайта ташкил килинди.

**ВОЛЕЙБОЛ** (инг. – коптокни уриб қайтармок) – жамоа бўлиб ўйналадиган спорт ўйини бўлиб, ўртасидан тўр б-н (эркаклар мусобақаси учун 2,43 м ва аёллар мусобақаси учун 2,24 м бал.лиқда) бўлинган 9x18 м.ли майдончада ўйналади. Бир жамоа 6 кишидан иборат бўлиб, 2 жамоа ўйнайди. Ўйинчилар тўпни кўл б-н уриб, ракиб майдонига туширишга харакат қиласидар. Коптокни уч уришида рақиблар томонига ўтказиш лозим. Мусобака 3 ёки 5 кур ўйналади. В. АҚШда пайдо бўлган (1895). Халқаро федерацияга 1947 й. асос солинган. 1964 й.дан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган, 1949 й.дан жаҳон биринчиликлари ўтказилади. В. Ўзбекистонда 1920 й.дан ўйналади. Ўзбекистон 1991 й.да Халқаро волейбол федерациясига, 1992 й.да Осиё

волейбол конфедерациясига аъзо бўлиб кирди.

**ГАНДБОЛ** (нем. – қўл ва тўп) – қўл тўпи спорт ўйини. 19-а. охирида Европада пайдо бўлган. Даниялик Хальгер Нильсон ихтиро этган (1898). Г. учун катталиги 40x20 м.ли майдон керак, оғирлиги 325–475 г, айланаси 54–58 см бўлган чарм тўп б-н ўйналади. Майдоннинг икки томонида эни 3 м, баландлиги 2 м бўлган дарвозалар ўрнатилади. Ҳар бир жамоада 7 ёки 11 ўйинчи катнашади. Ўйинчи тўп б-н фақат 3 қадам қўйиши ва уни кўлида 3 секундгача тутиб туриши мумкин. Ўйин 2 бўлимдан иборат бўлиб, эркаклар мусобақаси 1 соат, аёллар мусобақаси 50 минут давом этади. Халқаро гандбол федерациясига 1946 й.да асос солинган. 1972 й.дан эркаклар, 1976 й.дан аёллар мусобақаси Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. 1938 й.дан эркаклар ўргасида, 1956 й.дан аёллар ўртасида жаҳон биринчилиги ўтказилади. Ўзбекистонда Г. 1923–24 й.ларда пайдо бўлиб, биринчи мусобака 1926 й.да Тошкентда ўтказилган. 1991 й.да Ўзбекистон Республикаси Гандбол федерацияси тузилди ва шундан буён мамлакат чемпионати мунтазам ўтказилади.

**ГОЛЬФ** – спорт тури. Тўп ва чавгонлар б-н очик майдонда ўйналади. Бунда 50 мингдан 200 минг  $m^2$  гача сахнга эга бўлган паст-баландлиги ўртача табиий майдон (кир-адир, истироҳат боғи, ўрмон чеккаси) керак, унда табиий ҳолатида қолдирилган 9 ёки 18 та йўлак-трас-

са белгиланади; ҳар қайси йўлакнинг узунилиги 150 дан 470 м гача, кенглиги 30–40м. Биринчи йўлак бошланишида тахм. 4 м<sup>2</sup> катталикдаги майдонча тайёрланади, ҳар бир йўлакнинг охирида ўргасида ўйик-чукурча (чукурлиги 11 см ва диаметри 10 см)ли тахм. 20м<sup>2</sup> келадиган майдонча бўлади. Ўйинчилар жой рельефи ва тўпни йўпалтириш керак бўлган масофа қандайлигига қараб катталиги, йўғонлиги, учининг шакли бирмунча фарқланадиган, узунилиги 85–110 см чавгон (клэб)лардан фойдаланадилар. Ўйиннинг мақсади тўпни (вазни 44 г қўйма резинали копток) чавгон б-н уриб барча йўлаклардаги чукурчаларниг ҳар бирига олиб бориб тушириш. Бу ишни камроқ зарб б-н амалга оширган ўйинчи ёки жамоа ғалаба килади. Г. ўйинни ўрга асрда Данияда пайдо бўлган. 1900 ва 1904 й.да *Олимпиада ўйинлари* дастурига киритилган эди. Г. Ўзбекистонда ҳам оммавийлаша бошлади. Бунда 1998 й.да куриб битказилган Тошкент Г. клуби катта аҳамият касб этди.

**ГРОССМЕЙСТЕР** (нем. - улуг магистр, катта уста) – шахмат ва шашкада энг юксак спорт унвони. Халқаро шахмат федерацияси 1949 й.дан, Халқаро шашка федерацияси 1948 й.дан халқаро унвонини таъсис этган.

**ДЗЮДО** (японча – юмшок йўл) – спорт яккакураши. Д.га Японияда проф. Дзигоро Кано (1860–1938) 1882 й.да асос солган. У япошлигининг жиу-жицу яккакурашидан инсон саломатлигига зиён етказ-

майдиган усулларини олиб, Д.ни жисмоний баркамолликка етаклайдиган спорт тури сифатида шакллантириди. Д.чилар кимоно (оқ калта камзул ва чолвор) кийиб, яланг оёқда татами (тилам) устида беллашадилар. Кураш эркакларда 5 минут, аёлларда 4 минут давом этади. Тик туриб курашилганда ракиблар (чалиш, силтаб ташлаш, слкадан ошириб отиш ва х.к.) усуллар кўллаб бир-бирларини татамига йиқитиб баҳо олишга ҳаракат қиласадилар. Ётиб курашилганда кўл-оёкларни қайириш, оғритиш ва бўғиши усулларини кўллаб, рақибининг елкасини татамига 30 секунд давомида босиб туриб енгишга (енгилганини тан олишга мажбур этишига) рухсат этилади. Усуллар бажарилишига қараб, «иппон» – соф ғалаба, 2 та «вазари» – ғалаба, «юко» ва «коко» баҳолари берилади. Д. бўйича мусобақалар 1883 й.дан ўтказилади. Халқаро дзюдо федерацияси 1956 й.да тузилган бўлиб, Ўзбекистон 1991 й.да аъзо бўлган. 1956 й.дан жаҳон чемпионати ўтказиб келинади, 1964 й.дан *Олимпиада ўйинлари* дастурига киритилган. Ўзбекистонда Д. б-н 20-а.нинг 80-йилларидан шуғулланади.

**ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ** – мусобақа қонидаларини техник жиҳатдан бузганлиги учун спортчи (ёки жамоа)ни эришган натижалари, эгаллаган ўрни ва бошқалардан маҳрум қилиш; спортчини ахлокий нормаларни бузганлиги ёки спорт квалификацияси талабларига мос келмаслиги туфайли мусобақаларда қатнашишдан

четлатиш (баъзан спортчининг унвони ҳам бекор килинади).

**ДОПИНГ** (инг. – наркотик бермок) – организмнинг руҳий ва жисмоний фаолиятини қиска муддат кучайтирадиган моддалар. Спорт ўйинлари натижаларини яхшилаш мақсадида қўлланилган. Спортчилар орасида Д.дан заҳарланиш ва ўлим ҳолатлари кузатилганилиги учун 1967 й.дан Халқаро Олимпиада қўмитаси спорт ўйинлари чоғидаги Д. қабул килишини ман этган ва қатъий назорат ўрнатган. Д. ишлатган спортчилар ўйиндан четлаштирилади.

**КАРАТЭ**, Карате (японча – ҳеч нарсасиз қўл билан) – қуролсиз ўзини ўзи химоя қилиш, иISON танасинини нозик жойларига қўл ёки оёқ б-н зарбалар беришига асосланган спорт курашининг бир тури. К.нинг хозирги қоидалари 20-а.нинг бошларида японча жиу-жишу яккакурашини такомилштириш асосида шаклланган. Унинг дастлабки усул ва қоидаларини Г. Фунакоси (1869–1957, Япония) ишлаб чиқкан. К.чилар 8x8 м татамида яккана-якка ёки жамоа бўлиб мусобақалашади, бажарилган зарба усулларига қўйилган баҳоларга караб ғолиблар аниқланади. Халқаро карагат федерациясига 1968 й.да асос солинган бўлиб, Ўзбекистон миллий карагат федерацияси унга 1996 й.да кирган. 1970 й.дан жаҳон чемпионатлари ўтказиб келинади.

**КАРТИНГ** – картлар (осма курилмасиз, кузови йўқ жажжи автомобиллар)да ўтказиладиган спорт пойгаси. К. йўллари

ҳар хил (кўпинча, кичик) радиусли ўнг ва сўл бурилишлари сони кўп бўлган мураккаб шакли б-н ажralиб туради; йўлнинг узунлиги, Халқаро автомобиль федерацияси талабларига биноан 400 м дан 1200 м гача, кенглиги 6 м дан 10 м гача бўлади. Тўғри йўлнинг узунлиги 100 м дан ошмайди. Тўғри йўлда картларнинг тезлиги соатига 150 км гача боради. К. 1950 - йиллар ўртаси АҚШда пайдо бўлди. 1959 й.дан К. бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказиб келинади.

**КИКБОКСИНГ** (инг. – тепмок ва бокс) – спорт тури бўлиб, икки спортчининг зарурий химоя воситаларини таққан (кийган) ҳолда белгиланган қоидалар асосида бокс рингида ёки ўлчами бхб м майдон (татами)да ғолиблик учун кураши. Мусобақа 2 минутдан 3 бўлим (раунд) давом этади (танаффус 1 минутдан). 20-а.нинг 50-йилларидан Шарқ яккакурашларининг Европа ва Америкада оммалашши К.ни спорт тури сифатида шакллантириди. 1974 й.да Европа ва АҚШ Шарқ яккакураши усталари ўртасида илк К. мусобақаси ташкил этилди. 1977 й.да Жаҳон кикбоксинг кашкилотлари ассоциацияси тузилди, унга Ўзбекистон 2004 й.да аъзо бўлган. **КРОКЕТ** (инг. ва франц. – илгак) – спорт тикидаги ўйин. Бунда шарни ёғоч тўқмоқчада уриб муайян тартибда жойлашган сим дарвозалар қаторидан ўтказилиб, мўлжалга – ракиб қозикчасига етказиш ва уни ўз қозикчасига қайташиб керак. К. 17-а.да Францияда келиб чиқкан, 19-а.дан кўпгина мамлакатларга тарқалган.

1900 й.даги Олимпия ўйинлари дастурига киритилган.

**КРОСС** (инг. – кесиб ўтиш, ўтиш) – хар хил жойлар (ўрмон, дала, майдон)дан, турли табиий тўсиклардан чанғила учеб, от, велосипед, мотоциклъ, автомобиль миниб, спортча югуриб ўтиш.

**КУБОК**, Спорт кубоги – 1) мағлубиятга учраган спортчилар ёки командаларнинг кўпчилик қисми мусобақалардан чиқиб кетиши қоида қилиб кўйилган спорт мусобақалари номи (футбол бўйича Ўзбекистон кубоги, енгил атлетика бўйича жаҳон кубоги мусобақалари ва б; 2) мусобақада, одатда, ғолибга топшириладиган кўчма соврин.

**КУРАШ** – спорт тури, белгиланган қоидага мувофиқ икки спортчишинг яккама-якка олишуви. 1991 й.да К.чилар супуласи вакили, бир неча К. турлари бўйича халқаро миқёсда спорт устаси Комил Юсупов ўзбекча К.нинг халқаро андозаларга мосланган қўйидаги қоидаларини ишлаб чиқди: К. тушувчилар 14x14 м дан 16x16 м гача бўлган, четроқ қисми қизил рангли «хавфли чизик» б-н белгиланган кўк-яшил тусли К. гиламида тик турган ҳолатда беллашадилар. Ғолиб ишлатилган усувлар ва майдондаги хатти-харакатларига кўйиладиган баҳоларга караб аниқланади. К.да бўғиш, рақибга оғриқ берувчи усувлар кўллашинга рухсат этилмайди, курашувчиларнинг бири кўк, иккинчиси яшил рангли яктак (аёллар яктак ичидан оқ рангли футболька) кияди, белга эни 4–5 см ли тас-

ма (белбоғ) боғланади. Халқаро кураш ассоциацияси (IKA)нинг 2003 й. Тошкентда ўтган конгресси ҳар бир учрашувнинг қизғин бўлишини таъминлаш мақсадида расмий мусобақаларда беллашув вақтини 3 минут қилиб белгилади. Ишлатилган усувларга бажарилишига мос равишда «чала», «ёнбош», «ҳалол» баҳолари, коидага зид ҳаракатларга эса «танбех», «дакки», «ғирром» жазолари берилади. Курашувчи «ҳалол» баҳосини олса (ёки рақиби «ғирром» б-н жазоланса) бу унинг ғалабасини билдиради. Икки бор «ёнбош» баҳосини олиши (ёки рақибининг икки бор «дакки» дея жазоланиши) ҳам ғалабани англатади. «Чала» баҳолари хисобга олиб борилади ва х.к.. Баҳолар тенглигига охирги баҳо олган К.чига ғалаба берилади, К.чиларнинг баҳо ва жазолари сони тенг ҳолатда баҳо устунликка эга бўлади, жазолар сони тенг бўлса охирги жазо олган мағлуб ҳисобланади, агар барчаси тенг (ёки баҳо ва жазо олинмаган) бўлса, ғолиб ҳакамларнинг кўпчилик овозига қўра эълон қилинади. 1992 й.да Ўзбекистонда кураш федерацияси тузилди. 1998 й. сентябрда Тошкентда 28 давлат вакиллари Халқаро кураш ассоциацияси (IKA) мусассислари бўлишиди ва шу муносабат б-н бу ерда ўзбекча К. бўйича йирик халқаро мусобақа ўтказилди. 1999 й. Тошкентда ўзбекча К. бўйича биринчи жаҳон чемпионати, Россиянинг Брянск шаҳрида аёллар ўртасида халқаро мусобака бўлиб ўтди. IKA қошида Халқаро кураш академ-

мияси, Бутун жағон курашни ривожлантириш жамғармаси түзилди, ассоциация муассислигиде «Кураш олами» жур.и таъсис қилинди.

**МАРАФОН ЮГУРИШ** – енгил атлетикада катта йўл (шоссе)да 42 км 195 м ни югуриб ўтиш. Номи ва масофа узунлиги юонон аскари ҳакидаги ривоят б-н боғлиқ; у Юнонистондаги Марафон қишлоғи б-н Афина ўртасидаги таҳм. 40 км йўлни югуриб ўтиб, Афинага юоноларнинг форслар устидан ғалабаси (мил. ав. 490 й.) тўғрисидаги хабарни етказган. М. ю. 1896 й.дан Олимпиада мусобақалари дастурига киритилган.

**МЕДАЛӢ** (франц., лотинча – металл) – бирор воқеа, арбоб ёки жой шарафига чиқариладиган, одатда, 2 томонига тасвир туширилган ва (ёки) ёзуви бўлган, кўпинча, доира, тухумсимон ёки кўпбурчак шаклдаги, ҳар хил ўлчовли металл нишон. Аксарият ҳолларда олтин, кумуш, бронздан тайёрланади. М. Қадимги Римдаёқ маълум эди. Лекин М. ясаш санъати 14–15-а. ларда бошланган (Италия, Византия). М. давлат ёки жамоатчилик мукофоти сифатида алоҳида хизматлар: мардлик учун, фан, маданият, спорт соҳасидаги катта ютуқлар учун, юбилей саналари муносабати б-н эсдалик учун, бирон бир воқеада иштирок этганлик учун берилади.

**НОКЛАУТ** (инг. – зарба б-н четлатиш) – ракибининг берган зарбаси туфайли боксчининг бош айланиши, гарангриш, баъзан ҳушини йўқотиш ҳолати. Н. ҳолатига тушган спортчи жантни давом

эттира олмайди. Бокс учрашуви давомида рақиблардан бирининг олган жароҳатидан қон кетиши тўхтамаса, ҳакам тиббиёт ходимлари хulosасига кўра, унга нисбатан «техник Н.» ёълон қилиши ва учрашувни тўхтатиши мумкин. Жангни Н. б-н ютказган боксчига, одатда, камида З ойгача мусобақаларда катнашишга руҳсат этилмайди.

**НОКДАУН** (инг. – зарба б-н қулатиш) – боксда ракибининг кучли зарбасидан боксчининг гарангсиб, ўз ҳаракатларини бошкара олмай қолиши ва бир неча сония жангни давом эттиришга кодир эмаслиги. Бунда боксчи 10 секунд ичида (ҳакам «тўққиз»гача санаганда) учрашувни давом эттириш ҳолатига кела олмаса, унинг ракиби *нокат* б-н ғалаба қилган хисобланади.

**ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ** – Юнонистонда умумюонон байрами ва мусобақалари (2 гилдиракли аравада тез юриш, бешкураш, муштлашиш мусобақалари, санъат конкурси). Мил. ав. 776 й.дан бошлаб мил. 394 й.гача ҳар 4 й.да Олимпия шаҳрида худо Зевс шарафига ўтказилган. Ана шу 4 й.лик давр Олимпиада деб аталган. Ўйинлар 5 кун давом этган; 1896 й.дан (Олимпиада нинг 1-иили)дан бошлаб ўтказилади. О.ўни ўтказиш тартиби, қоидалари Олимпия хартиясида белгилаб берилган. Бу хартияни замонавий олимпия ҳаракати асосчиси, франциялик жамоат арбоби Пьер де Кубертен (1863–1937) ишлаб чиқкан. Ўйинлар Халқаро Олимпиада

Қўмитаси томонидан ташкил килинади. Ўйинларда мусобақалар спортнинг факат Олимпиятурлари бўйича ўтказилади. Дастурга енгил атлетика, гимнастика, сузиш, оғир атлетика, кураш, бокс, киличбозлик, эшкак эшиш, *велосипед спорти*, футбол, баскетбол мусобақалари, албатта, киритилади. Олимпиада шиори «Тезрок, баландроқ, кучлироқ» (лот. «*Citius, Altius, Sortius*») 1920 й.дан Олимпиада эмблемасига киради. Олимпиада эмблемаси – кўк, кора, қизил (юқори катор), сарик ва яшил (пастки катор) рангдаги бир-бирига чатишган 5 ҳалқа Олимпиада харакатига бирлангган 5 та китъя рамзи. Олимпиада байроби – Олимпиада тимсоли (5 ҳалқа) туширилган ок мато барча О. ўда кўтарилади. Олимпиада машъаласи Алфей дарёси водийсидағи Кронос тог ёнбағрида күёш нурларидан ёндирилиб, ўйинларнинг тантанали очилишига эстаджета б-н олиб келинади ва Олимпиада стадионидаги махсус меҳробда ўйинлар ёнилгунча (16 кун) ёниб туради. Ўзбекистон спортчилари О. ўда 1952 й.дан буён иштирок этиб келади.

**ОТ СПОРТИ** – отда юриш мусобақаси. Асосий турлари: от йўргириш; конкуриппик (тўсиклардан сакраб ўтишнинг юксак тури); уч кураш (манежда юриш), далада синаш (йўлда юриш, стипл-чейз, кросс) ва тўсиклардан сакраш; пойга, отда ов килиш, от устида машқ килиш ва б. Мил.ав. 680 й.дан бошлаб антик *Олимпиада ўйинлари* дастурига от араваларда мусобақалар киритилган эди. Отда

юришнинг махсус мактаби 16-а. бошида Италия, Франция, Испания, Австрияда пайдо бўлди. Ўрта Осиё, Кавказорти, Шим. Кавказ, шунингдек, казаклар яшайдиган жойлар (Дон, Кубань, Урал, Терек) да қад. замонлардан миллий от ўйинлари ривожланган. Ўзбекистон худудида О. с. тахм. З минг йиллик тарихга эга. Улок (кўпкари), оломон-пойга, «ағдариш», «қиз қувди» ҳалқнинг оммавий миллий О. с. ўйинлари ҳисобланиб келган. Ҳозирги замон О. с. 1900 й.дан *Олимпиада ўтишлари*дан жой олган. 1953 й.дан жаҳон ва Европа чемпионатлари ўтказилади. О. с. Халкаро федерацияси 1921 й.да тузиленган, унга Ўзбекистон 1993 й.дан аъзо. **ОТИШ СПОРТИ** – спорт тури, ўқ отиш куроли ва пневматик қурол (ўйик стволли ва силлиқ стволли қуроллар), шунингдек, камондан отиш. Спорт атамашунослигида, одатда, ўқ отиш О. с. деб аталади. Унда харакатланмайдиган ва харакатланниб турадиган нишонларга караб милтиқ, пистолет ёки револьвер (тўппонча)дан ўқ узилади. Ҳозирги замон мусобақалари диаметри 162,4 мм ли нишонларга 50 м масофадан 5 соат 15 мин. давомида милтиқдан (ётган ҳолда, тик туриб ва тиззалашиб) 3x40 та ўқ узиш; 50 м масофадан 2 соат давомида ўша нишонга милтиқдан 60 та ўқ узиш (ётган ҳолда); 1320x70 мм катталиқдаги харакатланиб турадиган нишон – «чопиб кетаётган тўнғиз»га 2 кун мобайнида 30+30 та ўқ узиш (тик туриб, милтиқни кўтара солиб дархол); ўзи ўқланадиган пистолетдан 1600x450мм

капталиқдаги 5 та фигурали нишонга 25 м масофадан 2 кун мобайнида 2x30 та ўк узиш (тик туриб); бир зарядли пистолетдан 500 мм диаметрли нишонга 50 м масофадан 2 соат 30 мин. давомида 60 та ўк узиш (тик туриб) машқларини ўз ичига олади. Ўқ отиш бўйича биринчи мусобакалар 1824 й. Швейцарияда ўтказилган. Жаҳон чемпионатлари 1897 й.дан (1954 й.дан – 4 й.да 1 марта) ўтказилади. 1921 й. Халқаро от спорти уюшмасига асос солинган. От спорти барча *Олимпиада ўйинлари* (1904, 1928 й.дан ташқари) дастурига киради. Ўзбекистонда от спорти кенг тарқалган спорт турларидан бири хисобланади. 20-а.нинг 20-йилларидан оммалаша бошлади. Кулай иқлим шароити туфайли бутун йил давомида куролларнинг барча туридан мерғанлар тайёрлаб келинган. Отиш тирлари ва полигонлари республиканинг барча вилоятларида бор. Ўзбекистон от спорти федерацияси 1992 й. тузилди ва Халқаро отиш спорти уюшмасига кабул қилинди. 1995 й.дан Осиё отиш спорти конфедерациясига аъзо бўлди.

**ОГИР АТЛЕТИКА** – спорт тури, ҳар хил вазн тоифаларида оғир нарсалар (штанга, тош) кўтаришда мусобақалашиши. Оғирликларни кўтариши машқлари кад. замонлардан маълум. Расмий мусобақалар эса 1860-йиллардан (биринчи марта АҚШда) ўтказиб келинади. Ҳозирги вақтда штангани икки кўллаб даст ва силтаб кўтариш (1972 й.дан) О. а.нинг асосий машқлари хисобланади. Даст кўтаришда споргчи

штангани тўхтатмай бир ҳаракат билан, силтаб кўтаришда – кетма-кет иккита ҳаракатда – аввал кўкракка олиш, кейин эса юқорига чўзилган қўлларга кўтаришни амалга оширади. Бу спорт тури 1896 й.дан *Олимпиада ўйинлари* (1900, 1908, 1912 й.дан ташқари) дастурига киради. 1896 й. 1-Европа чемпионати, 1898 й. 1-Жаҳон чемпионати бўлиб ўтган. Ўзбекистонда оғир атлетика федерацияси 1992 й.дан фаолият кўрсатади. У Халқаро оғир атлетика федерациясига (1993), Осиё оғир атлетика федерациясига (1994) аъзо.

**ПАРАШЮТ СПОРТИ** – авиация спорти тури. Бу спорт турида турли учиш аппаратлари (самолёт, вертолёт, шланёр, дижирабль, аэростат ва б.)дан парашютда сакралади. Замонавий П. с. мусобақалари дастурига қуйидагилар киради: 600–1500 м бал.дан радиуси 10 м ли нишон доирасига якка ва гуруҳли бўлиб сакраб ерга аник кўниш; 2000 м бал.дан яқса ҳолда сакраб ҳавода акробатик фигуralар комплексини бажаринг; 2400 м дан эркин тушиш пайтида эстафета таёкчаларини узатиш ва нишон доирага аник кўниш машқи бажариладиган гуруҳли бўлиб комплекс сакраш; 2400–4000 м бал.дан эркин тушишда муайян фигуralар ясад гуруҳли бўлиб акробатик сакраш; ерга аник кўниш; кичик калибрли милтиқдан отиш, кросс, сузишни ўз ичига оловчи парашют кўпкураши. Халқаро авиация федерациясининг парашют комиссияси 1950 й.да тузилган. 1951 й.дан жаҳон, 1975 й.дан Европа чемпионатлари ўтка-

зилади. Ўзбекистонда П. с. 1934 й.да вужудга келган.

**ПЕНАЛЬТИ** (инг. – жазолаш) – спорт атамаси; спорт ўйинларида жарима майдончасида коидани бузганилик учун жазолаш. 1891 й.да футболда жорий қилинган (коидани бузган жамоанинг дарвозасига 11 м дан тўп тепилади). Шунингдек, гандболда (7 м дан), сув полосида (4 м дан) ҳам қўлланилади. Хоккейга П. (буллит) ўйинчининг майдон марказидан дарвозабон б-н яккама-якка чиқиши тарзida бажарилади.

**РАУНД** – боксда 3 минутлик олишув даври. Ҳаваскорлик боксида олишув 3 Р., профессионал боксда эса 15 Р.гача давом этиши мумкин.

**РЕГБИ** (Англиянинг Регби шахарчаси номидан) – спорт ўйини. 2 жамоа (ҳар бири 15 кишидан) уз. 27–29 см бўлган тухумсимон шаклдаги тўп б-н Н-симош дарвозали маҳсус майдончада (катталиги 95–100x65–68 м) ўйнайди. Ўйин (40 минутдан 2 тайм давом этади)дан мақсад – тўпни бир-бирига қўлда (оркага) ёки оёқда (хоҳлаган йўналишда) ошириб, уни ракиб майдонидаги дарвоза чизиги орқасига тушириш ёки дарвозага киритишдан иборат. Рақибни ушлаб ёки елка б-н туртиб йиқитиб, унга халакит бериш мумкин. Ўйин коидаси бузилганда «олишув» – тўп талашиб белгиланади. Кўп очко тўплаган жамоа (тўпни ерга тегизиш – 4 очко, тўини дарвозага киритиш – 3 ёки 2 очко) ютган ҳисобланади. Бу ўйин Қад. Хитой ва Қад. Римда

таркалган. Замонавий Р. ўйини 1823 й.да Англияда пайдо бўлди. 1888 й.да Р. бўйича ҳалқаро мусобака ўтказилди. 1900, 1908, 1920, 1924 й.да Р. Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди. Р. Ҳалқаро ҳаваскорлар федерацияси 1934 й.да тузиленади. Р. спорти Ўзбекистонда 1969 й.да «Локомотив» жамияти ҳузурида вужудга келди.

**РЕФЕРИ** (лот. – билдираман) – майдон, майдонча (футбол, баскетбол ва ш.к.), ринг (бокс), гилам (кураш), вишк (волейбол) ва б.даги спорт ҳакамининг анъанавий ҳалқаро номларидан бири.

**РИНГ** (инг. – доира) – бокс тушшладиган квадрат майдонча (6x6 м). Атрофи химоя арконлари б-н ўралган бўлиб, улар бурчаклардаги уступчаларга тортилади. Поли юмшоқ материал б-н қопланади, сирпанмайди. Бал. 75–125 см. 1838 й.дан Англияда расм бўлган.

**РИТМИК ГИМНАСТИКА, Аэробика** – мусиқа садолари остида ижро этиладиган бир қанча жисмоний машқлар (юриш, югуриш, сакраш ва б.). Соғломлаштириш мақсадида қўлланилади. Барча ёшдаги кишилар (эркаклар, аёллар, болалар) шуғулланиши мумкин. Р. г. 1960-йилларда АҚШда вужудга келди. Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан Ўзбекистонда ҳам оммалаша бошлади.

**САМБО** (рус. – қуролсиз ўзини химоя килиш) – спорт кураши тури. Унга курашининг миллий турларицаги энг самарали усувлар асос қилиб олинган. 20-нинг 30-йилларида собиқ Иттифоқд

пайдо бўлган. С.нинг спорт (кураш) ва жанговар турлари мавжуд. С. курашида курашчилар маҳсус белбоғли калта яктақ киядилар. С.да ракибининг қўл ва оёқларидан олиш, оёқлар б-н оёқларига, қўлига ва гавдасига карши ҳаракатлар килиши рухсат этилган. С.да ўз оёғида тик туриб ракиб курагини ерга теккизса ёки оғритувчи усул кўлланганда ракиб ўзини мағлубиятга учраганлигини тан олса, шунингдек, баллар бўйича фарқ 12 тага етса, ракиб ман этилган усулни кўллаб жазоланса, соф ғалаба қайд қилинади. Ракиблардан бири соф ғалабага эриша олмаса, олишув натижаси спортчиларнинг тўплаган балларига қараб аникланади. Жанговар С.да курашчилар бошта шлем, кўлларига бармоклари очик кўлқоп кийиб, оғизга капа (тишни химоя килиш учун) солиб мусобакаланинадилар. Жанговар С.да тепиши, уриш, оғритувчи усуллар кўллаш ва бўғиш мумкин. Кураш  $10 \times 10$  м дан  $13 \times 13$  м тacha катталиқдаги гиламда ўтказилади. Курашчиларнинг олишув майдони  $6 \times 9$  диаметрли бўлиши керак. Кураш танаффусиз 4–5 минут давом этади. С. бўйича Халқаро ҳаваскорлик федерацияси 1985 й. ташкил этилган, 1980 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Ўзбекистон самбо федерацияси 1964 й. тузилган. Аёл С.чиларнинг федерацияси Ўзбекистонда ташкил этилган (1996).

**СПОРТ** (инг. – ўйин) – жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний

мапқуларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими. С.нинг мақсади кишиларнинг соғлиғини мустахкамлалаштирувчи умумий жисмоний ривожлантириш б-н бирга С. мусобақаларида юкори натижага ғалабаларга эришишдир. Дастребки С. мусобакалари Юноностонда мил. ав. 1580 й.да бўлиб ўтган.

**СПОРТЧА ЎРИШ** – енгил атлетика тури. Одатдаги юришдан тик холатда таянилаётган оёқни, албатта, тўғри холда, тиззани букмасдан юриш билан, югуришдан – ҳаракатнинг бестаянч боскичи бўлмаслиги (товорни босиш шартлиги) б-н ажралиб туради. С. ю. тезлиги одатдаги юришдан 2–2,5 баравар юкори бўлади, бунга катта ( $105\text{--}115$  см) ва тез-тез (минутига 180–200 та) қадам ташлаш б-н эришилади. Мусобақалар стадион йўлкасида ва асфальт йўлларда ўтказилади. Эркаклар 10 50 км (расмий халқаро мусобақаларда 20 ва 50 км), ўсмирлар 3–10 км; айрим мамлакатларда аёллар 3–20 км масофада мусобақалашадилар. Мусобақалар 19-а. нинг 2-ярмида аввал Буюк Британияда, кейин Канада, АҚШ, Швеция, Франция, Германия ва б. мамлакатларда ўтказила бошлади. 1908 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди.

**СПРИНТЕР** (инг. – қисқа масофага югуриш) – қисқа масофалардаги мусобақаларга (енгил атлетика, конькида югуриш, сузиш, велосипед спорти ва б.) ихтисослашган спорччи.

**СТАДИОН** (юон. – мусобақалар ўтказиладиган жой) – асосий спорт майдони томошибинлар учун трибуналар, юргуриш, сакраш йўлкалари, гимнастика ва спорт ўйинларига мўлжалланган майдончалар, ёрдамчи бино ва хоналарни ўз ичига олган спорт иншиоти.

**СТОЛ ТЕННИСИ** – кичик копток ва ракеткалар б-н столда ўйналадиган спорт ўйини. Шаркий Осиёда пайдо бўлган. 20-а.нинг 20 й.ларидан кўп мамлакатларга тарқалган. Дастреб «пинг-понг» (франц. – коптокнинг ракетка ва столга урилишида чикадиган овоз) деб аталган. С.т. учун, одатда, стол ўлчами 152,5x274,3 см; бал. 76 см; тўри 183x15,25 см бўлади. Ёғоч ракетканинг юзига резина пластина қопланади. Копток оқ пластикадан ясалади, диаметри 37,2–38,2 мм, оғирлиги 2,4–2,53 г. Ўйин майдончасишинг ўлчами 6–7x12–14 м. Расмий мусобақалар спорт залларида ўтказилади: эркаклар ва аёллар – жамоа бўлиб, якка ҳолда ва жуфтликда хамда аралаш жуфтликда мусобақалашадилар. Ўйин 3 ёки 5 партиядан ўйналади. Ўйинчилардан бири 21 очко тўпласа, у голиб хисобланади. Агар хисоб 20:20 бўлиб колса, унда ўйинчилардан бири 2 очко ортиқ тўплагунча ўйин давом эттирилади. С. т. Халқаро федерацияси 1926 й. ташкил этилган. 1926 й.дан хар 2 й.да жаҳон биринчилити ўтказилади, 1988 й.дан *Олимпиада ўйинлари* дастурига киритилган. Ўзбекистон стол тениси федерацияси 1993 й.да Халқаро федерацияга аъзо бўлди.

**СУВ ПОЛОСИ**, Ватерполо – сувда, яни тўғри бурчакли ховуз (30x20 м, чуқурулиги камида 1,8 м)да тўп б-н жамоа бўлиб ўйналадиган спорт ўйини; ҳар жамоада 7 тадан ўйинчи катнашади. Ҳовузга 3x0,9 м.лик 2 та дарвоза ўрнатилади. Ўйиннинг мақсади – рақиб дарвазасига иложи борича кўп тўп тушириш. С.п. тўпининг айланаси 68–71 см, оғирлиги 400–450 гр. 1967 й.дан бошлаб пластмасса тўп б-н ўйналади. Қоидага кўра, мусобақа соғ ўйин вакти 5 минутдан бўлган 4 боскичда 2 минутлик танаффус б-н ўтказилади. Ҳар қандай усулда сузиш, тўпни 1 кўлда олиб юриш ва отиш мумкин (факат дарвазабонгина 2 қўлида ўйнайди), қўлида тўп бўлмаган рақибга хужум килиш ман этилади. Қоидани бузганлик тўпни ўйинга киритиш хуқуқини рақибга бериш, ўйиндан чиқариб юбориши (45 сек. ёки дарвоза ишғол килингунга қадар) б-н жазоланади. Ўйиннинг дастребки қоидаларини шотландиялик В. Уилсон ишлаб чиккан (1876). 19-а. охири – 20-а. бошларидан С.и. Еврона мамлакатларида оммалаша бошлади. 1926 й. Халқаро ҳаваскорлар сузиш федерацияси хузуридаги С. п. кўмитаси тузилган. 1973 й.дан Жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилади. 1900 й.дан *Олимпиада ўйинлари* дастурига киритилган. Ўзбекистонда сув полоси ўйинлари 1946 й.дан уюштирила бошлаган. Ўзбекистон сув полоси федерацияси 1993 й.да ташкил этилган.

**СУВ ЧАНГИ СПОРТИ** – сувда шатақчи катер ёрдамида махсус чангилар б-н ха-

ракатланишдан иборат мусобака. Сувда сузиш спортидан ажралыб чиқиб, алохидан спорт тури сифатида 1930 йилларда АҚШда шаклланди. Бу спорт турида катнашчилар 3 та йўналиши бўйича мусобақалашадилар: слалом, фигурали учиш ва трамплиндан сакраш. Ҳар учала йўналишида эркак ва аёллар қатнашиши мумкин. Халқаро сув чанғи спорти федерацияси 1947 й. тузилган. 1949 й.дан Жаҳон чемпионати мусобакалари ўтказилади.

**СУВГА САКРАШ** – спорт тури. Трамплиндан (1 ва 3 м) ва миноравицка (5, 7,5, 10 м)дан сувга сакраш усуллари бор. С. с. турли хил айланишларни ўз ичига олади ва сувга калла ёки оёқ ташлаб кам сув сачратиб тик тушиш б-н тугайди. Унинг дастлабки холатда олд томон б-н туриб ва тескари туриб, кўлларга таяниб туриб, айланишлар йўналишлари бўйича – олдинга, орқага ва буралиб-буралиб; мураккаблиги бўйича мураккаблик коэффициенти (сони ва буралишларнинг мураккаблиги)га кўра сакраш кўринишлари бор. Спорт тури сифатида 19-а. ўргаларида Германияда пайдо бўлган. 1890 й. дастлабки халқаро мусобақалар ўтказилган. Илк Европа чемпионати 1926 й.да, Жаҳон чемпионати 1973 й.да ўтказилган. Олимпиада ўйинлари дастурига 1904 й. (аёллар учун 1912 й.) киритилган. Мусобақалар 2 босқичда – дастлабки ва финал (8 энг кучли спортчи иштирокида) босқичда ўтказилади. Ҳар 2 холда ҳам дастурни спортчилар тўлиқ бажаришлари керак.

**СУВДА СУЗИШ**, Спортча сузиш – спорт тури. Расмий белгиланган масофа га муайян усулда спортча сузиш (эркин тарзда, брасс, баттерфлай усулида, орқа билан), шунингдек, сув остида, амалий, синхрон (бадиий) сузишни ўз ичига олади. Халқаро Олимпиада қўмитаси таснифига кўра, С. с.га сувга сакраш ва сув полоси ҳам киради, у замонавий 5 курашнинг таркибий қисми хисобланади. С. с. тарихи 15–16-а.ларга тўғри келади. Сузувчиларнинг дастлабки спорт мусобақалари 1515 й. Венецияда ўтказилган. 1890 й. С. с. бўйича биринчи Европа чемпионати ўтказилди, 1896 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди (аёллар 1912 й.дан қатнашади). Халқаро хаваскорлар сузиш федерациясига 1908 й. асос солинган. Ўзбекистонда бу спорт тури 1924–25 й.лардан ривожлана бошлади.

**ТАЙМ-АУТ** – спорт ўйинларида коидаларда назарда тутилган танаффус. Жамоа, унинг устози (мас., баскетболда) ёки спортчи (мас., шахмат бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаларида) илтимосига кўра танаффус қилинади.

**ТАЭКВОНДО** (корейсча – оёқ ва қўлларнинг ҳаракат йўли) – спорт кураши тури. Бунда эркак ва аёллар белгиланган майдончада ўз вазн тоифаларида (ҳимоя воситаларида) яккама-якка олишиш ва маҳсус машқларни бажариш маҳоратини намойиш этиш борасида якка ва жамоавий тарзда оёқ-қўлларда зарбалар бериш ёки зарба ҳаракатларини қайд

этиш бўйича мусобақалашадилар. Халкаро таэквондо федерацияси 1966 й. тузилаш, Жаҳон таэквондо федерацияси 1973 й.да тузилашган. Т.нинг ITF йўналишига 1955 й. КХДРда асос солинган. Бу йўналишда спортчиларнинг бошига тепиши, белдан пастга зарба бериш, умуман, тананинг рухсат этилган қисмига ҳам оёк б-н тўлиқ зарба бериш такикланган. Шунингдек, кўнглиларни ҳам кучли зарба беришга рухсат этилмайди. Мусобақалар 2 бўлимда (ҳар бўлим 2 минутдан, танаффус – 1 минут) давом этади. Аниқ зарбаларга очко берилади. Т.нинг WTF йўналишига 1961 й. Корея Республикасида асос солинган. 2000 й. Т. (WTF) Сидней Олимпиадаси дастуридан ўрин олди. Т. (WTF) спортчиларнинг кўл-оёкларда тананинг белдан юкори, олд қисмига зарбалар беришига рухсат этади. Мусобақалар (8 вазн тоифасида) спортчиларнинг химоя воситаларини кийган ҳолида ташкил қилиниб, 3 бўлимда (ҳар бўлим 3 минутдан, танаффулар 1 минутдан) давом этади. Аниқ зарбаларга очко берилади. Голиб нокаутга ёки очколар кўшилигинга қараб аниқланади. Ўзбекистонда Т. (ITF) 1989 й.дан оммавийлашди. Т. (WTF) Ўзбекистонда 1990 й.дан оммавийлашди ва ўша йили Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциациясига асос солинди.

**ТЕННИС.** Лаунтенис (франц. – мана, ол; инг. – ўнлик, чунки ўрта асрларда Т.га ўхнаш ўйинни беш кипидан, жами ўн киши ўйнаган) – спорт тури, мовут қопланган резина копток ракетка

ёрдамида урилиб кортда ўйналади. Коптокнинг диаметри 6,35–6,67 см, оғирлиги 56,7 грамм. Ёғоч, снгил металл ёки пластмассадан ҳар хил ўлчамда тайёрланган ракеткалар оғирлиги 255–400 г. Ўйин кортнинг орка чизигидан рақибнинг тўрга яқин майдончасига коптокни хатосиз узатиш б-н бошланади. Копток майдонга тегиб сакрагандан кейин рақиб уни қайтаради (ўйин давомида ҳам коптокни иккинчи сакрагандан кейин олишига рухсат этилмайди, факат иккиси зарбадан бошлаб коптокни кортга туширмасдан ҳам қайтариш мумкин). Геймда хисоб 15:0, 30:0, 40:0 ва ҳ.к. тарзда юритилади, агар 40:40 хисоби «тенг» қайд этилса, кейинги очкони ютган «кўп», ютқизган «кам» бўлади. «Кўп»дан кейин очкони ютган геймни ҳам ютади. Сетда олти гейм (6:0...6:4) ютиш лозим, борди-ю, хисоб 6:5 бўлса, ўйин давом эттирилади. 12 геймдан кейин хисоб 7:5 бўлса, голиб аниқланади. Агар 6:6 хисоби қайд этилса, «тайбрейк» ўйналади. «Тайбрейк»да голиб чиқиш учун 7 очко тўплаш зарур, агар хисоб 7:6 бўлиб колса, ўйин қайсиdir томоннинг икки очко ўзиб кетишигача давом этади. Эркаклар ўйинида энг кўп сетлар миқдори – 5, аёлларда – 3 та. Т. мусобақалари яккалик, жуфтлик ва аралаш (бир эркак ва бир аёл) тарзида ташкил қилинади. Т.га ўхшаш ўйинлар дастлаб Мисрнинг Тинис (Танис) шаҳрида пайдо бўлган деган таҳмин ҳам мавжуд. Бу ўйин 13–14-аларда Италия, Франция, Англияда оммалашди. Замона-

вий Т. қоидаларини антиялик Вольтер Уингфильд ишлаб чиқкан (1874). Шу қоидалар асосида «Уимблдон» турнири (Англия) 1877 й.дан, АҚШ очиқ чемпионати 1881 й.дан, «Роллан Гаррос» турнири (Франция) 1891 й.дан, Австралия очиқ чемпионати 1905 й.дан ўтказилиб келинади (хозирги кунда бу мусобақалар «Улкан тож» мусобақалари дейилади). Т. 1896 й. Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Америкалик Дуайт Филли Дэвис ташаббуси б-н 1900 й.дан жамоалар ўртасида порасмий жағон чемпионати хисобланмиш Дэвис кубоги ўтказилади. 1912 й. Халқаро лаунтенис федерацияси (ILTF)га асос солинди (1977 й.да Халқаро тенис федерацияси – ITF деб ўзгартирилди). 1965 й.да Халқаро профессионал тенисчилар ассоциацияси (IAPT) тузилди, У 1972 й.да Профессионал тенисчилар ассоциацияси (ATP) га айлантирилди. Замонавий Т. Ўзбекистонга 20-а.нинг бошларида кириб келди. 1992 й.да Ўзбекистон Т. федерацияси тузилди. Тошкентда профессионал тенисчилар ўртасида «Президент кубоги» халқаро мусобақаси ўтказилади (1994 й.дан).

**ТРАМПЛИН** (итальянча – ёғоч оёқ) – сакрацнинг айрим турлари (мас., чанғида сакраш, сувга сакраш, гимнастикадаги сакраш)да спортчининг сакраш масофаси ва баландликка күтарилишини ошириш учун ишлатиладиган иншоот (курилма), сакратич. Чанғида сакраш Т.и старт майдончаси, баландликдан пастга

қараб чанғида учеб тезликни кучайтиришга, учиш фазасини узайтиришга хизмат киладиган иишаб корли йўл хамда кўниш тепалиги, тўхташ майдончасидан иборат бўлади. Т.да қордан ташкари, сунъий синтетик коплама ҳам ишлатилади. Сувга сакраш трамплин – 1 м дан 10 м гача бал.дан сакраш учун ишлатиладиган узунлиги 4,8–5 м, кенглиги 0,5 м, қалинлиги 45–60 мм.га тенг сакраш тахтаси. Тахта учила спортчининг силкиниши таъсирида унинг учиш фазасини оширувчи асбоб (снаряд) бўлади. Гимнастика Т.и – эгилувчан (пружиналашадиган) тахта ёрдамида машқларни бажараётганда сакраш кучи учиш фазасини ошириши асбоби. Сув чангисида сакраш Т.и – узунлиги 6,5 м га яқин (сув устида) ва кенглиги 4 м га яқин силлик киялама тахта, юкори чеккасининг сув юзасидан бал. 1,5–1,8 м.

**ТРЕК** (ингл. – из, йўл) – велосипед ва мотоцикл спорти бўйича машқ ва мусобақалар ўтказиладиган спорт иншооти. Ёғоч, бетон, асфалт ёткизиб курилган Т. йўлкаси қия бурилишлар – виражлар б-н бирлашган 2 тўғри кисмдан иборат. Т. очиқ ва ёпик бўлади. Т. йўлакларининг узунлиги, одатда, 250–500 м, кенглиги 6–8 м, кўшма мотовелотрек йўлаклари узунлиги 500–666, 7 м, кенглиги 8–10 м (ёки ундан кўп) бўлади. Замонавий велотреклар ёпик, ихтисослаштирилган ва йўлаклари ёғочдан қопланган. Мотовелотреклар эса очиқ ҳолатда бўлиб, йўлаклари асфалт б-н қопланади. Токио, Мехико, Мюнхен шаҳри яқинидаги,

Монреаль, Москва (Крилатское)даги олимпиада Тлари машхур.

**ТУРНИР** – 2 тадан ортик спортчи иштирок этадиган шахсий ёки жамоа биринчилиги мусобақаларини ўтказиш шакли. Давра (ҳар бир қатнашчи бошика қатнашчиларнинг ҳаммаси б-н бир ёки бир неча мартадан учрашади), Олимпиада ёки кубок (навбатдаги турда мағлуб бўлгандар чиқиб кетаверади) тартиблари фарқланади. Шунингдек, швейцарча деб ном олган тартиб ҳам бор. Унда учрашувлар сони қатнашчилар сонига нисбатан бир неча марта кам бўлади. 1-турда ракибтар куръа ташлаб аниқланади, кейинноки турларда эса тенг очко олганлар орасида куръа ташланиб жуфт аниқланади. Бир мусобақа давомида босқичма-босқич турлича тартиблардан фойдаланиш мумкин.

**«УМИД НИХОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ** – Ўзбекистоннинг умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмиirlар спорт мактаблари ўкувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йилигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги (2001 й. 19 январь) карори асосида ташкил этилган ҳамда «Ўкувчи ва талаба ёшлиарни спортга жалб килишга каратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги (2003 й. 3 июнь) карорига биноан бу ўйинларнинг республика финал босқичлари 3 й.да бир марта ўтка-

зилиши белгиланган. Мақсади – умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмиirlар спорт мактаблари ўкувчиларини жисмонан етук, ахлоқан баркамол ҳамда ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, иктидорли спортчи ёшларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш. Мусобақаларда бадиий гимнастика, баскетбол, волейбол, гандбол, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, стол тениси, сузиш, тенис, футбол каби Олимпиада ўйинлари дастурига кирган ва шахмат, белбоғли кураш, кураш сингари оммавий спорт турнирлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

**ФИГУРАЛИ УЧИШ** – спорт тури. Унинг асосида конъкида югурувчи спортчичининг муз устида ҳаракат йўналишини ўзгартириши, айланишлар ва сакрашлар б-н боғлиқ махсус ҳаракатлари ётади. Аёллар ва эркакларнинг якка ҳолда, жуфт ҳолда учиши ва спорт рақслари бўйича мусобақаларни ўз ичита олади. Якка ҳолда учиш мактаб деб номланган 3 та мажбурий расм фигура, 7 мажбурий элементдан иборат кисқа эркин дастур (бажариш вақти 2 минутгача) ва шахсий эркин дастурини (аёллар учун 4 минут, эркаклар учун 5 минут) бажаришни ташкил этади. Жуфт ҳолда учиш қисқа дастур (6 мажбурий элемент – кадамлар комбинацияси, кўтариш; алоҳида ва биргалиқда айланишлар, сакрашлар; 3 минутгача давом этади) ва эркин дастур (5 минут)дан иборат. Спорт рақслари

дастурида З мажбурий, оригинал ва эркин рақслар бўлади. Фигурачиларнинг маҳорати 6 балли тизим б-н баҳоланади. Фигурали учиш спорт тури сифатида 19-а.нинг 60-йилларида пайдо бўлди. Европа чемпионатлари 1891 й.дан якка ҳолда учишда (аёллар – 1930 й.дан), 1930 й.дан жуфт ҳолда учищда; Жаҳон чемпионатлари 1896 й.дан якка ҳолда учишда (аёллар – 1906 й.дан), 1908 й.дан жуфт ҳолда учишда ўтказилади. Спорт рақслари бўйича жаҳон биринчилиги 1952 й.дан ўтказилади. Фигурали учиш 1924 й.дан кишики *Олимпиада ўйинлари* дастурига киритилди (спорт рақслари – 1976 й.дан; 1908 ва 1920 й.ларда мусобақалар *Олимпиада ўйинлари* дастурида ўтказилган). Ўзбекистонда 1972 й. фигурали учиш мактаби (Тошкентда) ташкил қилинди.

**ФРИСТАЙЛ** (инг. – эркин усул) – тоғ чанғи спорти тури. Унинг 3 та тури бор: mogul, чанғи балети, чанғи акробатикаси. Могул – паст-баланд трассадан тоғ чанғисида тез тушиш; чанғи балети – тепаликдан турли шакллар (қадамлар, айланышлар, бурилишлар ва б.) бажариб тушиш; чанғи акробатикаси – 2 метрли трамплиндан бир неча акробатик шаклларни бажариб (салъто, пируэтлар ва б.) сакрашдан иборат. Спорчилар бажарган элементларнинг оғир-енгиллиги ва ижро-сиининг аниқлиги, шунингдек, артистик маҳорати хакамлар томонидан баҳоланади. Ф. чанғичиларнинг дам олиш тури бўлган. Томошабоплиги учун чанғи бўйича ўтказиладиган тадбирларга кирити-

ларди. Ф. бўйича биринчи мусобака 1971 й.да АҚШнинг Нью-Хампшир шаҳри якинида ўтказилган. 1978 й.да Халкаро чанғи спорти федерацияси қошида Ф. бўлими очилган. Бу бўлим 1978 й.дан жаҳон кубоги, 1986 й.дан Жаҳон чемпионатини ўтказиб келади. 1992 й.да могул, 1994 й.да чанғи акробатикаси *Олимпиада ўйинлари* дастуридан ўрин олди. Ўзбекистонда Ф. 20-а.нинг 90-йиллари бошидан оммалашди. Ўзбекистон фристайл федерацияси 1992 й.да тузилган, ўша иили халкаро ташкилотга қабул қилинган.

**ФУТБОЛ** (инг. – оёқ тўпи) – спорт ўйини, 2 дарвоза ( $7,32 \times 2,44$  м)ли махсус майдон ( $90-120 \times 45-90$ )да тўп б-н жамоа бўлиб ўйналади. Ф. тўпининг оғирлиги 410–450 г, айланна диаметрининг уз. 68–70 см, ўйиннинг асосий вақти 90 минут (45 минутдан 2 бўлим, 12–15 мин. танаффус). Майдонда иккала жамоада 11 кишидан бўлади. Ўйиндан максад рақиб дарвазасига тўпни оёқ ёки гавда қисмлари б-н (қўлдан ташқари) киритишдан иборат. Факат дарвазабонларгина қўл б-н ўйнаши мумкин (жарима майдончасида). Ф.га ўхшаш ўйинлар қад. Миср ва Шарқ мамлакатларида маълум бўлган, кейин Европага ўтган. 1848 й.да Буюк Британиядаги Кембриж ун-ти ўқитувчилари Ф.нинг дастлабки замонавий қоидаларини ишлаб чиқишган. 1857 й.да шу мамлакатдаги Шеффилд шаҳрида илк Ф. клуби ташкил этилган. 1863 й.да Англия Ф. уюшмаси тузилиб, Ф. қоидалари тасдиқланган. 18-а.нинг охири – 19-а.нинг

бошларида Европа ва Жан. Америка давлатларида ҳам Ф. уюшмалари ташкил килинди. 1896 й. Ф. Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди. 1904 й.да Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) тузилди. Ўзбекистонда 20-а. бошларидан замонавий Ф. қоидалари асосида ўйинлар ўтказилгани. 1912 й.да Кўкоида биринчи Ф. жамоаси тузилди. 1937 й.дан Ўзбекистон биринчилиги мунтазам равишда ўтказила бошланди.

**ХОККЕЙ** – спорт ўйини. Дарвозалар ўринатилган маҳсус майдонча (саҳн)да клюшка ва тўп (шайба) б-н жамоа бўлиб ўйналади. Ўйинчилар томонидан рақиб дарвозасига кўпроқ тўп (шайба) киритиши максад килиб қўйилади. X.нинг 3 та асосий тури бор: чим устида X., муз устида ўйналадиган тўпли X., шайбали X..

Чим устида X. майдонининг ўлчами  $91,4 \times 55$  м, клюшкасининг оғирлиги 652–794 г, тўпининг оғирлиги 156–163 г, ўйин вакти 90 мин. (45 минутдан 2 бўлим). Мусобақалашаётган 2 жамоада 11 тадан ўйинчи катнашади. Чим устида X.га ўхшаш ўйинлар милоддан 2 минг йил аввал ҳам Миср, Юнонистои, Ўрта Осиё ва б. жойларда мавжуд бўлган. Ўрта Осиёда чорвадорлар ўргасида аввал тош б-н ўйналадиган подачи, кейинроқ от миниб ўйналадиган чавгон оммалашган. Чавгон Бобурийлар салтанати даврида Ҳиндистонда кенг тарқалган. 19-а.нинг 2-ярмида Буюк Британияда чим устида X. клублари тузилди. 1875 й.да Лондон хоккей уюшмаси томонидан чим усти-

да X.нинг замонавий ўйин қоидалари ишлаб чиқилди. Бу қоида 1907 й.да тасдиқланди. Чим устида X.нинг эркаклар мусобақаси 1908 й.дан, аёллар мусобақаси 1920 й.дан Олимпиада дастурига киритилган. 1924 й.да Халқаро хоккей федерацияси (FIH) ташкил этилган. Бу федерация 1970 й.дан эркаклар ўргасида, 1973 й.дан аёллар ўргасида Жаҳон чемпионатлари ўтказади. Ўзбекистонда чим устида X. 20-а.нинг 70-йиларидан оммалаша бошлади. 1972 й.да Андижонда дастлабки чим устида X. жамоаси тузилди.

Тўпли X. майдонининг ўлчами 90–100x50–65 м, клюшкасининг узунлиги 120 см, қайрилган кисми 6,5 см, оғирлиги 450 г, тўпининг диаметри 6 см, оғирлиги 58–62 г, ўйин вакти 70 мин. (35 минутдан 2 бўлим). Мусобақалашаётган 2 жамоада 11 тадан ўйинчи катнашади. Т. X.га ўхшаш ўйинлар Европанинг шим. мамлакатларида ўрта асрларда пайдо бўлди. 1891 й.да Буюк Британияда миллий ассоциация тузилган ва Тўпли X.нинг ўйин қоидалари ишлаб чиқилган. 1955 й.да Халқаро тўпли хоккей федерацияси (IBF) ташкил этилиб, тўпли X.нинг ўйин қоидалари тасдиқланган. Федерация 1957 й.дан Жаҳон чемпионатлари (1961 й.дан 2 й.да 1 марта) ўтказиб келади. Россия, Швеция, Финляндия ва б. давлатларда тўпли X. ривожланган.

Шайбали X. майдонининг ўлчами 51–61x24–30 м, клюшкасининг узунлиги 140 см, қайрилган кисми 37,5 см, оғирлиги 500 г, резинадан тайёрланган шайба-

нинг диаметри 7,62 см, қалинлиги 2,54 см, оғирлиги 150–170 г, ўйин вақти 60 мин. (20 минутдан 3 бўлим). Мусобакалашашётган 2 жамоада 6 тадан ўйинчи катнашади. Шайбали X. 19-а.нинг 60-й.ларида Канадада шайдо бўлган ва Европанинг шим. давлатларида ҳам кенг тарқалган. 1870 й.да Торонтода шайбали хоккей ассоциацияси тузилди. 1886 й.да шайбали X.нинг ўйин қоидалари эълон қилинган. 1892 й.дан Канадада шайбали X. бўйича Стэнли кубоги мусобакалари ўтказиб келинади. 1899 й.да Монреалда шайбали X.га мослашган дастлабки ёпик спорт саройи қурилди. 1908 й.да Халқаро муз устида хоккей лигаси (LIHG) ташкил этилди. 1924 й.дан шайбали X. кишики Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. 1973 й.да Жаҳон халқаро ассоциацияси (WHA)га асос солинди ва Стэнли кубоги мусобакаларида канадаликлар б-н бирга АҚШ профессионал клублари катнаша бошлади. Шайбали X. Канада, Россия, Швеция, АҚШ, Чехия, Финляндия, Словакия давлатларида ривожланган.

**ЧАНА СПОРТИ** – қишики спорт тури, бир кишилик (оғирлиги 22 кг) ва икки кишилик (оғирлиги 26 кг) чана (сиршанчикларининг эни 15 см, ораси 48 см, узунлиги 124–150 см) да 800–2000 м корли ёки музлатилган маҳсус киялик трассадан тез учиш мусобакаси. Ч. с. 19-а. охирида Европада спорт тури сифатида шаклланган, 1883 й.да Швейцариянинг Давос шахри яқинида биринчи халқаро мусобака ўтказилган. 1884 й.дан Герма-

нияда спорт чаналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ч. с. 1924 й.дан Халқаро бобслей ва тобогтан фелдерацияси таркибида ривожлана бошлади. 1954 й.да Халқаро чана спорти федерацияси (FIL) ташкил топди, унга 40 дан зиёд давлат аъзо. Ч. с. бўйича 1955 й.дан Жаҳон чемпионати ўтказиб келинади, 1964 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Ч. с. Австрия, Германия, Италия, Норвегия, Польша, Чехия, Швейцария каби давлатларда ривожланган.

**ЧАНГИ СПОРТИ** – қишики спорт тури. Унга чангি пойгаси, трамплиндан сакраш, икки кураш (пойга ва сакраш), тоғ Ч. с. ва биатлон киради. Ч. с. Норвегияда спорт тури сифатида шаклланди. 1767 й.да шу мамлакатда ҳарбий хизматчилар ўртасида илк мусобака ўтказиленди, 1843 й.дан эса оммавий мусобакалар ташкил қилина бошлади. Кейинроқ Ч. с. Европанинг бошқа давлатларида ҳам оммалашди. 1910 й.да Халқаро чангি спорти комиссияси тузилди ва Ч. с.нинг қоидалари тасдиқланди. Бу комиссия 1924 й.да Халқаро чангি спорти федерацияси (FIS)га айлантирилди. Ўзбекистон 1993 й.дан федерацияга аъзо бўлган. Ч. с. 1924 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди, 1925 й.дан (1937 й.дан икки йилда бир марта) Жаҳон чемпионати ўтказилади.

**ЧЕМПИОНАТ** – расмий спорт мусобакалари, спортнинг бирор тури бўйича ғолиб – чемпион (спорччи, жамоа)ни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган мусобака. Айрим ҳолларда Ч. ва биринчилик

тушунчалари фарқланади (мас, футбол, бокс бўйича Ўзбекистон Ч.и – катталар ўртасида ва спортнинг ана шу турлари бўйича мамлакат бирингчилиги – ёшлар ўсмиirlар, спорт жамиятлари учун). Ч. атамаси ҳайвонларнинг энг яхши бирор наслини аниқлаш учун ўтказиладиган кўргазма мусобақаларда хам кўлланади.

**ШАХМАТ**, шоҳмот (форс. – шоҳ ўлди) – спорт тури. Ўйиндан мақсад ракиб шоҳини мот килиш. Икки хил (оқ ва кора) рангдаги 64 та тенг катакли тахта (сатҳ)да икки хил рангдаги 16 тадан дона (биттадан шоҳ ва фарзин, 2 тадан рух, фил ва от, 8 тадан пиёда)да ўйналади. Ш.да мусобақа пайтида маълум сондаги юришлар қилиниши учун вакт (дастлабки 40 та юриш учун 2,5, 2 ва 1,5 соат ва ҳ.к.) ва ўйин тугамаса кўнимчча вакт белгиланади. Тезкор Ш.да ўйинни тугатиш учун аниқ вакт (30, 25, 15 ва 5 минутдан) берилади. Сиртки Ш.да хар бир юришни амалга ошириш учун ма-софа ва алоқа воситаси турига қараб, кун ёки ҳафталар белгиланиши мумкин. Ш.нинг келиб чиқиши «чатурнга» ўйинига бориб тақалади. Араб халифалиги даврида бу ўйин «шатранж» номи б-н оммавийлашди. Араблар Ш. ёзувини жорий этгани учун Ш. ўйинлари матнига оид қимматли маълумотлар сақланиб қолган. Ш. 11-а.дан бошлиб Европада жадал ривожланди. 15-а.да Ш. коидаларига ўзгаришлар киритилди. 1512 й.да Римда Да-мианонинг «Бу китоб шахмат ўйнашни

ўргатади» тўплами босилди ва у Европа тилларига таржима килинди. 1575 й.да Мадридда Испания ва Италия Ш.чилари ўртасида учрашув ўтказилди. 1851 й.да Лондонда 1-халқаро мусобақа уюштирилди. Унда Андерсен ғалаба қозонди. 1886 й.дан шахсий Жаҳон чемпионати ўтказилиши Ш.ни янада оммалаштирилди. 1924 й.да Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) тузилди. 1987 й.да тузилган Grossmeisterlar ассоциацияси (кейин Жаҳон шахмат кенгаши, деб номланди) мустакил равиша Ш. бўйича бир қанча мусобақа, Жаҳон кубоги ва чемпионати ташкил этди.

**ШАШКА** (арабча – нақш тош; инг. – режа) – спорт тури. Ўйиндан мақсад ракиб доналарини тугатиш ёки уларни юра олмайдиган холатга тушириш. Икки хил (оқ ва кора) рангдан тенг катакли тахта (сатҳ)да икки хил рангдаги доналарда ўйналади. Ш.нинг тахтадаги катаклар, доналар сони ва ўйин коидаларига қараб турли хиллари бор. Улар ичида энг кенг таркалгани рус, инглиз, немис, испан Ш.си (64 хонали тахта, 12 тадан дона), халқаро Ш. (100 катакли тахта, 20 тадан дона), Канада Ш.си (144 хонали тахта, 30 тадан дона)дир. Ш.да доналар диагонал бўйича қора катаклар бўйлаб олдинга бир катак сурилади. Рақиб доналарини олдинга ва оркага юриш мумкин. Горизонтал сўнгги қаторига чиқсан дона дамка ҳисобланади. Дамка тахта бўйлаб исталган масофага юра олади. Ш. мил. ав. 2700 й.да Мисрда маълум бўл-

ган. Қадимий Рим ва Юнонистонда ҳам Ш.га оид маълумотлар сақланиб қолган. Ш. тўғрисидаги илк китоб 15-ада Испанияда ёзилган. 19-адан Европа мамлакатларида Ш. мусобақалари ўтказила бошланди. 1894 й.дан халқаро Ш. бўйича эркаклар (1974 й.дан аёллар) ўртасида Жаҳон чемпионати уюштирилади. 1947 й.да Жаҳон шашка федерацияси тузилди. Унга Ўзбекистон 1993 й.дан аъзо. 1985 й.дан 64 катакли Ш. бўйича Жаҳон чемпионати ташкил қилинди. Халқаро Ш. бўйича 1986 й.дан Олимпиада, 2001 й.дан Жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилади.

**ЭСТАФЕТА** (франц. – чопар, хабарчи) – енгил атлетика, сувда сузини, чанги спорти кабилларда кўпингча 4 кишидан иборат спорт жамоаси белгиланган масофаци бир-бири б-н алмашиб, бир-бирига рамзий таёқчани узатиб босиб ўтишига асосланган пойга мусобақаси, шундай мусобақада кўлдан кўлга узатиладиган нарса, шунингдек, авлоддан авлодга ўтадиган фикр, одатлар.

**ЮГУРИШ** – енгил атлетика тури. Ю. барча спорт турлари мусобақалари ва машғулотлари таркибиغا кирган. *Олимпиада* ўйинларида Ю. бўйича қисқа масофа (100, 200, 400 м), ўрта масофа (800, 1500 м), узок масофа (3000, 5000, 10000 м), марафон (42 км 195 м), эстафета (4x100, 4x400 м), тўсиклар оша Ю. (100, 110, 400 м), говлар оша Ю. (3000 м), еттикураш (100 м га тўсиклар оша Ю., 200, 800 м), ўнкураш (100, 400, 1500 м, 110 м га тўсиклар оша) ва замо-

навий бешкураш (4000 м)да мусобақалар ўтказилади. Шунингдек, енгил атлетика мусобақаларида мавкеяга қараб бошқа масофаларда ҳам Ю. пойгалари ташкил этилади. Ю. мусобақалари кадимдан Ўзбекистон халқи турмуши тарзидан ўрин олганини Навоий вилоятидаги Сармишсой расмларида акс эттирилган югураётган одамлар тасвирларида кўриш мумкин. 1916 й.да Марғилонда Ю. йўлкаси курилгандан кейин замонавий қоидалар асосида республикада оммавий мусобақалар ташкил этила бошлаган.

**ЮНОН-РУМ КУРАШИ** – спорт тури, икки киши (спорччи)нинг белгиланган қоидалар асосида ғолиблик учун олишуви. Ю.-р. к. мусобақалари диаметри 9 м (ўлчами 12x12 м) спорт майдонида ўтказилади. Мусобақалашиш вақти 2 минутдан 3 давра, давралар орасидаги танаффус 30 секунд Ю.-р. к.да эркин курашдан фарқли равища ракибларнинг оёқ қисмидан ушлаб усууллар бажаришига руҳсат этилмайди. Бажарилган усууллар 5 (соғ ғалаба), 4 (техник устунлик ёки четлатиши), 3 ва 1 очко б-н баҳоланади. Ғолиб тўнлаган очколарига кўра аниқланади. Агар курашчилардан бирни 5 очкога мос усул бажарса, 1,2-даврада кетма-кет ғолиб деб топилса, ракибидан 6 очко фарқ б-н ўзиб кетса, шунингдек, хакамлар, мураббийлар ва шифокор қарорига кўра олишув муддатидан оллин тўхтатилади. Юнонистонда ўтказилган *Олимпиада* ўйинлари дастурига мил. ав. 708 й.дан боцилаб Ю.-р. к.га ўхшаш ку-

раш мусобақаси киритилған. Римда міл. ав. 284 й.дан Ю.-р. к.ни эслатадиган мусобақалар ўтказилған. Ю.-р. к.нинг замонавий қоидалари 19-а. бошларидә Францияда ишлаб чықылған ва шу қоидалар асосида Парижда 1848 й.да очилған кураш залида мусобақалар ташкел қилиш анъянага айланған. Мусобақа 1896 й.дан замонавий *Олимпиада* ўйинлари дастури-

дан ўрин олған ва ўша йилдаи Халқаро Олимпиада күмитаси таклифига кўра, расман Ю.-р.к. деб атала бошланған. Ю.-р. к. бўйича 1904 й.дан профессионал (1950 й.дан ҳаваскор) курашчилар ўртасида Жаҳон чемпионатлари ўтказиб келинади. 1912 й.да Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси тузилған, Ўзбекистон 2004 й.дан аъзо.

# МАТБУОТ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

**АДАД** – ўлчов бирлиги, сон, ракам ва миқдор ифодаловчи тушунча. Ўзбекистонда кўпроқ 30-йилларгача ишлатилиган. Ўзбек тили давлат тили мавқеига эга бўлгач «тираж» сўзи (газета, китоб нусхалари сони) ўрнида ҳам А. атамаси кўлланилмоқда.

**БЮЛЛЕТЕНЬ** (франц., итальянча – кичик хат, варака) – бирор муассасанинг вакти-вакти б-н чиқариб туриладиган босма нашри.

**БРИФИНГ** (инг. – йўл-йўрик, кисқача хулоса) – расмий шахсларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари б-н расмий нұктай назар билдириш ёки расмий хулошаларни баён этиш мақсадидаги учрапуши. Унда муйайн масала бўйича расмий нұктай назар ёки халкаро музокаралар, ёнгашлар, конференцияларнинг бориши ва б. тўгрисида томонларнинг ўзарозелишиб олинган карашлари расмий хуносаси қисқача баён килинади.

**БРОШЮРА**, Рисола – кичик хажми (халкаро амалиётда 5–48 саҳифали) юсма нашр.

**БУКЛЕТ** (инг. – китобча) – яхлит бир қоғозга босилиб, икки ёки ундан ортиқ саҳифаларга букиладиган, йўлкўрсатгич, маълумотнома хусусиятига эга бўлган нашр тури. Б. қоғозга босилиб, 2 ва ундан ортиқ саҳифаларга букилади (йўл кўрсаткичлар, маълумотномалар).

**БУМ** (инг. – шов-щув) – бирор воқеа, ходиса, шунингдек, кимса тўғрисида мишиш, шов-щув кўтарилиши.

**ВАРАҚА** – ижтимоий-сиёсий ташвиқот воситаларидан бири. В.лар дастлаб кўлда ёзилган, кейинчалик босма усулидан фойдаланиб тайёрланган. Улар муйайн бир мақсадни кўзлаб чиқарилган. Масалан, 2-жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши тарғиботда В. кенг кўлланган. Кейинги йилларда В.дан сайлов олди тадбирларида, бозор иқтисодиёти шароитида реклама сифатида фойдаланилади. В.лар одамлар гавжум жойларда: метро ва б. шахар транспорти бекатларида, бозорларда таркатилади.

**ВЁРСТКА** – саҳифалаш ёки саҳифа. Босма колип тайёрлаш жараёни. Терил-

ган матн гранкалари, безаш элементлари (расмлар ва ҳ.к.) ва б.дан газ., журнал ва китобнинг муайян тарҳ (формат)ли саҳифалари (полосалари)ни ҳосил қилишдан иборат.

**ВИДЕО...** (лот. – қарайман, кўряпман) – кўшма сўзлар таркибий қисми бўлиб, ўзи кўшилиб келган сўзларга тасвир элтувчи (видеосигналлар), электр сигналларига алоқадорлик маъноси ифодасини беради. Шунингдек, тасвир узатиш тизими (видеотелефон)да фойдаланиладиган система ва курилмаларга ҳам алоқадорликни англатади (мас., видеомагнитофон, видеотелефон).

**ГАЗЕТА** (итальянча – чақа пул) – ҳаётнинг турли соҳаларидаги воқеа-ходисаларни ёритадиган, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп материаллар босиладиган вакғли нашр. Оммавий ахборот ва тарғиботнинг асосий восита-ларидан бири. Унинг вазифаси жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини, маънавий интеллектуал талабларини қондиришдан иборат. Г. фаолияти бош мухаррир, бўлимлар мудирлари, турли йўналишдаги мухбирлар (репортёр, шарҳловчи ва б.)дан иборат таҳририят томонидан ташкил этилади ва бошқарилади. Кўпгина Газ.ларнинг махсус мухбирлари, мамлакатнинг ичиди ва хорижий лавлатларда ўз мухбирлари бўлади. Г.нинг ибтидоий тури дастлаб Римда мил. ав. 1-ада (варақа ва бюллетенлар шаклида), Хитойда 7-ада («Ди бао» – «Пойтахт ахбороти» номи билан) чиқкан. Ҳозирги газ.лар-

нинг дастлабки турлари 16–17 асрларда Европада пайдо бўлган. 16-ада Венецияда ёзма ахборотлар учун «газетта» лекаш чақа пул тўлашган (номи ҳам шундан). Газ.чилик тараққиёти Ўзбекистонда ҳам ўз тарихига эга. Бу ерда 19-ада.нинг 70-йилларидан «Туркестанские ведомости» Г.сининг чиқа бошлаши Туркистанда даврий матбуотнинг ибтидоси бўлди.

**ГОНОРАР** (юнон. – меҳнат ҳақи, мукофот) – ёзувчилар, рассомлар, олимлар ва ш.к.га шартнома бўйича бажарилган иши учун тўланадиган пул, қалам ҳақи.

**ДАВЛАТ БИБЛИОГРАФИЯСИ** – мамлакат ҳудудида нашр этиладиган барча матбуот асарларини давлат ҳисобини олиши ва улар ҳакида ахборот бериши. Рўйхат барча нашриётлар ва полиграфия корхоналаридан Библиографик марказга келиб тушадиган мажбурий (контрол) нусха асосида олиб борилади ва давлат миқёсида тўлиқ бўлиши таъминланади.

**ДИКТОР** (лот. – сўзловчи) – радио ва телевидениеда микрофон олдида, телекамера қаршисида тайёр матнни ўқувчи шахс. Д. хушовоз бўлиши, дикцияси кучли ва тил нормаларини пухта билиши зарур. Д.ликка нутқи, овози, қобилиятига қараб танлов йўли б-н қабул килинади. Ўзбекистонда Д.лик касб сифатида 1924 й.да ажralиб чиқди ва ривож топа бошлади.

**ДИКТОФОН** (лот. – айтиб турман ва фон) – товушни лента ва пластинкага автоматик тарзда ёзib оладиган ва қайта эшилтирадиган аппарат. Д. хизматга оид хатларни, мажлисларда нотикларнинг

нутқини, маърузаларни ёзib олиш ва б. мақсадларда ишлатилади.

**ЕВРОВИДЕНИЕ**, Европа кўрсатуви – Европа радиоэшиштириши уюшмаси доирасида телевизион дастурларни халқаро айирбошлиш бўйича ташкилий-техник тизим. 1954 й.да ташкил тоғган. Уюшма исталган пайтда Ер куррасининг исталган нуктасидан муҳим воеа-ходисаларни олиб кўрсатиш имкониятига эга. Унинг йўлдош тармоғи орқали китъадаги барча шаҳарлар радиотелеканаллар б-н ўзаро боғланган. Е.нинг дастурий мувофиқлаштириш маркази Женевада, техник маркази Брюсселда жойлашган. Ўзбекистон телерадиокомпанияси Е. б-н ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, унинг йўлдош алоқа тизимиға тўла кўламдаги чиқиш ва ундан фойдаланиш лицензиясига эга бўлди (2001). Бу кулайлик республикамизга дунё миқёсида тезкор ахборот айирбошлиш тизимидан фойдаланиш имкониятларини яратди.

**ЖУРНАЛ** (франц. – кундалик дафтар) – босма даврий нашр. Ахборотни ташлаш, таҳлил этиш ва баҳолашнинг асосий воситаларидан бири. Ж. газета каби жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиши йўли б-н уни шакллантиришга хизмат киради; омма ижтимоий онтига муайян ғоя ва қадриятларни сингдиради. Ж.лар дастлаб Францияда нашр килинган. Инг. «Magazine», франц. «Revue», нем. «Zeitschrift», испанча «Relista» сўзлари ҳам жур. маъносини англатади. Чои этилиш

муддати (даврийлиги) жиҳатдан Ж.лар, одатда, ҳафтада, ўн кунда, икки ҳафтада, ойда, икки ойда, ҳар уч ойда, ярим йилда бир марта нашр қилинади. Бундай даврийлик Ж.ларда турмуш воеаларини кундалик газ.га нисбатан батафсилоқ ва чукурроқ таҳлил қилиш имконини беради. Ж.лар мундарижа йўналишига кўра фарқланади: ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, ишлаб чиқариш-техникавий, илмий, илмий-оммабоп ва б. Ж.лар жамиятдаги турли ёшдаги кишиларга мўлжалланади. Туркестонда миллый жур.чилик тарихига атоқли маърифатпарвар адаб ва публицист Беҳбудий асос солган. Унинг муҳаррирлигига 1913–15 й.ларда Самарқанд шаҳрида «Ойина» Ж.и нашр килинган.

**ЖУРНАЛИСТИКА** – ижтимоий фаолият тури. Бу фаолият эгалари (журналистлар) ижтимоий долзарб ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение, ахборот агентлеклари ва б.) орқали тарқатиш б-н шугулланади. Ҳозирги давр Ж.си дастлаб 17-а. бошидаги илк даврий босма нашрлар киёфасида юзага келган. 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.да фотография ҳамда кинематографиянинг каашф қилиниши туфайли фото ва кино Ж. ташкил топди. 20-а.нинг 20-й.ларидан эътиборан радиотехника ютуклари асосида радиожурналистика тараққий кила бошлади, 40-йилларда эса тележурналистика майдонга келди. Ўзбекистонда Ж.19-а.нинг 2-ярмида найдо

бўлди. Унинг тарихи Тошкентда чиқарилган «Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоятининг газетаси» каби расмий даврий нашрлардан бошланади.

**ИНТЕРВЬЮ** (инг. – учрашув) – публицистика жанри. Журналистнинг бир ёки бир неча шахс б-н долзарб масалалар юзасидан сухбати. Икки турга бўлинади: И. – хабар, асосан, ахборот стказиш мақсадида ўтказилади; И. таҳлилда – муҳим воқеа, ходиса ва хужжатлар шархлаб берилади.

**ИНТЕРНЕТ** (лот. – тармоқаро) – катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғловчи бутунжаҳон компьютер тизими. Унда географик ўрни, замон ва макондан қатъи назар, айrim компьютер ва майда тармоқлар ўзаро хамкорликда глобал информация инфратузшимасини ташкил этади. Кайдномалар тизими б-н бошқариладиган барча ҳосила тармоқлар хамкорликда истеммолчиларга информацияни саклаш, эълон қилиш, жўнатиш, қабул қилиш, излаш ва маълум бўлган барча вариантлар (матн, товуш, видеотасвир, фотосурат, графика, мусика тарзида ва б. кўринишлар)да информация алмашинишга имкон яратади. И. тизими 20-а. 60-йилларида пайдо бўлган.

**ИНФОРМАЦИЯ** (лот. – тупунтириш, баён қилиш) – одамлар бир-бирига оғзаки, ёзма ёки бошқа усуlda (мас., шартли сигналлар, техника воситалари ва б. ёрдамида) берадиган ахборот, шунингдек, ахборот бериш ва олиш жараёни.

**ИНФОРМАЦИОН АГЕНТЛИК**, Ахборот агентлиги – матбуот органлари, радиоэшиштириши ва телевидение, давлат ва жамоат ташкилотлари, ишбильармошлар ва б. учун ахборотлар йигиши ва тарқатиш б-н шуғулланадиган ташкилот. Мухбирлар пунктлари тармоғига таянади. Йирик Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиглар: Россия информацион-телефраф агентлиги (ИТАР-ТАСС, 1992 й. да асос солинган;) Ассошийтед пресс (1848) ва Юнайтед пресс интернешонал (ЮПИ, 1907) – АҚШ, Дойче-прессеагентур (Германия, 1949), Киодо цусин (Япония, 1945), Рейтер (Буюк Британия, 1851), Синъхуа (Хитой, 1938), Франс пресс (Франция, 1944). Ўзбекистон Республикасида 4 та Ўзбекистон матбуотот ва ахборот агентлиги: Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎЗА), Туркистон-пресс, «Жаҳон» «ва бошка агентликлар» фаолият кўрсатади.

**КОРРЕКТУРА** (лот. – тўғрилаш, яхшилаш) – босмахонада ёки бошқа усууллар б-н кўпайтириш учун тайёрланган матн ва график материаллардаги хато ва камчиликларни тузатиш жараёни.

**КОРРЕСПОНДЕНЦИЯ** (лот. – жавоб бераман, билдираман) – публицистик жанр. Унда маълум давр ва ўриндаги аниқ ижтимоий жараён камраб олинади. К. 2 хил: а х б о р о т (одатда, муаллиф шахсан ўзи кўрган воқеаларни ёритади, хабарларни далиллар асосида таҳлил этади, умумлаштиради, хуносалар чиқаради) таҳлил ий (ижтимоий-сиёсий

ахамиятта эга бўлган далиллар демократик нуктаи назардан таҳлил этилиб, амалий хуносалар чиқарилиди) бўлади.

**МАТБУОТ** – барча босма маҳсулотлар мажмуи; тор маънода даврий нашрлар, асосан, газ. ва жур.ларни ифодалайди (пресса).

**МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ** – кенг оммани кизиқтирувчи масалалар юзасидан давлат, жамоат, фан арбобларининг матбуот вакиллари б-н учрашуви, сухбати.

**МОНТАЖ** (франц. – йигиш) – радиоэпиграфия, телевидение, эстрада санъати, сураткашлик ва айниқса, фильм яратишдаги ижодий ва техник жараён; суратга олинган алоҳида кадрларни танлаш ва уларни бир-бiri б-н боғлаш. Одатда, эшиттириш, кўрсатув тайёр бўлгач, фильмни суратга олиш тугаллангач, М. ишлари бошланади.

**МУХБИР** (араб. – хабар берувчи, хабарчи) – таҳририят таркибида журналист сифатида хизмат қилувчи ходим; бевосита таҳририятда ишламайдиган, аммо оммавий ахборот воситаларида мунтазам ижодий ҳамкорлик қилувчи шахс; бошка оммавий ахборот воситаларида чикиш ўюштирувчи газ., журнал, радио, телевидение таҳририяти ходими.

**МУҲАРИР**. Редактор – нашриёт ва б. масъул нашрларда муайян матнни турли жихатдан таҳрир қилиб, босмага тайёрловчи ходим; айрим матбуот орғанлари (мас., газета.)га раҳбарлик қилувчи шахс.

**НОШИРЛИК**, Нашриёт иши – нашриётлар ташкил этиш, китоблар, газета, жур.лар, тасвирий санъат асарлари ва б. босма маҳсулотларини тайёрлаш, нашр килиш ва уни тарқатишга оид соҳа. **ОБУНА** (франц. – ёзилмок) – даврий нашрлар (газета, жур.) ва тегишли босма китоблар (кўп жилдли бадиий, илмий, илмий-оммабоп асарлар) учун олдиндан буюртма тўлаш, уларга ёзилиш. О. маълум маънода нашр маҳсулотлари адади (миқдори)нинг қанча бўлишини аввалдан белгилаш имконини беради. Ўзбекистонда даврий нашрларга О. «Матбуоттарқатиш» уюшмаси, почталока бўлимлари, корхона, муассаса ва олий ўқув юргизиладиги жамоатчи тарқатувчилар томонидан, бошқа босма асарларга О. китоб савдоси б-ш шуғулланувчи ташкилотлар, маҳсус китоб дўконлари томонидан амалга оширилади.

**ОФСЕТ БОСМА**. Офсет – текис босма усули; бунда бўёқ қолип (форма) дан эластик оралиқ сирт (резина цилиндр)га, ундан қоғозга ёки босма материалга туширилади. О. б. кўп рангли нацрлар (плакатлар, бадиий репродукциялар, рангли китобчалар, расмли жур.лар ва б.), шунингдек, бир хил рангдаги расмли китобларни босища кенг кўлланилади. О. б. корхонасида ранг бериш, фотоҳарф териш автоматлари, офсет ротациялари, автоматик линиялар бўлади.

**ПАМФЛЕТ** (инг. – кўлдаги бир варак) – бирор сиёсий тузум, ижтимоий воқелик,

у ёки бу тўда ҳамда гурухлар фаолиятини, хатти-харакатларини фош қилувчи ҳажвий-танқидий публицистик асар. П. бошқа ҳажвий жанрлардан бадий тўқиманинг озлиги, аниқ ҳужжатларга, тарихий ҳужжатларга асосланиши б-н фарқ қиласди. П.да жамиятдаги, турли шахслар характеридаги нұқсонлар аччик киноя, ўткир сарказм воситалари б-н фош этилади.

**ПЛАКАТ** (нем. – эълон, афиша) – графика тури; катта варакқа ишланган тасвирий санъат асари бўлиб, қиска матн илова қилинади ҳамда ташвиқот, *реклама*, информация ва ўкув-таълим мақсадларига хизмат қиласди. Замонавий П.лар, одатда, рассом яратган асл нусхадан босмахонада кўпайтирилади. Олисдан кўзга яқкол ташланиши, ўта таъсирчанлиги, оммаболиги, тасвирининг кинояларга бойлиги, ҳаммабон рамзлар ишлатилиши, турли ҳажмдаги шаклларни киёслаш, умумлашма тасвирий шакллардан фойдаланиши каби ўзига хос бадий воситалари б-н бошқа ахборот манбаларидан фарқ қиласди. 19-а. 2-ярмидан Фарбий Европада *реклама* кўринишидаги П.лар юзага келган. 1900 йиллар бошларида сиёсий П.лар юзага келди, демократик харакат ва тинчлик учун кураш соҳасида катта ютукларга эришилди.

**ПОРГАЛ** (нем. – эшик, дарвоза) – интернетда у ёки бу мавзу бўйича доимо тўлдирилиб, янгиланиб борувчи тўлиқ маълумотларни қамраб оловчи универсал тусдаги ахборот сахифаси.

**ПУБЛИЦИСТИКА** (лот. – ижтимоий) – даврнинг ижтимоий-сиёсий ва б. дол зарб масалаларига бағишлиланган адабий ижод тури. П.нинг вазифаси ижтимоий фикр ўйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсаддага йўналтириш, ҳужжатли факт-маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат. П. жанр жиҳатидан воқей-информацион (хабар, *репортаж*, ҳисобот), таҳлилий (макола), бадий-публицистик (очерк, фельетон, памфлет, ёзувчи маколаси) турларга бўлинади. П. хаёт фактларини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш, яъни ижтимоий-публицистик тадқиқот орқали воқеликни кашф этади.

**РАДДИЯ** (араб. – инкор қилиш, рад жавоби) – бирор хабар, маълумотни рад этувчи, уларнинг нотўғрилигини ёки асоссизлигини исботловчи расмий баёнот.

**РАДИОЭШИТИРИШ**. Радиоэшитириш – оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос электрон техникага асосланган тури. Овозни маҳсус аппаратлар ёрдамида кўпайтиради ва кенг ҳудудларга, узоқ масофаларга етказиб беради. Радио матбуотнинг ўзига хос, оғзаки, эшитувчига йўналтирилган бир кўриниши сифатида матбуот қонуниятлари асосида фаолият кўрсатади, унинг функцияларини ўзига хос равишда адо этади. Радионинг информацион (хабар, сухбат, *репортаж*), таҳлилий (радио чикиш, шарҳ, кузатув), бадий-публицистик (лавҳа, очерк, фельетон, эссе) сингари асосий жанрлари мавжуд. Шунингдек,

унда адабий ижодга (радиохикоя, радиопьеса, радиоспектакль), мусиқа санъатига (радиоконцерт, радиокомпозиция) оид эшиттиришлар ҳам берилади. Радио оммавий ахборот воситаси сифатида оммага информация, турли маълумотлар етказиб бериш б-н биргаликда мусиқа санъатини оммалаштиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда дастлабки тажрибавий радиолар 1926 й. Тошкентда ўтказилган. 1927 й. 11 февралда куввати 2 кВт бўлган оммавий радиостанция ишга туширилиб, мунтазам радиолар бошланган.

**РЕКЛАМА** (лат. – қаттик қичқирмоқ) – муайян товар ёки кўрсатиладиган хизмат турлари ҳакида ҳаридорларни хабардор қилиш, уларга нисбатан талаб, эҳтиёжни юзага келтириш ёки кучайтириш максадида ана шу товар ҳакида берилган маълумот. Р.нинг пайдо бўлиш тарихи жуда қад. Юнонистон ва қад. Римда оғзаки ва ёзма Р., ҳатто товар белгиси кўйиб тамғалаш йўли б-н товарлар Р. қилинганилиги ҳакида маълумотлар бор. Ҳозирги шаклдаги Р. илк марта АҚШда пайдо бўлган. Бу ерда 19-а.нинг 2-ярмида биринчи Р. агентликлари фаолият кўрсатган ва катта даромад келтира бошлаган. Кейинчалик Р. потенциал ҳаридорга нашрлар орқали мурожаат шаклига айланди – афишалар, китоблар, жур.лар, газ.ларда ахборот Р. эълонлари пайдо бўлди. Р. ишига оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевиденис, кино) жалб этилди.

**РЕЙТЕР** – Англияниң энг йирик ахборот агентлиги. 1851 й. Лондонда Рейтер (P. J. Reuter) томонидан ташкил этилган. Хусусий сохибкорлар трести. Чет эл ҳабарларини тарқатади.

**РЕПОРТАЖ** (инг. – етказмоқ, хабар килмоқ) – журналистиканинг информацион жанр тури. Бу жанрда журналист (репортёр) бевосита ўзи иштирок этган, шоҳиди бўлган, кўрган воқса-ҳодисалар ҳакида зудлик б-н ёркин, атрофлича хабар беради. Бунда, одатда, муаллиф воқеаларни ўз тилидан баён этади. Р.да барча информацион жанрлар (лавҳа, ҳисобот, сұхбат ва ш.к.) унсурлари кўшилиб кетади. Унда бадиий образлар, тарихий далиллардан кенг фойдаланилади.

**РОЛИК** (нем. – ғўла, ўқ) – кўчма маънода *реклама* ёки ахборот мазмунидаги кискача фильм.

**РУКИ** (араб. – асос, устун, таянч) – газ., журналлардаги мазмунан якин туркум мақолаларнинг сарлавҳаси.

**САЙТ** (инг. – ўрин, жой) – интернетда муайян мавзу йўналиши бўйича тўплangan ва шакллантирилган, доимо тўлдириб, янгиланиб бориладиган, ўз номига эга бўлган электрон саҳифа.

**СЕРВЕР** – муайян дастурлар тўплами б-н таъминланган ва умумкомпьютер тармогида диспетчерлик, таксимлаш ва бошқариш вазифаларини амалга оширувчи компьютер ёки компьютерлар гурухи.

**СТУДИЯ** (итал. – ўқиш, ўрганиш) – ижодий фаолият б-н бир қаторда саҳна (ёки тасвирий) санъати асосларини ўргана-

диган, асосан, ёшлардан ташкил топган театр (ёки рассомлар) жамоаси; бадий ва б. фильмлар яратувчи ижодий ва техник кино ходимлари жамоаси; радиоэшиттириши ва телекўрсатувлар олиб бориладиган махсус бино (радиостудия, телестудия); овоз ёзиш хонаси.

**ТАБЛО** (лот. – тахта) – ёргулук сигналлари ёки ёзувлар пайдо бўладиган электр ёки электрон курилма (счёт). *Саноат корхоналари* ёки автокорхоналардаги диспетчерлик хизматида, стадионлар ва спорт майдонларда, тижорат рекламалирида қўлланади.

«ТАЙМС», «The Times» – Буюк Британияда инглиз тилида чиқадиган кундалик газ.. 1785 й.дан Лондонда «Times newspapers limited» компанияси томонидан нашр этилади.

**ТАХРИР** – матбуотда босиш, радио, телевидениедан ўқиш, кўрсатиш ва б. мақсадлар учун мўлжалланган матннинг таҳририят ходими (*муҳаррир*, адабий ходим ва б.) томонидан ишланиш жараёни. Шартли равишда адабий, илмий, сиёсий таҳри фарқланади. Т.ҳ.айъати – босма нашрлар (газета, жур., илмий китоб, энциклопедик нашр ва б. асарлар)ни тайёрлашда илмий-методик раҳбарликни амалга оширувчи орган. У нашр фаолияти б-н боғлиқ энг муҳим масалаларни ҳал қиласди, одатда, нашр муассислари, раҳбарлари томонидан тузилади. Т.ҳ.ри-р ият – оммавий ахборот воситалари (матбуот, нашриёт, радиоэшиттириш, телевидение, кино ва б.)нинг тармоқ,

мавзу, худудий ёки тил таомили бўйича ихтисослашган бўлинмаси.

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ** (юонча; рус. узокдан кўриш) – фан, техника ва маданиятнинг кўринадиган ахборотлар (харакатланувчи тасвирлар)ни радио-электрон воситалар ёрдамида муайян масофага узатиш б-н боғлиқ соҳаси; ахборотларни тарқатиш воситаларидан бири. 20-а.нинг 30-йиллар ўрталаридан бошлаб дастлабки электрон телевидение тизими пайдо бўлди. Тошкент телемарказининг тажриба синов кўрсатувлари 1956 й. 5 ноябрдан бошланди. 1957 й.да Ўзбекистон Радиоэшиттириш ва телевидение кўмитаси ташкил этилди.

**ТЕЛЕФИЛЬМ** – телевидение учун мўлжаллаб ишланган фильм, экран санъатининг бир тури. Асосан, телевидение базасида яратилади. Хужжатли, бадий, мусиқий, илмий-оммабоп, манзарали, тарихий бўлади. Тўлиқ ва қисқа метражли фильмлар ишланади. Катта кинодан кўп кисмли телевизион фильм ва телесериаллар яратиши б-н фарқланади.

**ТЕЛЕМАРАФОН** – узлуксиз, кўчинча сутка давомида кўрсатиладиган, одатда, хайрия мақсадларини кўзлаб уюштириладиган телевизион кўрсатув.

**ТРАНСЛЯЦИЯ** (лот. – узатиш) – воқеа юз бераётган жой (театр, концерт зали, стадион, байрам маросимлари)дан радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни студиядан ташқарида бевосита эшиттириш ёки кўрсатиш, шунингдек, бошқа шаҳарлардан халқаро алокса линиялари бўйича

келадиган дастурларни маҳаллий радио-станция ёки телестанциядан узатиш.

**ФЕЛЬЕТОН** (франц. – варак, дастлабки фельетонлар Францияда алоҳида варакларда чон этилган) – кундалик хаётда рўй берадиган салбий ҳодисаларни ёки бирон кимсани ўтқир тил б-н танкил килиб, унинг устидан кулиб, долзарб мавзуда ёзилган газ. ёки журнал маколаси, публицистик жанр.

**ЦЕНЗУРА** (лот. – жиддий муҳокама, шафқатсиз танқид) – босмадан чиқадиган маҳсулотлар, уларнинг чон этилиши, тарқатилиши устидан, шунингдек, саҳна асарлари, радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувлар, баъзида эса шахсий ёзишмаларнинг мазмуни ва ижроси устидан расмий ҳокимият органларининг назорат ўрнатиши. Илк

бор Ц.15-ада Ғарбий Европада пайдо бўлган ва черков маъмурлари томонидан илохий ва б. диний қўлёзма китобларга нисбатан кўлланган. Черков Ц.си расмий черков ақидасига зид келадиган қўлёзмаларни, бидъатчилар китобларини мутлақо тақиқлаган. Европада матбаачиликнинг ўсиши б-н Ц. тизими ҳам ривожланди. 1471 й.дан диний мазмундаги китоблар фақат черков маъмурятишинг рухсати б-н нашр этиладиган бўлди. 16-адан Ц. диний ҳокимиятдан аста-секин дунёвий ҳокимиятга ҳам ўта бошлиди: босмахоналари бўлган барча Ғарбий Европа мамлакатларида Ц. тартиби ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига мувофиқ, Ц.га йўл кўйилмайди.

## **МУНДАРИЖА**

Халқаро ташкилотлар .....	4
Халқаро муносабатларга оид тушунчалар .....	18
Сиёсий ва давлат бошқарувига оид тушунчалар .....	27
Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партия ва ҳаракатлар .....	51
Ўзбекистон Республикасидаги давлат мукофотлари .....	53
Хукукий соҳага оид тушунчалар .....	60
Маънавий-мағкуравий соҳага оид тушунчалар .....	78
Ижтимоий фаолият ва иш юритишга оид тушунчалар .....	95
Диншуносликка оид тушунчалар .....	105
Илм-фан соҳасига оид тушунчалар .....	133
Таълим соҳасига оид тушунчалар .....	147
Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид тушунчалар .....	154
Иқтисодий тушунчалар .....	158
Маданият, санъат ва адабиёт соҳасига оид тушунчалар .....	197
Саломатлик ва экология соҳасига оид тушунчалар .....	213
Спорт соҳасига оид тушунчалар .....	220
Матбуот соҳасига оид тушунчалар .....	245

*Оммабон-қомусий*

# «ЁШ РАҲБАР»


## ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТИ

2-нашр

**«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»**  
Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2018

Муҳаррир	<i>Лайло Ҳасанова</i>
Бадиий муҳаррир	<i>Баҳодир Иброҳимов</i>
Техник муҳаррир	<i>Умида Яҳшибоева</i>
Кичик муҳаррир	<i>Зилола Маҳкамова</i>
Мусахҳих	<i>Дилноза Жўраева</i>
Саҳифаловчи	<i>Сурайё Суннатуллаева</i>



Нашриёт лицензияси АІ № 160, 14.08.2009 й.

6.11.2018 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x84 <sup>1/16</sup>.  
Офсет коғози. «Times» гарнитурасида оғсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 17,44. Нашриёт-хисоб табоги 18,00.

Адади 5000. Шартнома № 79–18.

Буюртма рақами 2276.

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти,  
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси 30-үй.

«Credo Print Group» МЧЖ

Китоб фабрикасида чоп этилди

Тошкент ш., Богишамол к. 160.

[www.credoprint.uz](http://www.credoprint.uz)

- ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР
- ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- СИЁСИЙ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ВА ҲАРАКАТЛАР
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ
- ҲУҚУҚИЙ СОҲАГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- МАҲНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ СОҲАГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТ ВА ИШ ЮРИТИШГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- ДИНШУНОСЛИККА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- ИЛМ-ФАН СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- ИКТИСОДИЙ ТУШУНЧАЛАР
- МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- САЛОМАТЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- СПОРТ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР
- МАТБУОТ СОҲАСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР



«O'ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI»  
DAVLAT ILMIY NASHRIYOTI

Toshkent, 700011,  
Navoiy ko'chasi, 30 uy,  
tel.: 244-09-36,  
fax: 244-24-91.



[ume.dinash@umail.uz](mailto:ume.dinash@umail.uz)

[fb.com/ume.dinash](https://fb.com/ume.dinash)

[ume.dinash](https://ume.dinash)

[t.me/Ensiklopediya\\_DIN](https://t.me/Ensiklopediya_DIN)

16+



ISBN 978-9943-07-685-3



9 789943 076853